Рус олимаси Ю.В.Сорокинанинг «Стратегиялаш асосида олий таълим сифатини баҳолаш ва ошириш» [5] номли илмий-тадқиқот ишида олий таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш режасини ишлаб чиқишда форсайт-режалаштириш услубидан фойдаланишни таклиф этган. Қайд этиш зарурки, форсайт – режалаштириш усули экспертлар панели, Дельфи усули, SWOT таҳлил, ақлий ҳужум ва бошқа усуллар асосида келажак проекциясини ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлиб, ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб қўлланила бошланган. Мазкур услуб ижтимоий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда маълум муваффақият қозонган бўлса да, субъектив омилларнинг таъсир даражаси юқорилиги ҳисобига олий таълим муассасаларининг стратегик режалаштириш жараёнида деярли фойдаланилмайди.

Қозғистонлик олима Д.М.Бетебаева «Шимолий-Шарқий Қозғистон мисолида соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар ресурсини режалаштириш моделининг илмий асосланиши» [6] номли тадқиқот ишида стратегик режалаштириш услубиятининг норматив усулидан фойдаланиш соғлиқни сақлаш соҳасини олий даражадаги мутахассислар билан таъминлашда кузатилаётган муаммоларни бартараф этиш имкониятини кенгайтиради, – деган хулосага келган. Тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари учун белгиланган меъёрлар стратегик режада эътиборга олинishi шарт ва зарур бўлган кўрсаткичлар ҳисобланади. Аммо олий таълимни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар стратегик режалаштириш тизимини белгиланган меъёр ва мезонларни бажарилишини таъминлашга эмас, балки олий таълим олдига қўйилган стратегик мақсадларни амалга оширишга йўналтириш талаб этади.

Қайд этиш зарурки, ушбу тадқиқотларда олий таълим муассасаларида стратегик режалаштиришнинг оптимал тизимини шакллантириш муаммолари тизимли равишда тадқиқ этилмаган. Шу боисдан, олий таълим муассасаларида стратегик режалаштириш тизимининг оптимал конфигурациясини шакллантириш ва устувор вазифаларни белгилаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот объекти сифатида олий таълим муассасаларининг стратегик режалаштириш тизими олинган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада мамлакатимиз ҳамда хорижлик иқтисодчи олимларнинг олий таълим муассасаларида стратегик режалаштириш тизими ва таркибий элементлари, тизимга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар бўйича тадқиқот ишлари, олимларнинг қарашлари ҳамда билдирган фикр мулоҳазалари ўрганилган ва таҳлил этилган. Мақолани тайёрлаш жараёнида кузатиш, умумлаштириш, тизимли-мантикий таҳлил ва таққослаш усулларидан фойдаланилган.


Таҳлил ва натижалар. Стратегик режалаштириш тизимини шакллантириш ва уни амалий фаолиятга жорий этиш борасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий манбалар ва адабиётлар таҳлили ижтимоий, иқтисодий, технологик ва халқаро муносабатлар юзасидан макро ва микродаражасида қабул қилинаётган қарорларнинг узоқ муддатли, стратегик аҳамият касб этишида қуйидагиларни ҳал қилиш имкониятини берувчи инструментлар жамланмасини яратиш заруратини юзага келтирганидан далолат беради: беш ва ундан ортиқ йилларга мўлжалланган узоқ муддатли қарорларни ўзаро боғлиқ бўлган ҳамда умумий мақсаднинг амалга оширилишига йўналтирилган ўрта ва қисқа муддатли вазифалар жамланмасига трансформациялаш; ресурс ва ташкилий имкониятлар бўйича аҳамиятли харажатларни талаб этувчи режалаштирилган ҳатти-ҳаракатларни баланслаштириш (хусусан, энергетика, транспорт, хавфсизлик соҳасидаги лойиҳалар); мамлакатни ижтимоий-

иктисодий ривожлантириш мақсадларига мос ҳолда ҳудудий субъектлар фаолиятини умуммамлакат манфаатларини таъминланишига йўналтириш; бизнес субъектлари учун узоқ муддатли мўлжалларни белгилаб бериш.

Шу билан бир қаторда амалга оширилган тадқиқотлар стратегик режалаштириш тизимини юқорида қайд этилган инструментлар жамланмаси деб ҳисоблаш имкониятини беради. Айни пайтда, тадқиқот жараёнида стратегик режалаштириш тизимининг асосий мақсадлари қуйдагилардан иборат эканлиги аниқланди: ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг жорий ҳолатдан кутилаётган (ёки идеал) ҳолатга ўтишнинг оптимал йўналишини аниқлаш; режалаштирилган мақсадларга эришиш учун турли ресурсларни (молиявий, ташкилий, информацион, ходимлар ва бошқалар) жамлаш; режалаштирилган мақсадларига эришиш учун ижтимоий-иктисодий тизимнинг барча субъектлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш.

Фикримизча, юқорида келтирилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда стратегик режалаштириш тизимининг асосий функциялари қуйдагилардан иборат деб ҳисоблаш мумкин: ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг ташқи ва ички шароитлари ҳамда тенденциялари, шунингдек ижтимоий-иктисодий ривожланиш имкониятлари ва чекловларни аниқлаш; ижтимоий-иктисодий ривожлантириш мақсадлари ҳамда ижтимоий-иктисодий устувор йўналишларини аниқлаш; мақсадларга эришишда мавжуд ресурслардан максимал даражада самарали фойдаланишни таъминловчи механизм ва усулларни танлаш; тегишли соҳаларда ижтимоий-иктисодий ривожланиш мақсадларига эришишни таъминловчи тадбирлар комплексини шакллантириш; ижтимоий-иктисодий ривожланиш мақсадлари ва вазибаларига эришиш учун зарур бўлган ресурсларни аниқлаш; ижтимоий-иктисодий ривожланиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимиятининг умуммамлакат ва ҳудудий даражалари, бизнес ва жамият ҳатти-ҳаракатлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш; стратегик назоратни амалга ошириш; ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг стратегик режалаштириш тизимининг илмий-техник, информацион ва ходимлар таъминотини амалга ошириш.

Амалга оширилган тадқиқотлардан олинган натижалар асосида, фикримизча, “стратегик режалаштириш – бу белгиланган стратегик мақсадни амалга ошириш услубияти, механизмлари ва воситаларидан иборат бўлган яхлит тизим” деб ифодаланиши мақсадга мувофиқ.



1-расм. Олий таълим муассасаларида стратегик режалаштириш тизими элементлари . (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Стратегик режалаштириш тизими бўйича ишлаб чиқилган таъриф, фикримизча, олий таълим муассасаларида стратегик режалаштириш тизимининг таркибий элементларини аниқлаш ва уларнинг иқтисодий моҳияти юзасидан тегишли мулоҳазаларни билдириш имкониятини беради. **1-расмда** келтирилган олий таълим муассасалари стратегик режалаштириш тизими элементларининг иқтисодий моҳияти қуйдагича ифодаланиши мумкин: Стратегик режалаштириш миссияси (стратегик мақсад). Олий таълим муассасаларида стратегик режалаштириш тизимининг мақсади ёки миссияси реал шароит ва чекловларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасида ижтимоий-иктисодий, инновацион-технологик, ўқув ва таълим жараёнларини ривожлантиришнинг оптимал йўналишларини танлаш, шунингдек, узоқ муддатли даврда ушбу йўналишлар бўйича ҳаракатланиш воситалари, йўллари ва ресурслар жамланмасини аниқлаш ҳисобланади. Мазкур тушунча доирасида қуйдаги жиҳатларга эътибор қаратиш зарур: ўзаро боғлиқ устуворликлар тизими (яъни, улар бир-бирига қарама-қарши бўлган тахминий йўналишлар жамланмаси эмас); реал ёндашув (яъни, барча турдаги ички ва ташқи омиллар ҳамда чекловларни тизимли тарзда ҳисобга олиш); ҳаракат йўналишининг оптималлиги (яъни, кутилаётган ҳолатни реаллик деб ҳисоблаш мумкин эмас); устуворлик тизимини амалга оширишнинг баланслаштирилиши ва бунга мос тарзда уларни меҳнат, интеллектуал, табиий, моддий ва молиявий ресурслар билан таъминлаш.

Прогнозлаштириш. Стратегик режада ҳисобга олинган вақт горизонти ривожланиш моделлари, техник ва технологик воситалар, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва таълим жараёнларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган мураккаб муаммоларни ҳал этиш учун етарли бўлиши зарур. Ушбу нуктаи назардан қаралганда энг оптимал вариант 10-15 йилга мўлжалланган стратегик режа ҳисобланади. Шу пайтнинг ўзида, узоқ муддатли мақсадларга эришиш қисқа муддатли босқичларни аниқлашни тақозо этади. Демак, стратегик режалаштириш икки босқичли (яъни, узоқ ва қисқа муддатли) хусусиятга эга бўлиши керак. Айни пайтда, стратегик режалаштириш тизими худди ҳаётдек тўхтовсиз ва тўлқинсимон хусусиятга эга эканлиги эътибордан четда қолмаслиги зарур.

Режалаштириш объекти (индикаторлар). Одатда олий таълим муассасалари стратегик режаларининг объекти сифатида таълим соҳасини ривожлантириш дастурларида назарда тутилган асосий параметрлар олинади. Аммо бу ерда цивилизацион ёндашув зарур. Цивилизация тузилмасидаги барча элементларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро

хатти-ҳаракати ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, қайд этиш зарурки, олий таълим муассасаларида таълим ёки илмий-тадқиқот ишлари сифати ёки рақобатбардошлигини ошириш бош мақсад объекти сифатида ёндашилмайди, чунки у мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, аҳолининг турмуши даражаси ва сифатини, шунингдек, хавфсизлигини таъминлаш воситаси ҳолос.

Стратегик баланслар. Стратегик режалар амалий жиҳатдан бажарилиши мумкин бўлиши учун стратегик баланслар тизимига таяниши лозим. Баланслар олий таълим муассасалари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича тузилади ва сўнгра йиғма балансда жамланади. Стратегик режалаштиришнинг ҳар бир босқичи баланс ҳисоб-китоблари билан асосланади ва текшириб борилади. Стратегик режалаштириш тизими модели қутилмаган ўзгаришлар пайтида уларни юзага келиши омилларини ва қутилаётган оқибатларни ҳисоб-китоб қилиш, стратегик режа индикаторлари ва балансларини ўзгартириш имкониятини ўзида акс эттириши лозим бўлади.

Назорат ва тартибга солиш. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тизими кўплаб хусусиятларга кўра гуруҳланади – халқ ҳўжалиги комплекслари ва тармоқлар, ҳудудлар, мулкчилик шакллари бўйича, шунингдек, улар хорижий мамлакатлар ва глобал бозорлар билан кенг қамровли ва тезкор ривожланиб боровчи алоқаларга эга. Шунинг учун олий таълим муассасаларининг стратегик режаларида турли субъектлар ва иерархик даражаларда келишиш механизмини шакллантириш зарур бўлади. Манфаатларнинг мувофиқлиги стратегик режаларни тайёрлаш ҳамда уларни амалга ошириш жараёнида таъминланиши керак. Бундан ташқари стратегик режаларни ишлаб чиқишда шаффофлик тамойилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар. Олий таълим муассасаларида стратегик режалаштириш тизимини шакллантиришнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш орқали қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Олий таълим муассасаларининг стратегик режалаштириш тизимини “Олий таълим муассасасини ривожлантириш стратегиясида белгиланган мақсадларни амалга ошириш услубияти, механизмлари ва воситаларидан иборат бўлган яхлит тизим” сифатида ифодаланиши мақсадга мувофиқ. Мазкур талқиннинг қабул қилиниши олий таълим муассасаларининг стратегик режалаштириш тизимини назарий-услубий жиҳатдан мантикий яхлитликка эга бўлган тизим сифатида тадқиқ этиш имкониятини беради.

2. Юқорида келтирилган талқин асосида олий таълим муассасасининг стратегик режалаштириш тизимининг таркибий элементларига аниқлик киритиш имконияти яратилади. Фикримизча, ушбу элементлар қуйидагилардан иборат: - миссия (стратегик мақсад); - прогнозлаштириш; - стратегик индикаторлар; - стратегик баланслар; - назорат ва тартибга солиш.

3. Стратегик режалаштириш тизимининг таклиф этилган талқини ва таркибий тузилмаси мазкур йўналишда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар мазмуни ва моҳиятига аниқлик киритишга хизмат қилади.

4. Олий таълим муассасаларида стратегик режалаштириш тизимининг таклиф этилган таърифи ва таркибий элементлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илмий манбаларда келтирилган тизимдан бир қатор хусусиятлари билан фарқланади ҳамда алоҳида олинган элементларнинг моҳиятига аниқлик киритиш имкониятини беради. Хусусан, режалаштириш тизими таркибига стратегик балансларни киритилиши стратегик режанинг асосини муассаса вазибалари ва мақсадларими ёки бюджетлаштириш ташкил этиши зарурми деган саволга жавоб топиш имкониятини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сонли Фармонининг 1-иловасининг 5-қисми 1-банди. / <http://lex.uz/docs/3331174>
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (<http://xs.uz/>)
8. Смирнова О. О. Основы стратегического планирования Российской Федерации. Монография. – М.: Издательский Дом «Наука», 2013. – 302 с.
9. Друкер П.Ф. Практика менеджмента. — М.: «Вильямс», 2007. - 400 стр.
10. Сорокина Ю.В. Оценка и повышение качества услуг высшего образования на основе стратегирования (на материалах Ростовской области). Автореф. диссер. на соис. уч. степ. кандидата экон. наук по спец 08.00.05 –Симферополь, 2018.
11. Битебаева Д.М. «Научное обоснование модели планирования кадровых ресурсов здравоохранения на примере Северо-Восточного региона Казахстана». Автореф. на соис.степени доктора философии (PhD) по спец «6D110200». Семей, 2017.
12. Шестидесят седьмая сессия Генеральной Ассамблеи ООН. Пункт 136 повестки дня. Объединенная инспекционная группа. Стратегическое планирование в системе Организации Объединенных Наций. Записка Генерального секретаря.

Электрон ресурс манбалари

1. <https://documents-dds-ny.un.org/doc/> БМТ расмий веб-сайти.
2. <https://www.unjiu.org/ru/content/> БМТнинг Бирлашган Инспекция Гуруҳи расмий веб-сайти.
3. <https://president.uz/uz/lists/view/2228> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.
4. <http://xs.uz> – “Халқ сўзи” газетасининг расмий веб-сайти.

Резюме. Мақолада стратегиялық режелестіріу системасын қәлиплестіріу менен байланыслы теориялық-методикалық мәселелер хәм олардың экономикалық мазмұнын үйреніу бойынша автор тәрепинен әмелге асырылған изертлеулердің нәтижелери саўленген. Сондай ақ, мақалада жоқары билимлендіріу мәкемелериниң стратегиялық режелестіріу системасын раўажландырыу бойынша автор тәрепинен ислеп шығарылған усыныслар келтирилген.

Резюме. Мазкур мақолада стратегик режалаштириш тизимини шакллантириш билан боғлиқ назарий-услубий муаммолар ва уларнинг иқтисодий моҳиятини ўрганиш бўйича муаллиф томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари ифодаланган. Шунингдек, мақолада олий таълим муассасаларининг стратегик режалаштириш тизимини ривожлантириш юзасидан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

Резюме. В этой статье нашли свое отражение итоги научных исследований, проведенных автором по вопросам формирования системы стратегического планирования. Кроме того, приведены предложения и практические рекомендации, разработанные автором по дальнейшему развитию системы стратегического планирования в высших учебных заведениях.

Резюме. This article reflects the results of research conducted by the author on the formation of a strategic planning system. In addition, the article presents scientific proposals and practical recommendations developed by the author on the further development of the system of strategic planning in higher educational institutions.

Таянч сўзлар: стратегиялык режелестириў системасы, системаны жойбарлаў, режелестириў элементлери.

Таянч сўзлар: стратегик режалаштириш тизими, тизимни лойихалаштириш, режалаштириш элементлари.

Ключевые слова: система стратегического планирования, системное планирование, элементы планирования.

Key words: strategic planning system, strategic planning system project, elements of strategic planning system.

МАМЛАКАТИМИЗДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА АМАЛИЁТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Исаков Ж.Я.,¹ Рахматов У.Х.,² Исаков И.Ж.²

¹Тошкент молия институти

²Банк-молия академияси

Қириш. Пул массасининг паст ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш инфляция даражаси ошишини олдини олишнинг ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Республикада эса, пул массасининг ўсиш суръатлари нисбатан юқори бўлиб, инфляция даражасининг ошишига сабаб бўлаётган асосий омиллардан бири ҳисобланади. 2017 йилнинг якуни бўйича пул массасининг йиллик ўсиш суръати 40,2 фоизни ташкил этгани ҳолда, инфляция даражаси 14,4% бўлди [1]. Бу эса, ўз навбатида, пуллар таклифини тартибга солиш бўйича илғор хориж тажрибасини тадқиқ қилиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини илмий жиҳатдан асослаб бериш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи. Ф.Мишкин АҚШ Федерал захира тизими (ФЗТ) очик бозор операцияларига баҳо берар экан, ФЗТ очик бозор сиёсати доирасида, асосан. АҚШ Ҳукуматининг қимматли қоғозларини сотиши ва сотиб олишини, у манфаатлар тўқнашувидан қочиш мақсадида, хусусий компанияларнинг қимматли қоғозлари билан савдо қилмаслигини алоҳида эътироф этади [2,487]. М.Фридменнинг хулосасига кўра, Марказий банк пуллар таклифини тартибга солиш учун етарли даражадаги имкониятларга эга бўлиб, инфляция соф пул феномени бўлгани ҳолда, кўп омилли жараён эмас. Шу боисдан, пул массасини тартибга солиш йўли билан инфляцияни жиловлаш мумкин ва бу вазифани фақатгина Марказий банк бажара олади [3].

М.Фридмен пул массасининг йиллик ўсиш суръати қатъий кўрсаткич сифатида белгилаб қўйилиши ва мазкур кўрсаткичнинг бажарилишини Марказий банк томонидан назорат қилиниши шарт эканлигини илмий жиҳатдан асослаб берди. У пул массасининг йиллик ўсиш кўрсаткичини 4% даражасида белгилашни таклиф қилгани ҳолда, пул массасининг ўсиши пировард маҳсулот баҳосининг узок муддатли даврий ораликдаги барқарор ўсишига асосланиши лозим, деган хулосага келди [4]. Б. МакКаллум (5) ва К.Дауд (6) индивиднинг пулларга нисбатан қарорини алоҳида ажратиб олган ҳолда эмас, балки инсон фаровонлигининг умумий модели асосида қўриб чиқишни таклиф қилдилар. Уларнинг хулосаларига кўра, пулларни харид учун ишлатиш индивиднинг вақтини сезиларли даражада иқтисод қилинишига олиб келади. Инсоннинг оптимал ҳатти-ҳаракати, фойдалиликнинг индикувал функциясини максималлаштириш асосида, иш вақти билан бўш вақти ўртасидаги танловни англатади:

$$U = U(C, R, L) \quad (1)$$

Бу ерда: C – индивиднинг даромадига харид қилиш мумкин бўлган истеъмол товарлари ва хизматлари ҳажми;

R – бўш вақт; L – иш вақти.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан кўринадики, пуллар таклифини тартибга солиш бир вақтнинг ўзида пул массасининг ўсиш суръатини назорат қилиш ва пулларга бўлган талабни тартибга солишни тақозо этади.

Услубиёт ва таҳлиллар. Тараққий этган давлатларда ва қатор ривожланаётган мамлакатларда пуллар таклифини тартибга солишнинг такомиллашган, мослашувчан механизми шаклланган бўлиб, ушбу механизм пул массасининг ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлаш имконини бермоқда. АҚШ Федерал захира тизимининг пуллар таклифини тартибга солиш механизмида асосий, ҳал қилувчи ўринни монетар инструментлар эгаллайди. Ҳозирги даврда монетар инструментлардан иккитаси – очик бозор сиёсати ва қайта молиялаш сиёсатидан ФЗТнинг пул-кредит сиёсатида фаол фойдаланилмоқда, мажбурий захира сиёсати эса, монетар инструмент сифатида аҳамиятини йўқотган. ФЗТ очик бозор операцияларининг ҳар икки туридан пуллар таклифини тартибга солишда фойдаланади. Бунда мамлакат банк тизимидаги ликвидлиликнинг ўзгариши асос сифатида олинади¹.

АҚШ Ҳукуматининг қимматли қоғозларни йирик эмитенти эканлиги ФЗТга очик бозор операцияларини кенг қўламда амалга ошириш имконини беради. Ўз навбатида, Ҳукуматнинг қимматли қоғозларни йирик эмитенти эканлиги давлат ташқи қарзининг катта эканлиги ва давлат бюджетини дефицит билан бажарилаётганлиги натижасидир. 2017 йилнинг сентябрь ойига келиб, АҚШнинг давлат ташқи қарзи 20 трлн. доллардан ошди [7]. Бундай катта миқдордаги ташқи қарзни тўлаш эса, давлат қимматли қоғозларини катта

¹ Мамлакат банк тизимида ортиқча ликвидлилик юзага келганда ФЗТ тўғри РЕПО операциясини малга оширади. Яъни, қимматли қоғозларни тижорат банклари, уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан, сотади. Банк тизимида ликвидлилик муаммоси юзага келганда ФЗТ тескари РЕПОни қўллайди. Яъни, қимматли қоғозларни тижорат банкларидан, уларни қайтариб сотиш шарти билан, сотиб олади.


ҳажмда эмиссия қилиш заруриятини юзага келтиради. Қайд этиш жоизки, АҚШ ҳукуматининг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар мамлакат тижорат банкларининг жорий ликвидилигини таъминлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Чунки, биринчидан, АҚШ Ҳукуматининг қимматли қоғозлари юқори ликвидли қимматли қоғозлар ҳисобланади ва банкларнинг жорий ликвидилигини баҳолашда инобатга олинади; иккинчидан, мазкур қимматли қоғозлардан олинган даромадлар солиққа тортилмайди. 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, АҚШнинг йирик тижорат банкларидан бири бўлган Бэнк оф Америка (Bank of America) умумий ҳажмида Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг салмоғи 9,1 фоизни ташкил этди [8]. Бу эса, нисбатан юқори даражадаги кўрсаткич ҳисобланади.

Ўз навбатида, тижорат банкларининг балансида Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар салмоғининг юқори эканлиги ФЗТга очик бозор операцияларининг ҳар икки туридан фойдаланиш имконини беради. Хусусан, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ФЗТ томонидан очик бозор сиёсати доирасида тижорат банкларидан сотиб олинган қимматли қоғозлар миқдори 2567 млрд. долларни ташкил этди [9]. Бу эса, ФЗТ жами активларининг 57,6 фоизини ташкил этади. Мазкур далил шуни кўрсатадики, очик бозор сиёсати ФЗТ учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган монетар инструмент ҳисобланади. АҚШ ФЗТ пул-кредит сиёсатининг иккинчи асосий инструменти бўлиб, қайта молиялаш сиёсати ҳисобланади. ФЗТ қайта молиялаш сиёсати доирасида тижорат банкларига дисконт кредитлари, ломбард кредитлари ва тўғридан – тўғри бериладиган гаровсиз кредитлар беради. Ушбу кредитлар ичида асосийси бўлиб, дисконт кредитлари ҳисобланади. Ўз навбатида, дисконт кредитларининг қуйидаги уч тури мавжуд: – бирламчи дисконт кредитлари; – иккиламчи дисконт кредитлари; – мавсумий дисконт кредитлари. ФЗТ пул-кредит сиёсатини амалга оширишда бирламчи дисконт кредитлари муҳим ўрин тутди. Бирламчи дисконт кредитларини тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган, ФЗТ ўрнатган иқтисодий меъёрларнинг бузилишига йўл қўймаган тижорат банклари чекланмаган миқдорда ва доимий равишда олишлари мумкин. Шу сабабли, бирламчи дисконт кредитлари ФЗТга мамлакат банкларининг ликвидилигига ҳамда тижорат банклари депозитлари ва кредитларининг фоиз ставкаларига бевосита таъсир этиш имконини беради. Бирламчи дисконт кредитлари дисконт ставкасида берилади. 2003 йил январдан бошлаб, бирламчи дисконт кредитлари имтиёзли кредитларнинг ўрнига берила бошлади. Иккиламчи кредитлар эса, пролонгация қилинган кредитларнинг ўрнини эгаллади. Шуниси аҳамиятлики, АҚШ иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида ФЗТ дисконт ставкасини белгилашда, асосан, икки омилни – ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсиш суръатини ва инфляцияни ҳисобга олмоқда (1-расм).



1-расм. АҚШда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати, инфляциянинг йиллик даражаси ва ФЗТ дисконт ставкасининг йиллик даражаси, фоизда [10]

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, 2013-2015 йилларда АҚШ иқтисодиётининг ўсиш суръатлари ва инфляция даражаси паст бўлганлиги сабабли ФЗТнинг дисконт ставкаси ўзгаришсиз қолган. Аммо, 2016 йилда ФЗТнинг дисконт ставкаси, гарчи инфляция даражаси ўтган йилга нисбатан пасайган бўлса ҳам, 0,25 фоизли пунктга оширилди. Бу эса, АҚШдан еврохудудга капиталлар оқимининг кучайишини олдини олишнинг зарурлиги билан изоҳланади. 1-расмдан кўринадики, 2017 йилда АҚШда ЯИМнинг ўсиш суръати ва инфляция даражаси паст бўлди. Аммо, ФЗТнинг дисконт ставкаси 0,25 фоизли пунктга оширилди. АҚШ иқтисодиётининг ўсиш суръатининг паст эканлиги ФЗТни “миқдорий юмшатиш” сиёсатини амалга оширишга мажбур қилмоқда. Бироқ, бу сиёсатнинг давом эттирилиши инфляция даражасининг ошишига сабаб бўлиши мумкин. 1970 йилда ФЗТ амалиётида илк бор М1 пул агрегатининг ўсиш суръатини назорат қилишни тактик мақсад сифатида танлаш хусусида таклиф берилди. Бу эса, трансакцион депозитлар (талаб қилиб олинадиган депозитлар) билан боғлиқ бўлган пулнинг айланиш тезлигига таъсир этишнинг зарурлиги билан белгиланади. Бунинг сабаби шундаки, бу вақтда ФЗТ тижорат банкларининг трансакцион депозитларига нисбатан юқори ва табақалашган мажбурий захира ставкаларини қўллар эди.



2-расм. АҚШда М2 пул агрегатининг йиллик ўсиш суръати ва ФЗТнинг дисконт ставкаси, фоизда [11]

2-расм маълумотларидан кўринадик, 2013-2015 йилларда ФЗТ томонидан “миқдорий юмшатиш” сиёсатининг қўлланилганлиги пул массасининг ўсиш суръатларини ошишига олиб келмаган. Бу эса, биринчи навбатда, қайта молиялаш сиёсати ва очик бозор сиёсатидан фойдаланиш амалиётининг такомиллашганлиги билан белгиланади.

2-расм маълумотларига кўра, 2016 йилда ФЗТнинг дисконт ставкаси 0,25 фоизли пунктга оширилса-да, пул массасининг йиллик ўсиш суръати 1,2 фоизли пунктни ташкил этди. Бу эса, пуллар таклифининг ўсишини номинал фоиз ставкасининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаганлигини кўрсатади.

Хитойда пул массаси ўсиш суръатининг барқарорлигини таъминланганлиги ва нақд пулларга бўлган талабнинг юқори эмаслиги Хитой Халқ банки томонидан олиб борилаётган пул-кредит сиёсатининг ижобий жиҳатларидан бири ҳисобланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, Хитойда пул массасининг ўсиш суръати 2014-2017 йилларда барқарор бўлган. Бунинг устига, 2017 йилда пул массасининг ўсиш суръати 2014 йилга нисбатан 2,1 фоизли пунктга пасайган. Бу эса, пуллар таклифини тартибга солишнинг такомиллашганлигидан далолат беради.

1-жадвал. Хитойда пул массасининг йиллик ўсиш суръатлари ва нақд пулларнинг М2 пул агрегатидаги салмоғи, фоизда [12]

Кўрсаткичлар	Йиллар			
	2014	2015	2016	2017
Пул массасининг йиллик ўсиш суръати (М2 пул агрегати бўйича)	13,5	11,0	13,4	11,4
М2 пул агрегати таркибида нақд пулларнинг салмоғи	5,2	4,9	4,5	4,4

1-жадвал маълумотларига кўра, Хитойда 2014-2017 йилларда нақд пулларнинг М2 пул агрегати таркибидаги салмоғи паст ва барқарор даражада бўлган. Бунинг устига, 2017 йилда нақд пулларнинг М2 пул агрегатидаги салмоғи 2013 йилга нисбатан 0,8 фоизли пунктга пасайган. Бу эса, нақд пулларга бўлган талабнинг барқарор эканлигидан ва нақд пул айланмасини тўғри ташкил қилинганлигини кўрсатади.

Хитойда тижорат банклари кредит қуйилмаларининг барқарор ўсиш суръатларининг таъминланганлиги ва кредитли пластик карталар муомаласининг ривожланганлиги пул массасининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда ва нақд пулларнинг пул массаси таркибидаги салмоғини пасайтиришда муҳим роль ўйнаган. Хитойда миллий валютанинг номинал алмашув курсини талаб ва таклиф асосида шакллантириш механизмини жорий этилмаганлиги сабабли, пуллар таклифининг ўзгариши ва валюта курсининг даражаси ўртасидаги алоқадорлик кузатилмайди. Масалан, 2017 йилда Хитой юанининг АҚШ долларига нисбатан девальвация суръати 6,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, М2 пул агрегатининг ўсиш суръати 0,1 фоизли пунктга пасайди. Айни вақтда, Хитой Марказий банки томонидан миллий валютанинг номинал алмашув курсини паст ва барқарор даражада сақлаб турилиши ҳамда айрим даврий оралиқларда девальвация қилиниши мамлакат экспортини қўллаб-қувватлашга қаратилган (2-жадвал).

Хитойда миллий валютанинг номинал алмашув курси ва экспорт ҳажми [13]

Кўрсаткичлар	Йиллар					2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши
	2013	2014	2015	2016	2017	
Юаннинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси, юань	6,2855	6,0969	6,1190	6,4936	6,9370	10,4 ф.п.
Экспорт ҳажми, млрд. АҚШ dollari	2048,9	2210,2	2345,0	3501,1	3024,7	147,6 %

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, Хитой экспортни рағбатлантириш мақсадида миллий валютанинг номинал алмашув курсини паст даражада сақлаб турмоқда. 2013-2017 йилларда юаннинг АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси барқарор бўлгани ҳолда, 2017 йилда 2013 йилга нисбатан атиги 10,4 фоизли пунктга ошган. Юаннинг номинал алмашув курсини паст ва барқарор даражада сақлаб қилинганлиги экспорт ҳажмини ошишига кучли туртки берган.

Таклиф ва хулосалар. Фикримизча, АҚШ ФЗТнинг М2 пул агрегатининг ўсиш суръатларини назорат қилишга қаратилган монетар инструментлардан фойдаланиш тажрибасини Ўзбекистон амалиётига қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун, аввало, Ҳукумат қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва унинг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш зарур. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети профицит билан бажарилаётганлиги сабабли, 2013 йил 1 январдан бошлаб, Ҳукуматнинг қимматли қоғозларини эмиссия қилиш тўхтатилди. Натижада, Марказий банкнинг очик бозор операциялари ҳам барҳам топди.

Хукуматнинг қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва унинг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш учун, фикримизча, Хукумат қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини оширишга тўсқинлик қиладиган икки омилга, яъни миллий валютанинг юқори қадрсизланиш суръатига барҳам бериш ва инфляция даражасини пасайтириш керак. 2017 йилда Ўзбекистон Республикасида миллий валютанинг АҚШ доллариға нисбатан қадрсизланиш суръати 192 фоизни, инфляциянинг йиллик даражаси эса, 14,4 фоизни ташкил этди [14].

Хитойнинг пул массасининг ўсиш суръатлари барқарорлигини таъминлаш ва пул массасининг таркибида нақд пулларнинг салмоғини пасайтириш борасидаги тажрибасидан республикаимиз амалиётида фойдаланиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун, биринчидан, тижорат банклари кредит қўйилмаларининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш лозим; иккинчидан, кредитли пластик карталар муомаласини йўлга қўйиш ва ривожлантириш зарур.

Ҳозирги даврда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмаларининг ўсиш суръатлари барқарор эмас. 2014 йилда тижорат банкларининг кредит қўйилмаларининг йиллик ўсиш суръати 31,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 25,1 фоизни ташкил қилди [15]. Бунинг устига кредитли пластик карталар муомаласи мавжуд эмас. Республикаимизда муомалада бўлган барча пластик карталар дебетли карталар бўлиб, улар орқали амалга ошириладиган тўловлар ҳажмини фақатгина тижорат банкларининг овердрафт кредитлари орқали ошириш мумкин. Тижорат банклари эса, овердрафт кредитлари юқори рискли бўлганлигини сабабли, уларни асосан ўзларининг ходимларига бермоқдалар. Натижада, дебетли карталар воситасида амалга ошириладиган тўловлар ҳажмини банкларнинг овердрафт кредитлари орқали ошириш имконияти чекланиб қолмоқда. Кредитли пластик карталарда жорий ҳисобрақамлар очилмайди, балки кредитлаш лимити пластик карта эгасига тўғридан-тўғри жорий этилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Статистика. www.cbu.uz.
2. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М., ООО «И.Д. Вильямс», 2013. –
3. Фридмен М. Если бы деньги заговорили... Пер. с англ. – М., Дело, 1999. – С. 132-134.
4. Фридмен М. Если бы деньги заговорили... Пер. с англ. – М., Дело, 1999. – С. 139-140.
5. McCallum B.T. Alternative Monetary Policy Rules: A Comparison with Historical Settings for The United States, the United Kingdom, and Japan// Economic Quarterly of the Federal Reserve Bank of Richmond, 1/86, Winter, 2000. – P. 49-79.
6. Dowd, Kevin. The Value of time and the transactions demand for money// Journal of Money, Credit and Banking – 1990 – V.22 - №1- P. 51-64.
7. Recent Economic and Financial Development. <http://www.federalreserve.gov>.
8. Consolidated Balance Sheet. Bank of America. Annual Report 2016. <http://www.bankofamerica.com>.
9. Combined Statements of Condition. Annual Report 2016. <http://www.federalreserve.gov>.
10. Advanced Economies. International Financial Statistics, 2017. International Monetary Fund. www.imf.org.
11. United States. 2017, International Monetary Fund. International Financial Statistics Yearbook.
12. The Peoples bank of China. Annual Report 2016. www.pbc.gov.cn.
13. The Peoples bank of China. Annual Report 2016. www.pbc.gov.cn.
14. Пул-кредит сиёсати соҳасида 2017 йилнинг IV чорагида амалга оширилган ишлар. Пул-кредит сиёсати. www.cbu.uz.
15. Статистика. Банк тизими. www.cbu.uz.

Резюме. Мақалада АҚШ ҳам Қытайдың акша усынысын тәртіпке салыў бойынша тәжірийбеси үйренілген, улыўмаластырылған ҳам оннан Өзбекстан әмелиятында пайдаланыў имканиятлары тийкарлап берілген.

Резюме. Мақалада АҚШ ва Хитойнинг пуллар таклифини тартибга солиш борасидаги тажрибаси ўрганилган, умумлаштирилган ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган.

Резюме. В статье изучен и обобщён опыт США и Китая в области регулирования предложения денег и обоснованы возможности его использования в практике Узбекистана.

Summary. This article has studied and summarized the experience of the United States and China in the field of regulating the money supply and justified the possibility of its use in the practice of Uzbekistan.

Таяныш сөзлер: пул-кредит сиясаты, дисконт кредитлери, инфляция, ашық базар сиясаты.

Таянч сўзлар: пул-кредит сиёсати, дисконт кредитлари, инфляция, очик бозор сиёсати.

Ключевые слова: денежно-кредитная политика, дисконтные кредиты, инфляция, политика открытого рынка.

Key words: monetary policy, discount credits, gross domestic product, inflation, open market policy.

УДК:336.2

САЛЫҚЛАРДЫҢ КЛАССИФИКАЦИЯЛАНЫҰЫ ХӘМ ЭКОНОМИКАЛЫҚ РАҰАЖЛАНЫҰҒА ТӘСИРИ

Ситмуратов К., Кудяров К.

Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Өйдемги дәўирлерден салықлар мәмлекетти сақлап турыў ушын зәрүр болған мәжбүрий төлемлер сыпатында мәмлекет пайда болыўы менен жүзеге келген. Салықлар мәмлекет ҳәрекет етиўиниң материаллық тийкарын курап, олардың экономикалық характери усы жерде қәлипеседи. Базар экономикасының қәлипесиўи дәўиринде салықлар кәрханалардың экономикалық раўажланыўын тәртіпке салыўшы әҳмийетли механизм болып есапланады. Салықты төлеў хожалық жүритиўи субъектлер хәм пуқаралар менен мәмлекет

ортасында жаңадан жаратылған кунды бөлистириўдин тийкаргы куралы болып есапланады. Мәлим бир жәмийетти салық системасысыз көз алдымызға келтириў мүмкин емес. Себеби салықлар бюджет дәрәматларын қәлиплестириўдин тийкары болып қалмастан, бәлки өним өндириў көлемин арттырыўға, өндиристи хошаметлеўде инвестицияларды көбейтиўге, конкуренцияға шыдамлы өнимлерди көбейтиўге, киши бизнести раўажландырыўға, жеке қарханалар ашыў менен байланыслы болған базар инфраструктурасын жаратыўға, мәмлекетлик мүтәжликлерди қандырыўға хәм сол сыяқлы көплеген хызметлерди атқарады.

Базар экономикасы шараятында мәмлекет өзиниң ишки хәм сыртқы ўазыйпаларын, хәр қыйлы социаллық, экономикалық хәм сиясий ис-илажларын әмелге асырыў ушын зәрүр болған қаржылардың тийкаргы бөлегин салықлар арқалы топлайды [2]. Салықлар республика хәм жергиликли бюджетлер дәрәматларын қәлиплестиреди, мәмлекеттиң социаллық бағдарламаларын әмелге асырыў ушын финанслық негиз жаратады, салық төлеўши шахслардың исбилерменлик хызметин басқарады, олардың тәбийий ресурслардан өнимли пайдаланыўға болған умтылысын хошаметлейди, баха белгилеўге тәсир көрсетеди, халықтың турмыс дәрежесин тәртипке салып турады, жеңилликлер жәрдеминде болса халықтың кем тәмийинленген қатламларын социаллық қорғаўды шөлкемлестириўге жәрдем береді. Салық төлеўши тәрәпинен төленген салық муғдары менен ол пайдаланатуғын пул қаржылары арасында туўрыдан-туўры байланыс болмайды. Мине усы характерге көре салық бахадан (товар яки хызметлерди ықтыяры пайдаланыўы ушын төленетуғын ҳақы сыпатында), дәлалшылық жыйымларынан парқ қылады, себеби олар мәжбүрий яки ықтыяры төлемлер есапланса да, бирақ бәрқулла ҳүкимет тәрәпинен көрсетилген хызметтен қандайда бир мәп көрилиўи менен байланыслы [2, 79].

Көпшилиқ мәмлекетлердиң, соның ишинде, Өзбекстанның да ызамларында салықларды белгилеў хәм олардың көлемлерин анықлаўда тек ғана Жоқары ызам шығарыўшы ҳәкимият яки ол тәрәпинен ўәкиллик берилген органлар ҳақылы, деп бекемлеп қойылған. Өзиниң қәлеўине қарап жаңа салықлар белгилеў яки олардың көлемин анықлаўға ҳеш кимниң ҳақы жоқ. Төлемлердиң ызамлы, ашық-айдын характерге ийе болыўы салықларға баслы сыпатлама болып есапланады [3, 15]. Атап өтиў керек, ҳәзирге шекем мәмлекеттиң функцияларын орыналаў ушын зәрүр болған финанслық қаржыларды қәлиплестириўдин салықлардан басқа усылы дүнья практикасында қолланылмаған. Демек, ҳүкимран күш сыпатында мәмлекет бар екен, қаржыландырыў усылы сыпатында салықлар әмел етеди. Салық системасының өзгериўи хәм жетилистирилиўи салықлардың түрлери, муғдарлары хәм жыйнап алыў усыллары хәр түрли болғанлығы менен тийкарлап келинген. Мәселен, Шығыс мәмлекетлери экономикасы тарийхында салықлар халықтан жекке мал-мүлк, жерден алынған зүрәт, үй ҳайўанлары хәм басқалар ушын “закат” сыпатында алынған.

Салықлар әйемги дәўирлерден бастап итибарға алынған, бирақ ол ўақытларда салықлар азат хәм еркин болмаған кисиниң белгиси болып хызмет қылған. *Адам Смит* (шотланд философы хәм экономисти, 1723-1790) өзиниң “Халықлар байлығының себеплери хәм тәбиятлары” атлы китабында (1776) дәслепки мәрте салық принциптерин көрсетип берди, салықлардың әҳмийетин сәўлелендирип, оларды мәмлекетке төлеў қуллықтың емес, ал еркинликтиң белгиси екенлигин тийкарлап берди.

Н.И. Тургенев өзиниң “Салық теориясы тәжирийбеси” атлы китабында (Москва, 1818) соны атап өтеди, “Билимли болыўдың жетискенликлери олардың халықлар үрп-әдетлерине пайдалы тасир дәрежесине қарап салықлар системасының жетилисиўине де тасир еткен”, “...салықлар билимге ийе болыў менен бирге пайда болып, оның белгиси болып қалды. ...Салықлардың белгилениўи, бөлистирилиўи хәм жыйналыў усылына қарап халық арасында тарқалған мағлыўматлар ҳаққында; жыйналатуғын салықлар муғдарына қарап оның оның байлығы ҳаққында пикир жүритиў мүмкин, бул билимлик хәм руўхыйлықты аңлататуғын еки ең тийкаргы характер болып табылады”. Бул сөзлерден соң салықлар әйемги финанслық институтлар есапланып, мәмлекеттиң пайда болыўы менен жүзеге келгенлигине исеним қабыл етиў мүмкин. “Салықлар, - деп жазады *Д.Рикардо*, - ҳәкимият ықтыярына келип түсетуғын жер зүрәти хәм мәмлекет мийнетиниң бир бөлегин курайды хәм ақыбетинде олар капитал яки мәмлекет дәрәматы есабынан төленеди” [4, 360]. *С.Г.Пепеляев* “Салық – ҳәкимият субъектлериниң төлем қәбилетин тәмийинлеў мақсетинде физикалық хәм юридикалық шахслар мүлклерин шетлестириўдин мәжбүрийлик, қайтармаслық, мәмлекеттиң мәжбүрлеўи менен тәмийинленгенлик тийкарларында хәм жаза яки контрибуция характерине ийе болмаған ызамда белгиленген бирден-бир формасы болып табылады” [5, 24], деп атап өтилген. *Д.Г. Черниктиң* пикиринше “Салықлар – мәмлекет тәрәпинен хожалық субъектлери хәм пуқаралардан ызамлы тәртипте орнатылған ставкаларда өндирип алынатугын мәжбүрий жыйымларды өзінде сәўлелендиреди” [6, 19]. *Ш.Гатаулин* “...салықлар өзи не хәм олар не ушын керек”, деген сораўға төмендегише жуўап береді: «Салықлар – бул мәмлекет қәрежетлериниң тийкаргы дереги болып, экономиканы тәртипке салыўшы хәм дараматларды турақластырыўшы қурал болып есапланады [3, 18].

Айырым экономистлер салықларды миллий дәрәматты бөлистириў хәм қайта бөлистириў қуралы сыпатында түсиндириўге ҳәрекет еткен, “Салықлар – миллий дәрәматты бөлистириў хәм қайта бөлистириў процесинде оның бир бөлегин мәмлекет ықтыярына алыў формасы болып табылады” [8, 377]. *О.Олимжоновтың* пикирине көре: «Салықлар – мәмлекет хәм жәмийеттиң пул-қаржыларына болған мүтәжлигин қанаатландырыў мақсетинде ызам менен белгилеп қойылған көлемде хәм орнатылған мүддетте физикалық хәм юридикалық шахслардан мәмлекет ықтыярына мәжбүрий рәўиште өндирип алынатугын төлемлер болып табылады» [9]. Жоқарыда атап өтилген пикирлерден келип шығып, хәр бир мәмлекеттиң экономикалық жағдайына, менталитетине хәм тағы басқа критерияларды инабатқа алған ҳалда салықлар

дүзилисине, өндирилиўине қарап топарларға бөлинеди. Мәселен, республикамызда салықлар төмендегише классификацияланады.

Өзбекстанда улыўма мәмлекетлик салықлар қурамы. 1-кесте.

УЛЫЎМА МӘМЛЕКЕТЛИК САЛЫҚЛАР					
Юридикалық тәрептерден пайда салығы	Қосымша кун Салығы	Акциз салығы	Физикалық тәрептерден дәрамаат салығы	Жер асты қазылма байлықтарынан пайдаланғанлығы ушын салық	Суў ресурсларынан пайдаланғанлығы ушын салық

Мәмлекетимиз салық системасында салықлар республика бюджетине хәм жергиликли бюджетке өндирилиўине қарап бөлинер екен биз жоқарыда 1-кестеде улыўма мәмлекетлик салықларды сәўлелендирген болсақ, энди жергиликли салықлардың классификацияланыўын келтирип өтсек.

Өзбекстанда жергиликли салықлар қурамы. 2-кесте.

ЖЕРГИЛИКЛИ САЛЫҚЛАР				
Юридикалық тәрептерден мал-мүлк салығы	Физикалық тәрептерден мал-мүлк салығы	Юридикалық тәрептерден жер салығы	Физикалық тәрептерден жер алығы	Физикалық тәрептерден транспорт қураллары ушын бензин, дизель хәм газден пайдаланғаны ушын салық

Әлбетте биз салық төлеўшилерди салыққа тартыўда салық жүгин инабатқа алыўымыз зәрүр есапланады. Себеби салық жүги қанша аўыр болса, бул салық төлеўшиге бир қанша қолайсызлықлар туўдырады хәм салықлардың ўақтында бюджетке түсиўинде тосқынлықлар жаратады. Соның ушын да салықлардың әдиллик принципи, салықлардың өз ўақтында өндирилиўинде зәрүр орынға ийе. Сондай-ақ, салық преференциялары хәм жеңилликлер түрли тараўлар бойынша берилиўи хәм регрессив салық ставкаларының қолланылыўы да салықлардың бюджетке төлениўинде хәм бюджет дәрамаатларының артыўында үлкен әхмийетке ийе. Бул бойынша белгили алымлардың пикирлерине нәзер салсақ мақсетке муўапық болады деп есаплаймыз. Американың Калифорния университети профессоры Артур Леффер XX әсирдің 70-80-жылларында салық түсимин салық ставкасы менен байланыслылығын анықлаған, салық теориясы бойынша жетик алым. Бул байланыс нәтийжеси салық ставкасы 50 % ке шекем болғанда салық түсиминиң артыўын, 50% тен жоқары болғанда болса салық түсими мәмлекет бюджетине түсими кемейиўин анықлаған. Алымлар арасында бул байланыс Артур Леффер аты менен аталады. Демек, хәр қандай салық ставкасының 50% тен артық бөлеги жасырын дәрамааттың көбейиўине алып келер екен. Артур Леффер пайдадан алынатуғын салық ставкасының 50% тен артып кетиўи салық түсиминиң кемейиўине алып келиўи нызамлылығын жаратқан. Бул нызамлылық байланыс теориясы есапланып, оған көре салық ставкасының асырылыўы менен бюджетке түсетуғын пул қаржылары артады, ал екінши тәрептен өндиристи хошаметлеў пәсейеди. Бул салық түсиминиң артыўы, өз нәўбетинде салық объектін кемейтеди.

Салық теориясының тийкарын салыўшылардан бири, инглис экономисти, кейншиликтиң тийкарын салыўшы Кейнс Жон Мейнард (1883-1946) экономикадағы 1929-1933-жыллардағы үлкен кризисті анализ етип, жамийет өндирис процесиниң үзликсизлигин тәмийинлеў мақсетинде мәмлекеттиң капиталистлик экономиканы басқарыўға тийкарланған өз теориясын жаратты. Миллий дәрамаат, капитал қаржы, жұмыс пенен бәнтлик, тутыныў, топлаў хәм басқа да экономикалық кунның анализине үлкен итибар берди. Салыққа тартыўдың Адам Смит ислеп шыққан принципери – сиясий экономика пәниниң тийкаршыларынан бири болған А.Смит 1886 жылы “Миллет байлығы” шығармасында салыққа тартыўдың 4 принципін сәўлелендирип берди: теңлик принципи – барлық салық төлеўшилер салықларды өзлери алатуғын дәрамаатларға қарап төлеўин көзде тутады; салыққа тартыўдың кем шығымлылығы, яғный салықты есаплаў хәм өндириў қәрежетлери жыйылатуғын салық муғдарына салыстырмалы кем болыўы зәрүрлиги; салыққа тартыўдың анықлығы – салық түри, төлеў мүддети хәм муғдарының хәр бир салық төлеўшиге түсиникли болыўы; салыққа тартыўдың қолайлылығы. Сондай-ақ қарханалар финанслық ресурсларды қәлиплестириўде салық механизминен пайдаланыў үлкен әхмийетке ийе. Бир ғана қарханалар пайдасынан алынатуғын салықты алып қарасақ усы салық усы ўақытта оған сай келетуғын бир қанша абзаллықларға ийе болып қалды хәм ол төмендегилерден ибарат: 1). Қарханалар пайдасынан алынатуғын салыққа салыстырмлы түрде салық төлемеслик имканиятларының кемейиўи; 2). Алынатуғын пайда суммасын кемейтип көрсетиў есабынан салық суммаларын кемейтип төлеў имканиятларының сапластырылмағанлығы; 3). Бул салық мәлим дәрежеде, көп мийнет талап ететуғын өндиристи ақсатып, мийнет өнимдарлығын арттырыўға хәм хызметкерлер санын қысқарттырыўға хошаметлеўи; 4). Салық жәрдемінде ис ҳақының асыўын хәм пулдың қәдирсизлениўиниң алдын алыў имканиятының бар екенлиги.

Биз мәлим дәрежеде салық механизмин туўры жолға сала алсақ әлбетте, бул абадан турмысымыз гиреўи есапланады. Демек, финанслық ресурсларды қәлиплестириўде салықлардың роли хәм улыўма салықлардың экономикадағы орны ҳаққында алымларымыздың пикирлерине нәзер салсақ. Салықлар ҳаққында биринши китапшалардан бири болған «Ўзбекистон солиқлари» деп аталған китапшада доц. Қ.А.Яхёев төмендеги пикирлерди билдиреди. “Салықлардың белгилерин ажырата билиў олардың әхмийетин үйрениўди айдынластырады. Бизиң пикиримизше, салықлардың төмендеги белгилерин айтып өтсек болады:”

1) Салықлар тек ғана “орталық қазанға” бюджетке түседі. Басқа фондларға түспейди. Демек, хәзирше бизиң салықларымыз мәлим мақсетли етип ислеп шығылмаған... 2). Салықлар тек ғана мәмлекеттики. Олардан

хеш бир шөлкем, басқа фондлар өз қалейинше пайдалана алмайды. Салық түсімлері тек ғана орайласқан фондқа түсіп, сол жерден қаражат етиледі” [10, 8].

Биз жоқарыдағы пикирлерди улыўмаластырып, олардың өз-ара кесилисүй топқаларын есапқа алып хәм әмелиятқа таянған ҳалда төмендегилерди салықларға тән белгилер деп есаплаймыз:

1) Салықлардың тийқарғы белгилери мәмлекеттиң бар екенлиги менен байланыслы. Себеби, егерде тарийхқа нәзер салсақ, салықлар мәмлекеттиң пайда болыўы менен өз-өзинен жүзеге келеди хәм оған тән болған ўазыйпаларды орынлайды. 2) Салықлардың екнши белгиси салықлардың биринши белгисинен келип шығып, салықлардың мәмлекет тәрәпинен ңызам тийқарында, хәмде салықларға тән болған принциплерге тийқарланып мәжбүрий тәрнзде өндирилиўи болып табылады; 3) Салықлардың тийқарғы және бир характерлеринен бири бул олардың универсаллығы, яғный олардың ҳәр бир системаға өз-өзинен масласып, мәмлекеттиң экономикалық сясатына қәлиплескен ҳалда масласып кетеберийи болып табылады; 4) Салықлардың тийқарғы белгилеринен және бири бул салықлардың пүтқил мәмлекет көлеминде бирден-бир екенлиги, бир түрде тәртипке салыныўы болып табылады.

Соны да есте сақлаўымыз зәрүр себеби ҳәр бир тараў бул илимге сүйенип раўажланса, әлбетте, үлкен жетискенликлерге ерисиўимиз анық. Тәбийий ресурслардың шекленгенлиги хәм оннан барлық мүтәжликлеримизди қанаатландырыўымыз зәрүр екенлиги бизге мәлим. Демек, солай екен, қархана финанслық ресурсларынан да рационал пайдаланыў зәрүр есапланады. Қархана финанслық ресурсларынан рационал пайдаланыў тек ғана қархана экономикасының турақлы раўажланыўына емес, бәлки сол себептен мәмлекет экономикасының турақлы раўажланыўының тийқары болып хызмет етеди. Хәзирги күнде қархана финанслық ресурсларынан нәтийжели пайдаланыў хәм соның нәтийжесинде хожалық жүритиўши субъектлердин инвестициялық активлигин арттырыў бойынша кең көлемли ислер әмелге асырылмақта. Усы орында соны атап өтиў зәрүр, бул тема бойынша төмендегнше усыныслар билдириў мүмкин, белгили болғанындай, хәзирги ўақытта салық жеңилликлери хәм преференциялары тийқарында салықлардың хошаметлеўши функциясы артып, бул өз нәўбетинде экономикамыздың раўажланыўында тәсирин көрсетпекте. Бириншиден, салық тараўындағы жеңиллик хәм преференциялар аймақлар хәм тараўлар бойынша анализленип, экономикадағы үлеси кемирек болған тараўларға преференциялар берилсе, мәлим дәрежеде есте раўажланып атырған тараўлардың раўажланыўына унамлы тәсир көрсетер еди. Екншиден, ҳәр бир аймақтың хәм тараўдың раўажланыўы илимге сүйенип үйренип шығылса мақсетке муўапық болар еди. Бул болса экспортқа ылайық өним ислеп шығарыўши қарханалардың инвестициялық активлигиниң артыўына алып келер еди.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Ваҳобов, А. Жўраев. А Солиқлар ва солиққа тортиш. –Тошкент, 2009.
2. Тошматов. Ш. А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. –Тошкент, 2008.
3. Гатаулин. Ш. Қ. Солиқлар ва солиққа тортиш. –Тошкент, 1996.
4. Рикардо Д. Сочинения т. I. Начало политической экономики и налогового обложения. Пер. с англ. – М.: «Госполитиздат».
5. Пепеляев С. Г. Основы налогового права. –М.: 1995.
6. Черник Д. Г. Налоги в рыночной экономике. –М.: «Финансы», 1992, №3 с. 19.
7. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. –Тошкент, “Меҳнат”, 1995.
8. Олимжонов. О. Бозор иқтисодиётга ўтиш даврида солиқ сиёсати. // «Хаёт ва иқтисод», 1992.
9. Ташмуратов Т. Солиқ назарияси ва тизими. –Тошкент, 2004.
10. Яхёев Қ. А. Ўзбекистон солиқлари. –Тошкент, Тошкент молия институти, 1993.

Резюме. Мақалада салықлардың экономикадағы хәм бюджеттиң дәрәматлар бөлегин қәлиплестириўдеги роли, сондай-ақ, салық тараўында әмелге асырылып атырған реформалар сөз етилген.

Резюме. Мақалада солиқларнинг иқтисодиётдаги ва бюджетнинг даромадлар қисмини шакллантиришдаги роли, шунингдек солиқ соҳасида амалга оширилаётган ислотлар ёритилган.

Резюме. В данной статье рассматривается экономическое значение налогов и его роль в формировании доходной части бюджета, а также ход реформ в этой отрасли.

Summary. This article examines the economic importance of taxes and its role in shaping the revenue side of the budget, as well as the progress of reforms in this industry.

Таяныш сөзлер: салық, бюджет, экономика, экспорт, базар, импорт.

Таяныч сўзлар: солиқ, бюджет, иқтисодиёт, экспорт, бозор, импорт.

Ключевые слова: налог, бюджет, экономика, экспорт, рынок, импорт.

Key words. tax, budget, economy, export, market, import.

УДК: 334+338.2:004.9


ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ КЕНГАЙТИРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ

Арипов О.А.

Наманган давлат университети

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг қулайлашувиға тобора бoғлиқ бўлиб бормoқда. Аниқроғи, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш учун давлат томонидан қанчалик тартибга солиб, шарт-шароитлар яратиб борилса, шунчалик кичик бизнес субъектларининг фаоллиги ошиб бормoқда. Шу билан бирга, эътироф этиш керакки, иқтисодиёти


барқарорлашиб борган ҳар бир мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг тобора ривожланишига рақамли иқтисодиётнинг таъсир кўлами сезиларлироқ бўлиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида глобал ривожланаётган иқтисодий муносабатларда виртуал муҳит тушунчасининг юзага келганлигини ва бу муҳит ҳам иқтисодиётнинг ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Фикримизча, ишбилармонлик муҳитининг ривожланишига таъсир кўрсатаётган рақамли иқтисодиёт туфайли виртуал муҳит ташкил топмоқда. Бошқача қилиб айтганда, рақамли иқтисодиёт тушунчаси бизнинг ҳаётимизда тобора оммалашиб, виртуал муҳит орқали ишбилармонлик муҳитини қулайлаштиришдаги аҳамияти ортмоқда (1-расм).



1-расм. Ишбилармонлик муҳитига рақамли иқтисодиётнинг таъсири туфайли виртуал муҳитнинг пайдо бўлиши.

4. <http://www.ulh.ac.uk/fbm.ects/info.htm>; Questions and answers on the ECTS extension

Резюме. Мақала билимлендириш сапасын арттиришда кредит системасын енгизиш абзаллыкларына бағышланып, таълим беришда кредит системасының өзгешеликлери үйренилген ҳам сырт ел тажрыйбелери салыстырмалы анализленген.

Резюме. Мақола таълим сифатини оширишда кредит тизимини қўллаш афзалликларига бағишланган бўлиб таълимда кредит тизимининг хусусиятлари ўрганилган ва хорижий тажрибалар қиссий таҳлил қилинган.

Резюме. Статья посвящена рассмотрению преимуществ применения кредитной системы для повышения качества образования и изучены особенности кредитной системы в образовании и сделан сравнительный анализ зарубежных опытов.

Summary. The article is devoted to the advantages of using the credit system to improve the quality of education and studied the features of the credit system in education and made a comparative analysis of foreign experience.

Таяныш сөзлөр: ECTS, USCS, UMAP, CATS, Болонья процесси.

Таянч сўзлар: ECTS, USCS, UMAP, CATS, Болонья жараёни.

Ключевые слова: ECTS, USCS, UMAP, CATS, процесс Болонья.

Key words: ECTS, USCS, UMAP, CATS, process of Bolonium.

ТАЛАБАЛАРДА МАХСУС САКРАШ МАШҚЛАРИ АСОСИДА ТЕЗКОРЛИК-КУЧ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Утегенов Ж. Ж.

Қорақалтоқ давлат университети

Талаба-ёшларни тайёрлаш жараёнининг асосий муаммоларидан бири жисмоний тайёргарлик даражасининг ўсишига хизмат қилувчи жисмоний сифатларни ривожлантириш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ноқулай Орол бўйи минтақаларида яшовчи талаба-ёшлар жисмоний тайёргарлиги методикасини мукаммаллаштириш жудаям долзарб муаммолардан биридир. Маълумки, турли ёш давларида ҳаракатчанлик кўникма ва малакаларини шаклланиши ҳамда талабаларнинг жисмоний сифатлари ривожланиши даражасини ошириш учун қулай шароитлар вужудга келади. Ушбу ҳолат билан боғлиқ бўлган жисмоний сифатларнинг интенсив ривожланишига ҳамда жисмоний тайёргарлик даражасининг ўсишига йўналтирилган илмий изланиш ва янги дастур ҳамда методларни ишлаб чиқиш долзарблик касб этади.

1 Жисмоний маданият билан тизимли равишда шуғулланиб бориш ақлий ва жисмоний юкламалар ўртасидаги оптимал нисбатларни мувофиқлаштиради, талабалар саломатлиги мустаҳкамланишига, уларнинг ҳаракатчанлик фаоллигининг, жисмоний тайёргарлик даражасининг, назорат меъёрларини муваффақиятли топширишига ҳамда спорт мусобақаларида иштирок этиш самарадорлигини оширишига олиб келади. Жисмоний тарбия жараёнида жисмоний маданиятнинг асосланган восита ва методларини қўллаш асосий ҳаракатчанлик сифатлари ва кўникмаларини шакллантиришда кўпроқ фойдали бўлиши мумкин, шунингдек, барча физиологик тизимларнинг босим остидаги фаолиятини талаб қилувчи жисмоний юкламалар унумдорлигини оширади [1, 215; 3, 544; 5, 583;]. Олий таълим муассасасида талабалар ўқиш жараёнида жисмоний тарбия машғулотларида дастур асосида қуйидаги назорат меъёрлари ва машқларини амалга оширадilar, булар жойидан туриб ва югуриб келиб узунликка сакраш, баландликка сакраш, йўғон арқон бўйлаб баландга кўтарилиш, теннис коптоғини нишонга ва узокга отиш, 30 м; 60 м; 100 метрга югуриш ва бошқаларни амалга оширишда жисмоний сифатлар ривожланишининг оптимал даражаси жудаям зарур бўлади. Ушбу жараёнда куч-тезлик тайёргарлиги муҳим ўрин тутаяди, яъни ўқув йили мобайнида талабалар куч-тезкорлик хусусиятидаги машқларни бажарадилар [2, 192; 3, 544; 4, 352 ;]. Масалан, енгил атлетика бўйича машқларни бажаришда яхшигина куч-тезкорлик тайёргарлигини талаб қилади, куч-тезкорлик хусусиятидаги машқлар гимнастика ва акробатик машқларда ҳамда очик ҳавода ўтказиладиган спорт ўйинларида ҳам учрайди.

Талабаларнинг махсус сакраш машқлари орқали куч-тезкорлик лаёқатларининг ривожланиш таъсирини ўрганиш. Бизнинг экспериментимиз мобайнида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсад қилиб қўйилган эди: 1. талабаларда куч-тезкорлик кўрсаткичлари динамикасини аниқлаш;

2. шуғулланувчиларнинг куч-тезкорлик тайёргарлигига махсус машқлар комплекси таъсирини ўрганиш. Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги тадқиқот методлари қўлланилди: педагогик кузатув, педагогик эксперимент, педагогик тест. Биз талабалар куч-тезкорлик имкониятлари турли параметрларини аниқлаш мақсадида универсал динамографик стендни (УДС) қўлладик. Унинг асосида қуйидагилар аниқланди: Ро-мускуллар изометрик босимининг максимал қўлаи (катталиги-ҳажми); Fmax-динамик режимдаги мускуллар кучининг максимал аҳамияти; Q-мускуллар бошланғич кучини характерловчи коэффициент; G-мускуллар кучи тезлашувини характерловчи коэффициент; J-спортчининг портловчи кучларини намоён қилувчи лаёқатини характерловчи коэффициент.

Тадқиқот натижалари. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра биз назорат гуруҳидаги талабаларда ўрта қийматдаги юқори кўрсаткичларни (J и G) икки кўрсаткичда кўзатган бўлсак-да, ёшлардан иборат малакали гуруҳда ўтказилган педагогик эксперимент бошида ўрганилаётган кўрсаткичлар бўйича ($P>0,05$) аҳамиятли статистик фарқлар кўзатилмаганлиги аниқланди. Эксперимент гуруҳи орасидаги талабалардан Ро - $144,5\pm4,5$; Fmax - $126,6\pm4,2$; J - $170,6\pm48,9$; Q - $227\pm84,05$; G - $139,5\pm41,4$, ҳамда назорат гуруҳидаги ўсмирлардан Ро - $144,2\pm4,9$; Fmax - $127,2\pm4,91$; J - $188,2\pm59,1$; Q - $224,2\pm82,2$; G - $165\pm51,5$, олинган маълумотлар педагогик эксперимент бошида малакали гуруҳларга бир хил жисмоний тайёргарлик даражасига эга бўлган ўсмирлар танлаб олинганлигини исботлади. Биз малакали гуруҳ қизлари орасида ўтказилган педагогик экспериментнинг бошланғич босқичида олинган натижаларни Ро - $102,3\pm3,46$; Fmax - $85,9\pm3,85$; J - $162,9\pm39,82$; Q - $222,6\pm54,53$; G - $132,5\pm30,92$ таққослаш асосида эксперимент гуруҳидаги кўрсаткичлар билан назорат гуруҳида олинган маълумотлар Ро - $103,3\pm3,3$; Fmax - $87,1\pm2,47$; J - $187,2\pm51,1$; Q - $245,6\pm70,5$; G - $155,2\pm50,2$ аниқ статистик фарқларга $P>0,05$ эга эмаслигини кўзатдик.

Муҳокама. Эксперимент гуруҳларда ўрганилаётган кўрсаткичлар бўйича қиёсий статистик таҳлил қуйидаги аҳамиятли маълумотларни кўрсатди. Эксперимент гуруҳидаги ўсмирларда эксперимент давомида ўрганилаётган кўрсаткичлар бўйича аҳамиятли бўлган ўсиш кўрсаткичлари Ро – $144,5\pm4,5$; $148,5\pm4,5$; Fmax - $126,6\pm4,2$; $128,7\pm4,24$; J - $170,6\pm48,9$; $217\pm56,2$; Q - $227\pm84,05$; $286,1\pm84,1$; G - $139,5\pm41,4$; $179,6\pm51,6$ аниқланди. Аниқ фарқлар Ро, J и G кўрсаткичларида $P<0,05$ аҳамиятлилиқ даражасида кўзатилади.

Биз томондан педагогик экспериментнинг тугаши арафасида малакали гуруҳларда куч-тезкорлик тайёргарлиги кўрсаткичлари бўйича қиёсий таҳлил ўтказилди. Малакали гуруҳлардаги ўсмирлар орасида ўтказилган эксперимент натижалари асосида қуйидаги: Ро – $148,5\pm4,5$; $144,7\pm4,55$; ($P<0,05$ аҳамиятлилиқ даражасида); Q - $286,1\pm84,1$; $243,8\pm44,7$; ($P<0,05$ аҳамиятлилиқ даражасида) аниқ статистик фарқларни аниқладик. Бундай Fmax - $128,7\pm4,24$; $128\pm5,01$; ($P>0,05$ аҳамиятлилиқ даражасида) J - $217\pm56,2$; $202,2\pm36$;

($P > 0,05$ аҳамиятлилик даражасида); $G - 179,6 \pm 51,6$; $174,4 \pm 36$ ($P > 0,05$ аҳамиятлилик даражасида) кўрсаткичларда аниқ-аҳамиятли статистик фарқлар аниқланмади.

Шундай қилиб, бешта кўрсаткичлардан учтасида, яъни 60% ташкил қилувчи кўрсаткичларда ўзгаришлар мавжуд. Эксперимент гуруҳидаги қизлар орасида педагогик экспериментнинг тугаши билан қуйидаги ўзгаришлар $P_0 - 82,3 \pm 3,46$; $88 \pm 3,36$; $F_{\max} - 105,9 \pm 3,85$; $108,2 \pm 4,14$; $J - 162,9 \pm 39,82$; $206,1 \pm 49,4$; $Q - 222,6 \pm 54,53$; $305 \pm 72,05$; $G - 132,5 \pm 30,92$; $161 \pm 36,1$ кўзатилади.

Бундай қиёслашларни педагогик экспериментнинг охирида малакали гуруҳ қизлари орасида (эксперимент ва назорат гуруҳлари) ўтказдик ва қуйидаги ўзгаришларни аниқладик: $P_0 - 148 \pm 3,36$; $144 \pm 3,46$; ($P < 0,01$ аҳамиятлилик даражасида); $J - 206,1 \pm 49,4$; $185,8 \pm 37$; ($P < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида); $Q - 305 \pm 72,05$; $239,4 \pm 59,9$; ($P < 0,01$ аҳамиятлилик даражасида); $G - 132,5 \pm 30,92$; $161 \pm 36,1$ ($P < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида), фақатгина $F_{\max} - 128,2 \pm 4,14$; $128 \pm 2,47$ кўрсаткичи доирасида ишончли-аниқ статистик кўрсаткичлар ($P < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида) аниқланмади.

Барча кўрсаткичлар бўйича баъзи ўзгаришлар рўй берди, аниқ-ишончли ўзгаришлар эса бешта кўрсаткичдан тўрттасида кўзатилди, бу эса 80% ташкил қилди, бунда P_0 ва Q кўрсаткичлари юқори аниқ статистик фарқларга $P < 0,01$ аҳамиятлилик даражасида эга бўлди ҳамда J ва G кўрсаткичларида аниқ статистик фарқлар $P < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида кўзатилди. Ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини текшириш учун одатда педагогик экспериментни назорат гуруҳларида олинган натижаларни эксперимент гуруҳларида олинган натижалар билан қиёслаш мумкин бўлган ҳолатда ташкиллаштирилади. Биз ушбу педагогик экспериментда бир вақтда эксперимент ва назорат гуруҳи талабаларини кўзатиб бордик. Педагогик эксперимент мобайнида назорат гуруҳидаги ўқув машғулоти тасдиқланган йиллик режа асосида олиб борилди. Назорат гуруҳи ўқувларида ўрганилаётган кўрсаткичлар бўйича статистик қиёсий таҳлил қуйидагиларни аниқлади: $P_0 - 144,2 \pm 4,9$; $144,7 \pm 4,55$; $F_{\max} - 127,2 \pm 4,91$; $128 \pm 5,01$; $J - 188,2 \pm 59,1$; $202,2 \pm 36$; $Q - 224,2 \pm 82,2$; $243,8 \pm 44,7$; $G - 165 \pm 51,5$; $174,4 \pm 36$, натижалар яхши томонга ўзгарганлигига қарамадан барча кўрсаткичлар бўйича $P > 0,05$ аниқ статистик фарқлар аниқланмади.

Педагогик эксперимент охирида назорат гуруҳидаги қизлардан олинган натижаларни қиёслаш натижасида олинган кўрсаткичларда қуйидаги ўзгаришлар кўзатилди: $P_0 - 143,3 \pm 3,3$; $144 \pm 3,46$; $F_{\max} - 127,1 \pm 2,47$; $128 \pm 2,47$; $P > 0,05$ аҳамиятлилик даражасида, $J - 187,2 \pm 51,1$; $185,8 \pm 37$; $Q - 245,6 \pm 70,5$; $239,4 \pm 59,9$; $G - 155,2 \pm 50,2$; $153 \pm 29,2$ кўрсаткичлари бўйича эса натижаларнинг пасайиши кўзатилди. Бизнинг назорат гуруҳида олиб борган педагогик кўзатувларимиз талабаларнинг куч-тезкорлик имконияти кўрсаткичларини характерловчи алоҳида кўрсаткичлар яхшиланди, бироқ ($P > 0,05$) аҳамиятли статистик фарқларни қизларда ва ўспиринларда ҳам кўзатмадик. Шундай қилиб, ўтказилган статистик таҳлил педагогик эксперимент маълумотлари асосида олинган натижалар биз томондан ишлаб чиқилган, “чуқурликка сакраш” ижтимоий танлаб олинган машқларни қўллаш орқали куч-тезкорлик сифатларини ривожлантирувчи методиканинг афзаллигини кўрсатди. Биз томондан ишлаб чиқилган портловчи-кучни ривожлантирувчи, куч-тезкорлик сифатларини тарбияловчи методика эксперимент гуруҳидаги талабаларда жисмоний маданият бўйича анъанавий тарзда олиб бориладиган ўқув машғулоти тизимига нисбатан анча устун эканлигини аниқлаб берди. Тадқиқот натижалари асосий ўқув дастурини махсус жисмоний машқлар билан тўлдириш зарур эканлигини кўрсатди, масалан чуқурликка сакраш жисмоний тарбия жараёнини самарадорлигини ошишига ҳамда талабалар куч-тезкорлик бўйича тайёргарлиги даражасини ошишига хизмат қилувчи самарали восита ҳисобланади.

Хулосалар:

1. Ўтказилган тадқиқот талабалар куч-тезкорлик кўрсаткичлари динамикасини аниқлаш имконини берди. Шу тарика, эксперимент мобайнида ўрганилаётган кўрсаткичларнинг аҳамиятли ўсиши аниқланди. Ўспиринларда аниқ-ишончли статистик фарқлар P_0 , J ва G кўрсаткичларида $P < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида кўзатилади, улар 60% ташкил қилади, қизларда қуйидаги ўзгаришларни, яъни P_0 ва Q кўрсаткичларида $P < 0,01$ аҳамиятлилик даражасида, J ва G ларда эса $P < 0,05$ аҳамиятлилик даражасидаги кўрсаткичлар аниқланди, улар 80% ташкил қилди.

2. Тадқиқот натижалари асосий ўқув дастури билан қўшимча жисмоний машқларни уйғунлаштириш масалан, “чуқурликка сакраш” – жисмоний тарбия жараёни самарадорлигини ошишига хизмат қилишини ва талабалар куч-тезкорлик тайёргарлиги даражасининг ўсишига хизмат қилувчи амалий восита эканлигини кўрсатди.

3. Назорат гуруҳидаги эксперимент мобайнида ўрганилаётган кўрсаткичларнинг унча катта бўлмаган, аҳамиятсиз ўсиши аниқланди. Аҳамиятли статистик фарқлар ўспирин ва қизларда P_0 , $F_{\max}$, J , Q ва G кўрсаткичларида кўзатилмади.

АДАБИЁТЛАР

1. Верхожанский Ю.В. Основы специальной силовой подготовки в спорте. – 2-е изд., перераб. и доп. –М.; ФиС, 1977.
2. Годик М.А. Спортивная метрология: учебник для институтов физической культуры. –М.; ФиС, 1988.
3. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры: Учебник для ИФК –М.; ФиС, 1991.
4. Основы теории и методики физической культуры. /Под ред. А.А.Гужаловского –М.; ФиС, 1986.
5. Платонов В.Н. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. –Киев: Олимпийская литература. 1997.

Резюме. Мақалада студентларнинг физикалық тарбия шынлиқларида тезлик кўш сапасын раўажландырушы арнаўлы заманагөй усуллар көрип шығылған. Автор тезлик кўш сапасын изертлеў ушын студентлардың тезлик күшинен, әсиресе, тестлер хәм де инструмент техникасынан пайдаланған. Сондай-ақ, жумыста мускуллар «жарылыў» күшин асырыўшы кўш тезлиги шынлиқлары анализленген.

Резюме. Мақолада талабаларнинг жисмоний тарбия машғулотида тезкорлик куч сифатини ривожлантирувчи махсус замонвий усуллар кўриб чиқилган. Муаллиф тезкорлик куч сифатини тадқиқ этиш учун талабалар тезкорлик кучидан, айниқса тестлар ҳамда инструмент техникасидан фойдаланган. Шунингдек, тадқиқотда мускуллар "портловчи" кучини оширувчи куч тезкорлиги машқлари таҳлил қилинган.

Резюме. В статье рассматриваются специальные методы физической подготовки воспитания, которые повысят силы скорости студентов. Автор использовал для исследования качеств силы скорости студентов тесты, а также технику инструмента (UDS). В работе проанализированы упражнения для повышения силы скорости, поднимающие "взрывную" силу мускулов.

Summary. The article discusses special methods of physical education, which will increase the strength of students' speed. The author used to study the qualities of the strength of students' speed, especially tests, and also the tool technique (UDS). The work uses exercises to increase the power of speed, raising the "explosive" power of muscles.

Таянч сўзлар: жарылыушы күш, физикалык мәданият, студентлер, мускул, тезлик күш сапасы.

Таянч сўзлар: портловчи куч, жисмоний маданият, талабалар, мушак, тезкорлик куч сифати.

Ключевые слова: взрывная сила, физическая культура, студенты, мускул, качества силы скорости.

Key words: explosive force, physical culture, students, muscle, speed-force qualities.

УДК: 796.011.3

МЕТОДИЧЕСКИЕ РЕКОМЕНДАЦИИ ПО ПРОВЕДЕНИЮ ДОУЧЕБНОЙ ГИМНАСТИКИ СТУДЕНТАМИ-ПРАКТИКАНТАМИ ДЛЯ УЧЕНИКОВ СТАРШИХ КЛАССОВ

Тойлибаев С. М.

Нукусский государственный педагогический институт

Наши дети, наше юное поколение является бесценным капиталом всего человечества, который имеет неограниченные возможности для проявления своих способностей, для творческой и созидательной самореализации. О всестороннем духовном и физическом развитии юного поколения детей, о росте их культурных ценностей, об укреплении показателей их здоровья неустанно заботится любая нация, желающая гармоничного развития своих потомков. Затронув тему всестороннего развития личности учащихся общеобразовательных школ, в том числе и роль здоровья тела и духа вытекает и сама цель физической культуры в целом, а именно приобретение учениками жизненно необходимых физических и морально-волевых качеств, таких как бодрости тела, выносливости, силы, ловкости, гибкости, быстроты, энергичности, жизнерадостности и жизнелюбия. Следует дополнить мысль, что в данном материале речь идёт не о процессе урока физической культуры, речь идёт о внеклассной, либо внеурочной формы работы с детьми.

Студентам-практикантам по курсу физиологии известно, что гимнастика благотворно влияет на организм человека, особенно на организм юного возраста. Двигательный аппарат (кости, их сочленение, мышцы) работают в организме не сам по себе, не изолировано, а во взаимодействии с другими органами и системами [1, 38]. Работа двигательного аппарата контролируется и регулируется центральной нервной системой – мозгом человека. В свою очередь двигательный аппарат влияет на деятельность центральной нервной системы, следовательно, и на деятельность организма в целом. Разнообразные последовательные движения (в нашем случае упражнения), работа мышц возбуждают нервную систему, тем самым активизируется деятельность коры головного мозга. В движении увеличивается приток крови по всему двигательному аппарату, усиливается дыхание. Таким образом, гимнастика даёт возможность регулировать работу всего организма, укрепляет его, «тонизирует» и организует его правильную деятельность.

Правильно подобранные специалистом физической культуры, а в нашем случае студентом-практикантом гимнастические упражнения позволяют разносторонне воздействовать на те или иные группы мышц, на внутренние органы, а также на дыхательную систему и на общее бодрое самочувствие учащегося в целом. Отдельно нужно отметить и то, что полезные свойства доучебной гимнастики не заканчиваются выше сказанным, улучшается осанка, появляется плавность, равномерность движений, наблюдается эластичность в движениях, тело становится стройным, кожа приобретает более свежий вид, что не мало важно при сегодняшней экологической загрязнённости, появляется румянец. Соответственно изменяется и психика ребёнка, появляется радостное ощущение здоровья, бодрости, прилив энергии.

Будущие специалисты, а ныне студенты-практиканты факультетов физического воспитания должны знать, что гимнастика до учебных занятий в режиме школьного дня является важной составной частью физкультурно-оздоровительной и учебной работы. Целью доучебной гимнастики является способствование организованному началу учебного дня учащегося. Гимнастика до занятий содействует воспитанию у учащихся привычки к регулярным занятиям физическими упражнениями, формированию навыков правильного их выполнения. Как было отмечено ранее, гимнастика содействует целому ряду оздоровительных задач, среди которых активизируются такие процессы как обмен веществ, укрепляется мышечная система, улучшается самочувствие, повышается работоспособность ученика во время занятий.

Отдельного внимания заслуживает и тот факт, что проведение доучебной гимнастики на открытом воздухе закаливает юный организм и повышает сопротивляемость его к простудным заболеваниям. Основой гимнастики до занятий является комплекс гимнастических упражнений, направленные на различные мышечные группы [2, 43]. Необходимо знать что каждый комплекс должен состоять не менее чем из 5-7 упражнений, в

который входят упражнения, на мышцы верхнего плечевого пояса (прим: выполнение движений руками и головой), мышцы спины, брюшного пресса (прим: выполнение наклонов вперёд, назад, в стороны), мышцы нижних конечностей (прим: выполнение приседаний, выпады). Начинать и заканчивать каждый комплекс необходимо ходьбой на месте в течении 50-55 секунд. Для увеличения плодотворности комплексов гимнастических упражнений до занятий, они могут быть разучены на уроках физической культуры. Смена комплекса упражнений осуществляется раз в три недели. Приветствуется и музыкальное сопровождение. Группы до учебной гимнастики следует составлять по классам, не деля класс и не добавляя учащихся с других классов. Построение может быть произвольным – в колонну по три, четыре, шесть, в круг, шеренгу и т.д., учащиеся должны находиться на расстоянии чтобы не мешать друг другу, мальчиков рекомендуется ставить впереди, а девочек в задние ряды колонны [3,37]. Учитывая школьную форму учащихся не рекомендуется включать в комплексы гимнастических упражнений сложных задач (упражнения на ускорения, выполнение силовых нагрузок, отжиманий, подтягиваний и т.д.)

Проводить гимнастику надо на открытом воздухе, в комфортных условиях (желательно безветренной и теневой стороне школьного здания или в саду). В дни дождей или других неблагоприятных погодных условиях (густой туман, сильный ветер, в пыль и т.д.) комплексы упражнений следует проводить в коридорах. Строго запрещается проведение комплексов в классных помещениях.

Для качественного проведения гимнастики до учебных занятий студентам-практикантам необходимо составлять комплексы наиболее простыми упражнениями, не требующие сложной координации. В заключении приводятся несколько комплексов упражнений для учащихся старших (IX, X, XI) классов в качестве примерного образца.

Комплекс (образец) 1.

1. И.п. – о.с., 1-4 круги руками вперёд, 5-8 – круги руками назад.
2. И.п. – правую руку к плечу, левую за голову, 1 – руки вверх, 2 – левую руку к плечу, правую за голову, 3-4 – то же со сменой положения рук.
3. И.п. – о.с., 1 – полуприсед, левую руку в сторону, правую вверх, 2 и.п., 3-4 – то же сменой положения рук.
4. И.п. – о.с., 1 – руки за голову, правую назад на носок, 2 – и.п., 3 – 4 – то же сменой положения ног.
5. И.п. – о.с., 1 – выпад вправо, руки вперёд, 2 – и.п., 3 – 4 – то же в другую сторону.

Комплекс (образец) 2.

1. И.п. – о.с., 1 – руки в стороны, 2 – и.п., 3 – руки вверх, подымаются на носки, 4 – и.п.
2. И.п. – полуприсед, руки на коленях, 1 – наклон назад, руки вверх-наружу, 2 – руки на пояс, 3 – наклон вперёд прогнувшись, руки в стороны, 4 – и.п.
3. И.п. – стойка ноги врозь, руки к плечам, 1 – поворот вправо, руки в стороны, 2 – и.п., 3 – 4 – то же в другую сторону.
4. И.п. – стойка ноги врозь, руки к плечам, 1 – наклон влево, руки вверх, 2 – и.п., 3 – 4 – то же в другую сторону.
5. И.п. – о.с., 1 – выпад правой вперёд, руки в стороны, 2 – присед или полуприсед, руки на коленях, 3 – выпад вправо, руки вверх, 3 – и.п., 5 – выпад левой вперёд, руки в стороны, 6 – присед или полуприсед, руки на коленях, 7 – выпад влево, руки вверх, 8 – и.п.
6. И.п. – руки на пояс, на четыре счёта подскоки на правой ноге с поворотом на 90° (на каждый счёт). То же на левой ноге в другую сторону.

Комплекс (образец) 3.

1. И.п. – о.с., 1 – 2 – руки через стороны вверх, подымаются на носки, 3 – 4 – то же вниз.
2. И.п. – руки на пояс, 1 – 4 – круг туловищем вправо, 1 – 4 – то же влево.
3. И.п. – руки на пояс, 1 – полуприсед на правой, левая вперёд на носок, руки в стороны, 2 – и.п., 3 – 4 – то же со сменой положения ног.
4. И.п. – руки на пояс, 1 – присед или полуприсед, руки вперёд, 2 – выпрямиться, правую назад на носок, руки в стороны, 3 – присед или полуприсед, руки вперёд, 4 – и.п., 5 – 8 – то же со сменой положения ног.
5. И.п. – стойка ноги врозь, руки за голову, 1 – наклон вправо, 2 – и.п., 3 – 4 – то же в другую сторону.
6. И.п. – руки на пояс. Прыжки на месте: 1 – 4 – прыжок на правой ноге, 1 – 4 – прыжок на левой ноге.

ЛИТЕРАТУРА

1. Сборник инструктивно-методических материалов по физическому воспитанию. – Москва, 1984.
2. Иванов И.С. 250 гимнастических упражнений. – Москва, 1952.
3. Методика физического воспитания школьников. – Москва, 1989.

Резюме. Мақалада эмелиятшы-студентлердин улыўма билимлендириў мектеби оқыўшылары ушын оқыўдан алдыңғы гимнастикалық шынығыўлар комплексин өткериўдин методикалық мәселелери көрип шығылған.

Резюме. Мақалада амалиётчи-талабаларнинг умумтаълим мактаби ўқувчилари учун ўқишдан олдинги гимнастик машқлар мажмуини ўтказишнинг методик масалалари кўриб чиқилган.

Резюме. В статье рассмотрены вопросы методики проведения доучебного комплекса гимнастических упражнений студентами-практикантами для учеников общеобразовательных школ.

Summary. The article deals with the issues of the method of conducting gymnastic exercises by student-trainees for pupils of secondary educational schools.

Таяныш сөзлер: хәрәкәт аппараты, шынығыўларды орынлаў, гимнастикалық шынығыўлар комплекси.

Таянч сўзлар: ҳаракат аппарати, машқларни бажариш, гимнастик машқларнинг мажмуи.

Ключевые слова: двигательный аппарат, выполнение упражнений, комплекс гимнастических упражнений.
Key words: motor apparatus, exercise, a set of gymnastic exercises.

YOSHLARNI OILAVIY XAYOTGA ADAPTASIYA JARAYONIDA OILAVIY HAYOTGA TAYYORLIK - ENG MUXIM OMIL SIFATIDA

Razzaqova R.S.

Урганч давлат университети

Mamlakatimizda oilaviy munosabatlar, eng avvalo, ixtiyoriylik tamoyilini amalga oshiradi - nikohga kirganlarning erkin roziligi, nikohni ro'yxatga olish to'g'risidagi erkin irodasi oilaviy kodeks va ko'plab xalqaro huquqiy bitimlarga asosan nikohni qayd etishning asosiy shartlaridan biridir. Ularda ayollar va erkaklar uyushmasi o'zaro sevgi va hurmat - moddiy hisob-kitoblardan bexabar bo'lgan his-tuyg'ularga asoslangan [2, 23]. Fuqarolik holatini ro'yxatga olish bo'yicha davlat organlarida ro'yxatdan o'tgan faqat nikoh haqiqiy hisoblanadi. Unda, turmush o'rtoqlar nikoh munosabatlarining barcha jihatlar bilan bir qatorda barcha moddiy tomonlari teng huquq va majburiyatlarga ega.

Mamlakatimizda nikohlarning aksariyat qismi sevgi uchundir. Biroq, hatto hozirgi o'zaro sevgi tuyg'usi ham yoshlar nikohga tayyor bo'lishini anglatmaydi, ya'ni bir-biriga nisbatan yangi huquqlar va majburiyatlarni amalga oshirish uchun va oilaning paydo bo'lishi bilan yuzaga keladigan farzandlar uchun oilaviy hayotga moslashish jarayonini ta'minlamaydi.

Rus olimlaridan T.V Andreeva, I.V. Grebennikov va V.A.Sysenko yoshlarning nikohga tayyor turishining uchta asosiy bosqichini ta'kidlashadi:

1. Jismoniy yetuklik. Nikoh yoshining boshlanishi insonning jismoniy rivojlanishining yakunlanishi deb hisoblaydi. Bu esa, yoshlarning sog'lig'idan tavakkal qilmasdan bolani homilador qilish qobiliyatini anglatadi, qiz esa sog'lom farzand tug'ilish va tug'ilish qobiliyatini ham anglatadi. Ergenlik nikohning eng muhim poydevorlaridan biri hisoblanadi, biroq nikohda ijtimoiy va psixologik tayyorgarlikning belgisi emas, shuningdek nikohda uyg'un jinsiy hayotga tayyorlanishdir. Oilaviy hayotga axloqiy va iqtisodiy tayyorgarlik, bolalarni tarbiyalashning boshlang'ich ko'nikmalari va o'z-o'zini tarbiyalash zarur. Shu sababli, nikohga tayyorgarlik ko'rishda qiyinchilik mavjud.

2. Ijtimoiy tayyorlik. Oilani shakllantirishga ijtimoiy tayyorgarlik ko'rsatkichlari orasida ushbu mualliflar ta'limni tugatish, kasbni egallash yoki oliy ta'limni davom ettirish, o'z-o'zini ish bilan ta'minlashning boshlanishi haqida ma'lumot beradi. Nikohga bo'lgan ijtimoiy-iqtisodiy tayyorgarlik ular bilan uzviy bog'liqdir, ya'ni yoshlarning o'zlari va oilasini moddiy jihatdan mustaqil ta'minlash qobiliyati. Shu bilan birga, 18-19 yoshdagi ba'zi yoshlar ota-onalarining moddiy yordamidan foydalanadilar. Bunday qo'llab-quvvatlashga bog'liqlik yoshlar nikoh uyushmalari mavjudligini jiddiy ravishda murakkablashtiradi. Boshqa narsalar qatorida, nikoh uchun ijtimoiy tayyorgarlik ham bir-biriga, umuman olganda oilaga va kelajak farzandlar uchun javobgarlikni qabul qiladi.

3. Nikohga axloqiy va psixologik tayyorgarlik. Turmush qurish va oila mustahkamligini ta'minlashning asosiy sharti - yoshlarning turmushga chiqishiga axloqiy va psixologik tayyorgarlikdir. Ularda bir-biriga bog'liq va bir-biriga bog'liq hal qiluvchi omillarni o'z ichiga oladi: oilaning tashkil etilgan idealligi, nikohning maqsadlari haqida aniq tasavvur, nikohning o'z-o'zini anglaydigan niyatlari va o'zaro umidlari, shuningdek, oila va ota-ona majburiyatlari. Kelajakdagi turmush o'rtoqlar ongli ravishda birgalikdagi sa'y-harakatlar, oilaning hayoti, har bir a'zolari uchun qulay sharoit yaratish orqali tayyorlanishlari kerak.

A.N. Sizanov "oilaviy hayotga tayyorlik" kontseptsiyasida ijtimoiy-ma'naviy, motivatsion, psixologik va pedagogik tayyorgarlikni farq qiladi:

1. Ijtimoiy va ma'naviy tayyorgarlik, muallifning fikriga ko'ra, fuqarolik kamolotining yoshi (20-22 yoshdagi qizlar uchun, 23-28 yoshdagi o'g'il bolalar uchun), ta'lim, kasbiy, iqtisodiy mustaqilligi, shuningdek, axloqiy ongning shakllantiradi. Ma'lum ma'naviy tushuncha yosh erkaklar va ayollarga oilaning ijtimoiy ahamiyatini anglash, mas'uliyat hissi, o'zaro hurmatga tayyor bo'lish, shuningdek, nikoh munosabatlariga kiradigan barcha huquq va majburiyatlarni amalga oshirishni nazarda tutadi.

2. Motivatsion tayyorgarlik. Nikohga kirishning asosiy sababi - sevgi hissi. Biroq boshqa sabablar ham bor: oqilona ("qizlar uzoq vaqt qolmaslik", "turmushga chiqish vaqti keldi", "o'qishdan keyin shaharda qolishni istayman", "do'stlarim yoki do'stlarim misolida" va boshqalar); moddiy sabablarga ko'ra. Motivatsion tayyorgarlik mustaqillikni (kundalik ko'nikmalarning mavjudligi, ota-onadan moddiy mustaqillik, hayotiy masalalarni hal qilish qobiliyati) va yaratilayotgan oila uchun mas'uliyat tuyg'usini, bolalarni tug'ilishga va tarbiyalashga tayyorligini nazarda tutadi.

S.I. Ozhegov mas'uliyatni majburiyat sifatida tushuntiradi, ularning faoliyati uchun mas'uliyat yuklaydi. Javobgarlikni o'z zimmasiga olish uchun jazo olish, kimning ishi uchun jazo olish kerak. Falsafiy lug'atda, mas'uliyat insonning jamiyatga ijtimoiy va ma'naviy-huquqiy munosabati, uning axloqiy tanlovida, harakatlarida, natijalari ma'qullash yoki hukm qilish, mukofot yoki jazo bilan bog'liq bo'lgan shaxsning qobiliyati va qobiliyatligining nisbati sifatida qaraladi. Agar biror narsa biror narsa uchun mas'ul bo'lsa, unda u, kimdir uchun javobgar, kimdir uchun javobgar bo'lishi kerak [1]. Xususiy mas'uliyat sifatida (yoki belgilar belgisi) nisbatan barqaror, barqaror toifadir va u har xil holatlarda o'zini namoyon qilishi kerak, ammo A.L.Slobodskiyning izlanishlarida ko'rsatilishicha, "tanlangan mas'uliyat" ijtimoiy mas'uliyat normalari kontseptsiyasini shakllantirgan boshqa bir fikr. Ular birovning yordamiga muhtoj ekanini tushunib, mas'uliyat hissi paydo bo'lishiga ishonishadi. Bundan tashqari, yordam hech qanday mukofotni kutmasdan taqdim etiladi. Oilaviy hayotga moslashishda, ya'ni adaptatsiya jarayonida mas'uliyat hissining ahamiyati katta.

Mas'uliyat, birinchi navbatda, shaxsning mulki, uning xarakteristik xususiyatidir. Bu halollik, adolatlilik, aniqlik, ishonchlilik, mehnatsevarlik, insonning harakatlari uchun mas'uliyatni zimmasiga olishga tayyorligi kabi xususiyatlarni o'z ichiga olgan axloqiy va huquqiy toifadir va bu oilaviy hayotda ahamiyatsiz emas. Mas'uliyatli shaxslar, qoida tariqasida, dushmanlik qilmaydigan, itoatkor, itoatkor, qat'iyatli, do'stona, xotirjam, ehtiyotkorlik bilan, ishonchli, liberal, oilaviy me'yorlarga va me'yorlarga rioya qilishlari shart bo'lgani uchun majburiydir [4, 53].

A.N. Sizanovga ko'ra, oilani tashkil etishga psixologik tayyorgarlik odamlar bilan muloqot qilishning rivojlangan ko'nikmalarida, dunyoda va oilada hayotiy nuqtai nazardan birlikda yoki o'xshashlikda, oilada sog'lom ma'naviy va ruhiy muhitni yaratish, xarakter va hissiyotlarning barqarorligini aks ettiradi. Yoshlarga xos xususiyatga ega bo'lgan ruhiy jihatdan ko'proq mosligini, yangi turdagi munosabatlarga moslashish qobiliyatini, shuningdek, turmush munosabatlariga kirish o'rtasidagi yosh o'rtasidagi farq uchdan besh yilni tashkil etadigan yoshlarning ko'p sonli o'yinlariga e'tibor beradi.

Muloqot madaniyati insonni boshqa odamlarning holatlarini tushunishni talab qiladi. Bu oilaviy hayot uchun juda muhim mahoratdir. Boshqa odamning his-tuyg'ulariga hurmat, g'amxo'rlik, munosabatning ochiq-oydin ifodasi va his-tuyg'ularini namoyon etish va tushuntirish qobiliyati sevgan kishi bilan ishonchli munosabatlarni rivojlantirishga olib keladi. Bir-birining harakatini baholashda bag'rikenglik va adolatlilik ham muhim ahamiyatga ega.

Nikoh munosabatlarini boshlash ko'pincha murakkablashadi va hatto buzqlikka, psixologik mos kelmaslikka olib keladi - dunyoda va oilada hayotga nisbatan qarama-qarshilik, xulq-atvor, o'z-o'zidan va boshqalarning ortiqcha talablari, turmush o'rtoqlarning eng muhim psixologik xususiyatlari oilaning axloqiy muhitiga, uning kelajagiga bog'liq. Tuyg'ularning o'ziga xosligi va barqarorligini hisobga olib, har jihatdan muvaffaqiyatli oilani yaratishning muhim sharti bu oilaviy hayotga moslashish hisoblanadi.

Oilani shakllantirishga pedagogik tayyorgarlik pedagogik savodxonlik, iqtisodiy mahorat, jinsiy tarbiya bilan bog'liq. Pedagogik savodxonlik - bolalar taraqqiyoti qonunlarini va ularning tarbiyalanish xususiyatlarini bilish, chaqaloqni g'amxo'rlik qilish ko'nikmalaridir. Iqtisodiy va iqtisodiy mahorat oila byudjetini rejalashtirish, tarqatish va kuzatib borish, hayot va bo'sh vaqtni tashkil qilish, oilada jozibadorlik yaratish qobiliyatidir. Pedagogik tayyorgarlik jinsiy ta'lim va inson hayotining samimiy jihatlari, jinslar o'rtasidagi munosabatlarga nisbatan to'g'ri nuqtai nazar, o'z sevgingizni qanday qadrlash haqida bilish uchun kerakli bilimlarni olishni nazarda tutadi.

Yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlashning ayrim jihatlari A.Adler nazariyasi tomonidan aniqlanadi [1,62]. Muallif inson faoliyati nafaqat ongli manfaatlar bilan bog'liq bo'lgan, balki "ongsiz ongga zid kelmaydigan" biologik emas, balki ijtimoiy borliqqa ham bog'liqligini ta'kidlaydi. Adlerning fikriga ko'ra, sevgi va nikohga psixologik jihatdan tayyor bo'lish uchun, birinchi navbatda, jamoat tuyg'usi va ijtimoiy moslashuvga erishish zarur. Ushbu umumiy tayyorgarlik sharoitlari bilan birga, erta yoshligidan to'etgungacha yoshga qadar jinsiy instinktning tayyorlashingiz kerak, uning maqsadi nikoh munosabatlariga jinsiy ehtiyojni normal ravishda qondirish uchun o'rganishdir. Barcha qobiliyat, qobiliyatsizlik va sevgi va nikohga moyillik hayotning dastlabki yillarida shakllangan prototipga kiritilgan. Prototipning fazilatlarini ko'rib chiqish insonning kelajakdagi hayotida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan qiyinchiliklarni oldindan aytib berishga imkon beradi. Sevgi va nikohda paydo bo'ladigan muammolarning tabiati umumiy ijtimoiy muammolardan farq qilmaydi. Bu munosabatlar, har qanday boshqa munosabatlar kabi, bir xil qiyinchiliklarga duch keladi. Sevgi va nikohga jannat sifatida munosabatda bo'lish katta hatodir. Hayotning har bir sohasi insonni boshqalarning manfaatlarini hisobga olgan holda bajarilishi kerak bo'lgan muayyan vazifalarni belgilaydi. Ijtimoiy moslashuvning odatdagi shakllaridan tashqari, sevgi va nikoh munosabatlari sherikdan alohida his-tuyg'u hissi, boshqa shaxs bilan tanishish va u bilan do'stlashishni talab qiladi. Hamkorlarning fikr-mulohazalarini, e'tiqodlarini va his-tuyg'ularini inobatga olmasligi nikohsiz nikohning sabablaridan biridir. Aksariyat odamlar hech qachon boshqa bironing ko'zlari bilan qanday qilib ko'rishingiz mumkinligi, qulog'ingiz bilan eshitishlari va uni yuragingiz bilan his qilishlari uchun hech qachon o'qimaganlar. A.Adlerning so'zlariga ko'ra, odamlar nikohga tayyorgarlik ko'rishlari kerak. Va nikoh modelining idealigi, tanqidiy va taniqli tanlov qilish imkoniyatidan ancha oldin bolada shakllana boshlaganiga qaramay. Shunday qilib, A. Adler nazariyasida, boshqalarga tegishli bo'lgan turli xil shakllarni tarbiyalash va rivojlantirish, odatda jinsiy instinkt bilan, xususan, jinsiy xarakterga bog'liqdir. E. Fromm muhabbatda birlashmasdan inson bo'linishini anglash sharmandalik manbai va ayni paytda aybdorlik va xavotirlik manbai ekanligini ta'kidladi. [1,66]. Har doim, barcha madaniyatlarda, odam bir xil savolga duch keladi: inson hayotining chegarasidan chiqib, birlikni topish. U sevgi bu savolga ijobiy javob berishga imkon berdi. Biroq, "sevgi" so'zi ko'pincha u bilan aloqasi bo'lmagan munosabatlarning qopqog'iga aylanadi: "Ko'pincha siz bir-birinizni sevib, boshqalarga sevgini ko'rmaydigan ikki kishini topishingiz mumkin ... Aslida ularning sevgisi ikki va yana: "Sevgi imtiyoz beradi, biroq boshqa insonda insoniyatni, hamma tirik jonni sevadi". Bu g'oyalarda hech qanday yangilik yo'q. V.Soloviev sevgi ezguligi qurbonligi orqali inson shaxsiyatini oqlash va saqlab qolishning ma'nosini anglatadi [1,68]. Biroq, bizning fikrimizcha, Frommning argumenti ushbu muammoning zamonaviy tushunchasiga yaqinroq. U shunday deb yozgan edi: "Sevgi - inson mavjudligi muammosi haqidagi savolga yagona qoniqarli javob" va ko'pchilik insonlar uni yetuklik darajasini, o'z-o'zini anglash va qat'iyatlilikni rivojlantirishga qodir emasligini ta'kidlaydi. Sevgi - tajriba va konsentratsiya qobiliyatini, sezgi va tushunishni talab qiladigan san'at;

Sevgi, E. Frommga ko'ra, birinchi navbatda, bu tuyg'uga ega bo'lgan odamning hayoti va rivojlanishiga qiziqishdir. Hech qanday qiziqish bo'lmasa, sevgi yo'q. U oilani jamiyatning aqliy agenti deb hisoblaydi, uning vazifasi jamiyatning talablarini o'sib borayotgan bolaga o'tkazishdir. Boshqacha aytganda, oilaning vazifasi, boshqa narsalar qatori, bolalarda ijtimoiy xususiyatni shakllantirishdir.

Oilalar bu funktsiyani ikki manbadan amalga oshiradi:

1) ijtimoiy xususiyatlarga ega bo'lgan ota-onalarning ko'pchiligidan allaqachon shakllantirilgan belgilaridan iborat bo'lib, ular bolaga jamiyat uchun asosiy va maqsadga muvofiq ravishda etkazib beradilar;

2) ushbu madaniyatda qabul qilingan ota-onalar tarbiyalash usullari, shuningdek jamiyat uchun kerakli yo'nalishda xarakterni shakllantirish funktsiyasini bajaradi.

Shunday qilib, xarakter birinchi navbatda oilaning ta'siri orqali, keyinchalik ijtimoiy hayotda, muayyan ijtimoiy tuzilmalarga moslashish orqali rivojlanadi.

Fromm sevgi turlarini: birodarlik sevgisi, onalik sevgisi, erotik sevgi, o'zini sevishtirish va Xudoning sevgisi bilan ajralib turadi. "Erotik sevgi", bir-biriga ikki kattalarning sevgisi, sevgini sevishtirish, to'liq birlashish uchun chanqoqlik, yaqinlar bilan birlik [2,54]. U butunlay emas, o'z tabiati bilan. Shuning uchun u nafaqat boshqa sevgiga asoslangan organik birlikda, balki nisbatan mustaqil istak, ehtiyoj va namoyon bo'lishi bilan ham mavjud. Shunday qilib, E. Fromm "sevgi" va "sevgining holati" tushunchalarini bo'linib, nikoh munosabatlarining farovonligi sevgiga bog'liq deb hisoblaydi. Shuningdek, uning fikriga ko'ra, bolalarning ijtimoiy tabiatini shakllantirish funktsiyasiga ega bo'lgan oila, keyinchalik esa, ijtimoiy hayotdagi belgi ma'lum ijtimoiy tuzilmalarga moslashish orqali rivojlanadi.

Yoshlarni nikoh va oilaviy hayotga tayyorlash masalasi ta'limning turli jihatlarini, birinchi navbatda axloqiy, yuridik va jismoniy jihatdan sintez qiladi va alohida ruhiy ma'noga ega. U yosh avlod va kattalarning ta'lim va ta'lim mavzusi sifatida muammoning o'ziga xosligini birlashtiradi. Yoshlarning oilaviy hayotga tayyorligiga ishonchlari ularning ijtimoiy yetukligining muhim xususiyati hisoblanadi. Shu bilan birga, ularning bunday ishonchlari umuman kafolat bermaydi va nikoh munosabatlariga haqiqiy tayyorlikni aks ettirmaydi. Biroq, ajralishlar soni ko'paymoqda va turmush munosabatlarida xatti-harakatlar normalarining tizimini yumshatish va ular haqidagi g'oyalar hamma joyda kuzatilmoqda. Oiladagi hissiy-ruhiy iqlimdan norozi bo'lib, ajrimli oilalarning soni ortib bormoqda.

Oilaviy hayotga tayyorgarlik o'smirlikning asosiy vazifalaridan biri bo'lib kelgan. Yoshlarning oila qurishga tayyorligi - bu oila qadriyatlarini ijtimoiy muassasa sifatida qabul qilish, oilaviy munosabatlar sohasidagi maxsus bilim va ko'nikmalar, oqilona uy-joy berish, oilaviy pedagogika, shaxslararo muloqot kabi yo'nalishlarni o'z ichiga olgan yosh shaxsning sifati. Strukturaviy tarzda bunday tayyorgarlik his-tuyg'u, bilim, taxminiy-voqelik va faoliyat qismlari bilan ifodalanadi [5,22]. Yoshlarning oilaviy hayotga tayyorligi tarkibida ushbu tarkibiy qismlarni tanlash yoshlarning asosiy ehtiyojlari (bilim, his-tuyg'u, baholash-irodasi, faoliyat va aloqa uchun zarur bo'lgan ehtiyojlar) bilan izohlanadi.

Shunday qilib, butun jamiyat miqyosida nikoh va oilaviy munosabatlarni shakllantirish va mustahkamlash va har bir alohida vaziyatda mustahkam oilani yaratish, shuningdek, oila a'zolaridan iborat bo'lgan ma'lum bilim, ko'nikma va qobiliyatni ham talab qiladi. Oila va turmush baxtining mustahkamligi asosan turmush o'rtoqlar shaxsiy fazilatlariga, ularning ijtimoiy etukligiga, tarbiyasi, ijtimoiy-psixologik savodxonligi va uyg'unligiga, inson muloqotining naqshlari haqidagi bilimlarni qanchalik yaxshi bilganligiga va bu bilimlarni mohirlik bilan qanday qo'llashiga bog'liq.

ADABIYOTLAR:

1. Адлер А. Практика и теория индивидуальной психологии. –М.: «Просвещение», 1995.
2. Андреева, Т. В. Семейная психология. Т.В. Андреева. - СПб.: «Речь», 2005.
3. Борман, Р. Молодежь и любовь. Р. Борман. - М.: «Прогресс», 1975.
4. Голод, С.И. Семья и брак: историко-социологический анализ - СПб.: «Петрополис», 1998. - 272 с.
5. Гребенников, И.В. Основы семейной жизни. – М.: «Просвещение», 1991.

Резюме. Мақалада шанаараклык турмыска масласыўы ушын жасларды турмыска таярлаў мәселелери үйренилген.

Rezyume. Maqolada yoshlarni oilaviy hayotga moslashishi uchun ularni oilaviy hayotga tayyorlash masalalari yoritilgan.

Резюме. Статья посвящена адаптации молодёжи к семейной жизни, освещены вопросы подготовки их к семейной жизни.

Summary. For the adaptation of young people to family life in this article the issues of preparing them for family life are covered.

Таяныш сөзлер: турмыска таярлык, адаптация, физикалык жетиклик, руўхый жетиклик, социаллык жетиклик.

Tayanch so'zlar: oilaviy hayotga tayyorlik, adaptatsiya, jismoniy yetuklik, ruhiy yetuklik, ijtimoiy tayyorlik.

Ключевые слова: готовность к семейной жизни, адаптация, физическая готовность, психологическая готовность, социальная готовность.

Key words: preparation for family life, adoration marriage, physical maturity, spiritual maturity, social readiness.

ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕГРАТИВ ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ АСОСЛАРИ

Хажигаев Д.

Нукус давлат педагогика институти

Маълумки, таълим жараёнида ўқув фанларини интеграциялаш ҳозирги давр талабидир. Зеро, ўқув фанларини интеграциялаш таълим ва тарбиянинг узвийликда бўлишида, ўқувчиларнинг, ватанпарвар бўлиб, маънавий-ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган баркамол шахс сифатида етишувларида муҳим аҳамиятга эгадир. Фанларни ва илмий билимларни интеграциялаш жараёнининг негизи моддий оламнинг бирлиги яни, табиат, жамият ва унинг аниқлашининг ўзаро узвийлигидир.

Узлуксиз таълимда физика фанининг мазмуни ва тизимини таҳлили дастур ва дарсликларда тақдим этилган таълим мазмуни, ўқув материаллари ўқув материаллари ўқув предметларининг умумий мақсадга эришишда, узлуксиз такомиллашиб бориш истиқболларини аниқлаш ва уларда муайянкамчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Бизнинг фикримизча булардан энг муҳимлари қуйидагилар: узлуксиз таълим

босқичларида физика фани тушунчалари, қонуниятлари фактлари ва ўқитиш методлари орасидаги узвийлик каттиг сақланмаган; физиканинг турли ўқув предметлари билан бир ёки икки томонлама узвий алоқадорлиги етарли таъминланмаган, вақтлари бўйича ўқув материалларининг бир-бирига мос келмаган. Шунинг учун бугунги куннинг талаблари физика таълимининг илм фан ютуқларини эʼтиборга олиб мазмунини танлаш, босқичма-босқич, узлуксиз таълимни такомиллашиб бориш истикболларини аниқлаш, энг муҳими ўрганилаётган билимларни яхлит тизим сифатида ҳар томонлама алоқадорлик нуктаи назардан шакллантириш физика таълими жараёнининг барча бўғинларида интеграциялаш зарурлигини туғдирмоқда.

Таълимни интеграциялаштириш ўқувчиларда жўшқинлик, фанларни ўрганишга қизиқиш ҳиссини кучайтиради, ўқув фанлари бўйича билим даражасини оширади, ўқув материалларини ўзаро табиий ривожда узвийликда бўлишини таъминлайди. Дарсда ўқувчиларда онгли қизиқиш фаолияти, мустақил фикрлаш қобилияти ривож топади, уларда ўқув фанига нисбатан шахсий муносабатда бўлиш, ижодкорлик ҳисси шаклланади. интеграциялаштирилган дарсда таълим-тарбия узвийлиги ҳам бир бутун ҳолда амалга ошади. Ўқув фанларини узвийликда ўрганиш ўқувчилар билимини мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида тарбия жараёнининг ҳам узвийликда бўлишини тақозо этади [4, 21].

Ҳозирги даврда ўқув фанларини интеграциялаш мазмуни, ривожланиш тарихини, фанларнинг интеграциялашни шакли, усул ва воситаларини аниқлаш, унинг келажак истикболини белгилаш – асосий вазифа бўлиб турибди. Интеграция жараёнининг фан ва техникада, таълимнинг назарий ва амалий асосларида жуда муҳимлиги қадимдан маълум. Интеграция деганда, алоҳида элементларни йиғиб, уларни бирлаштириш, яхлит ҳолга келтириш деб тушиниш мумкин. Шунингдек, кўпчилик олим ва методистлар интеграция муаммосининг мазмун моҳиятини аниқлаш бўйича фикр берганлар. Ҳозирги кунда «интеграция» тушунчаси бўйича методик адабиётларда, бу муаммо билан шуғулланган олимлар томонидан бир-бирига яқин бўлган таърифлар берилган. Таълимда интеграциянинг назарий, методологик, педагогик ва психологик асосларини предметлараро боғланишга чуқур ёндашган ҳолда ўрганиш, буюк классик педагоглардан Я.А.Коменский, Э.Росмеслер, Ф. Юнге, Дж.Дюи, кейинроқ, таълимда интегратив ёндашувни ташкил этишнинг педагогик ва психологик хусусиятларини очишда катта хизмат қилган Ю.К.Бабанский, С.Л.Рубенштейн И.А.Мироненко каби олимларнинг бу соҳадаги хизматларида ўз аксини топган. Тарихий-педагогик нуктаи назардан интеграция ва дифференциация Я.А.Коменский томонидан табиатдаги уйғунлик принципи нуктаи назаридан ривожлантирилган. Ўз даврининг яхши анъаналарига кўра у табиат ва таълимга буюк табиатшунослик сифатида ёндашган [5, 4].

Таълимда интеграция муаммолари, уларнинг педагогик йўналишларини ёритишда, методик ва дидактик асосларини яритишда ўзбек олимларидан Б.М.Мирзахмедов, О.Қувондиқов, М.Мамадазимов, М.Жўраев, Р.Ҳ.Джураев, А.А.Абдуқадиров каби олимлар ўз тадқиқотлари билан салмоқли ҳисса қўшганлар. А.А.Абдуқодировнинг илмий ишларида физика-математика йўналишидаги ўқитувчиларни тайёрлашда, олий таълим ўқув жараёнини такомиллаштиришда ахборот технологияларини интеграллаш назарияси ва амалиёти асослаб берилган [1, 12]. М.Мамадазимовнинг тадқиқотларида астрономик таълимнинг узлуксизлиги, она заминда глобал экологик муаммоларни ҳал этишда астрономик таълимнинг аҳамияти, мактабгача таълимдан олий таълимгача, бериладиган астрономик таълим мазмуни, астрономияни бошқа фанлар билан интеграллашган тарзда ўқитишни амалга ошириш усулларининг самарали йўллари ёритилган, лекин физика ва астрономиядан интегратив материаллардан фойдаланиш тадқиқот предмети бўлмаганлиги сабабли тўлиқ ёритилмаган [6, 15]. М.Жўраев бўлажак мутахассисларга интегратив билимлар зарурлиги, бунинг учун оламнинг физик, астрономик манзараларини ҳам билишлари лозимлигини таъкидлаган [2].

Республикамызда интеграция муаммоси бўйича тадқиқот олиб бораётган етказчи олимлардан Р.Ҳ.Джураев, ўқув фанлари бўйича интегратив курсларнинг педагогик-психологик асосларини ишлаб чиқиш, интеграциянинг йўналиш ва параметрларини аниқлаш, ўқув юкларининг самарали, оптимал вариантларини белгилаш, ўқув дастурларида мавзулараро интеграцияни амалга оширишга эҳтиёж сезилаётганлигини таъкидлайди [3, 12]. Бугун интеграцияни дидактикани таълимда муҳим тизимлаштирувчи тамойили деб қарашга асос бор. Шунингдек таълимни интегратив ташкил этишнинг муҳим тамойилларидан бири – интеграция ва дифференциациянинг бирлиги тамойилидир. Интеграцияни дифференциациясиз тушиниш маънога эга бўлмайди, уни фалсафанинг алифбоси деб қараш мумкин. Интеграция ва дифференциация диалекти нуктаи назардан бири-бирларини аниқлаштирувчи ажратиб бўлмас категориялардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда фан-техника ривожланиши бевосита таълим мазмунининг янгиланиш ва такомиллашига таъсир кўрсатмоқда. Таълим тизимида интеграция бу предметлараро боғланишда қўлланиладиган турли предметларни ўзаро келишилган ҳолда ўқитилишидан уларни кескин таъсирлашиш даражасига ўтиш орқали ўқитиш эканлигини аниқлаш мумкин. Бундай жиҳат куйидаги босқичларда амалга оширилади:

Биринчи ҳолатда физиканинг бошқа фанлар билан интеграцияси куйидаги ҳолатларда амалга оширилади: физиканинг ички алоқаларини кучайтириш (физик омиллар, қонунолар, тушунчалар ва қонуниятларни ўзаро алоқадорлик принципи асосида фан ичида ўрганилади); физиканинг фан асослари билан боғланган ҳолда ўрганиш (математика, кимё, биология, меҳнат таълими ва бошқа фанлар интеграциясини амалга оширишнинг методик шароитини таъминлаш); бошқа фанларни таянч тушунчаларини ўзлаштириш учун физик қонуният ва далилларни жалб қилиш (қоидалар, қонуниятлар, формулалар билан бошқа фан асосидаги қоидалар, тушунчалар орасидаги ўзаро алоқа ўзланларини аниқлаш); ўқув тарбия жараёнининг барча элементлари

(шакллар, методлар, воситалар ва бошқалар)да физиканинг фан асослари билан алоқаларини такомиллаштириш.

Иккинчи боскичда комплекс муаммоларини қамраб олинишини назарда тутати. Комплекс муаммолар ўқув фанларини интегратив бирлаштириб, ягона мақсадга қаратишга ва унда ҳар бир ўқув фанининг ўз ўрнини тўғри белгилашни аниқлатади. Масалан, глобал муаммоларни: табиий-иқтисодий йўналишга эга муаммолар – экологик, энергетик, хомашё, дунё океани муаммоси, ижтимоий йўналишга эга муаммолар, соф илмий йўналишга эга муаммолардир.

Бу каби қатор глобал муаммолар фанлараро тадқиқот объекти эканлиги, глобал муаммоларнинг ижтимоий, табиий ва техникавий жиҳатлари. Мазкур муаммоларни битта фан ёки фанлар туркуми доирасида ҳал этиб бўлмаслиги, уларни тадқиқ этишда, муаммони ҳал этиш йўллари аниқлаш ва баҳолаш фанларнинг интеграциясининг тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам муаммоларни ечишда жуда кўп фанлар, жумладан, физиканинг ўрни, аҳамияти ва иштироки жуда муҳимдир. Илмий нуктаи-назардан қаралганда, интеграциянинг асосини Оламнинг яхлитлиги, уни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро алоқадорлиги, ўзаро муносабатлари ташкил этади. Педагогик, таълимий жиҳатдан эса, интеграция узвийлик, фанлараро алоқадорлик, предмет материаллари орасидаги ўзаро алоқадорликни ифодалайди. У, билимларни ўзаро бир-бирларини тўлдирувчи, кенгайтирувчи, чуқурлаштирувчи восита сифатида хизмат қилиб, ўқув предметлари мазмунини, энг камида, ДЦ даражасида синтезловчи, мантиқан тугалланган натижаси ҳисобланади. Интегратив таълим, ўқувчидан янги материални ўрганишда, олдинги ўрганилган материаллар ва бошқа предметлардан олган билимлардан кенг фойдаланишни, оқибатда ундан амалиётда кенг қўллашни талаб қилади. У ўқувчининг илмий дунёқарашининг кенгайиши, динамик ривожланишига мустаҳкам пойдевор яратади. Таълимда интеграцияни турли предметлардаги билимларни ягона мақсад асосида, ўзаро боғлиқ ҳолда, ривожлантириш шакли дейиш мумкин.

Фанлараро боғланиш асосида таълим беришда ўқувчиларнинг онгида кўплаб тушунчаларни шакллантириш, керак бўлса, олган билимларини мустаҳкамлаш, фикрлаш ёки билимларни амалда қўллаш билан боғлиқ ўқув фаолияти ётади. Узлуксиз таълим шароитида ўқув фанларининг боғланиши ҳисобга олинади. Масалан, физика умумий ўқув фани сифатида кимё, биология, география, астрономия каби фанлар билан боғланади. Физика ўқитиш концепциясида – физика, жамият ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи, физикада ўрганилаётган қонуниятлар, ўқувчиларни бошқа фанлардан олган билимлари билан ўзаро интеграллаш, табиат ҳодисаларини аниқ ва тўла англашнинг осон йўлидир – деб таъкидланади. Шунингдек ДЦ да 9 синф физика ўқув дастури ва дарслигига «Қоинот физикаси», бўлими, 6 синф дарслигида «Ой ва Қуёш тугилиши» каби астрономик тушунчаларнинг берилиши бу борада дастлабки ижодий қадамлар ҳисобланади.

Ҳозирги замон физика таълим мазмунининг асосини табиатнинг фундаментал қонунлари ташкил этади. Улар етакчи физик назариялар атрофида умумлаштирилган ва тартибга келтирилган. Физика ва математиканинг ўзаро алоқадорлиги тайёр математик билимлардан физика дарсларида фойдаланишга эмас, балки фанларнинг ўзаро боғланишидан фойдаланиб, натижавий ҳулоса олишдан иборат. Масалан, нукта координатасидан вақт бўйича олинган ҳосиланинг физик маъноси тезлик, иккинчи ҳосила эса моддий нукта тезланишини ифодалаши муҳим ҳисобланади. Физикадаги тезлик ва тезланиш тушунчалари математик жиҳатдан биринчи ва иккинчи тартибли ҳосила тушунчалари билан мазмунан бойитилади ва бу ҳол физикада механик табиатли гармоник тебранма ҳаракатни ифодалайди. Шунингдек, заряднинг вақт бўйича ҳосиласи тебраниш контурида ва ўзгарувчан ток занжирида ҳосил бўлган токнинг оний қийматини ифодаланишида фойдаланилади. Натижада фанлараро боғланиш тамойили янада чуқурлаштирилади. Физика ва математика фанлари ўқитувчиларининг ҳамкорликдаги фаолияти ўқувчиларга ҳосила ҳақидаги тушунчани чуқурлаштириш ва ундан аниқ шароитларда фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш имкониятини яратади [4, 42].

Ўзгарувчан кучнинг бажарган ишини ҳисоблашда аниқ интегралдан фойдаланиш, шунингдек дифференциал тенгламалардан фойдаланиш бўйича ҳам ўқув дастурдаги номуносивибликларнинг мавжудлиги ўзига хос фанлараро боғланиш асосида ўқитишда қийинчиликлар туғдириши мумкин. Узлуксиз таълим шароитида ўқув фанларини ўзаро алоқадорлигини ўрганиш бўйича механика бўлими аҳамиятли эканини таъкидлаш мумкин. Бу ҳол фақатгина физика билан математиканинг ўзаро алоқадорлиги, масалан, квадрат тенгламалар тузишда уларни ечиш ёки ҳосила, дифференциал тушунчаларнинг физик маъносини аниқлаштириш каби вазиятларнинг мавжудлиги учунгина эмас, албатта. Механика бўлими физика курсини ўрганишда ўзига хос таянч бўлим ҳисобланади. Физика фани ўқув дастурида келтирилган ўқув материалларининг кўпчилиги қисми учун механика бўлимидаги қонун ва қоидалар физика курсининг кейинги бўлимларини муваффақиятли ўрганишга асос бўлиб хизмат қилади. Шу туфайли механика бўлимини ўрганишда фанлараро боғланиш тамойилига бошқа дидактик тамойилларга қараганда алоҳида эътибор берилиши лозимлиги сезилади.

Ўқувчиларга интегратив таълим беришнинг асосий шакли дарс, лекин дарс ўтиш соатлари чекланган ҳолда бўлганлиги сабабли, табиат ҳодисаларини, қонунларини фақат дарс жараёнида ўрганиш имконияти етарли эмаслиги тажриба кузатишларда аниқланди. Шунга кўра синф дарслари билан бир қаторда, экскурсия, эксперимент, табиатдаги физик жараёнлар моҳиятини аниқлашда амалий машғулотлар кенг йўлга қўйилса, физика ўқитишнинг, жумладан интегратив таълим-тарбиянинг сифати янада ортади, амалий ишларга нисбатан ўқувчиларда кўникма ва малакалар ҳосил бўлишига, табиатни, она заминни севишга, касбни тўғри танглашга имкон яратилади. Тадқиқотимизга тегишли ўрганилган адабиётлар ва бошқа методик материаллар таҳлилидан шундай ҳулоса қилиш мумкинки, таълимда, жумладан, физика ўқитишда интеграциянинг зарурлиги, аҳамияти

яхши ёритилган бўлиб, бироқ уни қандай ташкил этиш масаласи, аниқ вазиятлар учун етарлича ҳал қилинган деб бўлмайди. Бу ўз навбатида, ДЦ, ўқув дастури, дарсликларни янада тадқиқот предмети нуқтаи назаридан такомиллаштиришни тақоза этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуқодиров А.А. ва бошқалар. «Кейс-стади» услуги: назария, амалиёт ва тажриба. –Т.: «Тафаккур қаноти», 2012.
2. Джораев М. Физика ўқитиш методикаси (Умумий масалалар). –Тошкент: Абу Матбуот Консалт, 2015. -280 б.
3. Джўраев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. –Тошкент, 2010. - 87 б.
4. Карлбаева Г.Е. Бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш. Монография. –Т.: Турон-Иқбол, 2018. -240 б.
5. Коменский Я.А. Избранные труды / Новые методы обучения языкам. –М.: «Академкнига», 1965.
6. Мамадазимов М. Физика ва астрономияни интеграллаб ўқитишнинг методик асослари. Тошкент: Фан ва технология, 2007.

Резюме. Мақалада автор мектеп сабақликларинда физика пәниниң оқытылыў методикасы ҳаққында сөз етеди, сондай-ақ оқытыўшыларғы жаңа интерактив методлар тийкарында оқытыў ушын усыныслар билдирилген.

Резюме. Мақалада муаллиф мактаб дарсликларида физика фанини ўқитилиш услуги ҳақида сўз юритади, шунингдек ўқитувчиларга янги интерфаол методлар асосида ўқитишда ўз тақлифларини берган.

Резюме. В статье речь идет о преподавании предмета физики в школе по новым педтехнологиям, автор вносит свои предложения по применению интерактивных методов на уроках по физике.

Summary. The article is about teaching a subject of physics at a school on new teaching technologies, the author makes his suggestions on the use of interactive methods in physics.

Таяныш сөзлер: интеграция, билимлендириў процеси, билимлендириў системасы, информация.

Таянч сўзлар: интеграция, таълим жараёни, таълим тизими, ахборот.

Ключевые слова: интеграция, учебный процесс, система образования, информация.

Key words: integration, learning process, education system, information.

ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ ИМИДЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК ФАСИЛИТАЦИЯНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Бектурсынова Л.Х.

Қорақалпоқ давлат университети

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фан-техниканинг янги соҳа ва бўлиmlарининг тараккий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда. Бундай шароитда, юқори малакали педагогларга бўлган талаблар ортиб бориб, баркамол авлодни асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фаннинг фундаментал асосларини, педагогика ва психология методларини мукаммал эгаллаган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакасига эга ижодкор педагогларни тайёрлаш талаб этилади [1, 3-6]. Бу эса ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини ошириш лозимлигини кўрсатади.

Инновацион фаолият – педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, тараккий эттирувчи кучдир. «Инновацион фаолият – бу янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги, ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг мавжуд меъёр билан тўқнашуви натижасида вужудга келган мажмуали муаммоларни ҳал ечишга қаратилган фаолиятдир», – деб таъкидлайди В.И.Слободчиков [2, 4-6.]. М.Жуманиёзованинг фикрича, ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммосига мурожаат этиш жамиятда инновацион жараёнлар динамикасининг ўсиб бориши натижасида вужудга келди. Унинг таҳлили фақат фан ва техника эришган замонавий ютуқлардан фойдаланишни ўз ичига олмасдан, балки янгиликларни излаш, яратиш, мослаштириш, татбиқ этиш ва олинган натижаларни қайта текшириш каби жараёнларини ҳам қамраб олади [3, 22-6.]. Инновацион фаолиятнинг тузилишини ўрганиб чиққан олимлардан бири В.А.Сластенин уни қуйидагича тузилишга эга деб кўрсатиб ўтади: «Инновацион фаолиятнинг тузилиши – ижодий ёндашув, ижодий фаоллик, янгиликни киритишга технологик ва методологик тайёргарлик, янгича фикрлаш, муомала маданияти. Инновацион фаолиятнинг даражалари: репродуктив, эвристик, креатив бўлиши мумкин» [4, 12-15-6.].

Инновацион фаолият янги ғояни излашдан бошланади. Педагогик инновация таълим-тарбия жараёнидаги муҳим ва мураккаб масала ечимига йўналтирилганлиги сабабли ўқитувчидан янгича ёндашувни талаб қилади. Аниқроқ айтганда, ўқув жараёнида инновацион технологияларнинг жорий этилиши, ўқитувчини замонавий ахборот технологиялари томонидан сиқиб чиқишга эмас, балки унинг вазибалари, ролини ўзгартиради, ўқитувчилик фаолиятининг мураккаблашувига олиб келади. Педагогик фасилитациянинг долзарб масалаларидан бири ўқитувчи имижини шакллантиришдир. Энциклопедик ва педагогик-психологик адабиётларда имиж тушунчасига хилма-хил таърифлар берилган. Жумладан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича таъриф берилган: “имиж” атамаси лотинча “image” сўзидан олинган бўлиб, уни ўзбек тилида баён этадиган бўлсак, қиёфа, сиймо, тисмол, чирой, машхур, муҳим, келишган, савлатли, кўримли, обрўли, нуфузли каби маъноларни билдиради [5]. Россиялик тадқиқотчилардан Э.В.Кондратьев ва Р.Н.Абрамовлар имижга

шундай таъриф беришади: “Имиж – мураккаб ижтимоий воқеликни вужудга келтириш ва аниқлашнинг тежамкорроқ усулидир. Имиж – бу ахборотни қайта ишлаш натижаларига асосланган объектнинг рамзий қиёфасидир. Бизнинг имижимиз, ўзгаларнинг кўз ўнгидagi суратимиз сингари, баъзи ҳолларда бизнинг ўзимиздан ҳам муҳимроқ бўлади” [6]. Е.Н.Богданов ва В.Г.Зазыкинлар эса имижга қуйидагича таъриф таъриф берадилар: “Имиж – ижтимоий онда ниманинг ёки кимнингдир шаклланган ва стереотип хусусиятига эга бўлган ҳиссий жиҳатдан бойитишдир” [7]. Тадқиқотчи В.С.Комаровский томонидан эса “Имиж – (инглизча image сўздан олинган) шахсларнинг маълум гуруҳига муайян тарзда ҳиссий-руҳий таъсир кўрсатиш учун бир мақсадли равишда шакллантирилаётган шахс, ташкилот ёки ҳодисанинг қиёфасидир” [8] деб, таъриф берилган. Профессор А.Н.Чумиковнинг таъкидлашича, “Имиж муаммоси бўйича ёзилган ишларнинг турли-туманлигига қарамай, бу тушунчага оид кўпгина масалалар ҳанузгача муаммоли бўлиб қолмоқда. Айрим кишилар имижни яхши кўриниш маҳорати, деб тушунадилар ва шунга яраша кийим-кечак танлаш, сочни турмаклаш, ўзига оро бериш кабилар билан шуғулланадилар. Бошқалар учун эса имиж фақат ташқи кўриниш бўлиб қолмай, балки ширали овоз, ўзини тутати олиш, омма олдида сўзлай билиш қобилияти ва мулоқот қилиш маҳоратидир” [9]. А.В.Петровский ва М.Г.Ярошевскийлар “Краткий психологический словарь” лугатида имижга шундай таъриф берадилар: “имиж” омма онгида аниқ объект стереотип образининг яратилишидир. Имиж тушунчаси аниқ шахсдан ташқари, товарга, ташкилий тузулмага, соҳага ва б. нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин [10].

Ўқитувчи имижи – таълим олувчилар, ҳамкасблар, ижтимоий борлиқ, омма онгида ўқитувчи образининг ҳиссий-ифодавий идрок этилиши. Имиж атрофдагилар билан муносабат ўрнатишга ёрдамлашувчи ўзига хос инсоний воситадир. Шунинг учун ўқитувчи қанчалик касбий тайёргарликка эга бўлмасин, доимий равишда ўз-ўзини такомиллаштириб бориши, ўз имижини яратиши лозим. Афсуски, социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, 19 % ўқитувчи ўзининг ташқи қиёфасидан қониқиш ҳосил қилади. Педагог имижини шакллантиришда таълим олувчиларнинг фикрларига таяниш лозим. Қуйидаги анкета натижалари ўқитувчи имижи катта аҳамиятга эгаллигини кўрсатади ва унинг ўзига хосликларини очишга ёрдам беради.

“Ўқитувчи билан учрашганда сиз энг аввало, нимага эътибор қаратасиз?” саволига респондентларнинг 63 % ўқувчиларга муносабатига, 58 % ўқувчилар билан мулоқот услубига, 33 % характери, 21 % кийимига, 17 % соч турмагига, 13 % ёшига, 8 % юзига, 4 % макияжига, ўзингизнинг жавобингизга устунига 4 % ҳамма нарсасига деб жавоб беришган.

“Ўқитувчининг қайси сифати кўпроқ эътибор қаратасиз?” саволига 79 % ўқув материални тушунтира олиш қўникмасига, 50 % ҳазил-мutoйбага мойиллигига, 38 % самимийлигига, 33 % мулоқотга киришувчанлигига, 4 % қатъий нуқтаи назарга эгаллигига, ўзингизнинг жавобингиз устунига 4 % гўзаллигига деган жавобларни танлашган, қаттиққўллиги жавобини эса бирор бир респондент қайд этмаган.

“Ўқитувчи қандай кўринишга эга эканлиги сизга муҳимми?” деган саволга 46 % иштирокчи ташқи кўриниш асосий эмаслигини, 29 % ўқитувчининг ташқи кўриниши улар учун муҳим эканлигини, 13 % аҳамияти йўқлигини, ўзингизнинг жавобингиз устунига 4 % асосийси ўқитувчи тоза ва сипо кўринишга эга бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтишган.

“Ўқитувчи сўнги урфда кийиниши лозимми?” деган саволга 50 % респондент ўқитувчи замонавий, бироқ касбига мос кийиниши лозимлигини, 50 % ўқитувчи ўзи хоҳлаган тарзда кийиниш ҳуқуқига эгаллигини қайд этишган. Ўқитувчи чиройли ва ёшларбоп кўринишга эга бўлиши кераклигини ҳеч ким эътироф этмаган.

“Ўқитувчининг ташқи қиёфаси қандай кўринишга эга бўлмаслиги керак?” саволига 58 % иштирокчи ифлос юрмаслиги кераклигини, 50 % қалта юбкада юрмаслигини, 46 % жуда пардоз қилиб юбормаслигини, 42 % очик-сочик кийинмаслигини, 13 % жинси шим киймаслигини қайд этишган.

“Ўқитувчининг шахсий ҳаёти сизни қизиқтирадими?” саволига 58 % респондентлар ўқитувчининг шахсий ҳаёти ўқувчини қизиқтирмаслиги кераклигини, 33 % ўқитувчининг оиласи қизиқтиришини, 21 % уларга барибир эканлигини, 8 % ўқитувчининг уйда бўлиб қолишга йўқ демаслигини айтиб ўтишган.

“Сизнинг ўқув фанига муносабатингизга ўқитувчининг имижи таъсир кўрсатадими?” саволига 58 % ижобий, 38 % салбий деган жавобни танлашган. 4 % респондент бу саволга жавоб беришга қийалишини таъкидлаб ўтишган.

Имиж тушунчасига берилган таърифлар асосида А.А.Калужный унинг қуйидаги таркибий қисмларини ажратиш кўрсатади: ташқи қиёфа, мулоқотнинг вербал ва новербал воситалари, шахсий ва касбий “Мен”нинг уйғунлиги[11]. Ташқи қиёфа инсонга ўзига эътиборни жалб этиш, ижобий образни яратиш, нафақат ўзини истарали, балки нафосатли ўқитувчи сифатида кўрсатишга ёрдам беради. Педагог ўзининг ташқи қиёфаси билан ўқувчилар ва катталарга ўрнак бўлиши лозим. Унда бой ички олам, болаларга муҳаббат ва улар ҳақида ғамхўрлик қилиш уйғунлашган бўлиши зарур. Шуни ёдда тутиш лозимки, болалар катталардан, энг асосийси ўқитувчидан тўғри кийинишни ўрганишади. Кийим кийишда энг муҳим қоида намоён бўлади: чиройли кўринишга эгами, демак ён-атрофдаги кишиларга ҳурмат билан муносабатда. Инсоннинг ташқи қиёфасига қўйиладиган талаблар педагогга ўзининг касбий имижини яхшилаш ва муваффақиятга эришишга ёрдам беради. Ҳақиқий ўқитувчи кийим билан эмас, ўзининг интеллекти, касбий малака ва қобилиятлари билан ҳурмат қозонади.

Вербал ва новербал воситалар имижнинг муҳим таркибий қисми саналади. Яъни биз сўз ёрдамида бошқа кишига таъсир кўрсата оламизми, қандай жест ва мимикалардан фойдаланамиз, қандай ўтираемиз, тураемиз ва юраемиз – ҳамма-ҳаммаси муҳим аҳамиятга эга. Ўзининг касбий етуклигини намоён қилиш учун ён-

атрофдагиларга ўзининг қулай тарзда тақдим этишга эътибор қилиши ва урдасидан чиқиши лозим. Тадқиқотлар асосида тасдиқланганки, 35 % информацияни кишилар оғзаки (вербал) ва 65 фоизини новербал воситалар ёрдамида олади. Шахсий ва касбий “Мен” уйғунлиги – педагогик имижнинг муҳим компоненти саналиб, маъқул келиш ва бошқа кишилар ажралиб туриш қўникмаси касбий мулоқотда муҳим сифат ҳисобланади. Имиж ўқитувчининг ички установакасига айланиб қолмасдан, унинг характери ва қарашлари билан ҳам мос бўлиши лозим. Ўз образимизни яратиш орқали биз ўз-ўзимизни тарбиялаймиз. Фаолият шахсий-ички англашганликни ташқи намоён қилиш манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу энг аввало ўзининг бетакрорлигини намоён этиш, педагогик жараённинг (мақсад ва вазифадан ўқув материали, шакл, метод ва воситаларни танлашгача) оригиналликни таъминлаш, мулоқот услубида, ўқувчиларнинг хулқ-атворида муносабатида, вазиятни тўғри мўлжалга олишида намоён бўлади.

А.А.Калюжнийнинг фикрича, имижни яратишнинг тўртта усулини ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, инсоннинг ўзи атрофдагиларга қандай муносабатда бўлиши, ўзи ҳақида нималарни тасаввур қилиши орқали; иккинчидан, имижмейкерлар – сиёсатчилар, шоу-бизнес вакиллари учун имиж яратувчи профессионаллар; учинчидан, имижни яратишда оммавий ахборот воситалари – радио, телевидение, ижтимоий тармоқлар муҳим роль ўйнайди; тўртинчидан, уни ён-атрофдаги кишилар – дўстлар, қариндошлар, ҳамкасблар яратади[11]. Имижни ривожлантириш масаласи Е.П.Костенко изланишларида ўз аксини топган [12]. Имижни акмеологик ривожлантириш алгоритми деганда, у аввалдан эришиш мўлжалланган натижани қафолатлаш учун бажариладиган барқарор ҳаракатларни тушунади. Дастлабки босқич – ижтимоий муҳит нуқтаи назаридан инсоннинг ўз-ўзини идрок этиш ва англаши сифатидаги рефлексиянинг мавжудлиги. Иккинчи босқич – субъект шахси ва касбий фаолиятни ривожлантириш нуқтаи назаридан имижни лойиҳалаш ва амалга ошириш. Якуний босқич – махсус ишлаб чиқилган акмеологик дастур ва технологиялар асосида субъектнинг амалий жихатдан ўз-ўзини такомиллаштириши ва ривожлантириши натижасида имижни коррекциялаш.

Тадқиқот натижалари асосида ҳар бир ўқитувчи ўзининг амалий фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган шахсий имижни таркиб топтиришнинг қуйидаги ўзига хосликлари ва психотехникалари аниқлаштирилди: ўз-ўзини таҳлил этиш ва ўзи ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш; ўз-ўзига нисбатан мотивация ҳосил қилиш – ўз-ўзини қўллаб-қувватлаш; жозибадорлик – ижобий қиёфани яратиш; шахсий жозибадорлик методикаси; муваффақиятга эришиш техникаси.

Ўз-ўзини таҳлил этиш ва ўзи ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш. Ўқитувчи имижини яратиш узок давом этадиган ва мураккаб жараён бўлиб, унинг муваффақияти нафақат, шакллантириш шарт-шароитлари ва технологиялари, балки унинг ўзи ҳақидаги шахсий тасаввурларига ҳам боғлиқдир. Инсон бутун умр давомида ўз-ўзини англашга ҳаракат қилади. Биз ўз ҳақимиздаги нуқтаи назарларни шакллантиришга тайёр бўламиз ва ҳеч иккиланмасдан нега шундай ўйлаётгалигимиз, ҳаракат қилаётганлигимизни тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Агар шундай бўлмаса, биз қай тарзда ўзимиз ҳақимизда яхши билишимиз мумкин?! Ўқитувчи ўз-ўзини такомиллаштиришни ўзининг шахсий ва касбий муаммоларини ўрганишдан бошлаши керак. Мазкур босқичда ўз-ўзини таҳлис этиш метод ва усулларини танлашга ёрдам олиш учун психолог-мутахассис катта роль ўйнайди. Ўзи ҳақидаги дастлабки тасаввурларни педагог турли педагогик-психологик методикаларни ўтказиш орқали билиб олиши мумкин.

Ўз-ўзига нисбатан мотивация ҳосил қилиш – ўз-ўзини қўллаб-қувватлаш. Маълумки, ўз-ўзига қараганда бошқаларнинг қўнглини олиш осон, ўз-ўзига маслаҳат бериш ва уни бажариш мураккаб. Савол туғилади: қандай қилиб инсон ўз-ўзини мотивлаштириши мумкин? Агар ўзининг ўзинг қўллаб-қувватламасанг, бошқалардан ижобий натижа кутиб бўлмайди. Ўз-ўзини мотивлаштириш ҳаракатга ундовчи инсон ҳолатини ифода этади. Ўз-ўзини мотивлаштириш учун вазиятни таҳлил этиш лозим. Бунинг учун бир варақ қоғоз олинади ва уч қисмга бўлинади. Қоғозчаларга қуйидаги саволлар ёзилади: “Ушбу вазиятда нима яхши?”, “Ушбу вазиятда нима ёмон?”, “Бироқ шу сабабли мен қила олишим мумкин...”. Мазкур вазиятнинг кейинги ривожини кўриш, ёмон фикр ва ўй-хаёллардан бартараф бўлишга ёрдам беради. Шунингдек, терапевтик усул – қоғоз терапиядан фойдаланиш мумкин. Салбий ўй-фикрларни қоғозга ёзиш орқали инсон ёмон ўй-хаёллардан ўзини озод қилади.

Жозибадорлик – ижобий қиёфани яратиш. Моҳиятига кўра имиж – бу ўз-ўзини намоён этиш, образнинг моҳиятини тавсиф этишда намоён бўладиган унинг ташқи жихати. Бунда муҳим ўринни самарали имижни яратиш эгаллаши зарур. Агар инсон ўзининг кийими, пардозы, мимикаси орқали ўзининг имижини яратса, маълум вақт ўтгандан кейин унинг ҳақиқий ташқи жихатдан намоён бўлаётганини ҳис қилади. Мавжуд ҳолат имижнинг янги деталларини намоён қилишни тақозо этади.

Шахсий жозибадорлик методикаси. Юз – имижнинг асосий таркибий қисми. Инсоннинг юз ифодасидаги ҳиссиёт унинг танасидаги либос ва аксессуарларидан кўпроқ тассурот қолдиради. Масалан, кўздан онгли равишда оқилона фойдаланиш сўзнинг тингловчанлик хусусиятини 25 % га оширади, айниқса, дарсда янги материални тушунтиришда ёрдам бериши мумкин. Мушакларни қисқартириш орқали юздаги эмоция ва ифодаларни бошқариш учун фэйсбилдинг билан шуғулланиш лозим: махсус машқлар, юз гимнастикаси, кўз аэробикаси, турли ситуатив роллари ўйнаш, видеотренинг.

Муваффақият технологияси. Уларнинг амалга ошиши А.А.Калюжнийнинг фикрича [11], қуйидаги қатъий қоидаларга амал қилишни талаб этади:

Биринчи қоида – “Сўз ибтидонинг бошланиши”. Сизнинг карьерангиз ва шахсий муваффақиятингиз ахборотдан бошланади. Қаердан ва қай тарзда ўзингизга иш танлайсиз, резюмени қандай ёзиш керак ва

сухбатда қай тарзда гапириш керак, сизнинг синфхонангиз ва иш жойингиз қандай кўринишга эга, сизнинг ҳамкасбингиз ўзини қандай тутди... Буларнинг барчаси бизнинг бўлғуси карьерамиз билан боғлиқдир.

Иккинчи қоида – “Балиқчи баликни узоқдан кўради”. Ўзини тўғри кўрсата олиш осон иш эмас. Ўйлаб кўринг, сизга таклиф қилинган бўш иш ўрнига сиз ўзингизни салоҳиятли номзод сифатида таклиф этишингиз мумкинми? Агар сизга реюзме ёзиш тўғри келса, барчасини аниқ ёзинг, бироқ эсда тутинг бу сиз ҳақингиздаги ягона маълумот. Мазкур соҳага алоқадор барча сифатларингизни санаб ўтинг. Айрим ҳолатларда сизнинг компетентлигингизни кўрсатувчи ютуқларни мисол сифатида келтириб ўтишингиз мумкин. Асосийси, мактаб раҳбарияти айнан мазкур лавозимга сизни қабул қилиш лозимлигини тушуниб етсин.

Учинчи қоида – “Бутун дунё сизнинг ютуқларингизга қизиқади”. Бугун ижроия ва оммавий фаолиятда талаб қилинганидек, ўқитувчи ҳам ўзининг имижига қайғуриши лозим. Бу бозор иқтисодиётининг талаби. Юқори даражадаги касбий етуқликка эгалликнинг ўзи етарли эмас. Шахсий имиж муҳим кўшимча ёки зарурий шартдир. Бошқа касбларга адолатли муносабатда бўлган ҳолда биринчи ўринда педагогик касби туришини эътироф этиш зарур. Шунинг учун педагог имижига шундай кўринишга эга бўлсинки, бутун дунё маънавий қиёфамизга, мустаҳкам соғлигимизга, ташки кўринишимизга, омадимизга ҳавас қилсин!

Тўртинчи қоида – “Сиз гўзал кўринишга эга бўлишингиз мумкин!”. Касбий талаблардан келиб чиққан ҳолда кийим танлашда қадди-қоматнинг ўзига хослиги ва қандай ранг мос келишини ҳисобга олиш лозим. Агар кийим, соч ва танининг ранги уйғун бўлса, ташки қиёфанинг кўриниши жозибали бўлади.

Бешинчи қоида – “Кийим билан кутиб олиш, ақл билан кузатиб қўйиш”. Бу қоида қуйидаги хулқ-атвор меъёрларида акс этади: кийиниш масаласида белгиланган меъёрга амал қилиш лозим. Кийим қиммат бўлиши мумкин, лекин кўзга ўта ташланадиган бўлмаслиги керак; ишда ташки кўринишни бирдан ўзгартирмаслик керак; эсда тутинг: кийим фақат иш жойида касбга мос бўлиши керак ва иложи борида ўзингиз ҳақингизда зарурини сўзланг, ортиқча гапирманг.

Хулоса қилиб айтганда, шахсий-касбий имижни шакллантириш ўқитувчи маҳоратининг муҳим таркибий қисмидир. Ўз-ўзини намоён этиш стратегия ва усуллари танлаб олиш педагогик фаолият ва педагогик мулоқот жараёнига самарали таъсир кўрсатади. Шунинг учун таълим муассасаси психологи замонвий тенденциялар ва имижеологиянинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, ўқитувчи имижини шакллантириш юзасидан зарурий маслаҳатларни бериб бориши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2007. – Б.3.
2. Слободчиков В.И. Инновационные образования. // Школьные технологии. – Москва, 2005. - №2 – С.4.
3. Жуманиёзова М.Т. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асослари (тарих фани ўқитувчилари мисолида): Педагогика фанлари номзоди ... дисс. – Т., 2007. – 176 б.
4. Сластенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика – инновационная деятельность. – М.: Магистр, 1997. – 146 с.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, 3-жилд, 362-бет.
6. Кондратьев Э.В., Абрамов Р.Н. Связи с общественностью. –М.: Академический Проект, 2005. – 126 с.
7. Богданов Е.Н, Зызыгин В.Г. Психологические основы «Паблик рилейшнз». 2-е изд. / - СПб, 2004. – 36 с.
8. Комаровский В.С. «Государственная служба и СМИ». –Воронеж. Издательство им. Е.А. Болховитинова, 2003. – 257 с.
9. Комаровский В.С. Связи с общественностью в политике и государственном управлении. -М.: РАГС, 2001. 318 с.
10. Петровский А.В., Ярошевский М.Г. Краткий психологический словарь. – М.: Политиздат, 1991. – 494 с.

Резюме. Мазкур мақолада педагогик фасилитациянинг муҳим масаласи сифатида ўқитувчининг касбий имижини шакллантириш йўллари ёритиб берилган. Муаллиф томонидан назарий материалларни таҳлил этиш асосида амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Резюме. В этой статье описываются способы формирования профессионального имиджа учителя как важного вопроса педагогической фасилитаций. Автором разработаны практические предложения и рекомендации, основанные на анализе теоретических материалов.

Summary. In the thesis defined the way of formulating teachers professional image as the quality of pedagogical fasilitating. On the basis of sugestions and recommendations formulated theoretical and practical materials.

Таянч сўзлар. имиж, ўқитувчи, маҳорат, касб, касбий имиж, шакллантириш, қоида, стратегия, техника, усул.

Ключевые слова. имидж, преподаватель, мастерство, профессия, профессиональный имидж, с формулировать, правила, стратегия, техника, способ.

Key words. image, teacher, skill, profession, professional image, formulate, rule, strategy, technique, method.

**ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛЫҚ НАҚЫЛ-МАҚАЛЛАРЫНДА ЖЕР-СУҰ МӘСЕЛЕЛЕРІНІҢ
СӘҰЛЕЛЕНІҮІ****Қудияров А.Р., Абсетерова У.К.***Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

Қарақалпақ фольклоры халқымыздың бай рухый байлығы болып табылады. Онда әсирлерден-әсирлерге өтіп киятырған даналық сөздер кеңнен орын алғанлығын көреміз. Бул арқалы ертеңгі күнімиздің ийесі болған жасларды әдеп-икрамлылыққа, туыылған жерге сүйіспеншілік, мийнет сүйіушілікке, ата-анаға мийрим-шәпәттилік рухында тәрбиялап барамыз. Келешек әуладқа өтмиштен киятырған мийрасларды, аўызеки әдебиятымызды үйретиў арқалы оларды мийнет сүйгишилікке, ата-бабаларымыздың мың жыллық қәдириятларының қәдирине жетиў сыяқлы адамгершилик сезимлерин қәлиплестиреміз. Халық даналығында «Дәрья суўын бәхәр тастырады, адам қәдирин мийнет асырады» деген сөз бар. Жәмийеттің раўажланыўы, инсанияттың келешегі ушын мийнет етиў хәр бир инсанның әдиўли миннети болып есапланады. Булардың барлығы халқымыз мәдениатының алтын фонды, қала берсе қарақалпақ халқының ғана емес, ал пүткил адамзаттың мийрасы.

Ғәрезсизлик жылларында тарийхый, мәдений мийрасларымыз қайта тикленип, ата-бабаларымыз тәрпинен жаратылған рухый байлықтарымызды сақлаўға айрықша итибар қаратылмақта. Буған мысал ретинде 2008-жылы 27-28-ноябрьде Нөкисте өткерилген «Орайлық Азия халықларының миллий фольклоры хәм жәмийетти рухый жаңаланыўдың машқалалары» атамасындағы халықаралық илимий конференцияда қарақалпақ халқының бай мәдений мийраслары дүнья халықлары ушын қүдиретли рухый азық болып хызмет етип киятырғанлығы көплеген еллердің изертлеўшилері тәрпинен тән алынды хәм бүгинги қарақалпақ әдебиятын түркий халықлары дүньясына танытты. Және бир әхмийетли мәселе, жасларымызды инсанийлыққа, әдеп-икрамлылыққа, батырлыққа, ана-Ұатанға садықлыққа баслайтуғын «Қарақалпақ фольклоры»ның жүз томлығына бағышланған халықаралық конференцияда халқымыз дәретиўшилиги сырт елли илимпазлар тәрпинен де жоқары баҳаланды. Бул әсирлер даўамында әуладтан-әуладқа мийрас болып киятырған халық дәретиўшилигиниң мәдениатымыз бенен әдебиятымыздың тамыры тереңде екенлигин дәлиллейди.

Филология илимлериниң докторы С.Баҳадырованың баҳалаўынша, қарақалпақ фольклоры халқымыздың рухый мәдениатының, ақыл-ой, философиясының жыйынтығы. Бул тарийхтың бирнеше жүз жыллық сынақларынан өткен, ата-баба өз әулады рухы бай, жоқары адамгершиликли, жан-жақлама жетилискен бәркамал инсан етип тәрбиялаўда пайдаланған тәжирийбеси [2,19]. Буннан тысқары көплеген сырт елли илимпазлар халқымыз тарийхы, мәдениаты хәм фольклорын үйрениў хәм изертлеўди даўам етип атырғанлығының гуўасы боламыз. Соңғы ўақытларда корейлы, япониялы, ираклы, кипрлы, швециялы изертлеўшилер де қарақалпақ фольклорын изертлеў, халық тарийхын үйрениўге кеўил аўдармақта. Бул өз гезегинде қарақалпақ халқының бай қәдириятларға ийе екенлигиниң, дүньяда тән алынғанлығының хәм тарийхының мың-мың жыллықларға ушласатуғынлығының, миллет рухының мәңги жасайтуғынлығының, улығлана беретугынлығының белгиси болып есапланады. Бул мийрасларды үйрениў хәр бир адамда уллы ата-бабаларымызды қәдирлеў, иззет-хүрметин өз орнына қойыў, олардың рухларынан мәдет алыў сезимлерин қәлиплестиреди.

Өтмиш тарийхымызды хәм оның аўызеки әдебиятын изертлеўши илимпазлардың атап көрсетиўи бойынша, барлық дәуірлерде де бизиң ата-бабаларымыз рухый байлыққа көп кеўил бөлген. Дүньяда хеш ким өзгерте алмайтуғын бир тарийх бар. Бул халықтың ядында сақланатуғын тарийхы. Аўызеки тарийхтың сақланатуғын жери – халықтың яды, аўыз әдебияты [3,20]. Усындай тарийхымызды ядында сақлаған қарақалпақ халқы түрли тарийхый себеплер менен өзиниң жайлаўы менен қыслаўын таслап көшип, ўатаннан, жерден, суўдан, күн-көристен айрылса да, олар өзлериниң рухый азығы – аўызеки дәретпелерин ядлап өзи менен бирге алып жүрген. Бунда қарақалпақ халқының ядының бир бөлегі сыпатында көркем сөзи хасыл ғәзийнесиниң алтынлары хәм гәўхарлары – оның әсирлер даўамында дәреткен нақыл-мақаллары үлкен орын ийелейди.

Әдетте, нақыл-мақаллар узақ дәуірлер даўамында атадан-балаға өтип келген рухый мүлкимиз болып, оны ата-бабаларымыз өзлериниң өмир тәжирийбелерин жыйнап, даналық сөз маржанларын тот баспайтуғын тынығы ретинде жетилистирип келген. Буны «аталар сөзи» деп те атаўға болады [5,39]. Мысалы, «Атажурттың топырағы да алтын», «Атадан алтаў туўсаң да, ўатаныңа жалғызсан» сыяқлы даналық сөзлеринен көринеди. Қарақалпақ халқы өз мекенлеринде узақ дәуірлер даўамында урыс алып барған, урыс ислери менен бәнт болып, қалай урысқа шыдап атырсыз деген сораўға төмендегише жуўап берген: Үш ай қаўыным, Үш ай саўыным, Үш ай қабағым, Үш ай шабағым, - деп, жетпесе сүтилмек деген жемисимиз бар, деп жуўап берген. Бул нақыл-мақалларда қарақалпақ халқының жаўгершилик ўақытлары тийкарғы азығы болған хожалық тараўлары баслы орын ийелегенинен дерек береді. Әсиресе, қарақалпақ халқының тиришилик дереги болған дийқаншылық тараўы хаққында нақыл-мақаллар дыққатқа ылайық. Мысалы, «Егин ексең, ерте ек, ағаш тиксең, бәхәр тик», «Арпа-бийдай ас екен, Алтын, гүмис тас екен» хәм тағы басқа нақыл-мақалларында қарақалпақ халқының дийқаншылықтан алған тәжирийбелеринен пайдаланғанын көреміз.

Дийқаншылық кәсиби бойынша дөреген нақыл-мақалларға нәзер аударғанымызда дийқаншылықтың мәдениетін арттырыуда бай тәжірибелер топлап, хәр түрлі усыллар қолланғаны байқалады. Мысалы, «Жер сүрсен гүз сүр, гүз сүрмесен жүз сүр», «Не ексең, соны орасаң», «Шөби жоқ деп жерден түңілме, малы жоқ деп ерден түңілме» х.т.б. Бунда халқымыздың көп жыллық жер менен ислескеннен, жер менен тиллесе билген баба дийқанларымыздың дийқаншылық тәжірибесинен дөреген жууақтарынан дерек береді. Қарақалпақ халқының жер шараятында дийқаншылық үшін ең ауыр хәм шешиўши нәрселердің бири – суў болып табылады. Соның үшін халқымыздың тиришилиқ дереги бирден-бир жер менен бирге суў ислери байланыслы болып, тийкарғы орын ийелейди. Мысалы, «Ана жер суў менен сақый», «Жер-ғәзийне, суў-ғәўхар», «Суў келди – нур келди», сыяқлы нақыл-мақалларында жер ислери, суў, дийқаншылыққа байланыслы ата-бабаларымыздың әсирлер даўамында топлаған тәжірибесиниң жыйынтығы десек туўры болады. Сондай-ақ, суў менен бирге суўғарыў кәсиби, суўғарыў системаларын тәртипке келтириў үшін қолланылған нақыл-мақалларда сол дәўирдің шынлығы, тарийхы баянланып келеди. Мысалы, «Әкең мурап болғанша, жериң ой болсын», «Салының арқасында шигин суў ишеди» х.т.б нақыл-мақалларында айрықша көзге тасланады.

Халық ертеклериниң биринде әкеси жалқаў баласының мийнет ислеп ақша табыўы үшін оны жумысқа жибереди. Анасы баласын аяп балам мына теңгени алда күни менен қыдырып кеште бир теңгени әкеңе әкелип бер дейди. Бала күни менен айланып кеште келип әкесине бир теңгени береді. Әкеси теңгени отқа таслап жиберсе, баласы қарап тура береді. Ертеңине бул хәрекет тағы қайталаынады. Ал үшінши күни анасында теңге болмағанлықтан өзлериниң қартайғанлығын хәм мийнет ислеп күн көриў кереклигин айтады. Нәтийжеде илажсыз қалған баласы мийнет ислеп теңге менен келеди. Әкеси теңгени отқа таслағанда, баласы жуўырып барып әкесиниң қолын ушлап, теңгелерди мийнет пенен тапқанлығын айтады. Усы арқалы жасаў хәм хожалық жүргизиў, жәмийетте өз орнында табыў үшін мийнет етиўдің зәрүрлигин көрсетип береді. Халық нақылларында «тегин мал тесип шығады» дейди. Мийнет етиў арқалы ислеўшилердің кәсип шеберлиги артады. Жерлесимиз Берунидің пикиринше, ең әхмийетли идея сонда, барлық қымбатлы нәрселер инсан мийнети менен дөретиледи хәм инсанның қадир-қымбаты оның ата-бабаларының ким болғанлығы менен емес, бәлким оның мийнети, ақыл хәм физикалық қабилети менен де белгиленеди, билимлерди ийелеў хәм өнер үйрениў үшін мийнет етиў зәрүр, бул бәрқулла даўам ететугын хәм жетилисип баратугын процесс. Ал, араб ойшылы Ибн Халдунның пикиринше, «инсанға тән болған қәсийетлерде жасаў үшін қаржы, нәрсе табыўға умтылыў, бул үшін мийнет етиў зәрүрлиги де киреди» деп жазады.

Ең әйемги дереклердің бири «Авесто»да дийқанлар менен шарўаны материаллық байлықларды дөретиўшилер деп есаплайды. Китапта айтылыўынша, жақсылық хәм мийрим-шәпәтти дөретиў үшін адам мийнет етиўи, өз қоллары менен материаллық ийгиликлерди жаратыўы лазым. Инсан шарўаның көбейиўине, жайлаўлардың гүлlep-жаснаўына жәрдем бергенде ғана, дийқаншылық хәм суўғарыў ислеринде ықлас пенен мийнет еткенде ғана қудай ямаса оның жәрдемшилериниң хұрметине ылайық болады. Демек, халқымыздың өтмиштен баслап бүгинги күнимизге шекем жасаўы үшін жер хәм суў мәселелери ең әхмийетли мәселелердің бири болып, буған бийпәрўа қарамаған. Бунда хәр қандай нақыл-мақаллар жоқары идеаллығы, турмыс пенен тығыз байланысып келеди. Хәттеки, ата-бабаларымыз сөз зергери сыпатында нақыл-мақал усыллары арқалы жеримиз, суўымызды қәстерлеп тәкирар-тәкирар баян етип келген екен, олар тиришилигимиз усылар менен байланыслы екенин билген. Соның үшін хәзирги күнниң талапларының бири сыпатында жер хәм суў мәселелери қарақалпақ халқының нақыл-мақалларында өз сәўлелениўин тапқан. Халық даналығында атап көрсеткениндей, «Дәрья суўын бәхәр тастырады, адам қәдирин мийнет асырады». Жәмийеттиң раўажланыўы, инсанияттың келешеги үшін мийнет етиў - хәр бир инсанның әдиўли миннети болып есапланады. Сонлықтан да, хәр бир инсан келешек жаслар тәрбиясында жуўапкерли болыў менен бирге халқымыздың неше жыллар даўамында атадан-балаға өтип киятырған нақыл-мақалларынан орынлы пайдаланып, оларды үгит-нәсиятлап барса, ғәрезсизлигимизди беккемлеп хәм раўажландырып барыўға, усы арқалы жасларға жол-жоба хәм бағдар берип барған боламыз.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Өзбекстан Республикасы Президенти Шавкат Мирзиёевтиң Олий Мажилиске Мүрәжаты //«Еркин Қарақалпақстан» газетасы, 29-декабрь 2018-жыл.
2. Бахадырова С. Қарақалпақ фольклорының 100 томлығы – илим жаңалығы // Халық аўызеки дөретиўшилиги миллий хәм улыўма инсанның қәдирятлар системасында //Халық аралық илимий конференция материаллары. «Нөкис». 2015.
3. Бахадырова С. Қарақалпақ қандай халық. – Ташкент, (Наврўз) 2017.
4. Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис, «Қарақалпақстан», 1988.

Резюме. Мақолада қарақалпақ халқ мақолларида ер-сув масалаларининг акс эттирилиши, кундаликли хаёт тажрибасида аксини топган хозирги вақтдаги ахамияти, «Авесто»дан бошлаб хозирги даврда халқ оғзида, ёзма манбаларда ўрин олган мақолларнинг мисолида берилган.

Резюме. В статье излагаются народные представления о воде и земле как источниках существования, отраженные в пословицах и поговорках каракалпакского народа, раскрываются их смысловое содержание на примере анализа многочисленных пословиц и поговорок.

Summary. The article outlines the concepts of water and land as sources of existence, as reflected in the proverbs and sayings of the Karapolk people, reveals their semantic content on the example of analysis of numerous estates and sayings.

Таянч сўзлар: мақол, дарё, меҳнат, ер-сув, таълим-тәрбия.

Ключевые слова: пословица, река, труд, земля-вода, воспитание.

Key words: proverb, river, work, earth-water, upbringing.

УДК 930.26 (575.172)

КРАСНОЛОЩЕННАЯ НЕПОЛИВНАЯ КЕРАМИКА УСТЮРТА**Толыбаев М.***Каракалпакский государственный университет*

В северо-западных окраинах Приаралья, на территории Арало-Каспийского междуморья располагается огромная пустынная зона плато Устюрт. Согласно археологической науке, здесь с древнейших времен обитали люди каменного века – ранние и поздние кочевники. Древние насельники внесли свою лепту к развитию исторических процессов, протекающих на территории Европы и Азии. Плато Устюрт имеет особое географическое положение в регионе, является удобной территорией для транзитного передвижения из Восточной Европы на Юг, обратно из Востока на Запад. Вследствие такого явления в материальной культуре кочевых племен и приграничных памятниках Устюрта появились своеобразные признаки. Археологические исследования средневековых памятников Устюрта связаны с именами С.П.Толстова, Н.Н.Вактурской, М.М.Мамбетуллаева, В.Н.Ягодина, М.-Ш.Кдырниязова, Б.С.Саипанова, Ю.П.Маньилова и др. Ими исследованы памятники огузо-кипчакских племен, городища, сигнальные башни и караван сарай. В этих памятниках собран комплекс образцов материальной культуры – керамика, металлические предметы, нумизматические находки и архитектурные детали этой зоны, среди которых преобладают керамический материал. Материальная культура средневековых памятников Устюрта в археологической науке не подвергалась специальному исследованию.

В комплексе средневековой керамики плато и соседних к нему под чинком Устюрта появляются новые типы неполивных сосудов, не характерных для керамического производства хорезмшахского времени (XI-нач.XIII вв.). Они в основном имеют плотный устойчиво красный черепок, сочного цвета красный ангоб, лощеный орнамент. Формы подобной керамики чаще всего относятся к столовой керамике. Они изготовлены из хорошо приготовленного глиняного теста, отсутствием значимых примесей в глине. Эта керамика по сочному красному цвету ангоба и ярко выраженным лощеным орнаментом отличаются от местных неполивных изделий покрытые слабовыраженным розоватым оттенком неполивной ремесленной посуды. В нашей работе анализируются новые инновационные компоненты материальной культуры не только памятников Устюрта, но и периферийные города Хорезмского оазиса – неполивные красноглиняные лощеные изделия. В археологических памятниках Устюрта находки красноглиняных изделия чаще всего встречаются в караван-сараях и городищах, расположенных вдоль торговой дороги из Хорезма в Восточную Европу XIII-XIV вв. Поэтому первые сведения о них мы находим у исследователей золотоордынских памятников Устюрта М.-Ш.Кдырниязова [1,16; 2,90-92], Ю.П.Маньилова [3, 115] и В.Н.Ягодина [4,47]. За пределами Южного Приаралья неполивной красноглиняной лощеной керамике Поволжья посвящена часть статьи С.А. Михальченко [5,121-122]. Неполивная красноглиняная лощеная столовая керамика по размеру и внешней фактуре и функциональному признаку подразделяется на кувшинообразные сосуды, чаши, кружки и крышки, но последние встречаются в меньшем количестве. Столовая неполивная сероглиняная как и красноглиняная керамика является одним из массовых материалов устюртских караван сараев и периферийных городов Южного Приаралья таких как Пульжай, Ай ата и Шемаха кала.

Среди них после сероглиняной неполивной посуды (часто с лощением), к столовой керамике относятся красноглиняные кувшины по морфологическим признакам разделяющиеся на типы и их варианты. Формы кувшинов несколько отличаются от сероглиняных кувшинов местного хорезмийского образца. Сосуды имеют ярко выраженную остро ребренную форму и узкое плоское дно. Остроребранные кувшины явно похожи на амфоровидные сосуды городов Северного Причерноморья и Нижнего Поволжья. Одни сосуды больших размеров. Кувшины представлены двумя типами, отличающимися по форме, диаметру горла и наличием или отсутствием ручек. I тип. Кувшины имеют уплощенно-овальную ручку, характерную для неполивных красноглиняных изделий городов Поволжья и Пруто-Днестровья золотоордынской эпохи [6,29-35; 7,16-117]. Массивная ручка сверху прикреплена к венчику, снизу к тулову [рис.1,1]. Надо отметить, что венчик некоторых сосудов близок к местной хорезмийской керамике, он слегка утолщен. Не особо выделяющаяся орнаментация кувшинов в виде двух и трех рядными неширокими выемками полос, расположена в верхней части на уровне тулова, эта орнаментация дополняется полосатым лощением. Они найдены в караван-сараях Косбулак, Чурук. Высота кувшина до 0,58 м. Эти кувшины по форме горла можно разделить на подтипы: узкогорлые и широкогорлые.

I подтип имеет плоское дно, узкий венчик (диаметр 3-6 см), украшенный отогнутый наружу утолщенным валиком. Эти признаки приближают их к сероглиняным кувшинам Хорезма XIII-XIV вв. [8,306-307]. В отличие от последних, красноглиняные кувшины имеют, как описано выше, уплощенно-овальные и подтреугольные ручки в сечении [3,33; рис.2,6].

II подтип имеет высокое округлое яйцевидное тулово, плавно сужающееся к плоскому дну. Встречаются они в двух видах: с ручкой или без нее. Они более крупные сосуды, высота достигает до 0,58 м. диаметр широкой части тулова 28 см, дна 16 см. [рис.1,2]. Их отличает также наличие высокого узкого горла, отогнутый вниз венчик и плоская ручка [3,14; рис.2,5].

III подтип кувшина известен по материалам караван-сарая Косбулак. Здесь найдено тулово кувшина с раздутым кверху корпусом, высотой 40 см. Максимальный диаметр кувшина находится на уровне плечиков, он украшен тремя прочерченными полосами на тулове [рис.1,3]. Аналогии к такого типа сосудов в материалах золотоордынских памятников Нижнего Поволжья отсутствуют [6,28-113; рис.2,3; III тип]. Однако, в достаточном количестве образцов таких кувшинов обнаружено в Хорезме, например, в Миздахкане и Джампык

кала. Наличие подобной формы керамики в материалах Устюрта и Хорезма свидетельствует о том, что они изготовлены в местных условиях по образцам привозных изделий. Вместе с тем, надо отметить, что некоторые кувшины по своей форме повторяют детали сероглиняной чернолощенной керамики Хорезма XII- XIV вв. Это сходство особенно проявляется в оформлении венчиков, в виде выпуклых валиков. В целом, красноглиняные лощенные кувшины найдены в караван-сараях Устюрта и городищах Пульжай, Ай Ата и Шемаха кала, и в курганах поздних кочевников Арало-Каспийского междуморья. Некоторые исследователи их связывали с производственными центрами золотоордынских городов Поволжья или Хорезма [9,54-56; 3,115]. Однако в свете новых археологических данных эта мысль была скорректирована М.-Ш.Кдырниязовым [2,90-91] и В.Н.Ягодиным [4,47] в частности доказано, что они бесспорно являются поволжского происхождения.

Малоформатная краснолощенная столовая керамика представлена посудой типа пиала и чаши с красным ангобом. Формы этих изделий не так разнообразны, как у местных чернолощенных изделий. К чашам относятся три типа тонкостенной посуды отличающиеся друг от друга по форме. I тип чаши представлен с полусферическим туловом, имеет отогнутый к наружу полочковидный венчик и плоское дно. Его наружная сторона под венчиком покрыта радиально пересекающимся или ёлкообразным орнаментом интенсивно сочного красного цвета. Образцы этих изделий кроме памятников Устюрта (Шемаха кала) найдены в Миздахкане и Хиве. Подобные типы керамики по форме, орнаментации и расцветке красного лощения находят близкие аналоги среди неполивной керамики Нижнего Поволжья [5,121-122; 6,31; рис.2,1]. II тип, представлен в полусферической форме, на кольцевом поддоне, имеет прямой венчик, внутри украшен красным полосчатым лощением в виде концентрических кругов. III тип, имеет также полусферическую форму, на кольцевом поддоне. В отличие от предыдущих, чаши имеют только красный ангоб и без лощения [рис.2,2; 2,3; 2,4]. Краснолощенные чаши и миски в отличие от кувшинов, больше повторяют формы и орнаментацию плоскостных сероглиняных чернолощенных мисок Хорезма.

Таким образом, в красноглиняных лощеных изделиях средневековых памятников Устюрта прослеживаются присущие признаки керамического производства золотоордынских городов Нижнего Поволжья. К ним, прежде всего относятся категория кувшинов с овальной в сечение ручкой, плавно переходящий в вытянутое тулово. Они чаще всего встречаются в керамических комплексах золотоордынских городов Поволжья и Пруто- Днестровья (Молдова). По данным археологических исследований этот тип керамики генетически связан с ранними культурами Волжской Булгарии и Северного Кавказа (аланская керамика, Андрейаул, Дагестан). В городах Поволжья эта керамика появляется в эпоху Золотой Орды. Это объясняется с синкретичностью керамического производства городов золотоордынского Поволжья. Краснолощенные керамика памятников Устюрта, вкпе с другими артефактами, свидетельствует о тесных связях Хорезма с восточноевропейскими городами Золотой Орды. Этому способствовало вхождение области в состав образования в лице государства Джучидов.

ЛИТЕРАТУРА

1. Кдырниязов М.-Ш. Города Хорезма золотоордынского времени (В низовьях Амударьи) // Автореф.дисс. ... канд. ист.наук. –Нукус.,1979.
2. Кдырниязов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII-XIV вв. – Нукус «Каракалпакстан», 1989.
3. Манылов Ю.П. Археологические исследования караван-сарая центрального Устюрта // АП. Вып. 1. –Ташкент., «Фан», 1982.
4. Ягодин В.Н. Скотоводы-охотники Арало-Каспийского междуморья в средние века // Научный доклад представл. в качестве дис.докт.ист. наук. –Москва., 1992.
5. Михальченко С.А. Систематизация массовой неполивной керамики золотоордынских городов Поволжья // СА. № 3. – Москва., 1973.
6. Федоров-Давыдов Г.А. Золотоордынские города Поволжья. Керамика.Торговля. Быт. –Москва., 2001.
7. Полевой Л.Л. Городское гончарство Пруто-Днестровья в XIV вв. –Кишинев., 1969.
8. Вактурская Н.Н. Хронологическая классификация средневековой керамики Хорезма (IX-XVII вв.) // ТХАЭЭ. Том. IV. – М.: Изд-во АН СССР, 1959.
9. Лоховиц В.А, Бижанов Е.Б.. Устюртский караванный путь из Хорезма в Восточную Европу и Поволжье // Вестник ККФАН УзССР. № 2., 1969.

Резюме. Мақалада Устюртнинг орта эфир естеликлериндеги қызыл саз ылайлы қызыл сырлы гүлал ыдыслар анализи берилген ҳам олардың орта эфир Хорезмнің Алтын Орда қалалары менен тығыз байланыста болғанлығына гүялық бериўи тийкарланған.

Резюме. Мақалада Устюртнинг ўрта аср ёдгорликларидаги қизил саз лойли қизил сирли кулол идишлар таҳлили берилган ва уларнинг ўрта аср Хоразмнинг Олтин Ўрда шаҳарлари билан тиғиз алоқада бўлганлигига гувоҳлик бериши асосланган.

Резюме. В статье анализируется красноглиняная краснолощенная керамика из средневековых памятников Устюрта и отмечается, что она свидетельствует о тесной взаимосвязи средневекового Хорезма с с городами Золотой Орды.

Summary. The article analyzes red clay red-glazed ceramics from medieval monuments of Ustyurt and notes that it testifies to the close relationship of medieval Khorezm with the cities of the Golden Horde.

Таяныш сөзлөр: Устюрт, гүлалшылык, қызыл рең, дизайн, Волга бойы, қалалар, саўда байланыслары.

Таянч сўзлар: Устюрт, кулолчилик, қизил ранг, сайқал, Волга бўйи, шаҳарчалар, савдо алоқалари.

Ключевые слова: Устюрт, керамика, красный, дизайн, Поволжье, городки, торговые отношения.

Key words: Ustyurt, pottery, red colour, design, the coach of the Volga, towns, trade relations.

ХІХ-ХХ АСР БОШЛАРИДА ЖАНУБИЙ ОРОЛ БЎЙЛАРИДА КЎНЧИЛИК ХУНАРМАНДЧИЛИГИ

¹Турганов Б. К., ²Сейтмуратов О.С.

¹Нукус давлат педагогик институти

²ТашДАУ Нукус филиали

Жанубий Орол бўйларида қадимдан териға ишлов бериш ва ошлаш ишлари маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалган хунармандчилик соҳалардан бири ҳисобланган. Териға ишлов бериш билан шуғулланувчи қосиблар кўнчилар деб аталган. Кўнчилик халқ ҳўжалигининг муҳим соҳаси бўлиб, кўплаб хунармандчилик соҳалари у билан бевосита боғлиқ бўлган. Кўнчилик этикдўзлар, маҳсидўзлар, пўстиндўз, телпакдўз, чўғирмадўз, ямоқчилар ва бошқада хунармандларға хом-ашё етказувчи асосий бош тармоқ ҳисобланган. Жанубий Орол бўйлари географик жиҳатдан воҳа ва саҳро худудларидан иборат бўлганликдан, кўчманчи чорвадор аҳоли томонидан кўнчилик соҳаси учун етарли миқдорда хом-ашё маҳсулотларига эға худуд ҳисобланган. Минтақада қадимдан ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчи аҳоли истиқомат қилишган. Халқ ҳўжалигида деҳқончиликдан ташқари, чорвачилик муҳим соҳалардан бири бўлган. Худуддаги козок, туркман халқлари асосан чорвачилик, қорақалпоқлар ярим ўтроқ аҳоли бўлиб, улар ҳам кенг кўламда қорамолчилик, қисман қўйчилик билан шуғулланишган.

Тарихий маълумотларға кўра, Амударё бўлимида 1884 йилда 33935 йирик шохли қора мол, 22842 от, 68730 қўй, 8850 туя ва 46040 бош эчки бўлган. 1907 йилға келиб йирик шохли қора моллар сони 94800, отлар 41350, қўйларнинг умумий сони 288090, туялар 19050, эчкилар 86500, эшаклар 3500 га етган [2, 343-345]. Шунингдек, Қўйи Амударё соҳилларида қорақўлчилик соҳаси қадимдан мавжуд бўлиб, ХІХ аср охирида уни ривожлантириш интенсив турда давом эттирилган. ХІХ аср охирида Амударё бўлимида 7200 бош қорақўл қўйлари бўлган бўлса, 1906-1908 йилларда уларнинг сони 60 мингдан 74 090 га етган [2, 343-345]. ХІХ аср бошида Хиванинг халқаро савдо-сотикдаги мавқие анча кўтарилади. Бу даврда Хива хонлигидаги қорақўл тери ва гиламлар Туркия, Хитой ва бошқа мамлакатларға ташки савдоға чиқариб турилган. Минтақа аҳолиси қўшимча ҳўжалик тури сифатида овчилик билан ҳам шуғулланишган. Жумладан, Устюрт платасида овчилик ишларига мўлжалланган маҳсус “Аран” деб номланувчи қурилиш иншоотлари бўлган. Бу ҳақида Бердақ бобомиз “Чўлларда қочар жайрони, жайронға қурган арани”- дея маълумот беради. Қорақалпоқ, козок ва туркман халқлари маҳаллий тўқайзорлар, Устюрт платаси, Қизилкум ва Қорақум саҳроларидан овланган кўплаб ёввойи ҳайвон териларини маҳаллий бозорларда сотишган. Умуман, минтақадаги чорвачилик ва овчилик ҳўжаликлари тараққиёти кўнчилик соҳасининг бой хом-ашёвий манбайи сифатида хизмат қилган.

Кўнчилар томонидан турли хил уй ва ёввойи ҳайвонлар териларини ошлаб турли хил чарм тайёрлашган. Эчки терисидан тайёрланган чарм қайроқи деб аталиб, у асосан маҳси, ковуш каби пойабзаллар учун ишлатилган. Уни қизил, қора ва сариқ рангға бўйаш мумкин бўлган. От ва эшак терисидан тайёрланган яшил қалин чарм кимухт деб аталиб, ундан кўплаб маҳсус бадийи хунармандчилик буюмлар ишлаб чиқарилган. Кимухт териси Жанубий Орол бўйларида илк ўрта асрдан маълум ва машҳур бўлган. Бу ҳақида илк ўрта асрдаги Муқаддасий ва сўнгги ўрта асрлардаги рус элчилари Гладышев ва Муравиннинг маълумотлари характерлидир. Оролликлар шунчалик бойки, оддий пичоқларнинг дасталари ҳам яшил теридан ишланган [10, 71-72].

Хўкиз терисидан тайёрланган чармдан камарлар ва от-улов учун эгар-жуганлар ишланган. Баъзан, кимухтдан тайёрланган эгар-жуганларға рангли мовут ва заргарлик безаклари билан ишлов берилган. Кўнчилар эчки ва қўй терисидан ошлаб юмшоқ, ўзига хос гул ташлаб турадиган ажойиб саҳтиён чарми, майин ва юмшоқ баҳмалсимон замш чарм, эшак ва отнинг сағри терисидан тўқ яшил рангли кимухт чарми, мол терисидан қора ва қизил рангға бўйланган юқори сифатли булғори чармини ишлаб чиқаришганлар [6, 128-129].

Жанубий Орол бўйи шаҳарларида чарм, сағри, кемухт, талатин, булғори каби териларни ошлаш билан шуғулланувчи кўнчилар маҳаллалари ва қосибларнинг устахоналари одатда шаҳар ташқарисида, сувға яқин жойларда жойлашган. Чунки, териға ишлов бериш жараёнида сувдан кўпроқ фойдаланилган. Терини ошлаш ва ишлов бериш билан шуғулланувчи қишлоқ ва маҳаллалар “кўнчи овул” ёки “кўнчилар маҳалласи” деб аталган. Бу даврда Хўжайли шаҳрида Сувенли канали чап соҳилида “Кўнчи овул” деб номланувчи маҳалла жойлашган бўлса, Чимбой атрофидаги қишлоқлар бирида 10-15 та оила кўнчилик ишлари билан шуғулланишган [12, 87]. Бу даврда кўнчилик ва у билан боғлиқ хунармандчилик соҳалари Хоразмнинг Хива, Урганч ва Хонқа шаҳарларида ҳам тараққий қилган. Жумладан, Хонқанинг Сарапоён қишлоғида 30 га яқин ҳўжалик териға ишлов берувчи кўнчилик соҳаси билан шуғулланган [5, 206].

ХІХ-ХХ аср бошида Жанубий Орол бўйи шаҳарларида теридан оёқ кийим ишлаб чиқариш ва сотишға ихтисослашган дўконлар сони кўпайган. Бу даврда Хоразмнинг Урганч, Хива каби шаҳарлари оёқ-кийим тайёрловчи хунармандларнинг ихтисослашув жараёнини кузатилади. Улардан бир қисми маҳси, иккинчиси қавуш ва бошқаси этик тайёрлашган. ХІХ аср ўрталарида Хивада бўлган рус элчилари миссияси вакили Н. Залесов ёзишича, хиваликлар оқ чармдан, баланд пошноли, оёқ учлари “сичқон қуйруғи каби айланган” ўзига хос этиклар кийишади [5, 206]. Этик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи устахоналари асосан уйларда жойлашган ва уларда 5-10 одамгача ишлашган. Эшак терисидан ранг-баранг чарм тайёрланиб, у кемухт деб аталган. Эшак ва айрим ҳолларда отлар терисидан тайёрланган сағридан ҳам кўпроқ этик ва қавушлар тикишган. Сағри терини тайёрлаш учун 32 кун вақт сарфланган. Ундан 12 кун тери ошланарди, 20 кун эса бўйашға кетар эди [3, 17].

Бу даврда Хива шахрида 18 нафар кўнчи, 40 этикдўзлар бўлиб, улар тайёрлашган маҳсулотлар шаҳар бозорларида сотилган [7, 138-139]. Хива хонлиги шаҳарларидаги косиблар томонидан тикилган этик, маҳси, кавушларга талаб кучли бўлган. Косиблар маҳаллий хом-ашёдан ташқари, Россиядан келтирилган чармдан ҳам этик, маҳси, кавушлар тайёрлашган. Хива хонлигидаги кавушдўзлар орасида рус чармидан рангдор “татар кавушлари”ни тикувчи мохир хунаремандлар бўлган [7, 138-139]. Жумладан, ўша даврда қорақалпоқлар шаҳарларида ҳам оёқ-кийим дўкон ва устахоналари сони кўпайди. XIX аср охирида Чимбой шахрида 8 та терини қайта ишловчи кўнчилик устахонаси, 16 та этикчилар устахонаси, 5 та телпакдўзлар (малақайчилар) фаолият кўрсатишган бўлса, этик, говуш ва маҳси каби оёқ-кийим маҳсулотлари 23 та дўконда сотилган [11, 92-102]. Бу даврда қорақалпоқ хотин-қизлари орасида ҳам “Сағри ковуш” («Саўыр геўиш») кийиш кенг урф бўлган. Баъзан, бу ковушга миллий нақшларда безак берилган. Сағри ковуш мустаҳкам чармдан тигилган бўлиб, баланд пошнали бўлган. Кавушнинг ташки томони “Кўк сағри” («Көк саўыры») билан қопланган. У ковушга алоҳида жило берган. Кўк сағри майда сариқ жез мих билан бекитилган. «Кўк сағри» эшакнинг сағир терисидан олинган, кейин кўк рангга бўялган. “Сағри ковуш” XX аср бошларигача оёқ-кийимнинг кенг тарқалган турларидан бири бўлган. Қорақалпоқ халқ достонлари, жиров ва шоирлари қўшиқларида “Сағри ковуш” ёшлик, гўзаллик ва муҳаббат тимсоли сифатида қўйланади.

Бу даврда Ўрта Осиёнинг деярли барча шаҳарлари кавушдўзлари томонидан сағри теридан тикилган кавушлар машҳур бўлган. Айниқса, Тошкент шахрида сағри теридан тикилган кавушлар кенг урф бўлган. Муаллифлардан бири ёзишича, XX аср бошидан олдинги даврда “олифталар ҳам, кам таъминланган одамлар ҳам ўзларига тиниқ барг ранг сағридан маҳаллий хунаремандлар ясайдиган кавушларга буюртма берганлар. Бу сағричиларнинг олтин асри эди”, — деб қайд этилган эди [3, 16]. Минтақада қадимдан қўй терисидан пўстин тайёрлаш кенг тарқалган ва фахрли касблардан ҳисобланган. Ҳаттоки, тасаввуф таълимоти жўмардлик йўналиши йирик намоёндаларидан бўлган Пахлавон Маҳмуд (XIV аср) пўстиндўзлик касби билан шугулланиб тирикчилик қилган. Шунинг учун ҳам Хоразм воҳаси пўстиндўз ва чўғирмадўз косиблари Пахловон Маҳмудни ўзларининг илоҳий пири деб ҳисоблашади ва унинг Хива шахридаги макбарасини муқаддас зиёратгоҳ сифатида зиёрат қилишади [4, 140].

Хоразм пўстиндўзлари ўрта асрларда жуда ҳам машҳур бўлишган. Абулғози Баҳодирхоннинг ёзишича, XVI аср ҳукмдорларидан бири Ақатой хоннинг ўғли Темур Султоннинг «устунда, зарбоп тошли, олтин тугмали киш пўстини бор» эди [1, 128]. Пўстиндўзлар ўз навбатида қимматбаҳо мўйналардан пўстин тикиш билан бирга, қўй терисидан оддий пўстинларни тикиш кенг тарқалган. Айниқса, ошланган қўй терисидан жунини ичкари қаратиб, сариқ рангга бўяб тикилган пўстинларни тикиш XX асрга қадар кенг русум бўлган. Бундан пўстинлар нафақат Хоразмнинг маҳаллий аҳолиси учун, балки кўшни қорақалпоқ, козок, туркман халқлари ва ташқи бозорга сотиш учун ҳам кенг кўламада ишлаб чиқарилган [9, 151]. Пўстиндўзлар ўз навбатида турли қимматбаҳо мўйналардан пўстин тикувчи мўйнадўзларга ва шунингдек, анча арзон қўй пўстагидан пўстин тикувчи пўстиндўзларга ажралган [8, 75-76].

Қорақалпоқ кўнчилари томонидан той (отнинг боласи) терисидан жуни ташки томонга қаратилиб тигилган пўстин - “Тойчоки” деб аталган. Бундай пўстинларни асосан чўпонлар, подачилар кийишган. Ушбу пўстинлар ташки омилларга чидамли ва мустаҳкам бўлиб, ёғмир ва захни инсон танасига ўтказмаслик хусусиятига эга бўлган. Бундай “Тойчоки пўстинлар” хўжалик ҳаётида чорвачилик асосий ўринда бўлган козок, башқурт, олтой, қалмоқ халқларида ҳам кенг тарқалган. Камбағалларнинг болалари кишда “Қилқа” деб аталувчи теридан тайёрланган кийим кийишган. Ушбу болалар пўстини эчки терисидан, жунини ичкарига қаратилиб тигилган. Эркаклар учун қой жунини ичкарига қаратиб пўстин тигишган ва улар сариқ рангга бўёқланган.

Кўнчилик билан боғлиқ косиблардан яна бири чўғирмадўзлик ва телпакфурушлик. Ушбу эркаклар бош кийимини тайёрлаш XX асрнинг 20 йилларига қадар кенг тарқалган косиб бўлган. Уларнинг устахоналари Хива, Урганч ва Хозарасп шаҳарларида кўплаб учрашган [5, 206]. Сўнгги ўрта асрларда Жанубий Оролбўйи ва Хива хонлигидан Россиянинг Оренбург, Астрахон ва Нижний Новгород шаҳарларидаги савдо ярмаркаларига пахта, хом тери, пўстин, ипак, нўғой ва татар халатлари ҳамда бошқа турли хом-ашёлар ташқи савдога чиқарилган [9, 151].

Чор Россияси босқинчилигидан сўнг рус сармоядорлари Жанубий Оролбўйини хом-ашё етказиб берувчи худудга айлантириш ишларини жадал турда олиб боришади. 1878 йилдан ака-ука Ванюшинлар томонидан Чимбойда манфактура типдаги терини қайта ишловчи корхона фаолият кўрсатган. Унда даслаб 18-20 ишчи ишлаб 10-15 минг сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 1880 йилга келиб корхонада 40 минг сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, Чимбойлик бойлар Аскарбай, Тўлибой, Лепесбойлар томонидан маҳаллий аҳолидан тери ва тери маҳсулотлари сотиб олиниб, Россия давлатига ташқи савдога чиқарилган [13, 78-79]. 1874 йилдан Петро-Александровский шахрида Пеньков томонидан терини қайта ишловчи кархонага асос солинган. Корхонада дастлаб 15-20 одам ишлади. 1913 йилга келиб Амударё бўлимидаги барча терини қайта ишловчи кархоналарда 130,9 минг сўмлик маҳсулот ёки 123,3 минг дона терида ишлов берилган. 1912-1913 йилларда Амударё бўлимидан Россия бозорига 167 минг сумлик тери, 50,7 минг сумлик ов териси (ёввойи ҳайвонлар), 110 минг сўмлик қорақўл териси ташқи савдога чиқарилган [13, 78-79]. Бундай терини қайта ишловчи кархоналар XX аср бошида Хивада савдогар Алёшин томонидан ташкил этилади. Иккинчи йирик корхона Урганчлик бойлардан Салиджанов томонидан ишга туширилади. Унда 80 кўнчи косиб, ҳар куни 100-180 катта сифатли чармлар тайёрлашган [5, 206]. Мазкур кархоналарда XX аср бошида меҳнат тақсимоли юзага

келган эди. Масалан, бир гуруҳдагилар маҳси ва ковушлар учун саҳтиён чармини, бошқалари мешгарлар учун эчки ва қўй терисидан юмшоқ баҳмалсимон замш чарм, учинчилари мол терисидан одатдаги чарм тайёрлашган.

Демак, XIX- XX аср бошларида минтақадаги Чимбой, Тўртқўл, Хўжайли, Қўнғирот шаҳарларидаги кўнчилик ишларида териға дастлабки ишлов бериш ва хом-ашё сифатида тайёрлаш ишлари кенг қўламда йўлга қўйилган бўлса, Хоразмнинг Хива, Урганч, Хонқа шаҳарларида терини хом-ашё сифатида тайёрлаш билан бир қаторда улардан турли хил ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қўнчилар томонидан тайёрланган сифатли чармлардан этикдўзлар, маҳсидўзлар, пўстиндўз, телпакдўз, чўғирмадўз, ямоқчи ва бошқа ҳунармандчилик соҳаларидаги усталар томонидан этик, маҳси, ковуш, пўстин, телпак, чўғирма каби буюмлар билан бирга от-улов анжомлари, ҳарбий қурол-аслаҳалар учун камарлар, қопламалар, металл билан безатилган ажойиб совутлар, турли хил буюмларга футлярлар, мешлар, дарёни кечиб ўтишда ишлатиладиган губсорлар, пичоқ кинлари, тумор, ҳамён ва бошқада кўплаб буюмлар кўплаб ишлаб чиқарилган. Улардан кўпчилик буюмларга бадий ишлов беришган. Бу даврда кўнчилик маҳсулотларинг асосий қисми хом-ашё турида Оренбург, Астрахан каби Россия шаҳарларига ташқи савдога чиқарилган. Ушбу шаҳарлардаги корхоналарда ишлов берилгандан сўнг тайёр чарм ёки маҳсулот сифатида юртимизга қайта олиб келиб сотиларди.

АДАБИЁТЛАР

1. Абулғози Баходирхон. Шажараи турк. – Тошкент, «Чўлпон», 1992.
2. Абдикаримов Х. экономические преобразования животноводство в амударьинском отделе в период конца XIX – начала XX веков // Социал-гуманитар илимлериниң актуал маселелери: раўажланыў перспективасы атамасындағы халықаралық конференция материаллари. – Нөкис, 2018.
3. Гейер М., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. –Ташкент, 1903.
4. Джаббаров И. М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX –начале XX в.// Занятия и быт народов Средней Азии. / Среднеазиатский этнографический сборник. - Л.: «Наука», 1971. -вып. III.
5. Джаббаров И. Древний Хорезм – страна высокой культуры и уникальной духовности (Этно-исторические очерки). – Москва 2014.
6. Жаббаров И. Ўзбек халқи этнографияси. –Тошкент, «Ўқитувчи»,1994.
7. Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. –М.; 1940. -Тетрадь №70.
8. Казийские документы XVI в. Текст, перевод, указатель встречающихся юридических терминов и примечания подготовлены Р. Р. Фитратом и Б. С. Сергеевым. –Ташкент, 1937.
9. Лукин Б.В. История Узбекистана в источниках. Узбекистан в сообщениях путешественников и ученых (20-80 –е годы XIX в.). –Ташкент, «Фан», 1990.
10. Поездка из Орск в Хиву и обратно, в 1740-1741 гг. Гладышев и Муравин. -СПб., 1851 // Туркестанский сборник. Том. 343.
11. Риза-кули Мырза Өмийдәрәя областының қысқаша баяннамасы. //Өмийдәрәя, 1992, №2.
12. Тлеубергенова Н. Ремесла и промыслы каракалпаков, связанные с животноводством (XIX –нач. XX вв.)// Вестник ККО АНРУз. 2004. №3-4.
13. Өтемисов А. Каракалпақлардың өнер-кәсіптері. –Нөкис, «Қаракалпақстан», 1991.

Резюме. Мақалада XIX-XX асир басындағы Кубла Арал бойы регионндағы терини қайта ислеўши көншилик өнерментшилиги үйренілген. Көншилер тәрәпинен таярланған ҳәр қыйлы тери сортлары өнерментшилик тараўлары ушын шийки зат дереги есапланып, олардың раўажланыўында әҳмийетли фактор есапланғаны хәм үлкен бөлеги Россия базарларына сыртқы саўдаға шығарылғанлығы тарийхый хәм статистикалық мағлыўматлар тийкарында анализленген.

Резюме. Моқалада XIX-XX аср бошидаги Жанубий Орол бўйи минтақасидаги терини қайта ишловчи кўнчилик ҳунармандчилиги ўрганилган. Кўнчилар томонидан тайёрланган турли хил тери навлари ҳунармандчилик соҳалари учун хом-ашё манбаи сифатида хизмат қилган ва уларнинг ривожланишида муҳим омил ҳисобланганлиги шунингдек, уларнинг қатта қисми Россия бозорларига ташқи савдога чиқарилганлиги тарихий ва статистик маълуматлар асосида таҳлил этилган.

Резюме. В статье рассматриваются вопросы производства ремесленной кожи в регионе Южного Приаралья в конце XIX в и начале XX в. На основе исторических и статистических данных утверждается, что произведенные ремесленниками различные сорта кожи служили сырьем для местных ремесленников и был основным фактором развития этой сферы, а также большой объем этого сырья экспортировался в российские города.

Summary. The article is devoted to the leather processing craft in the southern Priaralie region at the end XIX-century and in the beginning XIX-century. The were produced in different varieties of leather goat skin yellow lamb and cattle, horse and donkey skin kemukht and others. These grades of leather served the local crafts men a frisans Machsiduz, Pustinduz, Shaposhniki was the main factor in the development of these areas.

Таяныш сөзлер: өнермент уста, көншилик, тери, этикшилер дүканы, тери өнімлери хәм буйымлары.

Таянч сўзлар: ҳунарманд уста, кўнчилик, чарм, этикдўзлар дўкони, чарм маҳсулотлар ва буюмлар.

Ключевые слова: мастер, специальная обработка кожи, лавки сапожных мастеров, кожаные изделия и товары.

Key words: master, special processing of leather, leather hats, shoemakers, shops, leather goods and things.

СУВЕРЕНИТЕТ ТУШУНЧАСИ: МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

Асадов Ш.Ғ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

“Суверенитет” тушунчаси фанда XVII асрда содир бўлган муҳим тарихий воқеалар таъсирида шаклланди. Европада ўрта асрлардан кейинги даврда давлат қурилишининг ривожланиши, давлат ҳокимияти билан жамиятнинг диний қатлами, яъни Рим католик черкови ўртасидаги ўзаро муносабатлар кескин ўзгарди ва миллий давлатчиликка таянадиган миллий мафқуранинг вужудга келишига замин яратди. Сўнги ўрта асрларда

Европанинг қатор давлатларида, жумладан, Испания ва Англияда бундай ҳолатларни кузатиш мумкин эди. Монархиялар ўзига тегишли ҳокимият доирасида мустақил сиёсат юритишдан манфаатдор бўлиб, муқаддас Рим империяси таҳдидидан тожу-тахтини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишар эди. 1648 йилга келиб, черков ҳокимиятига нисбатан чекловлар юридик жиҳатдан мустаҳкамланди. Бундай ҳужжат Вестфаль тинчлик келишуви бўлиб, давлатларнинг дунёвий суверен ҳақ ҳуқуқларини тан олишга қўйилган илк қадам эди. Ушбу ҳужжат ҳар қандай давлатнинг зарурий белгиси бўлган суверенитетини ҳимоя қилишни бошлаб берган, замонавий халқаро ҳуқуққа асос солган муҳим ҳужжат сифатида қаралади. Вестфаль тинчлик келишувига кўра, давлатларнинг ўз ҳудудида суверенлиги тан олинди.

“Суверенитет” сўзининг этимологик мазмуни эски французча “soveranité” сўзидан олинган бўлиб, унинг ўзаги латинча “suprematis”, ёки “suprema potestas”, яъни олий ҳокимият деган маънони билдиради. Суверенитет – давлатдаги фуқаролар устидан олий, мутлоқ ва муддатсиз амал қиладиган ҳокимиятдир. “Одатда, давлат суверенитети деганда ҳудудий чегаралар доирасида давлат ҳокимиятининг устуворлиги ва халқаро майдонда унинг мустақиллиги тушунилади” [1, 15]. Суверенитет – бу ҳудудий яхлитлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқаришни таъминловчи давлат ҳокимиятнинг лаёқати билан ифодаланувчи сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар, нормалар ва омиллар тизимидир. Суверен ҳокимият (ҳаттоки, антидемократик асосларга қурилган бўлса ҳам) конституция бўйича халқ номидан иш қўради давлат органлари томонидан амалга оширилади [2].

“Суверенитет” тушунчасини фанга олиб келган Ж.Бодэн уни қонундан устун бўлган фуқаролар буйсунадиган олий ҳокимият («summa in cives et subditos legibusque soluta potestas») деб таърифлаган [3, 123], яъни уни бирор бир юқори турувчи ҳокимият, бирорта қонун, ҳеч қандай муддат билан чеклаши мумкин эмас. Ҳокимият ажралмас, ўзгармас ва муддатсиздир. Бундай ҳокимият ҳар қандай давлатнинг зарурий белгиси ва муҳим асоси ҳисобланади. Муддатсизлик – суверенитетнинг зарурий белгисидир. Вақтинчалик ҳукмдор, унга агар чекланмаган ҳокимият берилган бўлса ҳам, суверенитетга эга шахс сифатида қўрилиши мумкин эмас, улар ҳокимиятнинг эгаси эмас, балки сакловчиси бўлади. Суверенитетнинг яна бир белгисига ҳеч ким олдида жавобгар бўлмаслиқдир [4, 126]. Давлат суверенитетини давлатнинг олий ҳокимияти ёки халқаро субъект бўлиш имконияти, ёхуд давлат сифатида компетентлигини белгилловчи омил деб қаралади [1, 15]. Суверенитет, аввало, давлат томонидан унинг ички функциясини амалга оширишда намоён бўлади. У, айниқса, давлатнинг суверен ҳуқуқларида бевосита кўзга ташланади. Жамиятда ҳуқуқий тартиб ўрнатиш, мансабдор шахсларга, жамоат бирлашмаларига ва фуқароларга ҳуқуқлар берилиши ҳамда мажбуриятлар юклатилиши – буларнинг ҳаммаси давлат ҳокимиятининг бошқа ҳокимиятлардан юқори эканлигини билдиради. Фақат давлат ҳокимиятигина кучли таъсир ўтказишга, зарур бўлганда эса жамият ҳаётининг ҳамма томонларига таъсир кўрсатишга қодир. Бу унинг кенг қамровли эканлигини, чиндан ҳам мустақиллигини кўрсатади.

Давлат ҳокимиятининг бирлиги давлатнинг олий ҳокимиятини ташкил қилувчи ягона орган ёки органлар тизими мавжуд бўлишида ифодаланади. Давлат ҳокимияти бирлигининг юридик белгиси давлат ҳокимияти олийлигини ташкил қилувчи органлар тизимининг бевосита давлат функцияларини бажариш учун зарур бўлган ваколатларни қамраб олишини англатади. Суверен давлат ҳокимиятининг асосий хусусияти унинг мустақиллиги ҳисобланади. Давлат ҳокимиятининг мустақиллиги, шу давлатнинг бошқа давлатлар билан тўғридан-тўғри, бевосита муносабатларида ўз ифодасини топади. Мамлакат ичкарасидаги давлат ҳокимиятининг суверенитети унинг ташқарисидаги мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ. Давлат суверенитети уни халқаро муносабатларда ҳам мустақил эканлигини билдириб, бунда давлат халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида майдонга чиқади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати унинг Конституциясида белгилаб қўйилганидек, давлатларнинг суверен тенглигига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Давлатларнинг суверен тенглиги принципи халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган принципларидан бири сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида ҳам мустаҳкамланган.

“Суверенитет” тушунчаси давлат ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ учун ниҳоятда муҳим категория саналади. Давлат ва халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим муаммолари мазкур ҳуқуқ соҳаларининг моҳияти билан боғлиқ халқаро ҳуқуқнинг давлат ҳуқуқига нисбати, халқаро ташкилотларнинг юридик табиати, давлат ҳокимиятнинг манбаи, давлат ҳокимиятининг бўлиниши, иттифокдош давлатларнинг табиати, давлат ҳокимиятининг қамрови каби масалалар ўз ичига олиб, уларнинг ечими суверенитет билан боғлиқ муаммоларга бевосита тааллуқли [6].

Конституциялар ўз тавсифи ва мазмунига кўра, миллий давлатчиликни ўзида акс эттира олади, шундай бўлсада, давлатларнинг суверен ҳуқуқлари, барибир чекланган, биринчидан, Конституция меъёрлари умумэътироф этилган ҳулқ меъёрларига зид бўлмаслиги керак, иккинчидан, миллий Конституциялар давлатларнинг халқаро мажбуриятларини эътироф этиши лозим. Суверенитетни мутлоқлаштириш ҳам тўғри эмас. Мутлоқ суверенитет ҳеч қачон мавжуд бўлмайди. Уни мутлоқлаштириш метафизик хусусият касб этиб, идрок маҳсули ҳисобланади ҳолос. Суверенитет чегаралари доим мавжуд бўлган, у иқтисодий шарт-шароитлар, халқаро ҳамкорликнинг ривож ва тарихан шаклланган ахлоқий-сиёсий талаблар билан аниқланган. Бу чегаралар ҳам ушбу омилларни ўзгаришига боғлиқ бўлган. Суверенитет принципи замонавий демократиянинг ахлоқий-сиёсий талабларини ўзида мужассам этади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: а) давлат суверенитети принципи давлатнинг мустақиллиги ва ҳокимиятнинг тўлиқлигини; б) халқ суверенитети принципи давлатда олий ҳокимиятни ягона, қонуний ва ҳуқуққа мос манбаси бўлган халқ иродасининг устуворлигини; в) миллий суверенитет принципи миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, яъни жабр ва ситам остида қолган миллатларнинг мустақилликка бўлган ҳуқуқини; г) Иттифок давлати суверенитетининг

иттифоқдош давлатлар суверенитетлари билан уйғунлиги (сиғишимлиги); д) ҳуқуқ ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш ва катта ва кичик суверен давлатларнинг тенглигига асосланган тинч-тотув ҳаётни кафолати сифатида давлатлар суверенитетини халқаро коллектив ҳавфсизлик ташкилотлари билан уйғунлиги ва агрессия учун давлатларнинг жавобгарлиги [7]. Барча юридик принциплар ичида суверенитет чуқур сиёсийлашган принцип ҳисобланади [5, 8].

В.Е.Чиркиннинг таъкидлашича “бутун жамият номидан фақат давлат ҳокимиятигина легал ва қўпгина ҳолларда легитим мажбурлов ва жазо чораларини қўллашга юридик жиҳатдан ваколатга эга” [6, 107]. Давлат ҳокимиятининг салоҳияти ва самараси биринчи навбатда унинг суверенитети орқали улчанади. Давлат суверенитети муаммолари доим хорижий ва маҳаллий давлатшунос олимлар, сиёсатчи ва файласуфларни диққат марказида бўлган ва бўлиб келмоқда. Миллий ижтимоий-сиёсий барқарорлик, халқаро тартиботни таъминлашга бебаҳо ҳисса қўшган, давлат ҳокимияти институтларини такомиллаштириш ва аҳолига яқинлаштириш имконини берувчи, давлат суверенитети назарияси бир неча юз йиллар давомида олимлар ва давлат арбобларининг сайи-ҳаракатлари билан ишлаб чиқилди [7, 5-10]. Суверенитет доктринаси янги даврининг бошланиши Биринчи жаҳон уруши якунларига тўғри келади [5, 18]. XX аср бошларида давлат ва ҳуқуқ назарияси ва амалиётида давлат оммавий ҳокимиятнинг элементи ва сиёсий-худудий ташкилот сифатидаги ғоялар ва қарашлар узил кесил қарор топди ва мустаҳкамланди. Давлат ҳокимияти маълум бир худуд доирасида бутун ижтимоий жараёнларни, жумладан иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларни умуммажбурий меъёрлар ёрдамида тартибга солувчи ва бошқарувчи ягона ташкилот сифатида тан олинди.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий воқеликлар (давлат, ҳуқуқ, ҳокимият, жамият ва ҳ.к.) мазмун моҳиятини очиб берадиган ва фақат ўзига тегишли бўлган (имманент) белгиларга эга бўлади. “Давлат” институти ҳам бу белгилардан ҳоли эмас. Давлатга тегишли белгиларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга давлатнинг фундаментал асосларини ифодаловчи давлатчилик тарихида қадимги давлатлардан, замонавий давлатларгача сақланиб қолган белгилар: худуд, аҳоли, оммавий ҳокимиятни амалга ошириш, солиқлар жорий этиш ва ҳ.к. Бу белгилар билан давлат уруғ қабилачилик ташкилотидан фарқ қилади [8]. Иккинчи гуруҳ белгилари давлатнинг бошқа сиёсий институтлардан тафовутини кўрсатиб туради. Бу белгиларга суверенитет, давлат рамзлари, умуммажбурий меъёрларни қабул қилиш, давлатнинг мажбурлов аппарати эгаллиги, халқаро муносабатларда субъект сифатида иштирок этиш ва ҳ.к.

XX аср ўрталаригача суверенитет давлатнинг халқаро муносабатларда мустақиллиги ва ички муносабатларда ҳокимиятнинг олийлиги сифатида талқин этиб келинар эди. Жаҳон ҳамжамятидаги ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодий интеграция, ахборот тизимларини кескин ривожланиши, табиий ресурсларнинг камайиб бориши, умуминсоний қадриятларни ўзгариш тенденцияси кучайиб бораётганлиги, реал воқеликни кўрсатишнинг концептуал ёндашувлари ўзгараётганлиги “суверенитет” тушунчасини мазмунан қайта кўриб чиқиш ва тадқиқ этишни тақозо этмоқда. “Ғарбда - деб таъкидлайди таниқли ҳуқуқшунос олим И.Д. Левин, - суверенитет туғрисида парламент минбарларидан туриб гапирадилар, турли халқаро конференцияларда мунозаралар олиб борадилар, миллионлаб тиражга эга бўлган газеталарда, кенг тарқалган журналларда ёзадилар, радиоларда чиқишлар қиладилар. Буларнинг барчаси суверенитет мавзуси қанчалик ички тирнайдиган масала эканлигини билдиради. Бундай чиқишларнинг муддаосини қуйидагича изоҳлаш мумкин, суверенитет бу “эскирган” принцип, уни тарих зарваракларида қолдириш ёки бутунлай қайта кўриб чиқиш керак, етилиб қолган сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда “ҳалақит бераётган” институт сифатида бутунлай ёки қисман бекор қилиш зарур, суверенитет “ҳавосидан” холос бўлиш лозим. Суверенитет *де факто* дунё тартиботини ўрнатишга ғов бўлмоқда.” И.Д.Левин ўзининг мана шундай фикрлайдиган Черчилль, Эттли ва Бевин, Мак Нейл ва Идеи, Блюм ва Спаак, Никольсон ва Ласки каби мутафаккир ва сиёсатчи замондошларини ҳамда қатор бошқа шахсларни санаб ўтади [5, 8].

Ғарбда охириги ўн йилликда суверенитетга оид назарияларнинг ўзига хос хусусияти суверенитет принципини рад этадиган оқимларнинг кучайиб бораётгани билан тавсифланади. Ғарб мамлакатлари юриспруденциясида бундай мулоҳазаларга келган нормативистлар вакилларининг ғояларини эшитган эдик, эндиликда эса бундай тухтамга иккинчи асосий оқим саналган неофашистик ёндашувдаги (методологик жиҳатдан қарама қарши бўлган социологистлар Дюги, Ласки ва бошқ.) фикрларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз [5, 8]. Суверенитет мазмунини ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади. Ушбу муносабатлар суверенитетнинг сиёсат ва ҳуқуқ билан мустаҳкам боғлиқлиги ва тегишлилигини номоён қилади, чунки буларнинг ўзаро муносабатлари ҳам сиёсатнинг ҳам ҳуқуқнинг моҳиятини ташкил этади. Сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ҳам бирлиги, ҳам қарама қаршилиги бир категорияда мужассам этилган, яъни суверенитетнинг сиёсий-ҳуқуқий табиатини ҳосил қилади [9, 20].

Кўпчилик ғарб мамлакатлари фанда суверенитетни бир неча услублар билан инкор этиши “асослантирилади”. Буларнинг ичида кўп тарқалгани қуйидагилар – ҳуқуқий давлат назарияси, юридик монизм, ижтимоий плюрализм ҳисобланади. Хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, замонамизда давлат суверенитетига қуйидаги жараён ва омиллар таъсир ва таҳдид қилмоқда: *биринчидан*, янги босқичга қадам қўяётган глобализация жараёнлари; *иккинчидан*, шартли умумжаҳон суверенитетига эга халқаро ҳамжамят томонидан давлатларни тан олиш (легитимлаштириш) устувор шаклга айланиб бормоқда; *учинчидан*, миллий давлатчиликда ўзини англаш оммавий ҳокимиятнинг янги шакллари жорий этилиши билан инқирозга учрамоқда; *тўртинчидан*, халқаро майдонда сиёсий фактор сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлар тўлиқ ҳуқуқий лаёқатга эга бўлиш тенденцияси кучаймоқда. Бу фикрлар аксарияти ғарб мамлакатлари ҳуқуқий

тизимлари ва жамиятлари учун мос келади. Бундай таҳликали замонда янги ривожланиб келаётган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон учун миллий давлатчиликни “суверенитетни” сақлаш ва ҳимоя қилиш борасида қатор сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар ва тадбирларни ўтказишни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Черняк Л. Ю. Основные теории государственного суверенитета. Сибирский юридический вестник. 2005. № 4.- С 15-17.
2. Carré de Malberg. Contributions a la théorie générale de l'état. Paris, 1920. T. I.
3. Bodinus. De Republica libri sex. Francoforti, 1594. P. 123 et al.
4. Bodinus. De Republica libri sex. Francoforti, 1594. P. 126.
5. Левин И.Д. Суверенитет. – М.; Юрид. изд-во МЮ СССР, 1948. – С. 8.
6. Чиркин В.Е. Государствоведение. –М.; 2012. - С. 107.
7. Красинский В.В. Государственный суверенитет: гносеологический аспект проблемы / [современное право](#) 2015. № 7.- С 5. (С 5-10).
8. Энгельс, Ф. Происхождение семьи, частной собственности и государства. в связи с исследованиями Льюиса Г. Моргана [Электронный ресурс]. – режим доступа: [http:// www.esperanto-mv.pp.ru/Marksismo/Pschsg/index.html](http://www.esperanto-mv.pp.ru/Marksismo/Pschsg/index.html)
9. Вихров А.А., Сальников М.В., Адамьян Г.А., О.В.Биктасов. Понятие и сущность суверенитета. // Вестник. Санкт Петербургского университета МВД России. 2005. № 3 (27).- С 23.

Резюме. Мақалада автор «суверенитет» тўсинини, оның мазмунын, теориялық ҳам әмелий мәселелерин илимий анализлейди. Сондай-ақ, ҳазирги глобаллашув процессинде суверенитет тўсинини қайта көрип шығуға болған илимий изертлеулерге мүнәсибети билдирген.

Резюме. Мақолада муаллиф “суверенитет” тушунчасини, унинг моҳиятини, назарий ва амалий муаммоларини илимий таҳлил этган. Шунингдек, ҳозирги глобаллашув жараёнида суверенитет тушунчасини қайта кўриб чиқишга бўлган илимий фараз ва тадқиқотларга муносабат билдирган.

Резюме. В статье автор проанализировал понятие «суверенитет», его сущность, теоретические и практические проблемы. Он также опирался на научную гипотезу и исследования, чтобы пересмотреть содержание понятия суверенитета в текущем процессе глобализации.

Summary. In this article, the author analyzed the concept of "sovereignty", its essence, its theoretical and practical problems. He also relied on a scientific hypothesis and research to revise the concept of sovereignty in the current globalization process.

Таянч сўзлар: суверенитет, мамлекет суверенитети, мамлекет, мамлекет ҳақимияти, монизм.

Таянч сўзлар: суверенитет, давлат суверенитети, давлат, давлат ҳокимияти, монизм.

Ключевые слова: суверенитет, государственный суверенитет, государство, государственная власть, монизм.

Key words: sovereignty, state sovereignty, state, state power, moni

ВОСТОКОВЕД П.П.ИВАНОВ И ИСТОРИОГРАФИЯ КАРАКАЛПАКОВ

Усенов С.

Каракалпакский государственный университет

Заслуга русского ученого П.П.Иванова для каракалпакской общественности знакома крайне недостаточно. Ведь, именно российские ученые-туркестановеды стояли у истоке формирования и развития ныне существующей каракалпакской историографии. С 1930 г., то есть со дня вхождения Каракалпакстана в состав Российской Федерации на уровне автономной области, была начата работа по научной разработке проблем истории каракалпаков. С августа 1931 г. в г. Турткуле организуется Каракалпакский научно-исследовательский институт, где наряду с 50 ведущими учеными-туркестановедами страны работают такие видные ученые, как А.А.Соколов, С.Е.Толстов, Н.А.Баскаков, А.С.Морозова и другие. Параллельно ведется работа по подготовке местных национальных кадров: (С.Камалов, Я.Досумов, И.Сагитов, Р.Косбергенов и десятки других).

Хотелось бы выделить из этой среды заслуги выдающегося русского ученого-востоковеда, доктора исторических наук, кстати выпускника Ташкентской учительской семинарии 1914 г. - Павла Петровича Иванова (16.02.1893-03.02.1942). Именно, П.П.Иванов в представлениях нынешнего поколения местной общественности является, крупным знатоком рукописного наследия среднеазиатских народов, ученым-туркестановедом, исследовавшим этногенез и написавшего первую письменную историю каракалпакского народа [1]. «Главной своей задачей, П.П.Иванов, как историк, - пишет А.К.Боровков, - считал исследования исторических памятников XVI-XIX вв. до него почти не изученных» [2]. Именно, такими не изученными для будущей каракалпакской историографии, на наш взгляд, были вывезенные в 1873 г. в Петербург рукописи архива хивинских ханов, архивные данные Астраханской и Оренбургской губерний, Калмыцкого областного архива и ранее недоступные другие источники. Оттуда Павлом Петровичем и извлечены практически все материалы, касающиеся истории и этнографии каракалпаков, систематизированы, с персидского переведены на современный русский язык и выпущены в издательстве в виде методического пособия для местных исследователей.

Одной из наиболее широко популярных среди научных работ П.П.Иванова можно считать «Материалы по истории каракалпаков», выпущенные автором в 1935 г. в Москве-Ленинграде под руководством академика А.Н.Самойловича, что, судя по аннотации сборника, является одним из составляющей части трудов Института Востоковедения АН СССР. В сборнике наряду с «Очерками истории каракалпаков» исследователя, имеется сокращенные переводы трудов хивинских историков Мухаммед мираба Муниса и Мухаммеда Риза мираба Агахи «Фирдаус аль-икбаль», «Риязу-д-довле» и «Гулшени-и девлет» изъятые из архивов хивинских ханов,

«Печатные и рукописные исторические известия о каракалпаках на русском языке», собранные другими российскими учеными-туркестановедами Н.Н.Пальмовым и А.Н.Пономаревым из различных источников и другие приложения. Причем, в сборнике сразу бросается в глаза читателей, высокая компетентность автора при анализе рассматриваемой проблемы, широта охвата первоисточников, краткословие и этичность в выражениях собственных мыслей [3].

На основе этих данных, как было сказано выше, защищены докторские и кандидатские диссертации, написаны сотни монографии, научных трудов, учебников, рефератов и произведений литературно-художественного жанра. Например, трилогия «Дастан о каракалпаках», известного каракалпакского писателя, Тулепбергена Каипбергенова, кстати, написанные в духе прошлого режима и на базе сочинения хивинских историков Муниса и Агахи через перевода Иванова и Самойловича, была удостоена Республиканской премии имени Хамзы и Государственной премии страны. В статье «Очерк истории каракалпаков» П.П.Иванова приводятся данные Л.Н.Соболева («Русский инвалид» №213 и №216 от 1874 г.), где автор посетив Каракалпакстан и беседуя в Чимбае с каракалпакским бием Ириджабом (правильнее: Ережеп тентек Кулшым улы, из каракалпакского рода жадик-кипчак) неожиданно раскрывает почти более, чем трехвековую, ранее неизвестной истории каракалпаков. «Каракалпаки, по словам Ириджаба, 360 лет тому назад по мусульманскому исчислению, жили в Казани и город Казан был выстроен каракалпаками. Затем в город приходят ногаи, а вскоре явится государь урусов и город будет ими взят. Каракалпаки уходят в степь, а ногайцы останутся у русских.

Каракалпаки долго кочуют в степи, ища места для своего постоянного жительства. Кочуют они 130 лет, пока наконец остановится у Хазрет Султана (г.Туркестан). Они живут там 50 лет. 180 лет тому назад там происходит война. Каракалпаки оставляют Туркестан и расселяется в трех местах - часть уходит в низовья Сыра и Яны-дарьи (Жана-дарья), другая часть занимает правый берег Зерафшана, а шесть-десять же тысячи кибиток уходят в верховья Аму-дарьи» [4]. По словам Ириджаба, каракалпаки, 64 года тому назад, массой переходит из низовьев Сыра в дельту Аму. Хивинским ханом в то время будет Мухаммед Рахим, а самому Ириджабу тогда 9 лет. Придя на новые места, каракалпаки застают там некоторое количество сородичей. В те времена население дельты будет незначительно, после этого главное ядро будет состоять именно из каракалпаков, которые здесь станут полными хозяевами. Все их земли составляют мулк (то есть частная собственность). Значит, каракалпаки в 1525-1552 гг., вплоть до завоевания их Ивана Грозного, были подданными Казанского ханства. Однако, после распада Казанского, следом Астраханского и Сибирского ханств в 1552-1678 гг. ведет бродячий образ жизни в просторах Дешти Кипчака. Нарушителем спокойной жизни каракалпаков в 1678-1728 гг. в Туркестане было джунгарское нашествие.

Предки Ириджаба, уже в 1728-1812 гг. является жанадарьинскими каракалпаками с центром в г. Жанакент. Еще до приезда предков Ириджаба в дельту Амударьи, как явствует из других предложенных П.П.Ивановым документов, в 1770-1790 гг. на южные берега Аральского моря заселяются зерафшанские каракалпаки и далее сливаясь с жанадарьинскими, образует единую нацию. Причем станут не только равноправными жителями одного государства, но и по определению Иванова, их представители из числа «чингизидов» - Артык Гази хан (1771-1771), Ядгар хан (три раза - 1773-1774, 1778-1780 и 1783-1790), Абулгази хан IУ (1890-1802) и Абулгази хан У (два раза 1802-1804 и 1806-1806) хоть формально, но сидят на хивинском троне. Некоторые роды каракалпаков, как свидетельствует собранные Ивановым и другие документы, на низовьях Сырдарьи до этого имели самостоятельного каракалпакского ханства во главе с неким Ишим Мухаммед ханом в 1722 г. и его сыном Гаип ханом в 1731-1743 гг. В том же году Петербурге, аудиенции Петра Первого посещают шесть посланцев каракалпакского хана Ишим Мухаммед Бахадыр хана во главе с Джанибек бахадыром с целью налаживания российских-каракалпакских экономических отношений. Одним их положительных результатов миссий станет возврат двух каракалпакских пленных - Бекетбека Ембергенова (в оригинале Бекет Пич Умергенов) и Арык Мергена (Кирки Мергенева) в обмен на русских пленных - рабов у каракалпаков, правда, через Казанского губернатора боярина А.И.Салтыкова под ответственностью его вверенного поручика Филиппова.

Не меньшую значимость в истории каракалпаков отводится – персонам Гаип (Каип) хану, Гаип хану сына Бахадыр хана и просто «Гаип Ата». Поскольку каждый из них имеет свою отдельную историю, более подробно остановимся в каждой.

1. Документы, собранные П.П.Ивановым о Гаип хане. Гаип хан, являясь наследником ханского престола и сыном Ишим Мухаммеда Бахадыр хана, в своем распоряжении имел представителей семи объединенных каракалпакских родовых общин с общей численностью от 20 до 40 тысячи кибиток. В отличие от отца прославился сторонником принятия ханством российского подданства.

В грамоте, подписанной от 10 июня 1734 г. российской императрицей Анной Иоанновной и направленной каракалпакскому Каип хану и всему каракалпакскому народу, сообщается о принятых решениях по принятию каракалпаков в их подданства от 1731 г., хотя далее она осталась безрезультативной. Несмотря на это, по другим документам, датируемые апрель-маем 1742 г., Гаип хан с двумя сыновьями, его брат Убайдулла султан с тремя сыновьями, правитель кунградского рода Ырыскул хан с сыном, богословы Мурат Шейх Азиз с сыном Хилует Шейх, и многие другие старшины родов через поручика Дмитрия Гладышева и урядника Филиппа Гордеева принимают присягу российского подданства, чем вызывает гнев у соседствующего с ними казахского хана Абулхайра.

Тем не менее, когда во двор Елизаветы Петровны отправляется очередная каракалпакская делегация во главе с Маман батыром, которые были приняты от 14 августа 1743 г., разгневанный Абулхаир с сыновьями Нуралы и Ералы султанами, и Джанибек тарханом организует разорительный набег на каракалпакские аулы. В результате каракалпаки, спасаясь от нашествия, будут вынуждены «кочевать на те места, куда прежде кочевали весьма мало» и с этого момента со страниц российских источников исчезает информация о Гаип хане.

2. Хивинские хроники о Гаип хане, сына Бахадыр хана. И вдруг, в родословии хивинских ханов появится имя Гаип хана, сына Бахадыр хана с некими каракалпаками Коразбеком и Артык инаком, уже как участники сражений и походов иранского правителя Надир шаха, видимо против Хивы. По данным К.Худойбергенова [5], когда Надир шах завоевал Мавереннахр, Гаип хан был на его службе, участвовал на его сражениях и походах. После того, как приехав оба в Хиву, Коразбек убил правителя Хивы Абулгазы хана, Коразбек на его место посадил Гаип хана, сына Бахадыр хана. Гаип хан был злым, беспощадным человеком, что проявился особенно в последние годы правления. После одного неприятного случая, Гаип хан расстрелял Коразбека, пришедшего на его прием. Также приказывает убить его 70 сторонников. Жителей Бескалы (дословно «пять городов») облагает налогом в сумме 40 тысячи тилла, из-за чего местные жители поднимают восстания. В 1756 г. за ним приедет отец и Гаип хан присоединяясь к ним, спасая бегством в степь Дешти Кипчака. Далее он долгие годы правил на Дешти Кипчаке. Годы правления в Хорезме - 11 лет (1745-1756). Говорят, что он за собой оставил 30 сыновей.

3. Народное предание о Гаип Ата. На территории Кегейлийского района расположено кладбище «Шыблый Ата», где по народным преданиям захоронены прахи двух святых лиц - Абу Бакир аль-Шиблия, одного из идеологов в истории ислама и некоего Гаип Ата местного происхождения. «Каип дарга, - как гласит легенда, - узнав во сне о мимо протекающем на речной воде тела Абу Бакира аль-Шиблия - одного из просветителей суфийского дервишизма в исламском мире, наяву собирает односельчан, совместно с ними из подводы вытаскивает застрявшего мертвого тела и вместе захоронят на песчаном холме. С тех пор, по завещанию Аль-Шиблия, правда через Каипа дарги, кладбище одновременно носит названия как и «Шыблый Ата» так и «Каип Ата», и паломники посещают и молятся сперва на могиле спасителя, только потом учителя» [6].

Вся жизнь аль-Шиблия прошла на перекрестке XIII-IX-вв. в Ираке, между рек Тигра и Евфрата, и следовательно, улема ни разу в жизни не побывал в Средней Азии, в дельте Амударьи тем более. Таких «святых мест» аль-Шиблия, как говорят информаторы, во всем исламском мире насчитывается около девяти. Это, скорее всего миф, придуманный хивинскими ханами, в крайнем случае местными религиозными деятелями. И, следовательно, там прах исламского просветителя отсутствует. По данным старожилов в 1812-1905 гг. в этих местах протекала речка Кумозек, на берегу которой работал небезызвестный Каип - дарга, выходец из рода анна хытайской племени каракалпаков. На кладбище похоронен сын Каипа - дарги (Ешбай Кайып - дарга улы, 1908-1968). Не исключено, что и Гаип хан, и Гаип хан сын Бахадыр хана, и Гаип Ата в истории одни и те же лица. Отца Гаип хана называли Бахадыр ханом. В распоряжении Гаип хана были представители хытайской племени каракалпаков, чьим племенным кладбищем считается это святое место. На 30 км к востоку от кладбища, находится аналогичная «святыня» - кипчакской племени каракалпаков «Хазирети Мурат шайык», то есть вышеуказанного Шейха Мурат Азиза, из рода ябы. Значит, Гаип хан на старости лет, как исходит из вышеизложенных, оставаясь невостребованным, увлекся чтением религиозных литератур и Абу Бакир аль-Шиблий был его жизненным кумиром. Возможно, в его честь построил молитвенный дом («тилеухана»), где Гаип хан мысленно связался с Миротворцем через духи Аль -Шиблия. Поскольку он был окаракалпаченным чингизидом, по истечению времени и обстоятельств, прямое назначение места были реформированы.

Таким образом, опираясь на труды выдающего российского ученого-туркестановеда П.П.Иванова, мы постарались на основе собранных им материалов дополнить новыми штрихами историографию каракалпакского народа обогатить последними достижениями историческую науку.

ЛИТЕРАТУРА

1. Германова В.В. Туркестанская учительская семинария и организация первой в Средней Азии лингвистической лаборатории// Четвертые научно-просветительские чтения памяти святых равноапостольных Кирилла и Мефодия, учителей славянских. – Ташкент, 2011. С.32-33.
2. Боровков А.К. Вместо введения (Несколько предварительных замечаний об «Очерках по истории Средней Азии» П.П.Иванова) // Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. – Москва: Изд-во восточной литературы, 1958. С.6.
3. Материалы по истории каракалпаков. Труды Института востоковедения Академии наук СССР. Т.УП. Под ред. академика А.Н.Самойловича. – Москва-Ленинград: Изд-во АН СССР, 1935. С.67.
4. Иванов П.П. Очерк истории каракалпаков// Материалы по истории каракалпаков. Труды Института востоковедения Академии наук СССР. Т.УП. Под ред. академика А.Н.Самойловича. – Москва-Ленинград: Изд-во АН СССР, 1935. С.77.
5. Худайбергенов К. Хива хонлари тарихидан. – Урганч, 2008. С.130.
6. Полевые записи С.Усенова за 2001-2012 годы.

Резюме. Мақалада рус тарийхшысы П.П.Ивановтың илимий шығармаларында көрсетілген каракалпак халқы тарийхына байланысly мағлыўматлардың, ўақыялардың анализи берилген.

Резюме. Мақалада рус тарихчиси П.П. Ивановнинг илимий асарларида ёритилган қарақалпоқ халқи тарихига боғлиқ маълумотларнинг, воқеаларнинг таҳлили берилган.

Резюме. В статье дается обзор сведений и материалов об истории каракалпаков, освещенных в трудах русского историка П.П. Иванова.

Summary. The article provides an overview of the information and materials on the history of the Karakalpaks, that is highlighted in Russian historian P.P. Ivanov's works.

Таяныш сөзлөр: изертлеулер, тарихыйлык, мағлыұматлар, этногенец, аўыз еки хәм жазба естеликлер.

Таянч сўзлар: тадқиқот, тарихий, маълумотлар, этногенез, оғзаки ва ёзма ёдгорликлар.

Ключевые слова: исследование, историзм, документы, этногенец, устные и письменные источники.

Key words: researches, historical, equal rights, gathered, achievements.

ШАРҚ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРИ РИВОЖИДА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ ТАЛҚИНИ

Амридинова Д.Т.

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий – маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Маънавий – маърифий соҳадаги ислохотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. “Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз” [1,184]

Маънавий етуклик – бу инсоний сифатларнинг уйғун бўлиши масаласидир, яъни нафс хуружини, лаззатларга бўлган мойиллик ожизлигини енга олиш. Инсоннинг комил ва мукаррам инсон мартабасига кўтарилиши унинг маънавиятининг юксалиши демакдир. Комил инсон – инсон зоти орзу қилган жамийки эзгу хислатлар намоёндаси, у гўё мутлақ илоҳ билан инсоният ўртасида восита бўлувчи муқаддас ҳилкат, яъни ижтимоий – ахлоқий идеал. Тасаввуф аҳли сифинган ғоя – комил инсон, халқ ғояси эди. Комил инсон тушунчаси ўрта асрларда шаклланган бўлиб, ислом Шарқида асосан исломий ва тасаввуфий нуқтайи назардан таърифлаб келинган. Комил инсоннинг хислатлари – ёқимлилиқ, кўркамлик, жозибадорлик, салобатлилиқ, ҳурматга сазоворлик, шоироналик, улугсифатлилиқ, ўзига хослик, етуклик, жиддийлик, одоблилиқ ва бошқалар. Комил инсон фазилатлари – инсонийлик, болажонлик, иймонлилиқ, фидокорлик, хушмуамалалиқ, боадаблиқ, илтифотлилиқ, кечиримлилиқ, меҳмондўстлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, диёнатлилиқ, ҳаромдан ҳазар қилиш, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва ҳоказолар. Бизнингча, айтиш шунки ҳислат ва фазилатларнинг сингдира бориши ёш авлодни баркамол, соғлом ва комил инсон руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

XII асрда яшаб ижод этган буюк аллома Шайх Азизиддин Насафий комил инсонга қуйидагича таъриф беради: “... Билгилки, комил инсон шундай инсонки у шариат, тариқат ва ҳақиқат борасида етукдир ва агар буни тушунмасанг, бошқа ибора билан айтай: билгилки, комил инсон деб шундай инсонни айтамызки, унда тўрт нарса камолга етган бўлади, яъни, яхши сўз, яхши амал, яхши хулқ ва маърифат. Унинг тили поку дили пок, иши ва ниятлари покдир. Эй дарвеш, ислоҳ йўлини қабул этган жами солиқлар шуни (ағлаш билан) машғулдирлар ва солиқларнинг вазифаси ана шу тўрт нарсани камолга етказса, ўзи ҳам камолга етади” [2]

Мутасаввиф, шоир ва мутафаккир Абдурахмон Жомий (1414-1492) асарларида панд-насихат руҳи устуворлик қилади. Кишиларни эзгуликка, ҳалол ва пок бўлишга, камтарликка чорлайди. Ҳар бир киши ўз умрини яхши, хайрли ишларга сарфлаши, уни беҳудага ўтказмаслиги, яхши ишлаши, яхши яшаши учун овқатланишга эътибор бериши зарур, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, инсон овқатланганда қандайдир бир тартиб-қоидага риоя қилсин. Овқатланишнинг маълум бир қоида асосида амалга оширилиши, инсоннинг ўз нафсини бошқара олишга, иштаҳага ноўрин эрк бермасликка олиб келади. Нафс тарбиясида шарқона меҳмон ва мезбон муносабатларига тўхталган буюк шоир, меҳмон олдида дастурхон ёзган нозу неъматларини писанда қилмайди. Бундай ҳолат шубҳасиз меҳмоннинг иззат-нафсига тегади. Шунингдек, Жомий турли таомларни палапартиш тановул қилмасликка эътиборни қаратади. Овқатланишни ўз вақтида амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайди ва ўзининг “Баҳористон” асарида шарқнинг бир донишманди ўғлига қилган панд-у насихатини мисол қилиб келтиради. “... Эрта тонгда оғзингга бирор лўқма овқат тикмай эшикдан чиқма, чунки тўқлик хушмуамалалиқ ва чуқур мулоҳаза моятси, очлик эса енгилтаклик ва ақлсизлик доясидир” [3, 18] .

Абдурахмон Жомий XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросон, Мовароуннаҳр ва бошқа ҳудудларда нақшбандия таълимотининг йирик арбобларидан бири, деб тан олинар эди. Худди шунинг учун ҳам Хуросонда шайхулислом мақомига кўтарилди. Абдурахмон Жомий зулм тугатилган, эзувчи ва эзилувчи ҳам бўлмаган, барча тенг ҳуқуққа эга бўлган фозил жамиятни қуришни орзу қилади. Фозил жамиятнинг қуришни орзу қилади. Фозил жамиятнинг бунёдкорини адолатли, халқпарвар Шоҳ сиймосида кўради. Нодонлик адолатли бошлиқни нотўғри йўлга бошлаши мумкин. Ҳар қандай нодонликлардан бошлиқни маърифат саклаб қолади. Фақат маърифатли шоҳ адолатли ҳукм чиқариши мумкин Жомийнинг таъкидлашича, давлат қонунга асосланиб бошқарилиши лозим. Қонун устувор бўлган жамиятда фуқаролар фаровон яшайди.

XVI – XVII асрлар фалсафасида баркамол инсон ғояларини тарғибот ва тадқиқот қилишда фаоллик қилган шоирлардан бири Сўфи Оллоёр эди. У суннийлик ғоялари тарафдори, айниқса, нақшбандия таълимотининг тарғиботчиси эди. Асарларида илоҳий муҳаббат, Пайғамбарларга садоқат, айниқса, исломий имонни ҳар томонлама улуглайди. Инсон фаолиятидаги ғайриинсоний қилиқлар, маънавий – ахлоқий қашшоқлик сабабларини имонсизликдан излади. Шунинг учун ҳам одамларни имонли бўлишга чорлади [4,13-17]. Унинг фикрига кўра, имон шундай бир илоҳий – ахлоқий “марказки”, худди шу қудрат туфайли мусулмонлар бир – бирларига яқинлашадилар. Имонли бўлиш учун, энг аввало, Худони танимоқ, дил билан ҳам, тил билан ҳам

унинг яқинлигини тан олмоқ зарур. Имонли бўлишнинг дастлабки шартларидан бири зиёли, билимли, имонли кишилар суҳбатида бўлишдир. Бундай суҳбатларда бўлган инсон ўз-ўзидан мунофиқ, жоҳил кимсалар даврасидан ўзини олиб қоча бошлайди. Уламолар, яхши кишилар суҳбатида бўлган киши аста – секин савоб ишлар қилишни ўзига одат қила бошлайди. Чунончи, ташнага сув беради, бемордан ҳол сўрайди, камбағал – бечорага шафкат қўрсатади, ота – она ҳурматини ўрнига қўя бошлайди ва ҳоказо. Имонли киши барча яхшиликларга амал қилишни ўзига одат қилади.

Сўфи Оллоёрнинг фикрига кўра, имон мустаҳкамлигини ифодаловчи энг муҳим аломат – сўз билан иш (амалиёт) бирлигидир. Амалиётнинг имондан ажратилиши имонсизликдир. Иймонсиз кишилар дўзахий одамлардир. Шоирнинг тушунтиришича, имонни мустаҳкамламоқ учун узлуксиз билим, илм-ирфон эгалламоқ зарур. Ҳақиқий илм фидоийлари – Пайғамбарларнинг ворисидир. Пайғамбарлар эса ҳеч қачон пул, мол-у дунё йиғмаганлар. Олим-у фозиллардан илм-у дониш мерос бўлиб қолган, холос. Унинг таъкидлашича, ҳақиқий илм эгаси, биринчи галда камтарин бўлмоғи, муродга етай деса “Ҳақ ризоси” учун илм эгалламоғи лозим [4, 62-72]. Кибру ҳавога берилган риёкорлар эса илмдан бенасиб, ҳақиқатдан йироқдир. Шоир илмни киши қўлидаги шамга қиёслайди ва илмсизлигини қоронғида йўл топа олмай юрган кимсаларга ўхшатади, фуқароларни илмни, билимли одамлар гапига қулоқ солишга чақиради. Фақат жоҳил, нодон кимсалар ҳақиқий олим сўзига қулоқ солмайдилар, уларда илм ҳақида гапирмоқ “томирсиз шохга” сув қўйиш билан баробардир, деб ёзади. Сўфи Оллоёрнинг тушунтиришича, жамият маънавиятининг ҳолати аёл одоб-ахлоқи билан ўлчанади. Чунки аёл – жамият асоси ҳисобланган оила негизини ташкил этади. Аёл қанча одобли – ахлокли, яхши фазилатли бўлса, оила шунча маърифатли бўлади. Оила қанча маърифатли бўлса, жамият шунча маданиятли бўлади. Яхши аёл нафақат оила, балки диннинг камолотидир. Одоб-ахлокли аёлларда поклик, вафодорлик, садоқат, қаноат каби фазилатлар жамулжам бўлади. Яхши хулқ – атворли аёл тилига кўп эрк бермайди. Унинг “сучук лафзи” хонадонга доимо осойишталик бағишлайди. Оилада, рўзғорда қанчалик ташвиш кўп бўлмасин, ҳаётнинг ташвиш-у қувончларини зукколик билан англайдиган оқила аёл ҳеч қачон қаҳри ғазабини сочмайди. Бундай фаҳм-у фаросатли, ибо ва садоқатда ўрнатилган, шоир жаннати аёллар дейди. Ёмон аёлларни эса шайтонга ўхшатади.

Шундай қилиб, Шарқ фалсафаси, айниқса тасаввуф таълимотида комил инсон тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама улуғланган ва инсонпарварлик ғоялари баркамол инсонни шаклланиши учун асос бўлди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош ассамблеясининг 72 – сессиясидаги нутқи. - Т.: “Маънавият”, 2017. – 184б.
2. Шайх Азизиддин Насафий. Комил инсон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 йил, 14 август.
3. Абдурахмон Жомий. Баҳористон. - Тошкент, 1997, 18-б.
4. Сўфи Оллоёр. Саботул – ожизийн. - Тошкент, 1991, 13-17- б.

Резюме. Мақалада Шығыс алымлары хэм суфизм тәлийматы баслаўшылары дәретиўшилигинде жетик инсан идеясының философиялық, этикалық тәрәплери анализленеди. Бул орында Азизиддин Насафий, Әбдирахман Жамий хэм Суўпы Аллаяр шығармаларынан пайдаланылған.

Резюме. Мақолада Шарқ мутафаккирлари ва тасаввуф таълимоти намёндалари ижодида комил инсон ғоясининг фалсафий, ахлоқий жиҳатлари таҳлил қилинади. Бу ўринда Азизиддин Насафий, Абдурахмон Жомий ва Сўфи Оллоёр асарларидан фойдаланилган.

Резюме. В статье анализируются идеи всесторонне развитой личности в трудах и философских взглядах некоторых мыслителей Востока и крупных представителей суфизма таких, как Азизиддин Насафий, Абдурахмана Джами, Суфи Оллоёр.

Summary. The scientific article analyzes the idea of a comprehensively developed personality in the writings and philosophical views of some Eastern thinkers and major representatives of Sufism, cites statements presented in the works of thinkers Aziziddin Nasafi, Abdurahman Jami, Sufi Olloer.

Таяныш сөзлер: жетик инсан, руўхый тарбия, инсанийлық пазыйлетлер, илимий-философиялық мийрас.

Таянч сўзлар: комил инсон, рухий тарбия, инсоний фазилатлар, илмий – фалсафий мерос.

Ключевые слова: гармонично развитое, нравственное совершенство, общечеловеческие моральные ценности.

Key words: harmonious development, moral perfection, common to all mankind moral values.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎҚИТИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Турсунов Б.

Андижон давлат университети

Халқаро муносабатларда интеграциянинг тобора кучайиши ҳозирги даврда, жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бораётган юртимиз иқтисодий ва сиёсий алоқалари, илму фани, хорижий тилларни кенг миқёсда ўрганишни, кўп тиллилик (полиглоссия) [1, 3] ни тақозо этмоқда.

Инсоният тарихида узок вақт, бир неча асрларни талаб этадиган жараёнлардан энг муҳими, дунёни англашдир. Инсоннинг дунё ҳақидаги билимлари ўта нисбий бўлиб, предметнинг биз англаб етмаган хоссалари биз учун жумбоқ бўлиб қолаверади. Одамзод ўзи ўраб турган дунёни ўз ақли билан англайди, идрок этади, кўради, сезади, ўйлайди, ахборот олади, қиёслайди, хулоса чиқаради, дунёкараши кенгайди, тафаккури

шаклланади ва бойийди. Тилнинг миллий ўзига хослиги муаммосини инсон дунёкараши билан алоқада мантикий жиҳатдан таҳлил қилганда “миллий тил – халқ тафаккури” эканини англаш мумкин.

Турли тилларда сўзлашувчи халқлар ўзаро қўшничилик муносабатлари ўрнатилиши билан бир пайтда бир-бирининг тилини, у орқали урф-одатларини, ҳаёт тарзини ўргана бошлашган. Савдо ва маданий алоқалар жонланиши туфайли чет тилларни амалий ва таълимий мақсадларда ўрганиш йўлга қўйила борган. Қадимги Сурия ва Миср, Юнонистон ва Римда маданият тараққиёти даврларида ўзга халқлар тилларини ўрганиш одат тусига кирган. Ғарбий Европа тилларини ўқитишда методик йўналишларнинг вужудга келиши XVIII аср охиригача тўғри келади, шу даврдан бошлаб, бу тилларни ўқитиш ўқув юртларида расм бўлган.

Шарқ мамлакатларида араб, форс, туркий тилларда сўзлашувчи халқлар ушбу тилларнинг иккитаси ёки учаласидан ҳам хабардор бўлишга интилишган. Айниқса, зиёлилар кўпроқ тил билишга қизиқишган. Буюк аждодларимиз Абу Наср Форобий (етмишта тилни билган), Муҳаммад ибн Мусо Ал-Хоразмий (“алгоритм” илмий атамаси унинг номидан олинган), Абу Райҳон Беруний (қадимий ҳинд тили – санскритдан арабчага илмий китобларни эркин таржима қилган), Алишер Навоий (зуллисоний шоир), улардан кейин яшаб, ижод қилган кўплаб юртдошларимиз чет тилларни билишнинг хосиятини тарғиб ва ташвиқ қилганлар. Ренессанс (уйғониш) даврида, бошқа Европа мамлакатлари сингари, Россияда ҳам лотин тили ўқитилган.

Тил тараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, дунёнинг барча жойларида бўлганидек, Ўзбекистон ҳудудида ҳам, она тилидан ташқари ўзга халқлар тилларини билиш кишилар орасида қадимдан таомил бўлган. Буюк шахслар ҳақидаги маълумотлардан кўринадики, барча замонларда ҳам чет тилини билиш, ўрганиш эҳтиёжи сезилган. Буюк мутафаккирликнинг биринчи мезони зуллисонийлик ёки кўп тиллилик (полигlossия) ҳисобланади, оддий халққа ҳам бу белги хосдир. Болаликдан ўзбеклар тожик тилини [2,345], тожиклар ўзбек тилини яхши билган. Маҳаллий халқлар бир-бирларининг тилларини билишган, тиллар уларнинг яқинлашишлари омили, қуда-андачилик сабабчиси бўлган. Аҳоли орасида араб, форс тиллари кенг тарқалган.

Юртимизда XX аср бошларига келиб, шарқ ва рус тилларини ўрганиш билан бирга чет тилларни ҳам ўқитишга эътибор қаратилади. Чет тиллар ўргатишнинг амалдаги методикасига муносабат 1917 йил октябрь тўнтаришдан кейин бироз ўзгарди. Туркистон Халқ маорифи вазирлиги умумий меҳнат мактабига тадбиқ этиш учун “...бошланғич мактабда маҳаллий тил, ўрта мактабда – ўқувчиларнинг майлига кўра француз, немис, инглиз тилларидан бири мажбурий”, деб буйруқ чиқарилди [3,142-145]. Буйруқ Туркистонда чет тилларнинг ёйилишига йўл очди. Чет тилини амалда ўргатиш самараси паст эди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Ижтимоий-сиёсий вазият оғир, биринчи Жаҳон уруши давом этаётган, чет мамлакатлар билан дипломатик, савдо ва маданий алоқалар бузилган эди. Кадрлар етарли эмас эди. Асосий сабаби, чет тил ўқув предметининг умумтаълим мақсади мунозарали масала эди. Чет тиллар ўқитиш маҳаллий аҳоли орасида ўрта мактабда эмас, балки олий ўқув юртларидан бошланди. 1918 йилнинг ёзида Туркистон халқ дорилфунуни қошида чет тиллар институти ташкил қилинди. Олий ўқув юртларида чет тиллар янада жадал суръатлар билан ўқитила бошланди. 1921 йилда Ўрта Осиё дорилфунуни тингловчилари орасида маҳаллий миллат вакиллари яъни ўзбеклар ҳам кўпайди [1,127].

1917-1923 йилларда мактабда чет тилини ўқитиш керакми-йўқми, деган масала кўндаланг қўйилди. Баъзи методистлар чет тили мактабда ўқитилмасин, деган таклифни кўтардилар. Шу сабабдан 1923-1924 йилларда чет тиллари факультатив машғулоти сифатида ўқитилди, яъни хоҳловчилар чет тилни ўқидилар, ўргандилар [4,61]. 1917 йилга қадар ўзбек ўқув юртларида чет тил икки мақомга эга бўлган: биринчиси – Шарқ тиллари диний ўқув муассасаларида ўрганилган, иккинчиси Европа тиллари русча ўқув юртларида ўргатилган. Демак, ўзбеклар учун махсус ўқув воситалари нашр этилган эмас. Совет ҳукуматининг 1947 йилда қабул қилган “Чет тиллар ўқитувчилари тайёрлаш ҳақида”ги 3485-сонли [5,36-в] ва “Мактабда чет тиллар ўқитишни яхшилаш тўғрисида 3488-сонли” [5,38] қарорлари Ўзбекистонда хорижий тилларни ўқитишнинг бирмунча жонланишига сабаб бўлди. Айрим мактаблардагина хорижий тил сифатида фақат немис тили ўқитиларди. Шу муносабат билан бу даврга келиб, Республикада чет тилларни ўқитишни йўлга қўйиш ва мавжудларини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилиб, юқоридаги қарорлар қабул қилинган эди. Жумладан, қуйидаги бир неча йўналишларда иш олиб бориш вазифаси белгилаб берилган эди: -ўқитувчилар тайёрлаш ишини кенгайтириш ва яхшилаш; - чет тили ўқитилмаётган мактабларда тил ўқитишни йўлга қўйиш; ўрганилаётган ғарбий Европа тилларини мақсадга мувофиқ тақсимлаш; -таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш; -ўқитиш сифатини ошириш устидан назоратни кучайтириш ва бошқалар.

Республика халқ маорифи олидидаги асосий масала барча мактабларда хорижий тилларни ўқитишни йўлга қўйиш ва яна бошқа ғарбий Европа тилларининг ўқитилишини тўғри тақсимлаш масаласи ҳам пайдо бўлди. Бу борадаги биринчи навбатдаги вазифа, мактаб ва олий ўқув юртларини чет тилни биладиган мутахассис кадрлар билан таъминлаш эди. Шу сабабли, Ўзбекистон ҳукуматининг 1948 йил 15 январда “Чет тили ўқитувчилари тайёрлашни ташкил этиш ҳақида”ги 68-сонли қарори қабул қилинди [7,5-36]. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида совет ҳукуматининг 1947 йилдаги 3485-сонли қарорига [5,51-78] асосан, 1948 йили Тошкент чет тиллар педагогика институти (Ҳозирги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети) ташкил қилинган. 1949 йили институт қошида сиртки бўлим, 1960 йилда кечки бўлим фаолият кўрсата бошлаган. Дастлабки ўқув йилидаёқ Тошкент чет тиллар педагогика институти бошқа олий ўқув юртларига кира олмаган абитуриентлар ҳисобига тўлдирилади [5,5178-ши,4в] Олий ўқув юртига қабул қилинган талабалар хорижий тиллардан етарли билимга эга бўлмаганлиги, тил билишга бўлган талаб ва

шароитнинг йўқлиги, уни ўрганишга қизиқишнинг пастлиги сабабли биринчи йилнинг ярмидаёқ институтни ташлаб кетганлар сони кўп бўлган.

Тошкент чет тиллар педагогика институтининг ташкил этилиши билан ҳам бутун республикада айникса, қишлоқ жойларда чет тили ўқитувчилари етишмаслиги муаммоси баргараф этилмаган. Шу муносабат билан 1950 йилда ҳукумат 1951-1952 ўқув йилидан бошлаб барча университетларнинг филология факультетлари қошида “Чет тили ўқитувчилари тайёрлашни ташкил этиш тўғриси да” қарор қабул қилди. Ҳатто, Украина ССРдаги Киев, Одесса Днепропетровск ва Харьковдаги чет тилларга ихтисослашган олий ўқув юр்தларининг ҳар бирида ўзбекистонлик талабалар учун 30 та ўрин ажратилган [5,5-в].

Юқорида таъкидланганидек, *биринчи йўналиш* бўйича Тошкент чет тиллар педагогика институти 1951 йилда 117 киши, 1952 йилда 154 киши, 1953 йилда 222 нафар талаба қабул қилди. Чет тиллар факультетларида немис, англиз, француз тиллари ўқитилган. Ҳукуматнинг таълим режасига кўра беш йил давомида хорижий тиллар бўйича кадрлар сони уч барабар ўсиши назарда тутилган [5,4-в]. Афсуски, ўша йилларда хорижий тилларни ўрганишга маҳаллий миллат вакиллари етарлича жалб этилмаган. Бунга қишлоқ мактабларида чет тилларнинг ўқитилмаслиги бўлса, унинг сабаби эса қишлоққа бориб ишловчи чет тили ўқитувчиларининг камлиги эди. Ҳақиқатдан ҳам, қишлоқ жойларда чет тили ўқитувчилари етишмаслиги сабабли, улар шу фанни тўлиқ ўтмасдан мактабни тугатишган. Маҳаллий аҳоли ёшлари орасида ҳатто, рус тилини билмаслик кузатилган. Армия ёшидаги, ҳарбий хизматни ўтаган йигитлар рус тилини 2-3 йиллик ҳарбий муддатда ўрганишга мажбур бўлдилар. Қишлоқ қизлари орасида, айникса рус тилини билмайдиганлари кўп бўлган [5,40-в]. 1948 йилда Тошкент чет тиллар педагогика институтига қабул қилинган 370 нафар талабанинг 12 таси, яъни 0,3 фоизини ўзбеклар ташкил этган. Бир неча йил зўр бериб уринишлар, ташвиқотлардан сўнг маҳаллий миллат вакиллари сони орта борган. 1956-1957 ўқув йилида 1163 талабадан 545 таси 46 фоизи, 1961-1962 ўқув йилида 1377 талабадан 997 таси 72 фоизи, 1970-1971 ўқув йилида 2672 талабадан 2267 киши 84 фоизи ўзбек талабалари эди [6,10]. Шундай қилиб, маҳаллий миллат вакилларида чет тиллар бўйича ўқитувчи кадрлар тайёрлаш муаммоси 70-йиллар бошларига келиб ечим топа бошлаган.

Иккинчи йўналиш, яъни чет тиллари ўқитилмаётган мактабларда чет тил ўқитишни йўлга қўйиш бўйича, 1941 йилнинг январь ойида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети мактабларда чет тиллар ўқитишни яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра, 1941-1942 ўқув йилида 5-синфдан бошлаб барча мактабларда, кейинроқ эса барча қишлоқ мактабларида ҳам чет тиллар ўқитилишига эришиш лозим эди. Чет тилини ўзлаштира олмаган ўқувчи синфда қолса, олий ўқув юртида ҳам талабалар кейинги босқичга ўта олмаган [1,122]. Бирок, II-жаҳон урушининг бошланиши, ушбу қарор ижросини сустлаштириб юборди. Уриш тугагач ўзгаришлар бўлди, масалан 1946-1947 ўқув йилида чет тили учун 395 соат ажратилган бўлса, 1947-1948 ўқув йилидан бошлаб эса, 462 соатга кўпайган [5,590-иш,2-в]. 1961-1962 ўқув йилидан эътиборан, 25 тадан ортик ўқувчиси бўлган синфларда, чет тили дарсларида икки гуруҳга ажратиб ўқитиш белгилаб қўйилди.

Учинчи йўналиш, яъни ўрганилаётган ғарбий Европа тилларини мақсадга мувофиқ тақсимлашнинг махсус режаси ишлаб чиқилди. Режага асосан, 1952-1953 ўқув йилига қадар мактабларда 45 фоиз англиз тили, 25 фоиз немис тили, 20 фоиз француз тили ўқитилиши ҳамда шу йилдан бошлаб испан тили ҳам киритилиши назарда тутилган [5,4977-иш.40-в]. Таълим жараёнида режа ва амалиёт тажрибада мос келмасди. Масалан, режага асосан 1948 йилнинг ўзида 30 фоиз мактабларда англиз тили ўқитилиши назарда тутилган бўлса, амалда эса 7,7 фоиз мактабда англиз тили ўқитилган [5,38-в]. Янги ташкил қилинган Тошкент чет тиллар педагогика институти олий маълумотли кадрларни фақат 5 йилдан кейингина тайёрлаб чиқариши назарда тутилмай режага киритилгани бу номутаносибликни келтириб чиқарди.

Тўртинчи йўналиш, яъни таълим муассасаларини ўқув адабиёти билан таъминлаш бўйича дастлабки ўқув адабиётлари ва дастурлар марказда ишлаб чиқилган дастур ва адабиётларни шунчаки таржима қилиш билан чекланар эди, бунини муваффақият, деб бўлмасди. Асосий муаммо хорижий тиллар бўйича ўқув адабиётлари нашр қилишда ўзбек тили ҳисобга олинмаганлиги эди. Яна бошқа номутаносиблик, Россия мактабларида XX асрнинг 40-йилларида хорижий тилларни ўрганишга 702 соат ажратилса, ўзбек мактабларида ҳаммаси бўлиб 468 соат белгиланган эди [6,183]. Хорижий тилларни ўқитишда турлича ёндашув, ўқув соатларидаги фарқ, ўқув адабиётларининг менталитетга мос эмаслиги ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқарди. 1961 йилдаги ҳукумат қарори республикада хорижий тилларни ўрганишда янги даврни бошлаб берди. Шундан кейингина миллий хусусиятлар ҳисобга олинган дарсликлар ва тайёрланаётган маҳаллий кадрлар билан русийзабон муаллифлар ҳамкорлигида тайёрланди. Ўзбек мактаблари учун дастур тайёрлашнинг ўз тарихи бор. 1968 йилда илк бор дастур лойиҳаси (рус тилида) эълон қилинган. Лойиҳа муҳокамадан ўтказилиб, 1970-1971 ўқув йилидан ушбу дастур мактабларда жорий этилди (унга қадар ўзбек мактабларида русийзабон халқлар учун мўлжалланган дастурларнинг таржима нусхаларидан фойдаланиб келинган). Шу асосда, мактаблар XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб дарсликлар ва методик дастурлар билан ҳам таъминланган.

Бешинчи йўналиш ўқитиш сифатини ошириш устидан назоратни кучайтириш бўйича хорижий тиллар ўқитишни такомиллаштириш юзасидан халқ маорифи олиб борган ташкилотчилик ишининг кейинги босқичи шу фанларнинг ўқитилиши устидан назорат ўрнатиш бўлди. Қайд этиб ўтиш керакки, 1948 йилгача республикада чет тиллар ўқитилиши устидан назорат суи йўлга қўйилган эди [5,28-в]. Тегишли қарорлар қабул қилинган, хорижий тиллар бўйича вилоят халқ маорифи инспекторлари ва ўқитувчилар малака ошириш институтларида чет тиллар методистлари лавозимлари штатлари жорий этилди. Маориф соҳасидаги янги йўналиш биринчидан, хорижий тиллар ўқитишни тартибга солган бўлса, иккинчидан, ўқитувчиларни қайта

тайёрлашни амалга ошириш учун кулай шароит яратади, зеро бу ишга мутахассислар раҳбарлик қила бошладилар.

Хуллас, бу тадбирлар кейинчалик хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш учун шароит яратиш имконини берди. Мактабларда чет тили фанини ўқитишни йўлга қўйиш мақсадлари бешта босқичда амалга оширилди. Шундан сўнг, мутахассис тайёрлаш, дарслик ва методик қўлланма ишлаб чиқиш, чет тили ўқитиш сифатини тубдан ўзгартириш ҳаракатлари бошланди. Давлат мустақиллиги эълон қилингандан кейин хорижий тилларни ўрганишга бўлган кизиқиш янада ортди, чет эл мамлакатлари билан алоқалар кенгайди, хорижий давлатларда элчихоналар очилди. Улар учун чет тили билувчилар зарур бўлди. Шу сабабдан чет тили ўқитишни қайтадан чуқурроқ кўриб чиқилиб, Республикамизда чет тилини ўқитиш концепцияси, Кадрларни тайёрлаш Миллий дастури ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатларда чет тилини ўқитишни тубдан яхшилаш, чет тилини таълим-тарбия муассасаларида узлуксиз ўқитиш уқтирилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. –Тошкент; “Ўқитувчи”, 1996. –Б.3.
2. Қаранг: Амир Темур болаликдан туркий ва тожик тилида эркин гапирган//А.Ю.Якубовский. Тимур и его время. В кн.История народов Узбекистана, Т.I, Ч.VII, Гл.I.–Ташкент; Изд. АН Уз., 1950.–С.345.
3. Основные принципы единой трудовой школы. Народное образование в СССР. – Сб.документов за 1917-1973 гг. – Москва, 1974.– С. 137-139, 141, 142-145
4. Хошимов Ў., Ёкубов И.Инглиз тили ўқитиш методикаси. –Тошкент; «Шарқ», 2003. –Б.61.
5. ЎзР Марказий Давлат архиви, Ф-Р-94, 5-руйхат, 4977-иш. 36-варак.
6. Зарипова Р.А Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1986.-Б.101.

Резюме. Мақалада Ўзбекистанда шет тилларини оқитишга болган эърурлик, ҳуқиметтин бул маселе бойынша әмелге асырган ислери, мектеплердеги реал ҳалат норматив ҳужжетлер, тарийхий әдебиятлар ҳәм архив дереклери тийкарында анализленген.

Резюме. Ушбу мақолада муаллиф Ўзбекистонда хорижий тилларни ўқитишга бўлган эҳтиёж, ҳукуматнинг бу масалалар юзасидан амалга оширган ишлари, мактаблардаги реал ҳолат, норматив ҳужжатлар, тарихий адабиётлар ва архив манбалари асосида таҳлил этган.

Резюме. В статье освещаются и анализируются потребности в изучении иностранных языков в Узбекистане, мероприятия, проводимые руководством страны по этому вопросу, реальное состояние дел в изучении языков на основе нормативных документов, исторической литературы и архивных источников.

Summary. The article highlights and analyzes the needs for learning foreign languages in Uzbekistan, events held by the leadership of our country on this issue, the real state of affairs in the study of languages based on regulatory documents, historical literature and archival sources.

Таяныш сөзлер: тил, миллий, шет тили, мектеп, оқытыўшы, билимлендириў, қарар, оқыў реже.

Қалит сўзлар: тил, миллий, хорижий, мактаб, ўқитувчи, таълим, қарор, ўқув режа.

Ключевые слова: язык, национальный, иностранный, школа, учитель, образование, решение, учебный план.

Key words: language, national, foreign, school, teacher, education, decree, curriculum.

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИҢ РАЎАЖЛАНЫҢ ТАРИЙХЫНАН

Утепбергенова А.

Ўзбекстан мәмлекетлик көркем өнер ҳәм мәденият институты Нөкис филиалы

1928 жылы 26 июльде Б.П.Грабовский ҳәм И. Ф. Белянский «радиотелефон» атамасындағы үскенени ойлап таўып, ол бүгинги күнги электрон телевидениениң тийкарын салған [1]. 1950-1960 жылларына келип телевидение пүткил дүньяны ләрзеге салады.

Қарақалпақстанда телерадионың пайда болыўы халқымыз тарийхында үлкен әҳмийетке ийе ўақыялардын бири болып есапланады. Қарақалпақстан телевидениеси 1964-жылы 5-ноябрь күни республика турмысында тарийхий мәдений әҳмийетке ийе үлкен жаңалық пенен болғанлығын мақтаныш пенен сөз етиледі. «Усы күни кешқурын саат 19.00 де Нөкис, Такыята, Хожели қалаларында телевизоры бар үйлердің экранларында биринши мәрте «Нөкис көрсетеди», «Показывают Нукус» деген жазыў-титрлер пайда болды. Нөкис телевидениеси өз көрсетиўлерин баслады [2]. Дәслепки ўақытлары Қарақалпақстан телевидениесиниң көрсетиўлери қарақалпақ ҳәм рус тиллеринде «Телевизиялық жаңалықлар» менен басланатуғын еді. Биринши күни дикторлардан Оразгүл Өтениязова, Светлана Шапочниковалар қарақалпақ ҳәм рус тиллеринде фотосүретлер фонында байрам рапортларын оқыйды. Биринши қарақалпақша тележаңалықлар 5 минут, русша жаңалықлар 4 минут болды, улыўма көретиўлер күнине 1,5 саат болған [3]. Солай етип, бүгинги күнге шекем Қарақалпақстан телевидениеси раўажланып, бираз жетискенликлерге ериспекте. Бул ҳаққында Қарақалпақстан тарийхнамасында т.и.к. Т.Мәдреймов ең бириншилерден болып илимий жұмыслар алып барған. Ол өзиниң жұмысларында Қарақалпақстан тележурналистикасының пайда болыўы, қәлипlesiў ҳәм өсип раўажланыў жолын шәртли түрде төрт дәўирге бөлип, телевидениениң алып барған жұмыслары, таярланған көрсетиўлер, олардың жанрлық өзгешеликleri, мазмуны ҳәм көркемлик дәрежелери, техникалық мүмкиншиликлер, кадрлар мәселеси, тараўлық редакциялардың дүзилиўи, хәр бир дәўирде тележурналистиканың әҳмийетли мәселелерине итибар қаратады. Ол елимиздің ғәрезисизликке ерисиўи менен Қарақалпақстан тележурналистикасының бесинши дәўири басланғанлығын атап көрсетеди [4].

1991-жылдан бастап бул тараўда елеўли өзгерислер болып, тараўдың материаллық-техникалық базасы, бағдарламалар дүзилісі хәм мазмұны унамлы тәрептен өзгерди. Қарақалпақстан телевидениеси дәслеп кишкене бир имаратта хәптесине үш мәрте көлеми 1,5-2 саатлық көрсетиў менен жумыс баслаған. Хәзир хәр күни 18 саат даўамында көрсетиўлер алып барылады. Дөретиўшилиқ жәмәат елимиз Президенти, басқа да мәмлекетлик органлар тәрепинен жүргизилип атырған сиясатын халқымызға өз ўақтында жеткерий хәм түсиндирий, оны ўигит-насиятлаў, сондай-ақ турмысқа енгизий бағдарында бир қатар жумысларды иске асырып атыр. Соның менен бирге реформаларды тереңлестирий, базар қатнасықларын қәлиплестирий, жәмийетлик мәселелерди шешиў бойынша қабыл етилген нызамлардың орынланыўын қадағалап барыўды шөлкемлестирий бойынша турақлы түрде көрсетиўлер таярлады.

Усы дәўир ишинде телерадио еситтирий тараўы басқа да ғалаба хабар қураллары сыяқлы өтий дәўирине тән болған бирқанша машкалалар хәм дағдарысларды басынан кеширди. Бундай жағдай өз гезегинде Қарақалпақстан телерадио журналистикасы ўәжиллериниң ўзликсиз излениўи, жәхән тәжирийбесин ўирениўи, оны бизиң жәмийетимиздиң спецификаларын есапқа алған ҳалда пайдаланыў, жаңа идеялар хәм усыллар арқалы өз тыңлаўшыларына жол табыўға мәжбүрледи. Бул процесс бирқанша ўақытты талап етти хәм мәмлекетимиз басшыларының қоллап-қуўатлаўында өз шешимин тапты. Мәселен, 1993-жылы 24 июнь күни Ўзбекстан Президенти пәрманы менен «Баспасөз хәм ғалаба хабар қураллары хызметкерлери күни» деп 27-июнь күни белгиленди. Сондай-ақ, қабыл етилген нызам хәм қарарлар тийкарында бүгинги күнги ғалаба хабар қуралларында сөз хәм хўждан еркинлиги, оны халық аралық стандартларға теңлестирий, журналистлердиң еркин дөретиўшилиқ жумыс пенен шуғылланыўы ушын тараўды және де жетилистирий, оны жоқары технологиялық жетискенликлер менен тәмийинлеў, журналистлердиң дўнья жүзлик аренаға шығыўлары, баспасөз өндириси менен ғалаба хабар қуралларының сапалы өним хәм оператив мәлимлемелерин бәсекелик дәрежесине көтерийге хызмет етти. Улыўма усы тараў бойынша гәрәзсизлик жылларында 40 тан аслам нормативлик-хўқықый актлер қабыл етиди [5]. 2002-жылы Қарақалпақстан телевидениеси хәм радиоеситтирий мәмлекетлик компаниясы Қарақалпақстан Республикасы телерадиокомпаниясына айландырылады. Бул тараўдың буннан былайда раўажланыўына, материаллық-техникалық хәм сондай-ақ, сапа жағынан жақсыланыўына түртки болды. 2012-жылы 30-декабрьде Ўзбекстан Республикасы Президентиниң «Ғалаба хабар қуралларын және де раўажландырий ушын қосымша салық жеңилликлерин берий ҳаққында» қарары қабылланады хәм бул Қарақалпақстан ғалаба хабар қуралларының хожалық хәм эканомикалық хызметин жеңиллестирип, аўысқан қаржыны өз материаллық-техникалық базасын бекемлеўге имканият жаратып берди. Қарақалпақстан телевидениесинде 2-студия қайта ўскенеленип, ол жерде 7 заманағой телекамера менен ўскенелеринде бағдарламалар таярланатуғын болды. Түсирилген сюжетлер 8 компьютер-дизайн аппаратында монтажланады хәм эфирге узатылады [6]. 2007-жылда көлеми 432 квадрат метр болған жаңа студияның қурылыўы менен Нөкис телерадио орайында «BFE Studio und Medien GmbH Sistem» (Германия) фирмасының заманағой ўскенелери орнатылды. Хәзирги күнде Нөкис телерадиоорайында 200 квадрат метр болған информациялық бағдарламаларды жазыў студиясы, 7 ТЖК камералары, 10 монтаж студиясы, 1 дубляж студиясы хәм компьютер дизайн аппаратханалары ислеп турыпты. 2011 жылда РАФ автомобили базасында жыйналған 4 камералы КТС иске түсирилип, онда студиялардан тысқары алынатуғын байрам бағдарламалары хәм спорт жарысларын трансляциялаў имканияты жаратылды. 2013-жылы 22-апрельде Қарақалпақстан телевидениеси цифрлық форматта көрсете баслады хәм бул көрсетиўлердиң сапасын және де арттырады. Күнине 3 тилде «Хабар» бағдарламасы, сондай ақ хәр хәптеде «Хәптелиқ» хабар бағдарламасы эфирге берилип турды. 2013-жылдың 1-июннде дубляж студиясы өз хызмет ўазыйпасын баслайды, оның негизинде кишкене телетамашағойлер мультфильмлер хәм көркем фильмлерди қарақалпақ тилинде көрий мүмкиншилигине ийе болды [7]. 2002-жыл 1-июньнен бастап бир саатлық «Ассалаўма әлейкум, Қарақалпақстан!» атамасында саз-сәўбетли азанғы көрсетиўдиң эфирге бериле баслаўы үлкен әҳмийетке ийе ўақыялардың бири болып есапланады, сондай-ақ жәмийетлик-сиясий, социал-эканомикалық бағдарламалар Бас редакциясының «Еркин пикир», «Төртинши ҳәкимият», «Алтын босаға», «Мийрас», «Дәўир қаҳарманы», «Меҳир», «Жақсыдан шарапат», «Айқулақ», сыяқлы жаңа бағдарламалар таярланып, эфирге узатылып барылды. Оларда жәмийеттиң демократиялық раўажланыўы, мәмлекетлик қурылыс, жаслар хәм хаял-қызлардың жәмийетлик хәм социал-эканомикалық турмыстағы белсендилигин арттырий, сондай-ақ, Қарақалпақстан халқының руўхый-әдеплилик, мәдений мийрасын сақлаў хәм раўажландырий, жоқары интеллектуал раўажланған әўладты тәрбиялаў, Ытанға сүйиспеншилиқ сезимлерин тәрбиялаў мәселелерине итибар қаратылып, эфирде узатылып келинеди. Музыка хәм тамаша бағдарламалары Бас редакциясы тәрепинен телетамашағойлердиң этикалық хәм эстетикалық мәдениятын асырийға, пуқараларда, әсиресе, жасларда демократиялық принциплерди, улыўма инсанийлық хәм миллий қәдриятларға хўрмет сезимлерин оятыўға қаратылған бағдарламалар таярланып эфирге бериледи.

Соңғы жылларда Қарақалпақстан телерадио журналистлери мийнети мәмлекетимиз хәм кең жәмийетшилиқ итибарына ылайық болып, К.Дәўлетмуратов, Б.Есмурзаевларға «Ўзбекстан Республикасына мийнети сиңген журналист», Қ.Мадреймов, Б.Дәўлетмуратов, М.Садуллаев, Д.Алламбергеноваларға «Қарақалпақстан Республикасына мийнети сиңген журналист», А.Өтениязоваға «Ўзбекстан Республикасына мийнети сиңген мәденият хызметкери», Д.Алламуратоваға «Қарақалпақстан Республикасына мийнети сиңген мәденият хызметкери» атағы берилди, басқа да көплеген хызметкерлер мәмлекетимиздиң орден хәм медаллары менен сыйлықланған. Бир қатар жаңа ўскенелер орнатылып, көрсетиўлердиң сапасы хәм мазмұны унамлы

тәрепке өзгериш атыр. Республикамыз раўажланыўының жаңа басқышында, жаңа талаплар қойылып, журналистлердің ҳуқықлары да, мүмкиншиликлери де кеңейип, елимиздің көркейиўине өз үлесин қоспақта.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. http://www.qrz.ru/articles/photos/story450/protokol_isp.djvu
2. Каримов.И.А Ўзбекстон мустақилликка эришиш останасида. –Тошкент, «Ўзбекистон», 2011.
3. Мадреймов Т. Телевидение - жэриялылык қуралы. – Нөкис, 1989.
4. Мадреймов Қ. Журналистика кэсибинин жанкүйери. – Нөкис, 2015.
5. Джумашев А., Нуржанов С., Уразова Л., Таджиева Р. Қарақалпақстан тарийхы. – Нөкис, 2018.
6. Уснатдинов Ш. Журналистикаға кирисиў. – Нөкис, 2009.
7. Ўзбекистон миллий телерадио компанияси: замон билан ҳамқадам. –Тошкент, 2016.

Резюме. Мақалада ғарезсизлик жылларында Қарақалпақстан телеканалындағы өзгерислер, дөретиўшилиқ имканиятлардың кеңейиўи, жаңа ток-шоу ҳәм де телекөрсетиўлердин тарийхы сөз етилген.

Резюме. Мақолада мустақиллик йилларида Қарақалпақистон телеканалы фаолиятининг тубдан ўзгариши, ижодий имкониётларнинг кеңайиши, янги ток-шоу ҳәм де телекўрсатувларнинг тарихи ёритилган.

Резюме. В статье представлен анализ коренного изменения деятельности Каракалпакского телевидения в годы независимости, освещены поиски по расширению творческих возможностей новых ток-шоу и телепередач.

Summary. The article presents an analysis of the fundamental changes in the activities of Karakalpak television in the years of independence, highlights the search for expanding the creative possibilities of new talk shows and television show.

Таяныш сөзлер: телевидение, радио, тележурналистика, телекўрсатув, редакция.

Таянч сўзлар: телевидение, радио, тележурналистика, телекўрсатув, редакция.

Ключевые слова: телевидение, радио, тележурналистика, телепередача, редакция.

Key words: television, radio, TV-journalism, TV-program, editorial staff.

ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТДА МАЪНАВИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ УЙЎУНЛИГИ

Шерманов И. Ч.

Самарқанд давлат университети

Халқимиз ҳаётининг ривожланишини маънавий ишлаб чиқаришсиз тассаввур қилиб бўлмайди. Маънавий ишлаб чиқариш бўлмаса моддий ишлаб чиқариш жонсиз танага ўхшаб қолади. Бунда моддий ишлаб чиқариш жамиятнинг жисмоний танасини ташкил қилса, маънавий ишлаб чиқариш эса унинг рухий-маънавий оламини ўзида мужассамлаштириб, моддий ишлаб чиқаришга куч-қувват бағишлайди, уни йўналтиради, истикболларини олдиндан белгилаб беради. Шундай экан жамият ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлган маънавий ишлаб чиқариш жараёнини фалсафий жиҳатдан тадқиқ этмасдан, унинг натижаларини ҳисобга олмасдан туриб ҳеч бир халқ, мамлакат кўзлаган мақсадларига эришолмайди. Бу ишнинг назарий ва амалий жиҳатдан амалга оширилиши эса ўз навбатида жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги умумий, хусусий, алоҳида тарзда кечаётган моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнлари диалектикасини тўлиқ англаб етиш орқали уларни уйғунлаштириш имконини беради. Моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг уйғун кечиши ижтимоий тараққиётнинг тамал тошларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, маънавий ишлаб чиқаришнинг ўзи нима, у қандай пайдо бўлган ва жамият ҳаётидаги ўрни нималар билан бегиланади, деган савол туғилиши табиийдир.

Жамият ҳаётида юз берадиган маънавий ишлаб чиқариш жараёнини илмий фалсафий муаммо сифатида ўрганиш XX асрнинг 80-йилларида Е.С.Барулин, А.М.Ковалев, С.Ф.Анисимов, А.К.Уледов, В.И.Толстых ва бошқалар томонидан ёзилган монография ва илмий мақолаларда “маънавий ишлаб чиқариш” фалсафий категория сифатида марксча-ленинча фалсафанинг моддийликнинг бирламчилиги, ҳар бир нарсани синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан қараш каби тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Муайян вақт мобайнида ишлаб чиқарилган маънавий ишлаб чиқариш маҳсулотлари мажмуини ифодалаш учун «маънавий бойлик» категориясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Методологик нуқтаи назардан, маънавий бойлик категорияси маънавий ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилиш жараёнида намоён бўладиган маънавийлик қирраларини янада ажратиш ва тушунишга хизмат қилади. Бунда моддий бойликни ўзлаштириш (истеъмол қилиш) жараёнида намоён бўладиган маънавийликнинг хусусиятлари турлича талқин этилишига эътибор қаратиш лозим. Одатда, маънавий маҳсулотлар, моддийларидан фарқли равишда, истеъмол жараёнида йўқ қилинмайди ва маданиятдан йўқолмайди. Бу қондани қуйидагича изоҳлаш мумкин. Қандайдир моддий нарсалар маънавий кадриятлар, маънавий бойлик элементлари ташувчилари сифатида ишлаганида, субъектнинг ушбу кадриятларни истеъмол қилиш жараёнида субъектнинг улар билан моддий ўзаро таъсирлашуви ташувчи нарсалар ашёларини истеъмол қилишда эмас ва уларнинг шаклини йўқ қилишда эмас, балки бу шаклини истеъмол қилувчи субъектнинг онгида акс эттириш ва бу билан унинг фаолияти, онги шаклларида қайта яралишида намоён бўлишида кўриш мумкин. Шу боис маънавий кадриятлар ушбу жараёнда нафақат йўқ бўлмайди, балки, аксинча, такрор ишлаб чиқарилади, яъни янада фаоллашади. Моддий бойлик истеъмоли маънавий бойликларни (маънавий кадриятларни) бузиш ва йўқ қилиш ёки бошқа бойликни ишлаб чиқариш бўлса, маънавий бойлик истеъмоли бевосита такрор ишлаб чиқариш ва сақлаш – бошқа нарсани ишлаб чиқариши билан ифодаланади.

Шубҳасиз, моддий ва маънавий бойликлар ҳосил бўлиш механизми бўйича ҳам, ўзлаштириш усуллари ва натижалари бўйича ҳам фарқ қилади. Аммо йўқ бўлмаслик маънавий бойликни истеъмол қилиш хусусиятининг мутлақ кўрсаткичими? Маънавий маҳсулотларни *индивидуал* ўзлаштириш ҳақиқатан ҳам уларнинг маданият соҳасидан йўқ бўлиб кетишига олиб келмайди, уларда ифодаланган ижтимоий фаолиятни (яъни ижтимоий меҳнатни) йўқ қилмайди. Илм, ғоя, таълим ва бошқа маънавий ҳодисалар бир одамнинг бойлигига айлангач бошқа одамлар эҳтиёжларини қондиришлари учун ҳам имкон туғилади. Шундай бўлса-да, маънавий неъматларни шахсий истеъмол қилиш жараёни ҳақидаги бундай мавҳум умумлашган тасаввурларни ижтимоий истеъмол соҳасига кўчириш ижтимоий истеъмолнинг бутун мураккаблигини кўрсатмай кўяди ва шу боис буни тўғри деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Маънавий бойликни истеъмол қилишнинг ижтимоий даражасини кўриб чиқар эканмиз истеъмол доимо ижтимоий хусусият касб этади ва у инсонни ижтимоий мавжудот сифатида такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Айни вақтда истеъмол *амалга ошириш усуллари*га кўра *хилма-хил, мазмунан сифат жиҳатдан бир хил эмас ва унга жалб этилган ижтимоий муносабатларга боғлиқ*. Истеъмолни бир неча турларга: индивидуал истеъмол, умумий истеъмол, ишлаб чиқариш истеъмоли, унумли истеъмол, унумсиз истеъмол, тежамли истеъмол, тежамсиз истеъмол ва бошқаларга ажратиш мумкин. Албатта, моддий ишлаб чиқариш соҳасида қўлланадиган истеъмолларни бундай фарқлаш ва қиёслашни маънавий ишлаб чиқариш ва маънавий бойлик соҳасига тўғридан-тўғри кўчириб бўлмайди. Бироқ, маънавий истеъмолнинг моҳияти ҳақидаги юзаки тасаввурлар ҳам маънавий ҳаёт ривожланишининг қонуниятларини тушунишга таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда уюшган оммавий маънавий истеъмол, маънавий эҳтиёжларни қондиришнинг жамоавий шакллари ҳиссаси кескин кўпайган, оқилона маънавий истеъмол ва истеъмолчиликни фарқлаш зарурати юзага келган бир шароитда бу масалани ўрганиш янада муҳимдир. Жамият ҳаёти ва фаолиятининг бу томони социологлар томонидан махсус ўрганилиши лозим. Биз эса маънавий бойлик ўз ичига ишлаб чиқариш, жамғариш, сақлаш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол жараёнларини қамраб оладиган ижтимоий такрор ишлаб чиқариш тизимида (орбитасида) айланиб, ўзига ўзи айнан тенг бўлиб қола олмаслигига асосий эътиборни қаратмоқчимиз. Бунда *маънавий бойлик истеъмоли унинг сақлаб қолинишига айнан мос келмайди*. Бу ҳаёт синовларидан ўтган ҳақиқатдир. Моддий бойликлар истеъмолининг ижтимоий шакллари маънавий бойликни истеъмол қилиш соҳасига кўр-кўрона, ҳарфма-ҳарф кўчирмаган ҳолда *истеъмолни фаолият ва ижтимоий муносабатларни такрор ишлаб чиқариш шартлари билан солиштириш* мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳолда маънавий бойлик оддийгина маънавий истеъмолнинг жамғарилган мажмуи бўлмайди, балки *маънавий истеъмол предметларида намоён бўлувчи ижтимоий муносабатлар тизими ривожланишининг якуни* бўлади. Демак, маънавий бойлик истеъмоли ҳам истеъмол қилувчи субъект онгида маънавий маҳсулотлар шакллари оқилона оддийгина такрор ишлаб чиқарилишида эмас, балки ғояларда расмийлашган (ифодаланган) ижтимоий алоқалар мазмунининг ажратилиши ҳамда уни истеъмол қилувчи субъектнинг ўзи қирадиган ижтимоий муносабатлар тизимида сингдирилишидадир.

Юқорида биз маънавий ишлаб чиқариш маҳсулотлари бошқа шаклга ўтишига таъсир кўрсатувчи асосий омилларни аниқладик ҳамда улар ҳатто ижтимоий хотира бойлигига айланса ҳам ўзгармай қолмаслигини таъкидладик. Маънавий бойлик тўлиғича маданиятнинг ўзгармас жамғармаси ҳисобланиши мумкин эмас. Агар маънавий истеъмолни такрор ишлаб чиқариш ва сақлаб қолиш билан айнанлаштирадиган бўлсак, ижтимоий истеъмол жараёнида маънавий бойликнинг қўллаб таркибий қисмлари бузилиши ва йўқолиши билан боғлиқ реал фактларни тушунтириб бўлмай қолади. XIII–XVI асрлардаги сайёҳларнинг саёй-ҳаракатлари билан тўпланган табиат ҳақидаги билимларни ривожлантириш натижасида, уларнинг бошқа кўринишга ўтганлиги, ўзгарганлиги ҳақида кўплаб мисоллар В.Ф.Палий (Левичева), В.Ф.Щербиналар томонидан ёзилган «Диалектика духовно-практического освоения природы. Методологические аспекты» номли монографиясида келтирилган. Ўша пайтлардаги барча хилма-хил ёзилган китоблар, географияга оид ҳисобот ва ҳикояларни бирлаштирадиган жихат шунда эдики, бунда табиий объектлар ҳақида ёзилган ёзувлар ижтимоий координаталарда юритилган; қарор топган ижтимоий дунё тартибларининг нормалари эса табиатга кўчирилган. Кейинчалик олинган билимларни фаол ўзлаштириш нафақат уларни яхлитлигича сақлаб қолмади, балки қадамба-қадам барча ножоиз ва кераксиз туюлган, «ўрта аср одамнинг кучли фантазияси» юзага келтирган барча нарсаларни чиқариб ташлади, шундай экан қайта кўчириш ва қайта босиш жараёнида баъзи муаллифларнинг асарларидан атиги табиий ҳодисалар ҳақидаги «иҷобий» маълумотларни хабар қилувчи бир неча парчалар, ҳаттоки 1-2 қаторлар қолди холос. Бунда кўпинча ёлғон маълумотлар эмас, балки шу вақтга келиб маънавий ишлаб чиқариш тизимида шаклланган янги ижтимоий-маданий баҳоловчи стандартларга зид, яъни маънавий истеъмолнинг янги нормаларига мос келмаган билимлар рад этилган.

Маънавий маҳсулотлар истеъмолига у кечадиган ижтимоий контекстдан ажралган ҳолда қараб бўлмайди. Ҳеч кимга керак бўлмаган ва, бинобарин, истеъмол қилинмаётган нарсаларгина эмас, балки ҳаммага керак нарсалар ҳам йўқотилиши ва маданиятдан чиқиб кетиши мумкин. Ўрта асрлардаги кўплаб энг сеvimли ва кенг тарқалган бадий асарлар айнан «ўқиб бўлингани», яъни «қолдиқсиз истеъмол қилингани» учун йўқолиб кетган. Маънавий маҳсулотлар тақдирига доимо уларнинг элементларида ифодаланган моддий-ашёвий муҳит ўзгаришлари ҳам таъсир этади. Бу шу билан боғлиқки, эски ишловдаги материалларнинг йўқотилиши ёки янгисига айлантирилиши, ғоялар моддийлашуви (ифодаланиш) рецептуралари ва технологик схемаларининг алмаштирилиши идеаллик мавжуд бўлган ашёлар маконининг қисман ёки тўлиқ қайта ташкил этилишига,

бинобарин унинг функционал ва семиотик матрицалари ўзгартирилишига (камбағаллашиши ёки бойишига) ҳам олиб келади. Бу жиҳатлар амалий санъатда айниқса ёрқин намоён бўлади.

Умуман олганда, предметлашган маънавий фаолият бойликларини ўзлаштириш жараёни сифатидаги *маънавий истеъмол фаоллигини* етарлича баҳоламаслик мумкин эмас. Чунки бунда нафақат маънавийлик тикланади, балки унинг барча алоқаларига фаол кириб борилади, ушбу алоқалар қайта ишланади, «янгиланади», янги маданий муҳит шароитга мослаштирилади. Фаоллик–ижоднинг, бинобарин, унинг бир-бирини ўзаро боғловчи ажралмас унсурлари – «унумли истеъмол» ва «истеъмолга оид ишлаб чиқариш»нинг ажралмас хоссасидир. Бироқ, йўлда маданият экологияси қонунларини бузиш туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар ҳам бўлиши мумкин, масалан, тарихан шаклланган меъморий ансамбллarga уларга ёт иншоотлар шаҳарсозликнинг янги бадиий қонунларига яқинлашиш мақсадида қўшилади. Шу боис тўпланган маънавий бойликнинг сақланиб қолиши уни истеъмол қилишнинг бевосита оқибати эмас, балки мустақил ва катта саъй-ҳаракатларни талаб қилади. Шу ўринда академик Д.С.Лихачёвнинг маданий экология қонунларига риоя этмаслик инсонни маънавий таянчдан маҳрум этиши мумкин, деган сўзларига кулоқ солиш жоиз: «Маданият ёдгорликлари «захираси», маданий муҳит «захираси» дунёда нихоятда кам ва у борган сари тезроқ камайиб бормоқда. Маданият маҳсули бўлган техника баъзан маданиятнинг умрини узайтириш ўрнига, кўпроқ уни йўқ қилишга хизмат қилмоқда. Ақлсиз, беҳабар одамлар бошқарувидаги бульдозерлар, экскаваторлар, қурилиш кранлари ер ичида ҳали очилмаган нарсаларни ҳам, ер устидаги одамларга хизмат қилган нарсаларни ҳам йўқ қилади. Ҳатто реставраторлар ҳам ўзларининг етарлича текширилмаган назариялари ёки гўзаллик ҳақидаги замонавий тасаввурларига асосланиб, ўтмиш ёдгорликларини қўриқловчилар эмас, балки бузувчиларга айландилар. Ёдгорликларни шаҳарсозлар ҳам йўқ қиладилар – айниқса аниқ ва тўлиқ тарихий билимга эга бўлмасалар. Маданият ёдгорликларига жой этишмаслигининг сабаби ерда жой камлиги эмас, қурувчиларни эски, одам яшайдиган ва шу боис шаҳарсозлар учун гўзал ва жозибали туйиладиган жойлар жалб этишидир. Шаҳарсозларга ҳаммадан кўп маданият экологияси соҳасидаги билимлар зарур. «Маданий муҳитни сақлаб қолиш вазифасининг аҳамияти атроф муҳитни сақлаб қолишдан кам эмас. Агар табиат инсонга биологик ҳаёт учун зарур бўлса, маданий муҳит унинг маънавий, ахлоқий ҳаёти, «маънавий ўтроқлиги», қадрдон жойларга боғланиши, ахлоқий ички интизоми ва ижтимоийлиги учун худди шу даражада зарурдир» [2, 10,15-16.].

Ҳозирги кенгайтирилган тарзда кечаётган оммавий истеъмол ҳодисаларини (феноменларини) ўрганиш ҳам унинг объектлари кўпинча узоқ яшамасликлари ва ижтимоий муносабатлар тизимидаги кичик ўзгаришлар туфайли ҳам тез емирилишидан далолат бермоқда, яъни ҳаттоки, етиб ортадиган маънавий истеъмол ҳам маданиятда маънавий маҳсулотлар «яшаб қолиши», сақланиши ва етказилишини кафолатламайди. Маънавийликнинг индивидуал истеъмолига оид кўплаб ҳаракатларнинг умумий самараси маънавийликнинг ўзига нисбатан ҳалокатли бўлиши мумкин – маънавий истеъмолнинг ички зиддиятларидан бири ана шунда намоён бўлади.

Кундалик ҳаётда маънавий бойлик истеъмоли билан уни сақлаб қолиш ўртасида бевосита ва аниқ мувофиқликлар йўқ. Шунга қўра, маънавий ишлаб чиқаришни истеъмол жараёнида инсон онгида такрор ишлаб чиқарилган ва шу боис сақланиб қоладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш деб таърифлаш ҳам, умуман олганда унчалик тўғри эмас. Маънавий ишлаб чиқаришнинг оралиқ механизмлари анча мураккаб. Уларнинг моҳияти ижтимоий муносабатларни маънавий тарзда такрор ишлаб чиқаришни таъминлашдир. Маънавий бойлик ҳам (моддий бойлик каби) – аввало *ижтимоий муносабатлар бойлиги* эканлиги ана шундан. Бунда бирон бир индивиднинг ҳақиқий маънавий бойлиги тўлалигича унинг ҳақиқий муносабатлари бойлигига боғлиқдир. Албатта, моддий ва маънавий истеъмол ўртасида фарқлари бор, аммо уларни моддийлик ва маънавийликни категория сифатида қарама-қарши қўйишда эмас, балки улар ривожланидиган аниқ ижтимоий шаклларни тадқиқ этишда излаш лозим. «Моддийлик» ва маънавийлик» тушунчалари мавжудлигига қарамай, «моддий истеъмол» ва «маънавий истеъмол» категориялари фалсафанинг асосий масаласини қўйиш ва ҳал қилишда методологик имкониятларга эга эмас. Бу ерда методологик вазият моддий ва маънавий фаолиятни қарама-қарши қўйишга тўлалигича ўхшашдир: икковида ҳам «жисмонийлик», «жисмийлик» ҳам, «онглилик», «ақлийлик» ҳам мавжуд. Худди шу тариқа истеъмол объектини ўзлаштириш у ёки бу даражада (гап ижтимоий инсон ҳақида борар экан) онг иштирокини такозо этади, маънавий ҳаражатларни талаб қилади ва айни вақтда предметли-ашёли шакллар, предметли-амалий фаолиятдан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Мамлакатимизда охириги йилларда чиқарилган адабиётларда моддий ва маънавий истеъмол эҳтиёжларнинг *оқилоналиги*, истеъмолнинг «ўзбек модели» ишлаб чиқиш зарурлиги масаласи борган сари кўпроқ ва катъийроқ қўйилаётгани бежиз эмас.

Шуниси мутлақо аниқки, бунда маънавий кадрларнинг ўзлаштирилиши – уларнинг моддий ташувчиларининг предметли, ашёвий қобиғини истеъмол қилиш эмас. Энг муҳим хусусияти биз бевосита кўраётган ёки сезаётган нарсаси – предмет, табиий хоссалар, моддийлик эмас, балки бу ташқи кўринишлар ортида яширинган фикрлар, тушунчалар, бадиий образлардир. Лекин, бундан маънавий истеъмол предметларига киритилган, сўнгра янги онг томонидан ажратиб олинган ва идрок этилган онг (ижтимоий ғоялар) ўзига ўзига аиний бўлиб қолиши ҳам, моддий ва маънавий истеъмолни материя ва онг кутбларига ажратиш мумкинлиги ҳам келиб чиқмайди. Иккала истеъмол ҳам моддий ва маънавий омилларнинг бир-бирига кириб боришини ва билвосита ўзаро алоқасини таъминловчи маълум бир ижтимоий шаклларда амалга ошади. Шундай экан, ҳатто энг муҳим моддий эҳтиёжларни қондириш ҳам, доимо (деярли доимо) онг томонидан назорат қилинади ва жамият томонидан тартибга солиниши мумкин, энг улуғвор ва нозик маънавий истеъмол эса руҳлар билан

турли хил иримлар орқали мулоқот қилиш сеанси эмас, балки ана шу руҳларга ҳам, ижтимоий субъект улардан маънавий мазмунни ажратиб оладиган янги ижтимоий шароитларга ҳам асло бефарқ бўлмайдиган турли предмет тизимлар (ашёлар, матнлар, суратлар, меъморий иншоотлар) орқалигина мумкин бўлади.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб маънавий ишлаб чиқариш тизимидаги фаолият натижаси бўлмиш маънавий маҳсулотлар муаммосини ҳал қилиш бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин; 1. Маънавий маҳсулотлар ажратиб олинган ҳолда маънавий ишлаб чиқаришнинг генетик, намоёниш этувчи ва тақсимот-истеъмол механизмларининг ички диалектикаси такрор ишлаб чиқарилади; 2. Маънавий маҳсулотларда бир томондан маънавий ишлаб чиқаришнинг *барқарорлаштирувчи* кучлари рўёбга чиқади. Мақсадга қаратилган ва уюшган маънавий фаолият дастлабки маданий материални ўзгартириш жараёнида унга барқарорлик бағишлайди. Шу боис, маънавий ишлаб чиқариш маҳсулотлари (ғоялар, бадий образлар, бошқарув қарорлари, кадриятлар, нормалар, билимлар, дунёқараш комплекслари, ижтимоий-сиёсий дастурлар ва бошқалар) ривожланаётган маънавий маданиятнинг ўзига хос *ички детерминантлари* ҳисобланади, унинг турли элементларига узвийлик, бирлик ва системали тартиблилик бағишлайди. Айнан ички мунтазамликнинг изчил такрор ишлаб чиқарилиши маънавий соҳанинг *нисбатан мустақил* ижтимоий тузилма соҳасига ажратилиши учун шароит яратади; 3. Маънавий ишлаб чиқариш яхлит мажмуаларга жипслашуви йўл қўядиган ижтимоий онг ҳодисалари (феноменлари) учун алоҳида «қулай режим» яратади. Бутун ана шу жараён ижтимоий жиҳатдан институционаллашгандир, онгнинг ижтимоий шаклини такрор ишлаб чиқариш, яъни моддий ва маънавий муносабатларнинг маънавий ифодаси унинг якуни бўлиб хизмат қилади; 4. Бошқа томон қараганда ишлаб чиқарилган маънавий маҳсулотлар нафақат ижтимоий ишлаб чиқаришнинг улар ўзлари айланиб юрадиган ички тизимли алоқалари қонунлари бўйича *ўзгаради ва тадрижий ривожланади*, балки унинг *динамикасини* рағбатлантиради ҳам. Шу йўл билан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўзини ўзи бошқарувчи тизимга айланиши учун шарт-шароитлар тўпланади. Биз учун миллий тараққиётнинг «Ўзбек модели» ва «Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси» – бундай истиқболга эришиш йўлидаги тарихан дастлабки чегаралардир; 5. Маънавий ишлаб чиқариш маҳсулотларида инсоннинг ўзида рўёбга чиқадиган улкан мақсад қўювчи имкониятлар мавжуд бўлиб, инсониятнинг маънавий тажрибаси улар орқали ўзлаштирилади ва келажакни лойиҳалаштиради. Бошқачароқ қилиб айтганда моддий ва маънавий такрор ишлаб чиқариш актининг ўзида нафақат объектив шарт-шароитларгина ўзгариб қолмасдан, балки ишлаб чиқарувчилар ўзларида янги хислатлар ҳосил қилиб, ишлаб чиқариш туфайли ўзларини ривожлантириб ва ўзгартириб, янги куч ва янги тасаввур, янги мулоқот усуллари, янги эҳтиёжлар ва янги тил яратиб, ўзлари ҳам ўзгарадилар; 6. Маънавий бойлик – аслида, жамиятнинг *ижодий* (сиёсий, ахлоқий, илмий, бадий) *салоҳияти* бўлиб, уларни оқилона тасарруф этиш ижтимоий тараққиётнинг инсон томонидан маънавий ишлаб чиқариш тизимида онгли равишда қўйилган, ишлаб чиқилган мақсадларга эришишга қаратилган умумтарихий ҳаракатга қўмаклашиш демакдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Барулин В.С. Диалектика сфер общественной жизни.–М.: Изд-во Моск.ун-та, 1982.–230 с., Ковалев А.М. Диалектика способа производства общественной жизни.–М.: «Мысль», 1982.–255 с., Анисимов С.Ф. Духовные ценности: производство и потребление.–М.: «Мысль», 1988.–253 с., Уледов А.К. Духовная жизнь общества. Проблемы методологии исследования.–М.: «Мысль», 1980.–271 с., Толстых В.И. Социально-философские проблемы общественного производства // Вопросы философии. – 1982. – №4.
2. Лихачев Д. С. Экология культуры // Памятники отечества. – 1980. – №2. – С. 10, 15-16.

Резюме. Мақалада мамлекетимизнинг материаллик ҳам руҳий турмушида жүз берип атырган жаңа миллий мазмундағы ислеп шығарыу мүнәсибетлеринде бир қатар унамлы ислер әмелге асырылыуы ҳаққында сөз етиледи. Жаслардың иси́лерменлик мәдениятын жәмийет материаллық турмушының тийқарғы компоненти екенлиги ҳаққында бир қатар философиялық пикирлер баян етилген.

Резюме. В статье анализируется целый ряд позитивных событий, происходящих в духовной и материальной жизни нашей страны. Изложен ряд философских мыслей о предпринимательской культуре молодежи в качестве основного компонента материальной жизни общества в процессе материального и духовного производства.

Summary. This article discusses a number of positive events taking place in the spiritual and material life of our country. A number of philosophical thoughts about the entrepreneurial culture of young people are presented as the main component of the material life of society in the process of material and spiritual production.

Таяныш сөзлер: руҳий турмуш, иси́лерменлик мәденияты, социаллық ислеп шығарыу.

Ключевые слова: духовное потребление, предпринимательская культура, социальное производство.

Key words: spiritual consumption, entrepreneurial culture, social production.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУРОЖААТЛАР ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ

Юлдашов С.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви академияси

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Айниқса, фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқига бўлган муносабат давлат бошқарувида сиёсат даражасида кўтарилиб, бу борада тегишли ҳуқуқий механизм яратилди. Шунингдек, ваколатли давлат органларига

фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи Ўзбекистон мустақиллиги натижасида Конституциявий ҳуқуқ мақомида мустақамланди. Совет Иттифоқи давридаги конституцияларда бундай ҳуқуқ кўзда тутилмаган эди. Ҳатто бу масала қонунлар асосида ҳал қилинмай, фармонлар билан ҳал қилинган эди. Фуқаролар мурожаати орқали давлат ва жамият ҳаётига таъсир этишининг муҳимлиги ҳисобга олиниб, шу ҳуқуқ конституциявий даражада мустақамланди. Конституциянинг 35-моддасида “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт” — деб белгиланган [1]. Мурожаатларга оид муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси II бўлимининг “Сиёсий ҳуқуқлар” деб номланган VIII бобида алоҳида ҳуқуқий норма сифатида белгилаб қўйилганлиги бу соҳага оид масалалар давлат бошқарувида халқ билан давлат ўртасида ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни мустақамлашда муҳим восита эканлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, мурожаатлар институтининг ривожланиш динамикасини ҳуқуқий ва назарий жиҳатдан 5 босқичга бўлиб ўрганиш лозим бўлади. Яъни, *биринчи босқич* - Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришган дастлабки даврдан (1991 йил 31 август) то Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 1994 йил 6 майдаги қонуни [2] қабул қилингунга қадар бўлган даврни камраб олади; *иккинчи босқич* - Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилингандан то Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 2002 йил 13 декабрдаги қонуни [3] қабул қилингунга қадар бўлган давр; *учинчи босқич* — Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилингандан то Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 2014 йил 3 декабрдаги қонуни [4] қабул қилингунга қадар бўлган давр; *тўртинчи босқич* — Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилингандан то Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 2017 йил 11 сентябрдаги қонуни [5] қабул қилингунга қадар бўлган давр; *Бешинчи босқич* - Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилингандан то бугунги кунга қадар бўлган даврни ўз ичига олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, зеро, ўн иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциянинг 35-моддасида мурожаат қилиш ҳуқуқига оид ҳуқуқий норма назарда тутилган бўлсада, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 1994 йил 6 майдаги қонуни қабул қилингунга қадар фуқароларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишчи Қонун ёки қонуности ҳужжатлари жорий этилмаган. Бу даврда, яъни биринчи босқичда, мурожаатларга оид муносабатлар Совет давлати КПСС Марказий Комитетининг 1967 йил 29 августдаги “Меҳнаткашларнинг хатларини кўриб чиқиш ва меҳнаткашларни қабул қилишни ташкил этиш ишларини янада яхшилаш тўғрисида” [6]ги Махсус Қарори, СССР Олий Совети Президиумининг 1968-йил 12 апрелдаги “СССР Олий Совети депутатларининг хатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги 2535-VII-сон Қарори [7] ва СССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 4 мартдаги “Фуқароларнинг таклифлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги 1662-X-сон Фармони [8] асосида қабул қилинган давлат органлари ва муассасаларининг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 1994 йил 6 майдаги қонуни қабул қилиниши билан бу соҳага оид муносабатларни тартибга солишнинг иккинчи босқичига фундамент яратилди. Шу билан, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини ифода этувчи дастлабки қонун жорий этилди. Мазкур қонун 18 моддадан иборат бўлиб, унда фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган ва хорижий давлатлар фуқароларининг мурожаат қилиш ҳуқуқлари, мурожаат бериш тартиби, шакллари, турлари, мурожаатларга қўйиладиган талаблар, мурожаатларни ҳал қилиш ваколатига эга органлар, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлиги, фуқароларни мурожаат қилганлиги учун таъкиб остига олишнинг ва мурожаатни ҳимоялаш хатти-ҳаракатларида иштирок этишга мажбур қилишнинг таъқиқланиши, мурожаатларнинг кўриб чиқилиш муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларни ошкор этишнинг таъқиқланиши, Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг шикоятларни кўриб чиқиш борасидаги вазифалари, таклиф, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш муддатлари, фуқароларни шахсан қабул қилиш, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, етказилган зарарни қоплаш, ғайриқонуний тусдаги мурожаат берганлик учун жавобгарлик, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилишини назорат қилиш ва фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурор назорати каби ҳуқуқий нормалар белгилаб берилган.

Мамлакат тараққиётида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда рўй бераётган жараёнлар, мулк шакллариининг ўзгариши ва янги тоифадаги мулкдорларнинг пайдо бўлиши, айниқса, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги фаол иштироклари фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқлари борасида янги қонун ҳужжати қабул қилинишига эҳтиёж сезилди. Шу боис, 2002 йил 13 декабрда 5 бўлим, 28 та моддадан иборат Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, мурожаатлар институтининг учинчи босқичига асос солинди. Ўша вақтда, ушбу қонунни янги

ҳуқуқий нормалар билан тўлдирилиши, ўз навбатида, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Унга кўра, мазкур қонуннинг мақсади ва фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари аниқ белгиланди, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари алоҳида ҳуқуқий норма сифатида кўрсатилди, мурожаатларнинг шакллари ва турлари алоҳида моддаларда тадбиқ этилиб, турлари (ариза, таклиф, шикоят)га таъриф берилди, фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари қафолатлари алоҳида бўлимга жамланиб, 5 та моддада бу борадаги ҳуқуқий нормалар кўрсатилди, фуқароларнинг аризалар, таклифлар ва шикоятлар бериш тартиби ҳамда уларни кўриб чиқиш III бўлимда 4 та моддада мужассамлаштирилди, IV бўлимда мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва давлат органларининг мажбуриятлари назарда тутилган бўлиб, унда мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсан иштирок этиш ҳуқуқи, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қабул қилинадиган чора-тадбирлар, фуқароларнинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органининг мажбуриятлари ва фуқароларнинг мурожаатлари билан олиб бориладиган иш таҳлили каби ҳуқуқий нормалар билан тўлдирилди. Шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик мазкур Қонуннинг V бўлимида ўз аксини топган бўлиб, фуқароларнинг мурожаатлари муносабати билан зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги низолар суд тартибида кўриб чиқилиши тўғрисида янги ҳуқуқий норма киритилгани ҳолда фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурорлик назорати олиб ташланди. Жаҳон бозори конъюнктураси ўзгариши, яқка тартибдаги тадбиркорлик институтининг янада такомиллашуви, тадбиркорлик субъектларининг платформаси кенгайиб, давлат органлари ва муассасаларига ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида юридик шахс сифатида мурожаат қилиш кўлами ошганлиги туфайли юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш борасида янги ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишига эҳтиёж туғилди. Шу боис, 2014 йил 3 декабрь куни 5 боб, 31 моддадан иборат “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниб, бу борада ушбу соҳага оид тўрттинчи босқичга асос солинди. Ушбу Қонунна кўра, давлат органларига мурожаат қилиш тартиби янада такомиллашди. Зеро, унда соҳадаги қонун бузилиши ҳолатлари учун жавобгарлик белгиланиши баробарида, фуқароларнинг далолат органлари, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш имконияти кенгайди ҳамда уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўлиқ янгиланди. Мазкур қонун мақсади бўйича давлат органлари ва давлат муассасаларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги белгиланди. Қонунда қонуннинг амал қилиши доираси аниқ кўрсатилди, мурожаатларнинг электрон шакли янги институт сифатида жорий этилди, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш алоҳида ҳуқуқий норма сифатида эътироф этилди, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқларининг қафолатлари алоҳида бобга жамланиб, 6 та моддада батафсил кўрсатиб ўтилди, мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилишнинг муддати белгиланиб, бир йилда камида бир марта амалга ошириш қонунда мустаҳкамлаб қўйилди, моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш алоҳида моддада кўрсатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги “Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлари ҳокимларининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун талабларини сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида”ги 366-сонли Қарори[9], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4904-сон Фармони[10] билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ташкил этилганлиги, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил Ўзбекистонда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили [11]” деб эълон қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” [12] да белгилаб берилган вазифалар ҳамда мамлакатимизда амалга ошираётган кенг кўламли ислохотлар бўйича қабул қилинаётган Қонун ҳужжатлари мурожаатлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 2017 йил 11 сентябрдаги қонуни [13]нинг қабул қилинишига асос бўлди. Ушбу қонун орқали мамлакатимизда мурожаатлар институтининг бешинчи босқичига қадам қўйилди. Айнан ушбу янги таҳрирдаги Қонун доирасида халқаро ҳуқуқда мавжуд бўлмаган, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида янги институт шаклланди. Хусусан, Қонун мундарижа, 6 боб, 38 моддадан иборат бўлиб, ушбу қонуннинг қўлланилиш соҳаси каби ҳуқуқий норма билан тўлғазилди, мурожаат қилишга доир терминлар юзасидан асосий тушунчалар берилди, мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари жорий этилди, 2-бобнинг 5 та моддасида Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар бўйича мутлоқ янги бўлган ҳуқуқий нормалар киритилди, мурожаатлар бўйича иш юритиш доираси янада такомиллаштирилди, айрим мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги ҳуқуқий норма билан тўлдирилди, мурожаат этувчини эшитиш, мурожаатларга жавоблар, мурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш, мурожаатларнинг кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш, мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш каби бир қанча институтлар жорий этилди.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонунга айрим ўзгартириш ва тўлдиришлар киритиш лозим бўлади. Яъни, 1) янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддаси 3-қисми 1-хатбошидаги “хўжалик процессуал” деган иборани “иктисодий процессуал” ибораси билан ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, амалий юрисдикцияда Хўжалик процессуал кодекси ўрнига Иктисодий процессуал кодекси [14] жорий этилган. 2) Янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси 1-қисмидан сўнг «Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган танқидий мақолалар бўйича ваколатли органлар ушбу қонунда белгиланган тартибда чора кўришлари шарт» деган ибора билан тўлдирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларига эътибор ўзгарди. Халқимиз инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятлигини, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошираётганини, давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқаролар ва жамият олдида эканини янада теранроқ ҳис қила бошлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Хусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик.—Тошкент: “Адолат”, 2013. —175 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгазининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 140-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонуни. -Тошкент: “Адолат”, 2010.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонуни. -Тошкент: “Адолат”, 2015.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонуни. - Тошкент: “Адолат”, 2017.
6. Справочник по законодательству для работников органов прокуратуры, суда и министерства внутренних дел. Том I. Москва: «Юридическая литература», 1971. -370 б.
7. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг ВЕДОМОСТЛАРИ. № 17. -Москва: СССР Олий Совети наشري, 1968.-8-9 б.
8. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг ВЕДОМОСТЛАРИ. № 11. -Москва: СССР Олий Совети наشري, 1980.-7 б.
9. // “Фуқаролик жамияти” журнали. 2017 йил, № 2(50), 59 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” наشريёти, 2017 й.
11. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд.—Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017. -116 б.
12. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Тошкент, Ғафур Фулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи, 2017.
13. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонуни. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” наشريёти, 2017 й.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. № 1/2018 (136),-3 б.

Резюме. Мақалада Ўзбекистон Республикасында муурожаатлар институтининг раъажланиши басқисларни назарда тутилган. Сондай-ақ, ҳар бир басқисда эмел этилган Нызам ҳужжетларининг мазмун-мәнисине қысқаша шолыў берилген.

Резюме. В статье рассматриваются этапы развития института обращений в Республике Узбекистан. А также приведены краткие комментарии к содержанию законодательных актов, соблюдаемых на каждом этапе.

Summary. The article discusses the stages of development of the institution of appeals in the Republic of Uzbekistan. And also brief comments are given on the content of legislation that is observed at each stage.

Таяныш сөзлер: нызам, муурожаатлар, пуқаралардың ҳуқық хәм еркинликлери, шолыў.

Ключевые слова: закон, обращение, право и свобод граждан, комментарий.

Key words: law, appeal, law and freedom of citizens, comment.

УДК:93/94:327(470+575.1/4)(043.3)

БУХОРОЙИ ШАРИФ ВАЗОРАТХОНАСИДА ДИПЛОМАТИК ЁЗИШМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Қличев О.

Бухоро давлат университети

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатларни тадқиқ этиш натижасида, қўшбеги девонхонасида юритилган дафтарлар мавжудлиги ҳам аниқланди. Ўттизга яқин дафтарларни ўрганиш натижасида қўшбеги девонхонасининг ишлаш тартиби ва фаолият йўналишлари тўғрисида муҳим маълумотларга эга бўлди. Девонхона ходимлари томонидан соҳа ва йўналишларга ажратилиб юритилган ушбу дафтарларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин. 1. Бош қўшбеги тасарруфидаги мирзахона-и калон дафтарлари. 2. Юқори қўшбеги ва Россия империяси ўртасидаги муносабатларга доир ёзишмалар билан шуғулланувчи махсус мирзахона дафтарлари.

Мирзахона-и калон дафтарлари. Булар амирлик ҳукумати номига маҳаллий маъмурлардан, шунингдек, четдан келган мактублар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни қайд этиш учун юритилган дафтарлар. *Махсус мирзахона дафтарлари.* Бу турдаги дафтарлар амирлик ҳукумати ва Россия императорининг сиёсий агентлиги ўртасидаги муносабатларга доир мактуб ва мурожаатларни қайд қилиш ҳужжати ҳисобланади. Мирзахона-и калон дафтарларини ўрганиш уларни гуруҳларга ажратиб тадқиқ этиш мумкинлигини кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, биринчи гуруҳ дафтарларига бевосита амирлик ҳукумати томонидан юритилган бош дафтарларни киритиш мумкин. Улар қуйидагилардан иборат: 1. Қабул қилинган мактублар ва уларнинг ижросини қайд этиш дафтари; 2. Мактублар ижроси таъминланганини қайд қилиб бориш дафтари; 3. Жўнатиладиган хатларни қайд қилиш дафтари; 4. Бухоро амирлиги томонидан шахсларга тақдим этилган йўл чипта (проездной билет)ларни қайд этиш дафтари.

Мирзахона-и калонда юритилган иккинчи гуруҳ дафтарларга эса сиёсий агентлик ва амирлик ҳукумати ўртасидаги масалаларни ўз ичига олган бош дафтарлар қиради. Бу дафтарлар қўшбеги ҳузуридаги махсус мирзахона дафтарлари учун асос вазифасини бажарган. Уларга қуйидагилар қиради: 1. Сиёсий агентлик томонидан қўшбеги девонхонасига йўлланган мактубларни қайд қилиш дафтари; 2. Бухоро қўшбегиси девонхонасига йўлланган мактуб (корреспонденция)ларни рўйхатга олиш дафтари; 3. Бухоро амирлиги ҳукумати девонхонасида фуқаролик ишлари масаласига доир ҳужжатларни қайд қилиб бориш дафтари; 4. Қарз маблағларининг ундирилишини қайд этиш дафтари; 5. Савдо-иқтисодий муносабатларга доир мактубларни рўйхатга олиш дафтари; 6. Сиёсий агентлик томонидан юборилган чакирув қоғозларини қайд этиш дафтари. Бу дафтарларда Россия-Бухоро муносабатларининг деярли барча масалаларига доир мактублар ва уларнинг қўшбеги девонхонасида рўйхатга олиниши, мактублардаги масалани ҳал этиш ёки амирлик ҳукумати вакилларининг муносабати билан боғлиқ маълумотлар ёзиб борилган. Шундай дафтарлардан бири бу Бухоро қўшбеги девонхонасига йўлланган мактуб (корреспонденция)ларни рўйхатга олиш дафтари [1]. Сиёсий агентлик томонидан юборилган мактубларни рўйхатга олиш дафтари сиёсий агентлик томонидан юборилган мактубнинг тартиб рақами, қабул санаси, унинг элчихона мактубининг рақами ҳамда хат мазмуни каби бандлардан ташкил топган.

Архив ҳужжатларини таҳлил этиш жараёнида сиёсий агентлик томонидан қўшбеги девонхонасига йўлланган мактубларни қайд этиш дафтарининг иккинчи шакли ҳам мавжудлиги аниқланди [2]. Мазкур дафтарларни ўрганиш *Примечание* – изоҳлар бандида мактубдаги масаланинг ҳал этилиши ёки якунланиши билан боғлиқ маълумотлар ёзилганлигини кўрсатди. Ушбу маълумотлар мактубнинг ижроси, қачон ва қандай ҳолатда таъминланганлигини англатади. Бу бандда мактуб мазмунидан келиб чиққан ҳолда, "бажарилди", "хабар қилинди", "кўрсатма берилди", "бекларга тегишли телеграммалар кўрсатма берилди", "бажарилди /мирзохонага эълон қилиш учун юборилди/", "тегишлилик юзасидан мирзохонага юборилди", "ҳужжат жамланмасига қўшиб қўйилди", "ишнинг давом этилишига зарурат сезилмайди" каби жумлалар қайд этилган. Шу билан бирга, ушбу бандда мактуб ижроси қачон (сана, ой, йил) якунланганлиги ҳам кўрсатилган. Фикримизча, ҳар бир қирувчи мактубнинг ижроси қандай якунлангани ва бу тўғрида қайси дафтарларда маълумотлар мавжудлиги девонхона ходимлари томонидан ёзиб қўйилган. Масалан "Испол 5 января 1914 г. №403 стр копр книга №6 за № 224" – Сиёсий агентликнинг мурожаати 1914 йил 5 январда №403 рақамли кўрсатма орқали амалга оширилган ҳамда бу №6 рақамли дафтарнинг 224-саҳифасида қайд этилган. Демак, қўшбеги девонхонасида ҳужжат юритишда фойдаланилган дафтарлар тўғри ва ўзаро боғлиқ ҳолда тўлдирилган. Бухоро амирлиги ҳукумати девонхонасида фуқаролик ишлари масаласига доир ҳужжатларни рўйхатга олиш дафтари ҳам мавжуд бўлиб, бу турдаги дафтарда мактубни қабул қилиниш санаси хижрий ва милодий йил ҳисобида қайд этиб борилад эди [3].

Дафтарда мактуб матни қисқа ҳолда ёзилган. Тадқиқот натижасида шу нарса аён бўлдики, улардан асосан фуқаролик ишлари билан боғлиқ маълумотлар ўрин эгаллаган. Мактубнинг сиёсий агентлик девонхонасида рўйхатдан ўтган рақами ҳам дафтардаги жадвал бандларида қайд этилади. Дафтар жадвалининг сўнгги банди эса мактуб ижроси амалга оширилган муддат тўғрисида маълумот беради. Бундай дафтарлар қўшбеги девонхонасига келиб тушган мактублар, уларда кўтарилган масалалар юзасидан билдирилган дастлабки мулоҳазалар бош қирим китобларида қайд этилганини кўрсатади. Девонхонада иқтисодий масалаларга оид бир неча номдаги дафтарлар ҳам юритилар эди. Улар қуйидагилардан иборат: 1. Қарз маблағларини ундириш мазмунидаги мактубларни рўйхатга олиш дафтари; 2. Қарздорларни алфавит тартибда рўйхатга олиш дафтари. Қарз маблағларини ундириш мазмунидаги мактубларни қайд қилиш учун қўшбеги девонхонаси таркибига қирувчи махсус мирзохонада алоҳида дафтар юритилади. Мирзахона-и калоннинг бош дафтаридан рўйхатдан ўтган мактублар мирзохонага юборилади. Мирзохонада мактубларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда улар мавжуд дафтарларда қайд этиб борилади. Жумладан, махсус-мирзохонада сиёсий агентлик томонидан қарз маблағларини ундириш масалаларига оид хатларни рўйхатга олиш дафтари юритилган [3, 73-ж., 2-6]. Дафтар мактуб қабул қилинган сана, ой ва йил, сиёсий агентлик мактубининг рақами, қарз масаласидаги даъвогар ва жавобгарнинг исми, шарифи ва яшаш манзиллари, қарз миқдори ҳамда мактуб ижросининг якунланганлиги белгиси (яъни сана, ой ва йилдан) каби бандлардан ташкил топган.

Қарз масаласига доир мактуб иккала девонхонада қирим бўлгандан сўнг, мирзалар хатда келтирилган қарздор шахсларнинг исми шарифини қарздорларни рўйхатга олиш дафтарида алифбо тартибда ёзганлар. Тадқиқот жараёнида қарздорларни рўйхатга олиш дафтарининг икки шаклда тайёрланган намуналари мавжудлиги аниқланди [4 171-ж., 2-6]. Уларнинг бири типографик шаклда бўлса, иккинчиси қўлёзма шаклида

тузилган[3,176-ж,52-6]. Икки дафтарнинг ўзаро фаркли жиҳатларидан яна бири бу дафтар жадвалининг сўнгги банд сарлавҳаси ҳисобланади. Дафтарнинг ушбу бандида қарзни удириш масаласига доир мурожаат натижасида очилган йиғмажилд(дело)рақаи кўрсатилган. Ушбу дафтарнинг бошқа дафтарлардан фаркли жиҳатларидан бири эса, дафтар бандларида мактубнинг номи билан юритилган йиғмажилд номи ёзилганидир. Бу эса ҳар бир қарз масаласига доир мурожаат учун девонхонада алоҳида йиғмажилд очилганини англатади.

Сиёсий агентлик ҳамда қўшбеги девонхоналари ўртасида фуқароларга чақирув қоғозларини етказиш масалаларига оид бўлган мактубларни қайд этиш дафтари ҳам мавжуд эди. Бундай турдаги дафтарларнинг биринчиси мирзахона-и калонда юритилган[3, 179-ж., 21-в]. Унда *тартиб рақам мактуб қабул қилинган вақт*, чақирув қоғозининг мазмуни, ушбу мактубнинг ижроси натижасида йўлланган *мактуб вақти* каби маълумотлар мавжуд. Қўшбеги девонхонасидан сўнг чақирув қоғозлари масаласидаги мактуб махсус мирзахонага юборилади. У ерда мирзалар чақирув қоғозларини алоҳида чақирув қоғозлари ва эълонларни қайд қилиш дафтарига ёзганлар [3,146-ж.,13-в]. Ушбу дафтардаги маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида қуйидагилар аниқланди: 1. Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудидаги муассасалар чақирув қоғозларини сиёсий агентлик воситасида амирлик фуқароларига етказишган; 2. Мирзахонадаги дафтарда сиёсий агентлик томонидан юборилган бундай турдаги ҳужжатларнинг тартиб рақаи ва санаси ёзиб борилган. Шунингдек, мирзахона ходимлари чақирув қоғозлари ва эълон матнлари билан танишиб чиққанлар; 3. Ҳужжат матнида кўрсатилган шахслар ва уларнинг яшаш манзиллари ва қандай масала юзасидан қайси муассасага чақирилатгани тўғрисидаги маълумотларни ўз дафтарларига қайд қилиб қўйганлар; 4. Ушбу дафтарда чақирилувчи шахснинг қачон келиши кўрсатилганлиги боис, мирзахоналар амирлик фуқароларига чақирув қоғозларининг етказилганлиги санасини ҳам ёзиб қўйганлар. Бундай турдаги дафтарни тадқиқ этиш жараёнида, амирлик фуқароларининг Янги Бухорода жойлашган сиёсий агентликка, Челақ халқ судига, Қазалинск, Қўқон уездидаги мировой судларга, Карки, Қўқон ва Марвдаги уезд судларига чақирилгани маълум бўлди. Аммо дафтарда фуқаролар қайси масала юзасидан чақирилатгани қайд этилмаган. Дафтар жадвалининг сўнгги бандидаги маълумотлар мирзахона ходимларининг чақирув қоғозларини имкон қадар фуқарога етказишга ҳаракат қилганини кўрсати.

Архив ҳужжатларининг таҳлили асосида қўшбеги девонхонаси таркибидаги махсус мирзахонада амирлик ҳукумати ва Россия империяси ўртасидаги ёзишмаларда кўтарилган деярли ҳар бир масала алоҳида йиғма жилд шаклида расмийлаштириб борилган, деган хулосага келиш мумкин. Ушбу хулоса девонхона ҳужжатлари орасида махсус йиғма жилдларни рўйхатга олиш дафтарларининг ҳам мавжудлигини тасдиқлайди[3,143-ж,47-в]. Уларда йиғма жилднинг ташкил этилган санаси, қисқача номи ва яқунланган муддати қайд этилади.

Ушбу мақолада келтирилган фикр мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларни билдириш ўринлидир. 1. Девонхонада йиғма жилдларнинг тузилиши ва уларнинг махсус дафтарларда рўйхатга олиниши қўшбеги девонхонаси ҳужжатлари билан ишлашга алоҳида эътибор билан ёндашилганидан далолат беради. 2. Ўрганилган дафтарлар Бухоро амирлигининг ҳам ички ҳам ташқи сиёсати масалаларини ўз ичига олганлиги бу турдаги манбалар дипломатик ҳукуматлараро муносабатларда мактуб алмашинув тизими ва тартибини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архива (ЎЗР МДА) И-126-фонд, 1-рўйхат, 166-йиғмажилд, 9-варақ.
2. ЎЗР МДА И-126-фонд, 1-рўйхат, 144-йиғмажилд, 344-варақ.
3. ЎЗР МДА И-126-фонд, 1-рўйхат, 149-йиғмажилд; И-126-фонд, 1-рўйхат, 167-йиғмажилд; И-126-фонд, 1-рўйхат, 147-йиғмажилд.

Резюме. Мақолада Бухара эмирлигининг бас атқарувчи органи есапланган Бухорои шариф ўқилханасида жүргизилган дэптерлер ҳам олардын функциялар ҳаққындағы мағлыўматлар анализленген. Дэптерлер олардын ўазыйпаларынан келип шыққан ҳалда топарларға бөлинген. Соның менен бирге, мақалада ҳэр бир дэптер тексти ҳам ондағы еслетпелер ўйренилип, олардын дипломатиялық байланысларын емелге асырыўдағы орны анализленген.

Резюме. В статье анализируются сведения о канцелярских книгах и их функциях в министерстве Бухорои Шариф, который являлся главным исполнительным органом бухарского эмирата. Книги с группированы, исходя из их задач. А также исследованы тексты каждой книги, заметки в них и их роль в осуществлении дипломатических сношений

Summary. The article analyzes information about stationery books and their functions in the ministry of Bukhoroi Sharif, who was the chief executive body of the Bukhara emirate. Books are grouped based on their tasks. And also, the article examines the text of each book, notes in them, their role in the implementation of diplomatic relations

Таяныш сөзлер: кусбеги, хат, шақырыў қағазлары, дағазалар, бас дэптер, жол билет.

Ключевые слова: специальный секретариат, объявления, главная книга проездной билет

Key words: the Special Secretariat, announcements, main registry book, transport ticket.

ИМОМ АЛ БУХОРИЙНИНГ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИГИНИНГ АКСЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ШАКЛЛАНИШИДАГИ РОЛИ

Одинаева З. И.

Ўзбекистон Миллий университети

Бугун бутун дунёда ўз мустақиллигини қўлга киритган давлатлар қатори Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳукм сураётган ўзгаришлар инсон қалбида янгича қараш, янгича яшаш жараёнларини жадаллашайтганлигини

ҳис этиши мумкин. Жаҳон юз бераётган глобаллашув жараёнлари, оммавий маданиятнинг авж олишига қарамасдан ўзбек халқи ва миллати ўз миллий ўзлигини қайта тиклашга ва уни асраб авайлашга бўлган эҳтиёжини ортиб бораётганлиги бу энг аввало унинг-миллий идентлигининг номоеъ бўлишига хизмат этади. Миллий идентлик ва идентификация масаласи 1980 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб юзага чиқа бошлади. Айниқса, собиқ иттифоқ парчаланиш арафасида, Европадаги айрим миллатларнинг мустақилликка, ўзлигини англашга интилиши дунёдаги сиёсий жараёнларга қам таъсир кўрсатмай қолмади. Идентификация муаммосига бўлган қизиқишнинг ортиб бориши глобал ўзгаришларнинг одамлар онги, уларнинг ўзаро, давлат ва жамиятга бўлган муносабатини белгилайдиган сиёсий меҳназимларга таъсир кўрсатиши билан боғлиқ. Ушбу жараёнлар сиёсий институтлар ва жараёнларнинг характерининг ўзгариши, сиёсий мафкураларнинг трансформацияси ва миллатларнинг ўзлигини англашда этник компонентнинг ортиб бориши билан ҳам боғлиқ. Миллий идентификация жараёнлари ва унинг мазмун-моҳияти шахс ўзлигини англаши ҳамда миллий, фуқаровий ўзликни англаш билан узвий боғлиқ ҳодисадир.

Маълумки, миллий ўзликни англаш шахснинг ўз халқи, миллатига оид типологик миллий-маданий белгиларни билишида, яъни халқ ҳаёти, менталитетининг ўзаги, ядросига айланган тил, дин, психология, «халқ қалби», «халқ руҳи», ахлоқий қадриятлар қабиларда акс этади. ҳеч бир шахс, инсон ушбу типологик белгиларсиз ўзини у ёки бу миллат, халқ вакили ҳисоблай олмайди. Бугун кишилар ўзининг осойишта ва фаровон яшашини маълум бир халқ, миллат билан боғламоқдаларки, бу омил уларни ўз этноси атрофида янада қучлироқ жипслашишга ундамоқда. Шунинг учун ўзини халқи, миллати билан айнанлаштириш, идентификациялаш миллий хусусиятлардан ҳисобланади. Шу маънода ўзбек миллий идентификацияси ўзинг узок тарихи давомида шаклланиб ривожланиб келган. Юқорида санаб ўтганимиздек, миллий идентликнинг асосини ташкил этувчи жарён (миллий идентификация)– энг аввало миллатнинг тили ва дини билан боғлиқдир.

Ҳеч биримизга сир эмаски, 74 йил мобайнида зўр бериб «Қуръон»ни қораладик, ислом дини халқ учун афъюн деб келинди. Диндорлар маънавий зўрланди, ҳуқуқлари чеклаб қўйилди. Ота-она, қавм-қариндошларнинг дафн маросимида қатнашишга эскилик сарқити деб қаралди, раҳбарларга нисбатан таъйик ўтказилди. Энг ажабланирлиси шундаки, диний китобларни нашр этиш таъқиқланди, борлари ҳам тортиб олинди. Ўзимизни бутун дунёга дахрийлар мамлақати деб эълон қилдик. Диний адабиётларни чоп этиш ман қилинди. Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирроний, Суфи Оллоёр сингари мусулмон оламида аллақачонлардан бери маълум ва машҳур бўлган олимларнинг асарлари «диний ғоялар билан суғорилганлиги» бахонасида таъқибга учради.

Инсон тафаккури ва меҳнатининг самараси бўлган юзлаб масжид ва мадрасалар, қанчадан-қанча маърифат масканлари, тарихий ёдгорликлар ўйламай нетмай бузиб ташланди. Масжид ва мадрасаларнинг бузиб ташланганлиги динга садоқатли кишиларнинг энг нозик инсоний ҳис туйғуларини оёқ ости қилинишига сабаб бўлди. Яқсон қилинган масжид, мадрасалар билан бир қаторда халқнинг тарихини ҳам, меъморчилигини ҳам, маданиятини ҳам вайрон қилишди. Исломи динига қарши узок йиллар давомида олиб борилган кўр-қўрона кураш, ўзбекларни миллий қадриятлардан маҳрум этишга уриниш бу тарихимизга, маданиятимизга нисбатан қилинган ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас. Жамиятимизда рўй берган ва ҳаётда чуқур илдиз отиб кетган салбий ҳодисалар, ярамас иллатлар ва нуқсонлар одоб - ахлоқ таълим тарбия масаласида узок йиллар давомида йўл қўйилган камчиликлар билан ҳам маълум даражада боғлиқ, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Буларнинг ҳаммасига мустақилликка эришганимиздан кейин аста секин чек қўйила бошланди [3, 4-15].

Шу сабаб мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизга эътибор қаратилди, юртимиздан етишиб чиққан ўнлаб улуг олимлар қаторида ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратларининг ҳаётлари ва бой илмий меросларини ўрганишга киришилди. У кишининг “Ал-жомеус-саҳиҳ”, “Ал-адаб ал-муфрад” каби асарлари ўзбек тилига ўгирилиб, катта нусхада нашр қилинди. Айниқса, 1998 йили Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллик тўйи кенг нишонланиши муносабати билан у зотга бўлган улкан эҳтиром сифатида Имом Бухорий дафн этилган ғўшада муҳташам мажмуа барпо этилди. Мажмуа таркибида Имом Бухорийнинг мақбаралари, катта жомеъ масжиди, музей ва бошқа иншоотлар барпо этилди. Бир вақтлар бировга кўрсатишга ҳам хижолат бўлинган ҳароба жойлар бугун бутун Исломи оламининг машҳур зиёратгоҳига айланди. Буларнинг ҳаммаси буюк аجدодларимизга нисбатан раҳбариятимизнинг эҳтироми ва муҳаббати самарасидир.

2017 йилда Имом Бухорий мажмуаси ёнида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази қурилиши бошланди. 6 гектар майдонни эгаллаган марказ биносида ҳадис, қалом ва қироат илмини ўрганишга мўлжалланган хоналар, қўлёзмалар кутубхонаси, музей ташкил этилди. 2017 йилнинг 19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлаб, жумладан шундай деди: “Марказий Осиё Ўғониш даврининг қўллаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман. Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони қаримдан кейинги энг мўтабар китоб ҳисобланган “Саҳиҳи Бухорий”нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган. Бу улуг зотнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Тошкентда ташкил этилаётган Исломи цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади” [1, 85]. Ўз навбатида муҳтарам Президентимизнинг бу чиқишларини барча мусулмон аҳолиси диққат билан қузнати ва катта қизиқиш билдирди.

Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий Бухорода таваллуд топди. Отаси шайх Исмоил ибн Иброҳим аҳли ҳадислардан бўлиб, бир оз тижорат ишлари билан ҳам шуғулланган. Имом Бухорий ёшлигида отадан етим қолди. 10 ёшларида араб тили ва Ҳадис илмини кунт билан ўрганишга киришди. Бухоролик муҳаддислар Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандий (777–839), Абдуллох ибн Муҳаммад Маснадий Жуъфий (вафоти 843)лардан Ҳадис илмини ўрганиб, кўп ҳадисларни ёд олди. 16 ёшида акаси Аҳмад ва онаси билан ҳаж сафарида бўлди. Зиёрат асносида Балх, Бағдод, Куфа, Басра, Дамашк, Маккаю Мадина шаҳарларида ҳам бўлди. Имом Бухорий ўта истеъдодли, муҳофазаси ўткир олим эди. Ривоят қилишлари, қайси бир китобни қўлга олиб, бир мартаба мутолаа қилсалар, ҳаммаси ёд бўлиб қолаверарди. Имом Бухорийнинг ўз сўзига қўра, юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг ғайри саҳиҳ (ишончсиз) Ҳадисни ёд билар экан. Унинг шогирдларидан Амр ибн Фаллос: “Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийга маълум бўлмаган Ҳадис, албатта, ишончли Ҳадис эмастур” деган. Устозларидан Имом Аҳмад ибн Ханбал Марвазий (780–855)нинг айтишича, “бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас” [2,192].

Бухорий 20 ёшидаёқ бир неча китоблар муаллифи сифатида машҳур бўлди. Алломанинг “Ал-адаб ал-муфрад” («Адаб дурдоналари»), “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”дан ташқари яна йигирмага яқин китоблари бўлиб, кўплари бизгача етиб келмаган. Имом Бухорий ўз ватани Бухорога қайтгач, бир мунча вақт толиби илмларга ҳадисдан дарс берган. 871 йили вафот этгач, Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида дафн этилган. Муҳаддислар султони, Расулulloх с.а.в. ҳадисларининг саҳиҳларини ажратиб, Қуръони каримдан кейинги иккинчи ишончли манба саналмиш “Саҳиҳи Бухорий” номли ҳадислар тўпламини тузган улуғ аллома, имомдунё, олимлар пешвосининг номи бутун дунёда машҳур ва маълум Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғййра ибн Аҳнаф ибн Бардабзх ал-Жўъфий ал-Бухорийдир [5, 88-95].

Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти давомида бизга қолдирган беҳисоб хизматлари ҳақида қанча гапирсак ҳам оздир. Яъни, ўзбек халқининг бутун қон –қонига сингиб кетган, унинг миллат тарбиясида асос бўла олган ахлоқ – одоб, таълим – тарбия масаларини сингдира оладиган миллий –диний қадрияти ислом дини асосида юзага келган бўлиб, ислом динини бой маънавий моҳиятини очиб берган буюк алломамиз Имом ал-Бухорий ҳазратларидир. Зеро, ўзбек миллий идентиклигининг аксеологик жиҳатдан шаклланишида ислом дини ва ушбу диннинг асл моҳиятини ҳеч қандай ўзгаришларсиз бир эшитишда ёд олиб авлодларга ёзиб қолдирган Имом ал – Бухорийнинг роли бекиёсдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/1063>.
2. Маматохунов Н. Икки муҳим матн // Имом ал-Бухорий сабоқлари. № 4, 2003, стр. 192-193.
3. Отамуратов. С. Глобаллашув ва миллат.-Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2008.
4. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент, Ўзбекистон файласуфлар жамияти, 2004, 15-бет.
5. Дунёвийлик ва динийлик ўрта асрлар Марказий Осиё уламолари талқинида // Ислам ва дунёвий-маърифий давлат. З.И. Мунавваров ва В. Шнайдер-Детерснинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, Фридрих Эберт жамғармаси, 2003, сс. 88-93

Резюме. Мақалада ўзбек миллий идентиклиги ҳам оның аксеологиялық тәреплерининг идентиклиги ислам дини ҳам мәданияты кәлиплесиўинде Имом аль-Бухорий ролининг тарийхий философиялық анализи ҳаққында сөз етиледи.

Резюме. Мақолада ўзбек миллий идентиклиги ва унинг аксеологик жиҳатларининг идентиклиги ислом дини ва маданияти шаклланишида Имом ал-Бухорий ролининг тарихий-фалсафий таҳлили ҳақида сўз юритилади.

Резюме. В статье представлен историко-философский анализ роли имама аль-Бухари в формировании узбекской национальной идентичности в ее акнеологических аспектах и исламской идентичности и культуры.

Summary. The article presents a historical and philosophical analysis of the role of Imam al-Bukhari in the formation of Uzbek national identity in its acneological aspects and Islamic identity and culture.

Таяныш сөзлөр: идентификация, аксиология, ислом дини, миллий ўзликини англаш.

Таянч сўзлар: идентификация, аксиология, ислом дини, миллий ўзликини англаш.

Ключевые слова: идентификация, аксиология, исламская религия, национальное самосознание.

Keywords: identification, axiology, Islamic religion, national self-consciousness.

УДК: 9(575.1)

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Хатамов Т.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Мустақиллигимиз бой ва буюк маънавиятимиз ва миллий қадриятларни тиклаш ва уларни янада бойитишни, миллий таълим-тарбия тизимини шакллантиришни, уни давр талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари даражасига эришишни тақозо этди. Чунки истиклолимизни мустаҳкамлаш, барча соҳаларда бошланган ислохотлар ривожли маънавият ва таълим-тарбия соҳаси билан чамбарчас боғлиқ эди. Мамлакатда таълим-тарбия тарихида биринчи марта “Таълим тўғрисида”ги (1992 й.) қонун [1] қабул қилинган кундан бошлаб таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш юзасидан кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Янги “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши (1997 й.) эса республикада таълим-тарбия соҳаси ўзининг янги босқичига кўтарилганини ва бу борадаги ислохотларнинг чуқурлашуви бошланганлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси таълимининг муҳим бўғини мактаб таълими тизими ўз ривожланиш жараёнида собиқ совет тузуми сўнгги йилларидан бугунги кунгача қуйидаги босқичларни босиб ўтди: 1) Халқ таълими бошқарувида маъмурий-бўйруқбозликнинг кучайиши ва унинг мактаблар таълим-тарбия жараёнига таъсири (1980-1990 йиллар) [2]; 2) Истиқлолнинг дастлабки йилларида таълим ислохотларининг бошланиши, умумтаълим мактаблари ривож ва таълим-тарбия тизимидаги илк ўзгаришлар (1991-1996 йиллар) [3]; 3) Янги “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида таълим ислохотларининг янада чуқурлашуви (1997-2009 йиллар).

Собиқ тузум ҳукмрон партияси ва ҳукуматининг бошқарувдаги маъмурий-бўйруқбозлик услуби ва яқка мафкура ҳукмронлиги таълим-тарбиянинг ўта сиёсийлашувига хизмат қилиб, халқнинг миллий-маданий жиҳатдан тараққий этишига, ўз тарихий меросини ўрганиш ва уни тарғиб этишга тўсқинлик қилди. Ўзбекистонда шакллантирилган совет мактаблари таълим-тарбияси ҳам сиёсийлаштирилди, таълим-тарбиядаги миллий андозалар чекланди. Бу сиёсийлашув ва чеклашларнинг барчаси республика халқ таълими ривожига ўз салбий таъсирини кўрсатди. Мактабларда “коммунистик тартибларни” ўрнатиш учун олиб борилган кураш, амалда ёш авлод тарбиясига путур етказди. 1984-йилда ҳукмрон партия ва совет ҳукумати мактаб ислохоти ўтказиш орқали ўз мавқеини тиклаб олишга ҳаракат қилди. Аммо, бу ислохотлар уларнинг “қайта қуриш” сиёсати билан қоришиб кетди. Бошланган мактаб ислохотининг Ўзбекистондаги тажрибаси ва натижалари ислохотда белгилаб берилган чора-тадбирларнинг етарли эмаслигини, уларни эски услубда амалга оширишга ҳаракат қилинганлигини, халқ таълими тизимини такомиллаштириш сушт борганлигини, маориф муассасаларида консерватизм, расмиятчилик ва фоиз ортидан қувиш ҳоллари анча устун бўлганлигини кўрсатди.

Республика мустақиллиги янги андозадаги миллий мактаблар тизимини шаклланишига, таълим-тарбия жараёнини сиёсийлашувдан, мафкуравийликдан озод бўлишига имконият берди. Бунинг ёрқин мисоли 1992 йил 2 июлда “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинишида кўринди. Бу қонун асосида таълим тизимида ислохотлар бошланди. Таълимни янгича ташкил этиш борасида изланишлар, ижод, ташаббуслар кенгайди. Давлатимиз томонидан мактабларнинг моддий ва ўқув техника базасини мустаҳкамлаш, уларни педагог кадрлар билан таъминлаш, мактаб таълими ва тарбиясида миллийликка эътибор қаратиш, таълим соҳасида ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида мактаб таълимини жаҳон андозаларига яқинлаштириш борасида чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Таълим ислохотларининг бошланғич даврида халқ таълими тизимида таълим-тарбиявий жараёнлар такомиллаштирилиб, улар бир қатор янги педагогик технологиялар ва амалиёт услублари билан бойитилди. Ўтиш даврининг ўзига хос иқтисодий мураккабликлари қарамай, халқ таълимининг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланиб борди. Давлатимизнинг алоҳида эътибори сабабли ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг истеъдодини аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида “Маҳалла”, “Соғлом авлод учун”, “Улуғбек”, “Умид”, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармалари ҳамда “Қамолат ёшлар ижтимоий ҳаракати” ташкил этилди ва улар таълим муассасалари билан ҳамкорликда самарали фаолият кўрсата бошладилар. Республика ҳукумати ўқитувчилар ва мураббийларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини, нуфузини кўтаришга, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга ҳам муҳим эътибор қаратди. 1 октябрь “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни”[4] деб белгиланди. Шунингдек, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш, турмуш шароитини, моддий аҳолини яхшилашга доир ўндан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Юртимиз таълим тизимида ислохотлар бошланиб, унда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган бўлсада, бу борада ҳали ҳам муайян камчиликлар мавжуд эди. Мактабларнинг ўқув, моддий-техника ва ахборот базаси ночорлигича қолаётган бўлиб, улар етарлича янги сифатли ўқув услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материаллар билан таъминланмаган эди. Қисман ўзгараётган таълим-тарбия тизими ҳамда малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар жамиятда бўлаётган демократик ўзгаришлар ва шаклланаётган бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олмаётган эди. Таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш муаммолари ҳам ҳал қилинмаган эди. Айнан бу муаммолар давлат ва ҳукумат олдида таълим тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш вазифасини қўйди. Шу муносабат билан, 1997 йил 29 августда янги “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди[5]. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатда таълим ислохотларини янада чуқурлаштириш вазифалари қўйилди, дастурни рўёбга чиқариш босқичлари асослаб берилди. Дастур асосида кадрлар тайёрлашнинг Миллий Модели ишлаб чиқилди.

Дарҳақиқат, Миллий дастур мамлакатимизда бошланган таълим ислохотларининг чуқурлашувида муҳим босқич бўлиб хизмат қилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифалари босқичма-босқич амалга оширила бошланди, унинг биринчи босқичида таълим тизимининг мазмуни, таркибий қисми асосан янгиланди, педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш ишлари замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этилди. Шунингдек, юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартлари, янгиланаётган таълим учун ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилади. Таълим муассасаларида баҳо беришнинг рейтинг тизими ҳамда кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизими ишлаб чиқилди. Иккинчи босқичда ҳам таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилди, ўқув тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор

Ишчи ресурслари етарли ривожланган, ҳар йили меҳнат жараёнига 450 мингдан зиёд ёшлар қўшилаётган Ўзбекистон учун янги иш ўринларини яратиш, аҳолини, айниқса ёшларни бандлигини таъминлаш мураккаб, долзарб масалалардан биридир. Чунки, Ўзбекистон халқининг дунёвий давлат қуриш йўлидаги бош стратегик мақсади – қонун устуворлигига ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш экан, бу албатта, оила институти, унинг манфаатлари ҳамда инсон капиталининг ижтимоий – ҳуқуқий ҳимояси билан узвий боғлиқ масала ҳисобланади. Шу жиҳатдан оилавий муносабатларда тадбиркорлик маданиятини янада ривожлантириш, оилаларни ижтимоий-иқтисодий мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларимиз учун ҳар томонлама муносиб ҳаёт шароитларини яратиш бериш йўлида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларни ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан янада кучайтириш муҳим ҳисобланади. Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июнда қабул қилган “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарорида айнан ушбу мақсадни рўёбга чиқариш назарда тутилган. Шу пайтгача илмий лексиконда “оилавий бизнес”, “оилавий тадбиркорлик”, “оилавий касаначилик” каби тушунчалар ишлатиларди, улар моҳиятан оила тадбиркорлигини англатарди. Юқоридаги Қарорда “ҳар бир оила – тадбиркор” ёки “тадбиркор оила” тушунчаси истеъмолга киритилди.

Ҳўш, ушбу атамаларнинг ижтимоий-фалсафий талқини қандай? Уларда асосий эътибор нимага қаратилади? Уларда ижтимоий-иқтисодий жиҳат устуворми ёки оила, оилавий қадриятлар? Бу саволлар умумий илмий хусусиятга эга, уларга жавоб излаш мавзунини илмий, ижтимоий-фалсафий талқин қилишдир. Янги давр фалсафасининг асосчиси Р.Декарт айтганидек: “аввал сўзлар моҳиятини аниқланг, ана шунда сиз кишиларни улар қиладиган ҳатоларнинг ярмидан халос қиласиз” [1,278].

Айтиш лозимки, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш ва янада ривожлантириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни, яъни “Ҳар бир оила – тадбиркор” концепцияси ва унинг инновацион моҳиятини қонуний белгилаб қўйиш вақти келди. Ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала – мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорлик, жумладан оилавий тадбиркорликнинг роли, улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган концепцияни қабул қилиш ва инновацион моҳиятга эга кластерларни яратиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда.

“Ҳар бир оила – тадбиркор” деганда тадбиркорлик билан шуғулланиш имконига эга оилалар, тадбиркорлик субъектлари, ўз меҳнатидан фойда, маблағ олишни назарда тутган кишилар гуруҳи тушунилади. Мазкур гуруҳ ядросини оила, оила атрофига биришиб умумий фаолият олиб боровчи субъектлар ташкил этади. Кўпинча тадбиркорлик фаолиятининг бош субъектлари – эр-хотиндир. Бу субъектларнинг ташаббуси, маблағлари ҳисобига у ёки бу фаолият турини, хизмат кўрсатишни ташкил этиш имкони пайдо бўлади. Ўз маблағларини, мулкни тиккан субъектлар, табиий равишда улардан фойда, маблағ орттиришни режалаштиради. Хусусий мулкдан фойдаланиш ва тадбиркорлик фаолияти жараёнида ушбу хусусий мулкни кенгайтириш, ривожлантириш ҳар қандай тадбиркорликнинг асосини ташкил этади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, тадбиркорлик қуйидаги тамойилларга таянади: бозор талабига кўра мустақил иқтисодий фаолият олиб бориш; фойда олишдан иборат мақсадга эга бўлиш; иқтисодий масъулият ва мажбуриятни ўз зиммасига олиб, таваккалга иш қила билиш; янгиликка интилиш; белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилиш; тадбиркорлик сирини сақлаш; ижтимоий масъулиятни ҳис этиш, яъни ўз жамоаси, халқи фаровонлигини таъминлашни ўз фаолиятининг асосий йўналиши деб билиш ва ҳ.к. [2, 12]. Агар ушбу тамойиллар ва талаблардан келиб чиқсак оилавий тадбиркорлик – мустақил, ихтиёрий иқтисодий фаолият, фойда кўриш – мақсади, таваккал қилиш – иш юритиш усули, янгиликка, инновацияга интилиш хусусий мулкни ривожлантириш қафолатидир. Кўриниб турибдики, бозор иқтисодиёти механизмлари оилавий тадбиркорликда тўла ишлайди, улар мустақил иқтисодий фаолиятга мақсадга йўналтирилганлик бахш этади, хусусий ва ижтимоий манфаатларни уйғунлаштиради. Ўзбекистонда аҳолининг моддий шароитларини яхшилаш ўтган ўн йилликларда кўкка кўтариб макталган бўлса да, реал ҳаётда силжиш рўй бермади. Аҳоли ҳаёт тарзидаги урбанизация атиги 35 % атрофида экан. Шунинг учун ҳам юқоридаги Қарорда “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурида кўзда тутилган мақсад “аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилган” деб кўрсатилади [3]. Демак, “оилавий тадбиркорлик” атамаси нафақат мустақил иқтисодий фаолият, энг аввало аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифатини, урбанизацияни юксалтиришдадир. Турмуш

тарзи, урбанизация фақат кир ювиш машинаси, автомобилгина эмас, У Wi Fi, шахсий компьютер ёки ноутбук, интералоқа воситалари, дунё халқлари билан эркин борди-келди қилиб яшаш, юксак сервис, тиббий хизматни уйда, ўзига қулай вақтда олиш, иссиқлик ва ёритқич манбаларидан ҳеч қандай чекланишсиз, узилишсиз фойдаланиш ҳамдир. Шахсий талаб ва эҳтиёжларни қондиришнинг энг самарали, илғор давлатлар синовидан ўтган шакли – тадбиркорлик, ўзига ўзи хизмат қилиш. Оилавий тадбиркорлик аҳолининг, кишиларнинг ранг-баранг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондиришнинг энг самарали шакли ҳисобланади [4]. Чунки тадбиркорлик фаолияти кишиларнинг аниқ талаб ва эҳтиёжларининг буюртмаси негизида юзага келади. Қачонки шундай буюртма мавжуд экан, кишилар ҳақ тўлаб сотиб олишга тайёр экан, фақат шу тақдирдагина тадбиркорлик янгилик, янги хизмат тури сифатида пайдо бўлади, ташкил этилади. Талаб ва эҳтиёж, янгиликка, янги хизмат турига ҳақ тўлаш имкони мавжуд жойдагина тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида “бозор иқтисодиёти қонунларига мувофиқ келадиган цивилизациявий муносабат шаклланади” [5].

Тадбиркорлик халқимизга хос ижтимоий-тарихий фазилат эканини адабиётлар кўрсатади [6]. Аммо уни давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши, давлат иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади сифатида келиши мутлақ янги ҳодиса, инновациядир. Ижтимоий-сиёсий тузум, давлат ҳеч қачон бугунгидек, тадбиркорликни, оилавий бизнесни бу даражада кенг ва фаол қўллаб-қувватламаган. Кейинги икки йил ичида тадбиркорлик ва инновацион ривожланишни таъминлашга 8 та қонун, 30 дан зиёд Президент Фармонлари ва Қарорлари қабул қилинди. Масалан, Президентимизнинг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони (2018 йил 21 сентябрь) да “ички ва ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар турларини кенгайтириш”, “замонавий инновацион ғоялардан фойдаланиш”, “инсон капитални ривожлантириш” кабилар вазифа қилиб белгиланган [7]. Мазкур вазифаларни янгиликка интилиш, инновацион ғоялардан фойдаланиш фаолияти тамойили бўлган тадбиркорларсиз амалга ошириш қийин. Бугун оилавий тадбиркорлар балиқчилик, паррандачилик, қўнчилик, чорвачилик, касаначилик, хунарамандчилик каби турли-туман фаолият турлари билан шуғулланмоқда. Масалан, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ Хоразм вилоятида 22-25 минг тонна балиқ етиштирилиши лозим. Бироқ 2017 йили бу талаб-эҳтиёжларнинг 40-42 % гина қондирилган ҳолос. Ҳатто вилоят балиқ маҳсулотларини экспорт қилиши мумкин. Бугун Хоразмда 568 та балиқчилик хўжалиги мавжуд, уларнинг 75% ни оилавий тадбиркорлар ташкил этган ва бошқаради. Уларга 7757 гектар табиий ва 3225 гектар сунъий ҳавзалар бириктирилган. 2018 йилда вилоятда 80 та лойиҳа амалга оширилди, уларга 31 миллиард 126 миллион сўм йўналтирилди. Шундан 24 миллиард 526 миллион сўмдан ортиғи банк кредиторлари. Қолган маблағини тадбиркорларнинг ўзлари тўлаган.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев 2017 йилнинг январь ойида Хоразм вилоятига бўлган хизмат сафарида Хива туманидаги “Болтабой оксоқол” оилавий балиқчилик хўжалиги комплекси билан танишган. У, “балиқчилик сердаромад соҳа ва инсон саломатлигига хизмат қилади”, деб таъкидлаган эди. Шундан кейин Хива туман Чинобод қишлоғида ихтисослаштирилган замонавий мажмуа, комплекс ва “Хоразм балиқ саноат агро” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. “Хитойдан умумий қиймати 1 миллион 461 минг АҚШ доллариға тенг бўлган консерва ва сосиска тайёрлаш ҳамда қадоқлаш линиялари, музлатгич, сувда кислородни бойитиш, омихта ем ишлаб чиқариш ускуналарини кенгайтирдик. Энди цехларимиз йилига 500 тонна балиқни қайта ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирги кунда 4 турдаги балиқ консерваси ва сосискасини тайёрлашни йўлга қўйганмиз. Шуларнинг ҳисобига жорий 2018 йилнинг ўзида 4,2 миллиард соф фойда олганмиз” - дейди комплекс раҳбари Ҳикмат Оллоберганов. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, бундан 20-30 йил илгари Хоразмда балиқ консерваси чиқаришни хусусий тадбиркорлар амалга оширишини тасаввур қилиш қийин эди, бундай инновацион ишларга оилавий бизнес субъектлари фаол киришишган. Аввал бошда бир гектар ҳавзадан 15-20 центнер балиқ олинган, бугун бу кўрсаткич 150-200 центнергача етган. Мутахассислар фикрича инсон саломат ўсиши учун йилига камида 12 килограмм, ҳар ойда 1 килограмм балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиши зарур. Бизда бу кўрсаткичга етиш учун балиқ ва балиқ маҳсулотлари етиштиришни икки баробардан зиёдроқ ошириш керак. Мана, оилавий тадбиркорлик қандай ижтимоий зарур, миллат саломатлигини таъминлашга қандай ҳисса қўшади. Оилавий тадбиркорлик икки-уч ёки ўн икки кишигача бўлган кичик корхона, микрофирма, фермер хўжалиги, маданий-маиший хизмат кўрсатиш масканлари тарзида учрайди. Масалан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги маданий-маиший хизмат кўрсатиш масканлари – кафе, ошхона, бар, ресторан, ўқув марказлари, нодавлат боғчалар ва дачаларнинг деярли 82-85 % оилавий тадбиркорликка тегишли. Республикаимиздаги миллий хунарамандчилик – дўппчилик, тикувчилик, тўқимачилик субъектларининг асосий қисми ҳам оилавий тадбиркорлардир. Кўриниб турибдики, оилалар потенциалидан самарали фойдаланиш кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 11 сентябрда қабул қилган “Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ишбилармонлар қатор тўсиқларга ҳам дуч келаётганини айтади. Кредитлар ва ерлар ажратиш, лицензиялар олиш, ташқи бозорга чиқиш, инвестициялар жалб этиш, маҳаллий идоралардаги бепарволик, сусткашлик танқид қилинади. Унга мувофиқ бўш турган давлат мулки тадбиркорларга ноль баҳо ҳисобига сотилади. Бўш давлат мулки объектлари ёки ер участкалари аукцион ғолибига бир йилгача муддатда олдиндан захирага олиш шартларида, кейинчалик инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар бажарилганидан сўнг эгалик ҳуқуқи берилади. Мамлакатимизда 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном берилди ҳамда Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди. Қўрилган чора-тадбирлар туфайли аҳолининг реал умумий даромадлари 2017

йилга нисбатан 12 фоизга ошди. “Хар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар - келажагимиз” каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди. Бу йилдан бошлаб, солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағлар қолдирилди. Бу, ўтган йилга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан эса 32 баробар кўпдир [8]. 2018 йилда бошланган ишларни мантикий давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида, 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”, деб ном берилди. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади ва фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эришиш мумкин бўлади. Бу борада буюк аллома Нажмиддин Кубро ҳазратлари “Муваффақиятни - саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса – лоқайдлик ва дангасаликда кўрдим”, деб бежиз айтмаганлар [9].

Хуллас, тадбиркор ўз ташаббуси ва маблағи билан ижтимоий-иқтисодий ҳаётни юксалтиришга хизмат қилади, ўз фаолияти учун масъуллик жамиятда ишбилармонлик муҳитини яратади, унда халқ манфаатларига хизмат қилиш туйғусини шакллантиради, ундаги янгиликка, инновацияга ўчлик мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятига ва динамизмга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Декарт Р. Избранные произведения в 2 т. Т. 2. – Москва: “Мысль”, 1991. – С. 278.
2. Синдаров К., Жуманазаров И. Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг ҳуқуқий асослари. – Тошкент.: “Янги аср авлоди”, 2006. – 12 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Хар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”// “Халқ сўзи”, 2018, 8 июнь.
4. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство. – Москва: “Экономика”, 1992; Ламперш Хайнд. Социальная рыночная экономика. Германский путь. – Москва: “Экономика”, 1993.
5. Лившиц А.Я. Введение в рыночную экономику. – Москва: “Экономика”, 1992.
6. Раззаков А. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. – “Тошкент”: Ўзбекистон НМИУ, 2011.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”// “Халқ сўзи”, 2018, 22 сентябрь.
8. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2018 й. 8 декабрь.
9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожатномаси. // Халқ сўзи, 2018 й. 29 декабрь.

Резюме. Мақолада «Хар бир шаңарақ –исбилермен» концепцияси ҳам ондағы инновациялық идеялар анализленип, бул процессте киши бизнес ҳам исбилерменликте кеңейтиў ҳам және де раўажландырыў мәселесиниң әҳмийети ашып берилген.

Резюме. Мақолада “Хар бир оила – тадбиркор” концепцияси ва ундаги инновацион ғоялар таҳлил қилинган бўлиб, ушбу жараёнда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш ва янада ривожлантириш масаласининг долзарблиги ёритиб берилган.

Резюме. В статье представлен анализ инновационных идей концепции “каждая семья-предприниматель”, показана актуальность и важность расширения и развития малого бизнеса и предпринимательства в данной сфере.

Summary. The article presents innovative ideas of the concept “Every family is an entrepreneur”, showing the relevance and importance of expanding and developing small business and entrepreneurship in this process.

Таяныш сөзлер: инсан капиталы, базар экономикасы, жеке исбилерменлик, инновация.

Таянч сўзлар: дастури, инсон капиталы, бозор иқтисодиёти, хусусий тадбиркорлик, инновация.

Ключевые слова: человеческий капитал, рыночная экономика, частное предпринимательство, инновации.

Key words: human capital, market economy, private entrepreneurship, innovation.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ (фалсафий- ҳуқуқий жиҳатлари)

Абдуллаева И. Ғ.

Урганч давлат университети

Бозор муносабатлари моҳиятан демократик ҳодиса. Уларнинг ижтимоий ҳаётдан жой олиши жамият ва сиёсий-ҳуқуқий тизимнинг туб ўзгаришларга қанчалик тайёрлигига ҳамда қўллаб-қувватлашига боғлиқдир. Агар жамият ва сиёсий-ҳуқуқий тизим уларни қабул қилишга тайёр – бўлмаса, ҳоҳламаса, зарур ҳуқуқий база яратмаса бозор муносабатларига ўтиш шунчаки истак ёки амалга ошмас орзу бўлиб қолаверади. Ўтган асрнинг 80 йиллари ўрталарида бошланган хўжалик ҳисобига ўтиш, кооперативлар ҳаракати, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш борасида режалар ижтимоий ҳаётдан, иқтисодий муносабатлардан жой олмади. Бунинг бош сабаби жамиятнинг, сиёсий-ҳуқуқий тизимнинг ўзгаришларга тайёр эмаслигидадир. Мафқуралашган давлат бошқарув тизими ва ўта маъмуриятчилик хўжалик субъектлари ва аҳолига эркинлик бермади, зарур ҳуқуқий-ташқилий механизмларни яратмади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи шарт иқтисодиётни эркинлаштиришдир. Академик М. Шарифхўжаевнинг таъкидлашича, «Барқарор иқтисодиёт, энг аввало жамиятдаги ялпи демократик ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғини сифатида иқтисодиётни эркинлаштириш маҳсулидир» [1,294]. Иқтисодиётни эркинлаштириш эса «давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк

микёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни шарт қилиб қўяди. Шу ишлар амалга оширилмас экан, иқтисодиёт ҳеч қачон эркин бўлиб, ўзининг қудратли инфраструктурани ярата олмайди» [1,294]. Эркинлик эса ўзидан ўзи шаклланадиган ҳодиса эмас, у, айниқса жамият бир босқичдан бошқа босқичга ўтаётганида, ҳуқуқий-ташкилий механизмларни, давлатнинг фаол қўллаб-қувватлашини тақозо этади. Айнан шунинг учун ҳам 1992 йил декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсоннинг иқтисодий ҳуқуқларини, бозор муносабатларига ўтишнинг қораловчи IX боб киритилди. Унда “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли”, деб таъкидланган» [2, 15]. Шунингдек Асосий қонуннинг 53 моддасида: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди,” деб кўрсатилган» [2, 18]. Мазкур ҳуқуқий меъёрлар бозор муносабатларига ўтиш ва уни ривожлантиришни кафолатлайди. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қаратилган Қонунлар, Фармон ва Қарорлар, давлат дастурлари ва назарий концепциялар ушбу талабларга мувофиқ қабул қилинади. Бозор муносабатларига ўтишнинг 2017 йилгача бўлган босқичида Республика Олий Мажлиси томонидан 200 га яқин Қонунлар, 400 дан зиёд Президент Фармонлари ва Қарорлар, 30 та Вазирлар Маҳкамасининг давлат дастури ва назарий концептуал аҳамиятга эга ҳужжатларнинг фалсафи-ҳуқуқий моҳияти, бозор муносабатлари ўсишни таъминлашда назарий ва амалий аҳамияти академиклар Э. Юсупов, А. Валиев, С. Шермухаммедов, Х. Рахмонкулов, А. Саидов, профессорлар У. Тожихонов, З. Исломов, Э. Халилов, Х.Одилқориев, Р. Рўзиев, Ш. Рўзиназаров, С. Мамашокиров, ш. Мамадалиев, Ф. Мусаев, Қ. В. Жавакова, доцентлар Б.Валиев, Ш. Якубов, Ф.Атахоновлар томонидан очиб берилган.

Ижтимоий ҳаётнинг социодинамик хусусияти бозор муносабатларига ўтиш ва уни ривожлантиришга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. 2016 йилнинг охиригача бўлган даврда бозор муносабатларида жиддий муаммолар тўпланиб қолди, хусусий мулк эгалари ва хўжалик субъектларининг ҳуқуқларини менсимаслик, давлат бошқарув институтларида таъмагирлик, коррупция, “мен сенга тегмайман, сен ҳам менга тегма” услубида ишлаш, давлат идораларида халқ манфаатларидан йироқлашиш каби иллатлар шаклланди. Бу иллатларнинг қанчалик хавфли ва миллий демократик тараққиётга ғов эканини давлат раҳбари лавозимига 2016 йил сентябрида келган, бозор иқтисодиётига ўтиш машаққатларига бевосита рўпара келган Ш. М. Мирзиёев очиб ташлади. Ўтган 2 йилда Президентимиз томонидан қабул қилинган 600 дан зиёд Фармон ва Қарорларда мавжуд ҳолат объектив, танқидий таҳлил қилинади, кейинчалик муаммоларни ҳал этиш механизмлари, усуллари ва чора-тадбирлари кўрсатилади.

Бозор муносабатларига ўтишни ривожлантиришнинг янги босқичи Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” билан боғлиқдир. Унда давлат идораларини қонунларга қатъий амал қилган ҳолда халқ манфаатларига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилдириш биринчи устувор йўналишдаги азифа қилиб белгиланган» [3, 10]. Иккинчи устувор вазифа қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, учинчи устувор вазифа эса иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш билан боғлиқдир. Аслида бу устувор вазифаларни диалектик узвийликда қараш зарур, чунки бозор муносабатларини ривожлантириш сиёсий-ҳуқуқий механизмларни, чора – тадбирларни тақозо этади. Суд – ҳуқуқ тизимини адолатли ишлашини таъминламаслик эса тадбиркорлар фаолиятини криминаллашувига сабаб бўлади. Президентимиз ўзининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келтиради: жорий йилнинг ўзида 1 минг 881 та жиноят иши далиллар етарли бўлмаганлиги сабабли тугатилди, судлар томонидан 590 нафар шахс оқланди. Ваҳоланки, бу рақам 2016 йилда бор –йўғи 28 тани, 1017 йилда эса 263 тани ташкил этган эди. Шунингдек, 5 минг 462 нафар шахсга нисбатан терговда асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди, 2 минг 449 нафар шахс эса суд залидан озод этилди. “Шу боисдан ҳам,- дейди. Ш. М. Мирзиёев, - касбий маҳорат ва маданиятни ошириш, ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб иш қўриш –ҳар бир судьянинг энг устувор вазифаси бўлмоғи лозим” [4,3].

Мамлакатимизда бозор муносабатлари шакллантирилиши шароитида мулкнинг барча шакллари тенглигининг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилиши амалий аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 53-моддасида “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан марҳум этилиши мумкин” [5, 11] – деб белгилаб қўйилган. Демак, бозор иқтисодиётига ўтиш халқро ва шахсий муносабатларда зиддият келиб чиқиши манбаси эмас, аксинча, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу иқтисодий ўзгаришларда давлат етакчилик қилиши амалий аҳамиятга эга бўлди. Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқарувчи билан харидорлар, тадбиркорлар, шунингдек, юқори, ўрта ва куйи табакалардаги мулкдорлар билан харидорлар ўртасида зиддиятлар вужудга келади. Бу зиддиятларни

бартараф этишда объектив равишда давлатнинг етакчилиги қилишига эҳтиёж туғилади. Зеро, бундай шароитда давлатдан бошқа биронта институт етакчилик қила олмайди. Чунки у манфаатларни ўзаро мувозанатга келтиради, фуқароларни аниқ мақсадлар сари йўналтириб туради. Бозор муносабатлари шаклланишининг дастлабки босқичида турли манфаатлар ўртасида қарама-қаршиликларнинг кучайиш ҳолати ҳам юзага келади. Чунки бу даврда иқтисодиётдаги вазият мураккаб бўлиб, томонларнинг ўз манфаатлари учун кураши ҳам кучаяди. Сиёсатшунос олим Баҳодир Карим Иминовнинг таъкидлашича, “Жамият иқтисодий соҳасидаги қарама-қаршилик ва низоларни туркумлаштириш, тартибга солиш ҳамда бошқариш, уларнинг ичидаги “умумий зиддиятлар”ни англаб олишга қаратилиши керак. Бозор муносабатларини ривожлантириш учун тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериш даркор. Ўтган ўн йилликларда кичик корхона очмокчи бўлган тадбиркор 170 дан зиёд рухсатнома, лицензиялар ва далолатномалар олишга мажбур этилган. 2018 йилнинг охирига келиб рухсатномаларнинг 48 таси бутунлай олиб ташланди, 138 та лицензия ва рухсатлар олиш соддалаштирилди. Авваллари жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи 22, 5 фоиз эди, ҳозир у 12 фоизга туширилган, 8 фоиз суғурта бадалли бекор қилинган. Бизнес ҳамжамияти учун ўрнатилган ижтимоий тўлов ўтган ўн йилларда 25 фоиз бўлган, ҳозир у 12 фоиздир (*ўша жойда*). Кўриниб турибди, демократик тараққиётимизнинг янги босқичида фаол тадбиркорликни ривожлантириш борасида жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Жорий йилни “Фаол тадбиркорлик ва инновацион ғоялар, технологияни қўллаб-қувватлаш йили” эълон қилиниши ҳам ўрганилаётган мавзуга бой манбалар беради. Энг муҳими, миллий тараққиётимизнинг бу босқичи давлат идораларини халққа хизмат қилишга қаратилганида, тадбиркорнинг фаоллиги эса халқни бойитади. Халқ миллат бой-бадавлат яшаганида, эзгу орзу тилақларини рўёбга чиқариш имконига эга бўлганида, соғ-саломат интеллектуал бой фарзандлар тарбиялаганида Ўзбекистон илғор давлатлар қаторидан жой олади.

АДАБИЁТЛАР

1. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Тошкент; “Шарқ”, 2003. – 294 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018.
3. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Расмий нашр. – Тошкент; “Адолат”, 2017.
4. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2018, 8 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент; “Ўзбекистон”, 2008.

Резюме. Мақолада экономиканы еркинлестириш, мамлекетнинг басқаруви ролин шегаралаш, хўжалик юритуви субъектларнинг экономикалик еркинликларини ҳам экономиканың барлық тараўларында жеке мүлк дәрежесин кеңейтиш, мүлктарлардың дәрежесин ҳам ҳуқықларын бекемлеуге қаратылган илажлары ҳам де базар мүнәсибетлерин раўажландырушын исбилерменлик хызметин қоллап-қуўатлауға айрықша итибар бериш лазимлығы атап өтилген.

Резюме. Мақолада, иқтисодиётни эркинлаштириш, «давлатнинг бошқарув ролин шегаралаш, хўжалик юритуви субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мүлк микёсларини кенгайтириш, мүлктарларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлари ҳамда бозор муносабатларини ривожлантириш учун тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериш лозимлиги ҳақида фикр юритилади.

Резюме. В статье, речь идёт о либерализации экономики, об ограничении роли государства в управлении экономикой, о расширении собственности во всех экономических сферах и экономической свободы хозяйственным субъектам, об укреплении правового статуса собственников и необходимости поддержек предпринимательской деятельности для развития рыночных отношений.

Summary. The article deals with economic liberalization, restricting the role of the state in managing the economy, expanding property in all economic spheres and economic freedom to economic entities, strengthened the legal status of owners and the need for, and supporting business activities for the development of market relations.

Таяныш сөзлер: экономиканы еркинлестириш, хўжалик жүргизиүши субъектлер, жеке мүлк.

Таянч сўзлар: иқтисодиётни эркинлаштириш, хўжалик юритуви субъектлар, хусусий мүлк.

Ключевые слова: либерализация экономики, хозяйственные субъекты, собственность.

Key words: liberalization of the economy, business entities, property.

ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Аннаева Н. Р.

Урганч давлат университети

Кейинги йилларда, айниқса 2016 йил охиридан бошлаб кичик бизнес ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, хусусий мүлкни ҳимоя қилиш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4848-сонли 2016 йил 5 октябрдаги Фармони [1] аини шу соҳани такомиллаштиришга қаратилди. Юртимиз ҳаётида 2017 йил туб бурилиш йили бўлди. Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” [2]

қабул қилинди. Шунингдек, ушбу стратегияда “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини қатъий олдини олиш”, 4.1 бандида эса, “янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфраструктурасининг мутаносиблиги ва ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини қисқартириш” белгиланган. Ундаги “4.3. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритишни назарда тутди.

Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришдан мақсад фуқароларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этиш, ўзининг ишбилармонлик, омилкорлик хислатларини эркин намоён қилиб бозор иқтисодиётига хос демократик қадриятларни қарор топтиришдир. Иқтисодий демократик қадриятлар ана шу ислохотларнинг мезони, кўрсаткичи ҳисобланади, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳаётда барқарор воқеликка айланиши эса мамлакатдаги ишбилармонлик муҳотида ўз ифодасини топади. Маълумки, ҳар бир давлатнинг тараққиёти, халқнинг фаровон ва тўкин ҳаёт кечириши, мамлакатнинг турли соҳаларда юксаликка эришишида хотин-қизларнинг мавқеи ва салоҳияти муҳим ўрин тутди. Жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялаш, ёшлар, айниқса, аёлларнинг истеъдоди ҳамда ички имкониятларини юзага чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, хусусан, уларга эркалар билан бир қаторда, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасида қўмаклашиш 2015 йилда ҳаётга изчил татбиқ этилган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг устувор йўналиши бўлди.

Дунёнинг турли мамлакатларида миллионлаб аёллар ўз оиласи даромадини ошириш мақсадида, ўзи иқтисодий жиҳатдан ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган тарзда яшаб, меҳнат қилмоқда. 2014 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 19 ноябрь – Халқаро аёллар тадбиркорлиги куни деб эълон қилинди. Бугунги кунга келиб бу сана 144 та мамлакатда нишонлаб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012 йил 23 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тадбиркорлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлашни, мамлакатда ишбилармонлик ҳолатини тубдан яхшилашни назарда тутган ҳужжат эди. Шундан бери ўтган вақтда тадбиркорлик фаолиятини ортқича регламентлар билан чеклаб қўйиш ҳолларини тўлиқ бартараф этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида катта, серҳаражат, ноошқора, маъмурий тартиб-тамоийларга, бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш борасида катта ишлар амалга оширилди [3]. “Ишбилармонлик муҳити” ижтимоий-фалсафий тушунча ҳисобланади. У иқтисодий фаолиятни олиб бориш учун зарур макон, Ж.С.Милль ибораси билан айтганда, “оддий ёки мураккаб кооперациядир”[4]. Мазкур кооперацияларга мувофиқ кишилар бир-бирига ёрдам бергани ҳолда бир ишни ёки бир неча ишни бажарадилар. Мазкур кооперациялар турли муносабатларни, алоқаларни юзага келтирадики, шу тарзда “ишбилармонлик муҳити” юзага келади. Кооперация, яъни режалаштирилган вазифани биргаликда бажариш имкони, шу тарзда у муҳит яратади. “Ишбилармонлик муҳити” иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлгани учун у кишиларни ҳаракатга келтирадиган, ижтимоий-иқтисодий омиллар орқали тадқиқ этилиши даркор. “Ижтимоий воқелик ҳар ҳолда инсон фаолиятининг натижалари, иқтисодий воқелик эса, кишилар иқтисодий фаолиятининг маҳсуллари”[5]. Агар биз ишбилармонлик муҳитини иқтисодий фаолият маҳсули деб қарасак, уни ҳаракатга келтирадиган омил биринчи навбатда фойда, даромад олиш эканини, бу тадбиркорлик фаолиятининг асосий иқтисодий белгиси эканини назардан қочирмаслигимиз керак.

Маълум бўлишича, тадбиркор аёллар давлатимиз ва ҳукуматимиз яратаётган кенг имкониятлар ҳақидаги зарур маълумотларни асосан ОАВдан олар экан. Бу ажабланарли ҳол эмас, албатта. Бугун дунё, ижтимоий ҳаёт, ислохотлар қўлами ҳақидаги муҳим хабарлар тезкорлик билан ОАВда эълон қилинмоқда. Тадбиркор аёлларни солиқ ва тадбиркорликнинг молиявий, ташкилий ва халқаро томонлари ҳам қизиқтиради. Тадбиркор қанчалик тажрибали, ишбилармон бўлса, уни ўз фаолиятига тааллуқли ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий масалалар шунчалик кўп қизиқтиради. Фаолиятини энди бошлаётган хотин-қизлар тақлидчилик йўлидан боради, яъни бошқа тадбиркор аёллар тажрибасини ўзлаштиришга, улардан нусха қўчиришга интилади. Тажрибали омилкор аёл мустақил изланишга, дуч келаётган муаммоларни ўзи қучи билан ҳал этишга интилади. Тўғри, бу борада улар юридик маслаҳатхоналар хизмати ҳам мурожаат этишади, малакали ҳуқуқшунослар ёрдамига таянишади. Қандай бўлмасин, тадбиркорлик тажрибаси билан малакали мутахассис, ҳуқуқшунос, молия-банк ходимлари хизматларидан фойдаланиш ўртасида бевосита алоқа мавжуд.

Кўп йиллик кузатишларимиз ва мулоқотларимиздан аён бўладики, ўз бизнесини бошлаётган хотин-қизлар зарур тажрибани кўпни кўрган бошқа тадбиркор аёллардан олишга интилар экан. Тадбиркор эркадан тажриба ўрганиш камдан-кам аёлда учрайди. Жинсдоши тажрибасини ўрганишга интилиш аёллар тадбиркорлиги билан гендер муаммолар ўртаси алоқа борлигини тасдиқлайди. Энг ҳайратли томони шундаки, тадбиркор аёллар ўз фаолиятига яқин бўлган тадбиркор аёллар уюшмаларига камдан-кам мурожаат этадилар. Чамаси ушбу уюшмадаги бюрократик тартиблар аёлларга ёқавермайди. Шунинг учун ҳам ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда уюшмаларнинг ўрни деярли сезилмайди. Аёллар тадбиркорлик муҳитини энг аввало, ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларига муносабатлар орқали идрок этадилар. Давлат ва жамиятнинг муносабатлари ушбу муҳитнинг ифодалари бўлиб кўринади. Мазкур ифодаларни улар тадбиркорлараро алоқалар, ушбу алоқаларнинг ижтимоий онгда акс этиши кабилардан ҳам юқори қўядилар. Хусусий мулк устуворлигини

таъминлаш тадбиркорликни, ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш кафолатидир. “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда тадбиркорлиkning хусусий мулкни ҳимоя қилиш “устувор тамойил” экани таъкидланади.

Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш учун хусусий мулк қанчалик муҳим бўлмасин, у юридик имконият, амалий имконият ва жисмоний имкониятлар асосида рўй беради. Шунинг учун ҳам мутахассислар “бизнесингизни маблағ қидиришдан эмас, балки имкониятлар қидиришдан бошласангиз мақсадингизга тезроқ эришасиз,- деб маслаҳат беришади.- ўзингизга, атрофингиздаги муҳит, ёнигиздаги маслакдошларингизга тўғри баҳо бериб, бор имкониятларни чамалаган ҳолда иш бошлаш керак” [6]. Ушбу имкониятлар қаторига хусусий мулкдан таваккалона фойдаланиш ҳам киради. Аммо бу таваккал юридик билимни, амалий кўникмани, жисмоний сифатларни таъминлайди. “Мулкдорнинг фактик (юридик- Н.А) эгалиги унинг амалий имкониятларини таъминлайди. Амалий имкониятни ҳар доим мулкдорнинг ашёни ўз қўлига сақлаб туриши- ушлаб туриши маъносида тушунамаслик лозим... Корхона, боғ-роғлар, ҳовли-жойлар, иморатлар каби мол-мулк объектларини қўлда сақлаб туриш амалда мумкин эмас... Энг муҳими, мулкдор ўзи хоҳлаган вақтда ўша мол-мулкка нисбатан ваколатларини амалга ошириш, юридик таъсир кўрсатиш имконига эга бўлмоғи лозим”[7]. Ишбилармонлик мол-мулкка эгалик(юридик ёки жисмоний) қилишда амалий имкониятларни ишга солишни таъминлайди. Амалий имкониятлар эса мулкдан фойдаланиш асосида ижтимоий-иқтисодий муносабатларда қатнашиш ифодасидир. Бундай иштироксиз ишбилармонлик муҳити шаклланмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги ишбилармонлик, тадбиркорлар ўртасидаги янги-янги товарлар ишлаб чиқариш, хизмат турларини ўйлаб топиш, истеъмолчилар учун рақобатга киришишда намоён бўлади. Рақобат, “ким ўзди” истеъмолчи учун кураш, ишбилармонлик учун зарур омиллардандир. Бугун рақобатга киришиб ишлаётган тадбиркор аёлларни очик савдо-сотикда, маданий-маиший хизмат кўрсатишда учратиш мумкин. Бошқа соҳаларда аёллар рақобати аниқ кўзга ташланавермайди. Аммо бу рақобат аёллар тадбиркорлигига хос ҳодиса эмас деган фикрни билдирмайди. Аёллар тадбиркорлиги кенг тарқалган ноишлаб чиқариш соҳаларида ҳам “ким ўзди” кетаётгани чет тилларга ўргатувчи курслар, абитуриентларни олий ўқув юртига киришга тайёрловчи ўқув марказлари, кафе, бар, ошхоналарда хизмат кўраётган хотин-қизлар, маркетлардаги менежерлар, консултантлар, лизинг хизматларини бажараётган операторлар ўртасида иш жойи учун кураш боради. Иш жойи учун кураш ишбилармонлик муҳитини шакллантиришнинг энг самарали йўли ҳисобланади. Меҳнат ресурслари кўпайиб, йилдан йилга ошиб бораётган Ўзбекистон учун иш жойи топиш, унга мувофиқ бўлиш, нафақат ишчанликни, шунингдек билимни, кўникмаларни ва истеъмолчига ёқадиган фазилатларга эга бўлишни талаб этади. Бундай фазилатларга эга бўлмасдан рақобатга чидаш, ишбилармонлик муҳити учун зарур вазифаларни бажариш қийин, шу маънода рақобат, “ким ўзди” ишбилармонлик муҳитининг ўзагидир. Тадбиркорлик, бизнес банкротга олиб келиши ҳатто ишбилармонлик сифатига эга бўлган тадбиркор ҳам ташқи таъсирлар боис, банкротга учраши мумкин. Бу ўринда аёллар тадбиркорлигида ҳақиқий рақобат ҳали шаклланмагани, бор рақобат ҳам Шарқона одоб-ахлоқ доирасида кечаётгани кузатилади. Аёллар бошқани банкротга учратиш ўйидан йироқ, улар “ким ўзди” шароитида фаолият юритаётганини сезса-да ҳамкасбини оғир аҳволга солиш мулкий ва оилавий муносабатларида турли қўлланмаган муаммолар уйғотишни қўзламайдилар. Ўзбек халқига хос бағрикенглик аёллар бизнесидаги ўзига хос жиҳатдир. Шунинг учун тадбиркор аёлларнинг ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳам ана шу шарқона одоб-ахлоқ нормативларига мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда; 2017 й., 37-сон, 982-модда
2. Ўзбекистон Республика Президентининг Фармони: “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ни тасдиқлаш тўғрисида. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон.
3. Ўзбекистон Республика Президентининг фармони. “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012. №29. –8 – б.
4. Милль Дж. С. Основы политической экономии. Т.1. –Москва:, 1980. – С.225.
5. Шумпетер Й. Теория экономического развития (Исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры). – Москва: «Прогресс», 1982. С.57.
6. Аёллар тадбиркорлиги – барқарор ривожланиш сари. Ўқув машғулотлари материаллари асосида. – Тошкент; ООО “Чинор ЭНК”, 2014. – 23-б.
7. Хусусий мулк - ижтимоий – иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи. – Тошкент: “Адолат”, 2011. –24

Резюме. Мақалада ҳаял-қизлар исбилерменлигини раъажландирувчи жолында алып барылып атырган илажлар анализленген хэм ҳаяллар исбилерменлигине тийисли Шығыс халықларына тән этикалық нормативлерге дыққат аўдарылған.

Резюме. Мақолада аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинган, ва аёллартадбиркорлигига хос шарқона одоб-ахлоқ нормативларига диққат қаратилган.

Резюме. В статье проанализированы меры, предпринимаемые по развитию женского предпринимательства в стране, особое внимание обращается на национально-восточные особенности женского предпринимательства.

Summary. This article analyzes the measures taken for the development of female entrepreneurship in the country; special attention is drawn to the national-eastern features of female entrepreneurship.

Таяныш сөзлер: ҳаяллар исбилерменлиги, жеке мулк, киши бизнес, бәсеки.

Таянч сўзлар: аёллар тадбиркорлиги, хусусий мулк, кичик бизнес, рақобат.

Ключевые слова: женское предпринимательство, частная собственность, малый бизнес, конкуренция.

Key words: women's entrepreneurship, private property, small business practicality, rivalry.

МАЗЛУМХАН СУЛУВ ДАХМА-САҒАНАЛАРИДАГИ БИТИКЛАР

Сейтмереев М.Б.

Ўзбекситон-Корея газ химия қўшма корхонаси

Мазлумхан Сулув ёдгорлиги Қорақалпоғистон Республикаси Хужайли шаҳридан 5 км жануб-ғарб томонида Миздахкан археологик мажмуасида жойлашган, Марказий Осиёнинг энг ноёб ёдгорликларидан бири саналади. Мазлумхан Сулув ёдгорлиги кўплаб хужралардан иброт бўлиб иншоотнинг ўзи тахминан 7 метр чуқурликда барпо этилган. Фақат гумбазгина ер сатҳидан юқорида жойлашган. Мутахассислар ёдгорликнинг камида XIII асрга қадар бўлган даврда бунёд этилганлигини аниқлашган. Ёдгорликнинг сақланиб қолган эпиграфик-китоба материаллар ҳам ана шу даврни эслатади. Бинобарин, ёдгорлик худуди, аввал таъкидлаб ўтилганидек, XII аср эпиграфик нақшлари ҳам, ундан кейинги даврларга мансуб-сағаналар ҳам учраб туради. Ёдгорлик чуқур жойлашган жойда ўзига хос алоҳида конструкция-лойиҳа билан барпо этилгани боис бундай анъана сўфийларнинг ер ости бошпанаси - «чиллаҳона» қуриш таомилларига, яссавия тариқат анъаналарига бориб тақалишини айтиб ўтиш жоиз [15, 35].

Гўрхона бўлмасида битиклар туширилган поғона-поғона бир неча («сағана» типдаги) дахма бўлган. Битиклари ёки нақшлари бўлган айрим парчаларни демаса, ҳозирги вақтда (1988 йили ёзиб олинган) маълумотларга қараганда, XX асрнинг 30-йилларида авж олган дахриёна компаниялар пайтида дахмалар бузиб ташланган. XIII аср охири-XIV аср бошларида қурилган, ҳисобланадиган Саййид Алауддин макбараси (Хива шаҳри) шу сағаналарга ўхшаб кетади [15, 35-36]. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Шуманой туманида жойлашган Кетен қалъа тарихий ёдгорлигидан ҳам шунга ўхшаш сағана тоши топилган [4,75-78]. Аниқлаб кўрганимизда поғона-поғона дахмани бежаб турган понасимон кунгураларнинг офтобуя қисмига қадамлаб пайвандланган эди. Парчалар сирланган сопол билан копланган. Ҳарфлар ва нақшларнинг бир қисми ферузосимон мовий ёки қора рангдаги фонда оқ рангдаги чизиклар востасида ҳосил қилинган. Диакритик белгилар (зеру забар) йўқ. Қадама парчани-китоба ичидаги матн понасимон тоқча кўринишига эга. Матнларнинг бир қисми йўқолган.

Мазлумхан Сулув дахмасининг ана шу парчаларидаги матнларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Тадқиқот бошлаган пайтимизда ихтиёримизда фақат сағана кунгурларининг кунгай тарафидан олинган парча матнига (№1) мавжуд эди. Улар ҳозирги кунда мақаранинг ўзида сақланмоқда. Узоқ вақт ўрганганимиздан кейин, матн форс-тожик тилида, унда ҳарфлар тушиб қолгани сабаби амалда бирон маънони англатувчи жумла ясамайдиган алоҳида-алоҳида сўзлардан иборат, деган тўхтамага келган эдик. Кейинчалик эса бир маҳаллар Мазлумхан Сулув макбарасида олиб келинган (ҳозирги вақтда ЎЗР ФА ҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлари илмий-тадқиқот институтида сақланади) сирланган сополли сағана парчаларининг айнан шундай фотонусхаларини кўлга киритдик. Эпитафиялар – марҳумларга бағишловларнинг қисмларини ўзaro қийёслаган ҳолда, биз, ҳеч бўлмаганда, иккала (№1, №2) мазмунан мутлақо ўхшаш эканига ишонч ҳосил қилдик [15, 49]. Биз бу сағана парчаларининг сўзларни ўқишга муяссар бўлдик.

Фикримизча, Мазлумхан Сулув дахма сағаналаридаги ёзувлар жуда ҳам олий даражада хаттот ва уста маҳорат, олимнинг фалсафий фикри билан уйғунлашиб ўзгача мохирона яратилган. (№1, №2 расмлар). Айрим қабилаларнинг тилларида ҳарфларининг алмашиб келишини ўқувчининг ўзи шунга қиёс қилиб аниқлай олади, деб ёзган эди Махмуд Қошғарий «Туркий сўзлар девони» китобида [8,68]. Туб сўзларда 1 расм)



(2 расм)

ўзгаришлар кам бўлади. Сўзлардаги ўзгаришлар ҳарфларда баъзи ҳарфларнинг алмашувида, тушуношидадир [8, 66]. Биринчи сирланган сополли сағана 9 парчаларидаги сўз: «Маркад зарбла будкуллика то нафилхорлар нолачиб у умрха». Иккинчи сирланган сополли сағана парчаларининдаги сўз: «Маркад зарбла будкулли хайрла нафилхорлар ила у умрха садақа куш». Ёзма манбаларда берилган маълумотларга қараганда, ўзбек халқи эроний аҳоли билан қадимдан ўзаро яқин иқтисодий-маданий алоқада булиб, биргаликда ёнма-ён яшаб келганлар. Салмоқ ва ҳажм этибори билан эрон тилларига алоқадор бўлган лексик қатлам Шимолий Хоразм (Хўжайли, Қипчоқ, Қўнғирот туманлари, Манғит туманининг баъзи қишлоқ шевалари қиради) шеваларида туркий қатламдан сўнг микдор жиҳатдан иккинчи ўринда турди. Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан бу ҳудудда қадимда эроний тиллар оиласига мансуб хоразмий тилининг то XIII асргача истимолда бўлганлиги, бунинг натижаси ўлароқ, Хоразм шеваларида субстрак қатлам сифатида бу тилнинг қолдирган излари натижасидир. Иккинчидан, Хива хонлигининг Эрон чегараларига тез-тез уюштириб турган юришлари натижасида асир олинган эронликларнинг Хоразмга келтирилиб, турли туманларга жойлаштирилганлиги натижасида бу тилдаги бир қанча сўзлар шеваларга кириб қолган [9, 46-47].

Тожик тили лексик қатламига мансуб булган сўзлар, арабча сўзларга нисбатан анча чуқур ўзлашган ва органик равишда қипшоқ шевалари лексик структураси билан чатишиб кетган, барча ўзбек шеваларидаги каби, тожик сўзлари ҳаётий зарур, яъни ҳар кун, ҳар соатдан ишлатиладиган сўзлардан иборатдир [1, 27]. Араблар истилосидан аввал ҳам форс-тожик тили оркали арабча сўзлар Хоразм шеваларига кириб кела бошлаганлигини таъкидлаш керак. Далиллар араб лексик элементларнинг кўпчилиги билвосита, яъни эрон тиллари оркали, бирмунча навбатда тожик тили оркали гувоҳлик беради. Туркий тиллардаги қадимий ёдгорликлар ичида адабий

тилни эмас шева тилларини ифодаловчи ёдгорликлар ҳам бор. Булардан англашиладики, форсий ҳам туркий тилли ўтроқ, шаҳар аҳолисига нисбатан қўлланилган [1,28]. Барча жойларда бўлгани каби Хоразмда ҳам араб тилидан кириб келган сўзлар кейинчалик ўз сўзларидек қўлланиладиган бўлиб қолган. Хатто бу сўзларнинг арабча эканлиги шева вакиллари сезмайдилар ҳам. Шунки бунда сўзлар жуда қадим замонлардан истеъмолда бўлиб келганлиги сабабли, худди ўз сўзларидек бўлиб қолган. Бу жихатдан академик Ш.Шоабдурахмановнинг арабча сўзлар шеваларнинг луғат фондида кириб, жуда мустаҳкам ўрганишиб қолган ва тамоман ўзбек сўзлари каби ўқилади фикри жуда ўринли [16, 94].

Мазлумхон Сулув сағанаси ёзувларининг сўзлари шу даврда яшаб ўтган туркий халқларининг сўзлашув тилининг бир кўриниши бўлиб қолмасдан тасаввуф тариқати олимнинг фикридир. Биринчи сирланган сополли сағана парчаларидаги сўз: Таржимаси: «Қабр ишла бутинлай то нафилхорлар нола қилгунчау умирга». Иккинчи сирланган сополли сағана парчаларидаги сўз: Таржимаси: «Қабр ишла бутинлай эзгулик билан, нафилхорлар билан у умирга садака кўш» Тасаввуф-бу инсоннинг руҳияти ва маънавий оламидаги жараён бўлиб, инсонни руҳий ва ахлоқий камолотга етказувчи бир илмдир [5, 5].

Аъроф сурасининг 172-173-оятларида айтилгандек, инсон руҳлар оламида Аллоҳ билан, Унинг улуҳиятини тасдиқлаб, аҳду паймон қилган. Аммо дунёга келгач, бу моддий олам ташвишлари орасида кўпчилик инсонлар, “базим аласт”да Аллоҳга берган ваъдаларини унутиб, қалбларида мосивога-Алоҳдан бошқа нарсаларга меҳр-мухаббатқўйиб, яширин ёки очик ширкка йўл қўймоқдалар. Ана шу жихатдан тасаввуфнинг ғояси-инсонга Аллоҳ билан аҳду паймонни эслатиб, унинг зарурати ва сирларидан хабар бериб, инсон фитратадан мавжуд бўлган Аллоҳга эришмоқ орзусини бу дунёда-ёқ руёбга чиқармоқ йўллари кўрсатишдан иборатдир. Чунончи, Куръоннинг кўп жойларида “охир-оқибат бизга қайтгучисизлар”, “мутлоқ бизга қайтасизлар”, Қайтиш факат Аллоҳга қайтишдир ва ҳақозо дейилган. Ўлимдан кейинги ҳаёт сирларини шу дунёда кашф этиш ва “ўлмасдан бурун ўлингиз” ҳадиси орқали аён этилмоқда. Демак, тасаввуф, инсонга “ўлимдан олдин ўлиш”нинг нима эканлигини ва қандай амалга оширилишини ҳам ўргатади [18, 23-26].

Аср бошларидаги матбуот саҳифаларида, матбуотни ривожлантириш соҳасида Беҳбудийчалик фаол иштирок этган бирон-бир кишини топиш амри маҳол эди. Унинг мақолалари Туркистон, Кавказ, Волга бўйи минтақаларида чиқадиган матбуотда ҳам кўплаб босилди. Муаллиф уларда маърифат, маънавият ва ижтимоий адолатсизлик муаммоларини кўтарди. Беҳбудий «Вакт» газетасининг 1907 йил 9 февридаги сонидида «Фарёди Туркистон» номли мақоласида шундай эркин фикрларни билдирган эди: «Бир мадрасага 20 талаба гапи ила бир ноаҳил мударрис сайланур, бир жохил қози сайланур ва Русия маъмуриларина-да маъкул ўлур. Бир минг фақирнинг радду мудохаласи мўтаббар ўлмаз ва сўзлари эшитилмас. Ишта бизим Туркистон шахарларнинг бу кунги қози, муфтий ва мударрис ҳам имом ва ўзга руҳонийларнинг юздан саксони, сахро ва қарияларда ўронларининг ўндан тўққизи шўйла номуносиб кишилардан иборатдир». Яна «Вакт» газетасининг 1907 йил 4 ноябрда босилган сонидида «Дума ва Туркистон мусулмонлари» мақоласида Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати, яъни, Туркистонда 70 минг руслардан 6 депутат бўлгани ҳолда, 7 миллион мусулмонга фақат 5 ўрин ажратилганини куйиниб ёзди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ташаббуси билан 1913 йилда «Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журналининг нашр этиш йўлга қўйилади. Лекин газета моддий танглик туфайли 45-сонидан кейин тўхтаб қолади. «Ойна»

ўзбек тилида чиққан биринчи журнал бўлиб, у халқ орасида машхур бўлди. Журнал 1914 йилдан бошлаб 2 йил ичида 68-та сони чиқади ва у ҳам 1915 йил 15 июнда ўз фаолиятини тўхтатади [2, 45].

Махмудхўжа Бехбудий бадий ва публицистик асарларида замонавий жамият ва давлатни шакллантириш ғоялари ётади. У бу каби ғояларни амалга ошириш учун том маънодаги миллатни шакллантириш лозимлигини уқтиради. Миллат тараққий этганидагина цивилизациявий жамият қуришга эришиш мумкинлигига ишонади. Шунингдек, Бехбудий миллатни тараққий эттиришда зиёлилар, олимлар ва уломаларнинг ўрни юқори эканлигини бир неча бор таъкидлайди. Унинг қуйидаги фикрлари фикримизга далилдир: “Миллатлар тараққийига бир неча сабаблар бўлуб, туб сабаби уламо ила ағниёнинг ҳамийят ва ғайратларидур. Тараққий қилғон ва ё энди тараққий қилгувчи миллатлар аҳволига диққат қилинса, мазкур икки синф муҳтарамни ўз миллатлариға сўз ва оқча ила хидмат этганлари фавран зоҳир бўлур. Ҳар миллатнинг уламози, аҳли калами, мутафаккири ўз миллатининг ояндаси учун йўл кўрсатур, машварат берур, миллат ахлоқининг ислоҳи учун масжидларда панд ва насихат берур, мактаб ва мадрасаларда дунё ва охиратда керак илм ва фан, таълим берарлар, китоб ва газет ила умматни муслиҳи учун баҳс ва муколамалар қилурлар” [3]. Қўриниб турибдики, Бехбудий халқни миллат даражасига кўтарилишида зиёлиларнинг ўрни бекиёс эканлиги ғоясини илгари сурмоқда. Бу ўша даврдаги Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий шароити учун феноменал ҳодиса эди. Қолаверса, бу халқни сифатини янги даражага кўтариш фалсафаси сифатида намоён бўлган эди. Айниқса, унинг миллатни тараққий эттиришда “илм ва фан, таълим, китоб ва газеталар зарурлиги”, жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва сиёсий кучлар ўртасида баҳс-мунозаралар бўлиб турпшини миллатни шаклланиш мезони сифатида қараши ҳозирги давр учун ҳам долзарб вазифа сифатида яшамоқда.

Бехбудий Самарқандда босилган «Мунтахаби жуғрофияи умумий» («Умумий жуғрофиядан сайланма», 1906 йил) дарслигида бу «қадимий фан»га тааллуқли туркий, арабий, форсий, табииётга доир «ўттуз қадар қадам ва жадид кутуб (китоблар) ва расоил (рисолалар)»дан фойдаланилганлигини таъкидлайди. Бу асар жуғрофияга оид билимлар беришдан ташқари ўзида инсоният маънавиятининг шаклланиши, жаҳонда яшаётган кишиларнинг маиший ҳаёти, маърифийлигини ошиб бориши ва инсонлараро сиёсий муносабатларнинг моҳиятига доир тушунчаларни ифода этади. Бу ҳақда Бехбудий шундай сатрларни битган эди: “Мартабаи инсонияга ноил ўлмакга, ҳар бир инсонни жамияти инсониятга ва дини илоҳияга эҳтиёжи бор. Ушбу сабабдандурки, инсонлар комил инсонларни қўл остига жамияти башарияни барпо қиладурлар. Олло таоло анбиё воситаси ила қонуни шариат, хавфу қалбу рижо юборибдурки, анго доҳил ва солиқ бўлмоқ лозим ва вожибдур. Динсиз дунёда яшамоқ инсоният ва маданиятдан эмас, ҳайвонийликдур. Динсиз мутамаддун (маданиятли) бўлмоқ муҳол (қийин)дур. Жамияти башарияни барқарор тутмоғига дин, шаръ (шариат), низом ва буларни бошқарувчилари биринчи сабабдур. Бас, жамият илм, инсоф ва ҳунар сабаблари ила уч хилга бўлинадурки, ваҳшоният, бадавият, маданият аталган. Ва буларни(нг) ҳар бирини яна бир неча синфга тақсим қилмоқ одамларни аҳволига қараб мумкин бўладур”.

Сиёсий масалалар, давлат қурилишига доир назарияларни ҳам чуқур ўрганди, бу соҳада ҳам ижод қилди. У сиёсий тузумларни учга бўлади: 1. Идораи мустақла (идораи мутлақа-монархия). 2. Идораи маршрута (парламентли республикаси). 3. Идораи жумҳурият (Президентлик республикаси). Бехбудий бу сиёсий тузум ва режимларни қуйидагича таърифлайди: 1. «Ани устидан қарагувчи подшоҳ соҳиби ихтиёр ва ҳар бир ройи ва амри зақун ва низом бўладур. Амри ҳукми, ройи нофиз (қонун)дур. Қўл остидаги барча мажлислар, маслаҳатхоналарни иттифоқи, хоҳиши, ҳукми ўшал императўрни мустаҳкам қилиш имзосига мавқуфдур. Шундай императўрларни янидан мансуб бўлуши ҳар бир давлат ва ҳукуматда муқаррарий қонун ва одатлар бўйича мерос ёнки валиахдлик қоидалари ва ўшал ҳукуматни қўйган «тартиб ва тадбирига мувофиқ бўладур». 2. Идораи маршрута – «... бу ҳукуматга тобеъ одамлар аксар аҳли илм ва ҳунардулар. Элу-уруғлари илм, ҳунар ва дунё ишларига тараққий қилгандурки, шул тарика фуқаролар ўз ароларидан инсонлик, илм ва дунёдан хабарлик одамларни ўзларига катта ва бошқарувчи вакил сайлайдулар ва шул тарика сайланган вакилларни подшоҳ жамлаб, муқаррарий маҳкамаларга мамлакатдорлик ишларига аралашиб, машварат ила тузилмоқ ва муҳофизат қилинмоғига кўз бўлмоқлари учун қарор берадурки, аларни(нг) мажлис ва маҳкамаларини «Миллат мажлиси», «маслаҳатхона», «парламенту», «ғўсударски Дум», «Мажлиси синодий» (сенат мажлиси), «Эл мажлиси» деган исмлар ила ёд қилинадур. Яна баъзи маслаҳатхоналар борки, маслаҳатбошиларни, ҳукумдорларни (подшоҳнинг) ўзи тайин қиладур. Ушбу миллат мажлисини(нг) чилон (аъзо)лари машварат ила мамлакатдорлик ишларига аралашиб, низом ва қонун тузатиб, ҳукмдор ва подшоҳларни қилатургон ишларига аралашадур. Подшоҳ бу мажлис амрига тобеъдир. Мажлис маъбусон (депутатлар)ни (нд) ройи бўлмагунча катта ишларни бошланмоқига амр ва ҳукм қилолмайдулар. Хулоса императўр соҳиб эҳтиёж бўлмай, дурустроқ ишларга қонун ва низомлари чиқарилмоқида бутун эл мажлисига тобеъ бўлиб турадур». 3. «Идораи жумҳурият» ...аксар фуқароси аҳли илм бўлуб, бу аҳли дониш аҳолини сайлаган вакиллари, яъни ҳукумата етти йилгача ўз мамлакат ва ҳукуматларини бошқармоғи учун ўз ароларидан бир нафар донишманд одамни бошлиқ сайлайдуларки, «райси жумҳурият», «садрнишини миллат», «президент» аталадур. Бу раис гўё бир оризи (вақтинча), омонат подшоҳдур. Ҳар бир ҳукм ва амру тартибни, мамлакат ва қўйга тааллуқ ишни, Миллат мажлисини(нг) қилиб берган дастуруламал, яъни қонун ва низомаларига мувофиқ қилиб, бутун элга тобеъ бир кишидур. Ҳар бир ишга Миллат мажлиси ҳукмига тобеъ, аларни(нг) ҳукму талабларини ўрнига келтирувчидур.

Мустақил ҳукмдорлари(нг) қўл остида ҳам мажлислар ва машварат маҳкамалари бордур. Илмсиз ҳукуматлардек неча милион халқни(нг) маишати, рафтори, ихтиёри бир нафар одам (подшо)ни(нг) ихтиёр, ёройи - ва ҳукмигига йўқдур. Бир нафарни(нг) ақли, фикри ила ўн нафар аросида на қадар фарқ бордур? Ушбу

сабаблардандурки, озгина Оврупо халқи бутун курраи арзга ҳоким ва мутасарриф (эга)дурлар. Сабаб: ҳукумат, илм ва дароят, қонун, мусовот (тенглик), машварат (маслаҳат) ва тадбирдур» [1, 243-244]. Кўриниб турибдики, бир асрдан ҳам кўпроқ давр илгари Маҳмудхўжа Бехбудий АҚШ ва Европа давлатларида ривожланган парламент республикаси ва президентлик республикаси мазмун-моҳияти ва тавсифларини атрофлича мужассамлаштириб берган. У Туркистонда ҳам парламент ёки президент республикасини шакллантиришни тарғиб этади ва бунинг учун фидоийлик билан фаолият олиб боради. Бу ўша даврдаги Марказий Осиё давлат тузумлари ва режимларини тубдан ўзгартириш демак эди. Бу илғор ғоялар чоризм мустамлакаси ёки протекторати остида бўлган, ҳали феодал муносабатлар исканжасидан қутилмаган Туркистон ўлкаси учун феномен ҳодисаси эди.

Маҳмудхўжа Бехбудий 1919 йилнинг 25 мартда миллат озодлиги учун шаҳид бўлди. Унинг ўз ўлими олдида айтган қуйидаги сўзлари унинг ниҳоятда миллатпарвар эканлигини, ўз Ватанини чин юракдан севишини, интеллектуал салоҳиятини ниҳоятда юксак эканлигини англатади: «Биз ўз қисматимизни биламиз, аммо бечора халқимизга ўз ҳаётимизда нима қилишимиз мумкин бўлса, шуни қилганимизни ҳис этиш билан фахрланганимиздан ўлимни хотиржам қутмоқдамиз ... агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқнинг бахт-саодат учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан қутиб оламиз...» [2, 45].

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, XX асрнинг бошларида Маҳмудхўжа Бехбудий бадий ва публицистик ижодида илгари сурган фалсафий-маърифий ва сиёсий ғоялар нафақат Туркистон ўлкаси, балки Марказий Осиё халқларининг миллий ўйғонишида, ўзини ўзи англашида ниҳоятда кучли аҳамият касб этди. Марказий Осиё халқларининг эски феодал жамият асоратларига барҳам беришда, янги миллий давлатчиликни ривожлантиришда бу ғоялар концептуал стратегиялар сифатида намоён бўлди. Қолаверса, Бехбудий томонидан илгари сурилган миллий давлатчиликка оид фалсафий ва сиёсий ғоялар ҳеч бир шак-шубҳасиз ҳозирги даврда шаклланаётган миллий мафкурамининг тамал тошлари бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Бехбудий Маҳмудхўжа. Ҳукумат ва ҳукмронлар. Танланган амарлар. Тузатилган ва тўлдирилган 2-нашри. – Т.: “Маънавият”. Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар. Танланган асарлар. –Т., 1974.
2. Бехбудий. Маҳмудхўжа. Миллатлар қандай таракқий этарлар? (1913).// «Самарқанд» газетаси, 1913 йил, 30 июль/<https://ziyouz.uz/matbuot/jadid-matbuoti/1913-6/-B.45>.

Резюме. Мақалада Бехбудийнинг кўркам доретиўшилигинде философиялық ҳам руҳий маселелер ҳаққиндағы теориялық шешимлери келтирилген.

Резюме. В статье рассматриваются некоторые теоретические выводы Бехбуди о философских и образовательных проблемах художественного творчества.

Summary. The article discusses some of the theoretical conclusions of Behbudi on the philosophical and educational problems of artistic creativity.

Таяныш сөзлер: философиялық ҳам руҳий идеялар, жамийетлик хызмет, миллий ояныў, миллий идеология.

Ключевые слова: философские и образовательные идеи, общественная деятельность, национальное возрождение, национальная идеология.

Keywords: philosophical and educational ideas, social activities, national revival, national ideology.

НИЗОЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Ҳасанов Ш.Ш

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Ҳар бир ижтимоий низо муайян сабаблар туфайли рўй беради. Шу билан бирга тўқнашувни сабабини унинг баҳонасидан фарқламоқ керак. Низонинг баҳонаси одатда тасодифан ва сунъий тарзда келиб чиқади. Сабаб эса нарса ва предметлардаги табиий боғланишни акс эттиради. Узоқ вақт мобайнида файласуфлар ижтимоий низолар пайдо бўлишининг бир сабаби борлигига ишонишган: Карл Марксга кўра хусусий мулк ва у туғдирадиган ижтимоий тенгсизлик; Г.Зиммелга кўра инсоннинг зиддиятли табиати; Р.Дарендорфга кўра ҳукмронлик ва бўйсунувчилик муносабатлари; Л. Козерга кўра эса ресурслар учун кураш ижтимоий низоларни, сўнгра эса тўқнашувларни келтириб чиқарган [1]. Замонавий конфликтология фани “қадриятлар”, “муносабатлар”, “кайфият”, “ахборот”, “таркиб” ва “манфаатлар” каби имконият сабаблари ёки ҳаракатлантирувчи омилларни ўз ичига олган “зиддиятли ҳудудлар”ни белгилаб беради. Ижтимоий низоларнинг битта, иккита ёки ундан кўпроқ ва ўзаро боғлиқ ҳақиқий сабаблари бўлиши мумкин. Келинг “қадриятлар”, “муносабатлар”, “кайфият”, “ахборот”, “таркиб” ва “манфаатлар”ни ҳар бирини таҳлил қилайлик. Қадрият нарса ва ҳодисаларнинг инсон ва жамият учун кадр-қимматини, фойдали, аҳамиятли томонлари, жиҳатлари, хусусиятларини акс эттирувчи тушунчадир. Қадриятлардаги тафовутлар - қундалик ижтимоий, ахлокий, меҳнат ва бошқа соҳалардаги ижтимоий низоларда муайян роль ўйнайди. Америкалик машҳур олим Л.Коузер ижтимоий низо деганда қадриятлар учун кураш ва маълум мавқе, ҳокимият, ресурсларга даъвогарлик қилиш ҳамда бу курашда қарама-қарши томоннинг нейтраллаштириш, унга зарар етказиш ёки уни четлатиш учун ҳаракат қилишини назарда тутди. У низони кўпроқ ижтимоий нуқтаи назардан очиқ беради. Л.Коузер нуқтаи назарича, низони моҳияти турли ижтимоий гуруҳларнинг қадриятлари ва манфаатлари тўқнашувидан иборат. Кўпинча кўзга ташланадиган олди вазияти аслида ўтмишдаги *муносабатларда* тўпланиб қолган муаммоларнинг ифодаси бўлади. Шунинг учун ўтмишдаги муносабатлар ҳозирги кун ва ҳатто келажакка

бевосита таъсир кўрсатади ҳамда томонларнинг олға силжишларига ҳалал беради. Низога бевосита боғлиқ бўлмай, лекин у ёки бу низони туғдирувчи омиларга *кайфиятларни* киритиш мумкин. Бунга кичик оилавий жанжал ёки сихат-саломатлик билан боғлиқ жиддий низони мисол келтириш мумкин. Зиддиятларнинг кўпайиши кўпинча низонинг “юқори ёки ташки қисмлари” деб аталувчи кадрият, муносабат ва кайфиятлар атрофида учрайди. Низонинг “қуйи ёки пастки соҳалари”га маълумотлар, тузилиш (структура) ва манфаатлар киради. Низода маълумотлар, ахборотлар билан боғлиқ маълумотлар жиддий ҳаракатлантирувчи куч бўлиши мумкин: асоссиз хабар, маълумот йиғиш услубига нисбатан ишончсизлик, маълумотни баҳолаш услубларига нисбатан ишончсизлик, экспертлар баҳоларидаги турли-туманлик ва бошқалар низоларнинг келиб чиқиши ва кечишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Айрим низолар улар пайдо бўладиган структура ёки муҳит билан боғлиқ. *Структуравий муаммолар* кўпинча ресурслар тақчиллиги (пул, вақт ва одамларнинг етишмаслиги), мулоқот танқислиги ва ташкилий-бошқарув масалаларига бориб тақалади.

“*Манфаат* – (лат. interest – аҳамиятли, нафли бўлмоқ) индивид, оила, коллектив, синф, миллат, умуман жамият учун керакли объектив қимматни тавсифловчи тушунча” [2].

Манфаатлар – тўқнашаётган томонларнинг истак ва эҳтиёжларидир. Манфаатлар моддий, процедуравий, яъни бажариладиган иш тартиби ва психологик каби категорияларга бўлинади. *Моддий манфаатлар* бир томон кўпроқ нарсани талаб қилганида, иккинчиси эса камроқ (ёки ҳеч нарсасиз) бўлашади. *Процедуравий манфаатлар* низони ҳал қилиш жараёни билан боғлиқ. Томонлар ўзаро муносабатларни давом эттирадиган ҳолларда бу муносабатларни уйғун ривожлантирадиган ягона процедуравий манфаат юзага келади. *Психологик манфаатлар* одамларнинг ўз шаъни, кадр-қимматларини ҳис этишга эҳтиёжлари мавжудлиги билан боғлиқ.

Шундай қилиб, одамлар ўзларининг ноҳақлик ёки айбдор эканликларини эътироф этишлари жуда қийин, шунинг учун улар муаммони ўз кадр-қиммат, обрў-эътиборларини йўқотмайдиган усуллар орқали ҳал қилишга интилади. Низо, зиддиятни ижобий ҳал қилишнинг шундай йўлларида бири кечирим сўрашдир. Чунки бу кечиримни қабул қилувчи томоннинг психологик манфаатларини қондиради.

Хуллас, у ёки бу жараён субъектларнинг эҳтиёжига айланган тақдирда низо сабабига айланади. “*Эҳтиёж* – организм, инсон шахси, ижтимоий гуруҳ, умуман жамиятнинг ҳаёт фаолиятини сақлаб туриш учун зарур бўлган нарсаларга талаб, муҳтожлик. Назарий ва амалий иқтисодиётнинг фундаментал категорияларидан бири” [3]. Айнан шу ҳис субъект фаоллигини таъминлайди.

А.Маслоу назариясига кўра эҳтиёжлар бир-бири билан ўзаро иерархик равишда боғланган беш даражага бўлинади: “физиологик эҳтиёжлар, ҳавфсизлик ва ҳимояланганликка нисбатан эҳтиёж, ижтимоий эҳтиёжлар, ҳурмат-иззатга нисбатан эҳтиёж, ўз-ўзини намоён этиш эҳтиёжи” [4]. Ушбу эҳтиёжлардан бирортаси қондирилмаса низо юзага келиши мумкин.

Функционал ёндашувга кўра *биологик, ижтимоий* ва *олий эҳтиёжлар* ўзаро фарқланади. *Биологик* эҳтиёжлар очлик, чанқоқлик, жинсий истак ва бошқа физиологик (жисмоний) эҳтиёжларни қондиришни кўзда тутлади. Ҳавфсизлик эҳтиёжи (ўзи ва яқинлари ҳаёти учун қўрқув ҳис этмаслик, соғлиқ, ҳимояланганлик ҳисси) ҳам биологик эҳтиёж саналади. Биологик эҳтиёжларнинг асосий вазифаси шахснинг тур ва индивид сифатида яшамоғини таъминлашдир.

Жамиятга тегишли иззат-ҳурматга лойиқ эканлигини ҳис қилиш *ижтимоий эҳтиёжларни* пайдо қилади. Ижтимоий эҳтиёжларнинг асосий вазифаси муайян ижтимоий гуруҳга мансубликни, унда ўз ўрнини яратиш, атрофдагилар эътиборида бўлиш, севги воситасида ўзининг кераклилигини ҳис қилиш, ўзига ўхшаганлар орасида обрў-эътибор ёки ҳокимиятини яратишдир.

Олий эҳтиёжлар деганда ижодий-билувчилик (билиш, тушуниш, эплаш, олмоқ, тадқиқот, ниманидир яратмоқ), маънавий (ўз мавжудлиги ва ҳаёт маъносини англамоқ), ахлоқий ва эстетик эҳтиёжларни тушунамиз. Олий эҳтиёжлар ўз имкониятларини рўёбга чиқаришни ифодалайди ва инсоннинг ҳақиқий моҳиятини юзага чиқаради. Бу эҳтиёжларнинг мавжудлиги ва қондирилиши индивидни “инсонийлаштириш”га хизмат қилади. Мазкур эҳтиёжнинг мавжудлиги зарурат бўлса-да, лекин низонинг келиб чиқиши учун ҳамиша ҳам сабаб бўлавермайди. Агар эҳтиёжнинг қондирилиши бошқаларнинг манфаат, кадрият ва ҳис-туйғуларига дахл қилмаса (“тегиб кетмаса”) низо рўй бермайди.

Манфаат – субъектнинг объектга нисбатан анланган ва манфаатга асосланган муносабати бўлиб, индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг у ёки бу манфаатини қондириш воситасидир. Шунинг учун анланган эҳтиёж манфаат шаклида низо сабаби бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, ҳар қандай ижтимоий низонинг аниқ сабаби индивид, ижтимоий гуруҳ, ҳамжамят ва жамиятларда субъектлар ўртасида анланган манфаатларнинг ўзаро тўқнашувига бориб тақалади.

Низо сабаблари объектив ва субъектив бўлиши мумкин. *Объектив* сабаблар одамлар, ижтимоий гуруҳлар, институт, ташкилотларнинг онги ва иродасига боғлиқ бўлмай, субъектлардан ташқаридаги омиларга бориб тақалади. *Объектив* сабаблар инсонга ҳос истак, хоҳиш, интилиш, кутиш каби субъектив омиларга таъсир қилиб, низо олди вазиятини пайдо қилади. Бу вазият реал ёки ҳаёлий, гоҳо инсон томонидан атайлаб ўйлаб топилган баҳона ҳам бўлиши мумкин. Нисбатан кенг тарқалган объектив сабабларга моддий ва маънавий манфаатларнинг тўқнашувини, меъёрий-ҳуқуқий базанинг бўшлигини, моддий ва маънавий фаровонлиқнинг йўқлигини мисол келтириш мумкин. *Субъектив сабаблар* – объектив сабабларнинг ифодаси ва субъектлар томонидан талқин этилишидир. Уларга одамлар манфаати ва жамиятдаги юриш-туриш қоидалари ўртасидаги

зиддиятларни; турли субъектлар орасидаги бир хил манфаатларни; турли субъектларнинг ўзаро зид манфаатларини, бошқалар манфаатлари, ниятлари, хатти-ҳаракатларини нотўғри тушуниш боис ўзи ва атрофдагиларни хавф-хатарга қўйиш кабиларни киритиш мумкин. Одатда, муайян бир низонинг объектив ва субъектив сабабларини аниқ чегаралаб кўрсатиш қийин. Субъектив сабаблар асосан, объектив бўлиши мумкин. Масалан, тажовузкор шахс одатда тажовузкор муҳитда шаклланади. Шундай қилиб, социал низолар нафақат объектив сабаблар, балки одамлар психологиясидаги ўзига хосликлар натижаси ҳамдир. Мунозаранинг кечиши алгоритми объектив ва субъектив сабабларга кўра қуйидаги тартибда намоён бўлади: объектив сабаб пайдо бўлиши туфайли иштирокчиларнинг руҳий мувозанати ишдан чиқади – шахс ўз манфаатларини амалга оширишга қодирлигини йўқотади – психологик ҳимоя механизмлари ишга тушади – низода қатнашувга ундовчи шахсий сабаблар пайдо бўлади ва ниҳоят конфликт рўй беради.

Ижтимоий-психологик хусусиятга эга низоларнинг сабаблари кўпинча: - шахслараро ва гуруҳлараро мулоқотлар жараёнида ахборотнинг сезиларли даражада йўқотилиши ёки ноҳис талқин қилиниши; -индивидлар эгаллаган мавқедаги нотенглик; - муаммо ечимига нисбатан турлича ёндашувларни қўллаш ўзаро тушунмовчиликларни келтириб чиқаришини тан олмаслик; - бир-бирининг фаолияти натижаларини баҳолашнинг турли усуллари танлаш билан боғлиқ бўлишини тан олиш зарур.

Роль зиддияти алоҳида мунозара мавзусидир. Э. Берн назариясига кўра ҳар бир инсон ўз хатти-ҳаракатлари жараёнида муайян ролни бажаради. Конкрет вазият тақозосига кўра инсон умри давомида ҳар хил ролларни бажариши мумкин. Ким биландир у – дўст, кимлар учундир – бошлиқ, кимларгадир нисбатан эса – бўйсунувчи. Низонинг келиб чиқиши одатда раҳбар ва унинг қўл остидаги шахслар (ота-она ва фарзандлар, катта ва кичик) ўртасида яққолроқ кўзга ташланади.

“Трансактив таҳлилга кўра роллар уч асосий гуруҳга бўлинади: *бола*, *ота* ва *катталар*: бола ўз ҳис-туйғуларини намоён қилади (араз, кўркув, айбдорлик ҳисси), бўйсунди, ўз норозилигини кўрсатади, “Нима учун мен?” каби саволлар беради, танқидга жавобан кечирим сўрайди; *ота* талаб қилади, баҳолайди (танқид қилади ёки маъқуллайди), ўргатади, раҳбарлик қилади, ҳимоя қилади; *катта* маълумот устида ишлайди, таҳлил қилади, вазиятни аниқлайди, тенг шароитда музокара ўтказиши, ақл ва мантикка таянади. Шундай қилиб, *боланинг* позицияси “Мен шундай хоҳлайман!”, *отанинг* позицияси “Мен айтгандек бўлиши керак!”, *каттанинг* позицияси эса “Хоҳлайман” ва “Керак”нинг интеграциясидан иборат бўлади” [4]. Масалан, раҳбар ўз бўйсунувчиси билан мулоқотда унга нисбатан ўзини катта ёки бошлиқ сифатида тутди. Агар бўйсунувчига ролларнинг бу тарика тақсимланиши мақбул экан, у ўзини ёш ҳис этади ва ролларнинг бундай мувозанатлашганлиги узоқ вақт низосиз ишлаш имконини беради. Бироқ, ўзаро муносабат қатнашчилари бир хил ролни талаб қилиш ҳоллари учрайди. Бу номувофиқлик ролга оид дисбаланс муҳитини келтириб чиқаради.

Ҳозирги замоннинг энг асосий ижтимоий-психологик муаммоларидан бири бу “*ижтимоий кескинлик ёхуд таранглик*”дир. Илмий адабиётларда “*ижтимоий кескинлик*” янги бир ижтимоий жараён сифатида XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб жамиятнинг кризисли ҳолати тушунча сифатида ишлатилиб келинмоқда. Америкалик сиёсатшунос К.Райт ижтимоий кескинлиكنинг умумий тавсифини, унинг зиддият билан боғлиқлигини кўрсатиб берган. “Унинг ёзишича, социал кескинлик ёмон иллатлиги ва унинг йўқ қилиб ташланиши кераклиги ҳақидаги тасаввурдан йироқ туришимиз зарур. Ижтимоий кескинлик уруш оқибатида келиб чиқмаган, лекин уни келтириб чиқарадиган омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”. *Ижтимоий кескинлик* – ижтимоий низоларнинг асосий субъектларига хос бўлган ҳис-туйғу, кайфият, қараш, тафаккур, хулқ-атвор ва руҳий ҳолатдир.

Ижтимоий кескинлик механизми ёпиқ, очиқ хусусиятга эга: иқтисодиётнинг қоникарсиз аҳволи турмуш даражасининг пасайишига, бу эса аҳоли норозилигининг кучайишига олиб келади. Натижада иш ташлашлар рўй бериб, ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб кетади. Ижтимоий кескинлик ижтимоий зўриқиш натижаси бўлиб, қуйидаги кўринишларда намоён бўлади: - Аҳоли муайян қатламларининг турмуш шароити пасайиши шароитида ўсиб бораётган кимматчиликка *жисмоний жиҳатдан мослаша олмаслиги*, яъни, жисмоний “дезадаптация” социал-демографик вазиятни оғирлаштиради ҳамда ўлим сони, шунингдек, бир қатор оғир касалликларнинг ўсишига олиб келади: - *Психофизиологик дезадаптаци* аҳолининг англамаган оммавий руҳий ҳолати (хавотирлилик, агрессия ва апатия каби компенсаторлик реакциялари)да намоён бўлади: - *Ижтимоий-психологик дезадаптаци* аҳоли айрим қатламларининг ўзаро муносабатларидаги низоларда кузатилиб, у сиёсийлашувнинг кучайиши, иш ташлашлар, қоникмаслик, умидсизлик, миграция, эмиграцияга ҳамда жиноятчиликнинг авж олишида кўзга ташланади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ижтимоий кескинлик функционал жиҳатдан икки вазифани бажаради: *биринчиси*, деструктив, яъни бузғунчи хусусиятга эга бўлиб, давлат, иқтисодиёт, ҳокимият ва индивиднинг бузилишига, айнишига олиб келади; *иккинчиси* қийинчиликларни бартараф этиш учун кучларни уюштиришга қаратилган конструктив хатти-ҳаракатларда кўзга ташланади. Ижтимоий кескинлиكنинг ҳар бир даражасига хос хусусиятларни аниқлаш учун қатор мезонлардан фойдаланиш лозим:

- *Жамиятнинг ижтимоий аҳолидан аҳолининг норозилик даражаси*, унинг йўналишлари ва акс этиш шакллари (норозиликнинг ҳиссий даражаси, иқтисодий ва сиёсий талаблар); - *Оммавий ахборот воситалари*, жиноий тузилмаларнинг ижтимоий тарангликка нисбатан таъсири; - *Мухолифатнинг уюшқоқлик даражаси* (бирлашган партия ва ҳаракатларда умумий дастурий мақсад ва ягона лидерни илгари суришнинг мавжудлиги. Ижтимоий кескинлик ва унинг даражасини аҳоли, ҳокимият, мухолифат, оммавий ахборот воситалари, жиноий уюшмалар хулқи йўналишини таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин. Ижтимоий кескинлик даражасини

аниклаш учун қатор индекслар ишлаб чиқилган. Улар ёрдамида ижтимоий кескинликнинг айрим жиҳатларини сонлар воситасида ифодалаш мумкин. Ижтимоий кескинликнинг умумий сабаблари ичида иқтисодиёт, ҳокимият ва жамият соҳаларидаги кризислар алоҳида ўринни эгаллайди. Ижтимоий кескинликнинг ташқи омиллари жаҳон иқтисодиётининг ҳолати, экология, халқаро хавфсизлик каби ташқи шарт-шароитлар билан боғлиқ. Ички омиллари эса миллий иқтисодиёт, ҳокимият ва жамиятдаги вазият билан узвий алоқадор.

Таъкидлаш зарурки, ижтимоий кескинлик аввало экологик характерга эга. Корхоналардан бирида пайдо бўлган кескинлик бутун минтақага осонликча тарқалади. (Корхонадаги иш ташлаш бутун шаҳарда кескинликни кучайтириши, бир шахтадан иккинчи шахтага ўтиши мумкин). Шу боис ижтимоий кескинлик ўчоғи динамик характер касб этишини эътиборда тутиш лозим. Ижтимоий кескинлик ўчоқларининг қанча муддат мавжуд бўлиши уларни келтириб чиқарган сабабларнинг стихияли ёки аввалдан кўзланган мақсадлигига, ҳокимият позицияси ва ҳаракатларининг самарадорлиги ва бошқа қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Низоларни келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик сабаблардан яна бири – депривация, яъни субъектнинг манфаатлари ва у қутган орзу-умидлари билан реал ҳаётда уларни амалга оширишнинг аниқ имкониятлари ўртасидаги тафовутлардир. Бу ҳолат кўпинча даромад, таълим, уй-жой, тиббий хизмат ва бошқа ижтимоий неъматларга эғалик қилишдаги тенгсизликда кўриниб қолади. Ижтимоий зиддият атроф-муҳитга ҳам аниқ таъсир кўрсатади. Бу ҳолда унинг *конструктив ҳаракатлари* қуйидагиларда ўз ифодасини топади: - ташкилотдаги жамоавий фаолият самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади; - жамоатчилик фикри, жамоавий кайфият, ижтимоий кўрсатмаларни “даволаб”, уларга ижобий импульс беради; - шахслараро муносабатларни мақбул йўналишга солади, яъни оптимизациялайди.

Шундай қилиб, ижтимоий низоларни келтириб чиқарувчи манбаларни ракиблар манфаатлари асосан қайси масалаларда ўзаро зид келиб қолганлигидан қидирмоқ керак. Шу билан бирга низо қатнашчилари ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилиб чиқишлари низога сабаб бўлишини унутмаслик керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Coser L. A. The Functions of Social Conflict. – London: Free Press, 1956. - P. 8.
2. Философия луғати. - Тошкент, 1976. 282
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. - Тошкент, 2013., 281-б.
4. Ратников .В.П. Конфликтология. - Москва, 2012., 136-б.
5. Хўжанов Б.А. Конфликтология асослари., - Тошкент, 2013.

Резюме. Мақалада жамийетлик қарама-қарсылықлардың келип шығыуы себеплери, оларды келтирип шығарыушы факторлар, алымлардың социаллық қарама-қарсылықлары ҳақындағы көз-қараслары үйренилген.

Резюме. В статье отражены причины возникновения социальных конфликтов и дан сопоставительный анализ взглядов ученых о факторах социальной напряженности.

Summary. The article reflects the causes of social conflicts, researchers have studied the causes of social conflicts.

Таяныш сөзлер: қарама-қарсылықлар, мүнәсибетлер, информация, дезадаптация.

Ключевые слова: социальные конфликты, отношения, информации, дезадаптация.

Key words: social conflicts, relationships, information, maladaptation

ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ХУҚУҚИЙ БЕЛГИЛАРИ

Хомидов Э.О.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, шунингдек, халқаро ижтимоий муносабатларнинг ҳаётимизга интеграциялашув жараёнлари, бугунги кунда қабул қилинаётган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар, ижтимоий – иқтисодий ҳаётимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар шунчалик тез суръатлар билан ривожланиб, янгиланиб, ўзгариб бораётганлиги албатта ҳар бир соҳага ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Ушбу ўзгаришлар натижасида олий таълим муассасалари бугунги кунда энг тез ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланиб, у ўзининг юқори илмий салоҳиятга эга бўлган кадрлари ва тадбиркорлик фаолиятининг истиқболли кўринишларига эга. Ҳар бир соҳада юқори натижага эришиш учун, замон талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишда энг аввало олий таълим муассасаларининг ўрни муҳим ҳисобланади. Олий таълим муассасаларининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақомини аниқлаштириб олиш ва илмий жиҳатдан асослаб бериш, унинг ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан ўзаро тенг алоқаларга киришишини, таълимни ривожлантиришни ва келажақда халқаро таълим стандартларига интеграциялаш имкониятини янада ривожлантиради. Шунингдек, олий таълим муассасаларининг ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатидаги мақомини фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан таҳлил қилишнинг долзарблиги ҳам шундан иборатки, “Таълим маҳсулотлари ва хизматларига бўлган талаб ва тақлифлар ҳажми, айниқса олий таълимда, дунёнинг энг жадал ривожланаётган мамлакатларида йилига 10-15%гача тезлик билан ўсиб бормоқда [1, 387]”.

Таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунчиликда олий таълим муассасаси тушунчасининг таърифи берилмаган. Аксинча, қонунчилик олий таълим тизимининг босқичлари: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага бўлиниши ҳамда таълим муассасаларини аккредитациядан ўтказишга оид айрим умумий қоидалар белгиланган,

холос. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги 464-I-сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида олий таълим муассасалари борасида муайян қоидалар назарда тутилмаган. Олий таълим муассасаларнинг юридик шахс сифатида ҳуқуқий мақомини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишда, аввало олий таълим муассасаси ва олий ўқув юрти тушунчалари ўртасидаги фарқни аниқлаштириш лозим бўлади. Олий таълим муассасаси-юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайдиган университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларидан иборат бўлган олий ўқув юрти саналади. Олий ўқув юртлари - халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг турли тармоқлари учун малакали мутахассислар, илмий ва педагог кадрлар тайёрлаб беришга йўналтирилган ўқув муассасалари [2, 18]дир. Фикримизча, олий ўқув юртларига берилган ушбу таъриф бирмунча соддароқ кўринишга эга тушунча бўлиб, унинг имкониятларини тўлиқ очиб бера олмаган ва олий таълим муассасасига берилган таъриф, муассасанинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этилиши асосларини чеклаб қўйган. Чунки, ҳар қандай муассаса, ташкилот ва корхона ташкил этилганда энг аввало унга ҳуқуқий жиҳатдан баҳо берилиб, таърифи келтирилиши лозим.

А.В.Краснобрыжий ушбу таърифни ҳозирги кунда кенг тарқалган тушунча сифатида эътироф этиб, М.Н. Суровцеванинг фикрини таҳлил қилади. Унинг фикрига кўра олий таълим тушунчаси янада кенгрок тавсифланишини айтиб, ўз қарашларини илгари суради: “Олий ўқув юрти- давлат таълим стандартларига мувофиқ лицензияга асосан илмий фаолиятни амалга оширадиган, юридик шахс мақомига эга бўлган муассаса, шунингдек, қонун ҳужжатларига, низомларига ва муассаса уставига зид бўлмаган даромад келтирувчи фаолиятни амалга оширувчи ташкилотдир [3]”. Олий ўқув юртига берилган таърифлардан А. В. Краснобрыжийнинг фикрига қўшилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ҳам ушбу тушунчалар ўз ифодасини топганини кўришимиз мумкин.

Муассаса - бу мулкдор томонидан бошқарув, ижтимоий, маданий ва ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни амалга ошириш учун тузиладиган ташкилотдир. Қонун чиқарувчи муассасанинг фаолияти мулкдор томонидан тўлиқ ёки қисман молиялаштирилишини аниқ белгилаб қўяди. Асосий фаолияти ноишлаб чиқариш соҳасига тааллуқли бўлган нотижорат ташкилотларнинг ушбу тури икки типда бўлади: бу давлат ва хусусий муассасалар. Умумий қоидага кўра, давлат муассасаларига бошқарув ташкилотлари, тиббиёт муассасалари, маориф, таълим ва маданият муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари кабилар қиради. Ушбу ташкилотлар, бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларидан ташқари, агар уларнинг таъсисчилари сифатида жисмоний ёки нодавлат юридик шахслар қатнашсалар хусусий ҳам бўлишлари мумкин. Масалан, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида хусусий болалар боғчаси, мактаб, музейларни тузиш ҳолатлари ривожланиб бормоқда.

Муассасанинг таъсис ҳужжати бўлиб, умумий қоидага кўра, фақатгина унинг Устави ҳисобланади, алоҳида турдаги муассасалар ваколатли органнинг фармойишига асосан ўз фаолиятини ташкил этади ва амалга оширади [5]. И.Б.Зокиров юридик шахс сифатида муассасалар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган фаолиятни, чунончи маъмурий идора этиш ёки ижтимоий-маънавий ишларни бошқаришни амалга оширишини, булар жумласига шифохоналар, олий ўқув юртлари, театрлар, суд-прокуратура ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотлар киришини таъкидлайди [6, 131]. Ўзбек тилининг изохли луғатида муассаса арабча сўз бўлиб-идора, корхона, ташкилот, институт тушунчаларини ўзида акс эттиради. Бунда хўжалик савдо-сотиқ ишлари ва шу кабиларнинг бирор бир соҳасини бошқарувчи ёки илмий, таълим-тарбия ишларини олиб боровчи белгили штат ва маъмуриятга эга бўлган ташкилот тушинилган [7]. Агар олий таълим муассасаларининг том маънодаги-араб тилидаги маъноси бўйича фаолиятини фарқлайдиган бўлсак, унда ҳозирги кундаги олий таълим муассасалари нафакат нотижорат фаолиятни, балки тадбиркорлик билан боғлиқ фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкинлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 76-моддасида таъкидланганидек, “бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади”. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунининг [8] 13-моддасида таърифланишича: “Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этилади”.

Муассасаларнинг ташкил этилиши борасидаги Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунининг 13-моддаси ва Фуқаролик кодексининг 76-моддасидаги тушунчаларни ҳуқуқий таҳлил қиладиган бўлсак, муассасалар тўғрисидаги тушунчаларда бирхиллик мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин. Жумладан, мазкур нормаларнинг мазмуни солиштирилганда муассасалар тўғрисида бир-бирини истисно қилувчи қуйидаги қоидалар мавжудлигини кўришимиз мумкин: - Фуқаролик кодексида муассасалар бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкил этиладиган ташкилот эканлиги белгиланган бўлса, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунда эса фақат ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида тузиладиган ташкилот эканлиги- эътироф этилади. Ушбу нормада, нотижорат ташкилотларнинг бошқарув вазифаси назарда тутилмаган; - Фуқаролик кодексида муассасаларни ташкил этиувчи субъект сифатида давлат ҳам бўлиши мумкинлиги назарда тутилса, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунда муассаса фақат жисмоний ва юридик шахслар томонидан ташкил этилиши

белгиланган; - “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддаси мазмун-моҳиятидан шундай тушунча англашиладики, муассаса нодавлат ташкилот ҳисобланса, унда давлат органлари ва муассасалари ҳисобланган суд-прокуратура, ички ишлар, божхона, солиқ, таълим, соғлиқни сақлаш кабиларни муассаса сифатида эътироф этаолмаймизми деган нотўғри қарашлар келиб чиқиши мумкин.

Фикримизча, амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатларида муассасалар нотижорат ташкилотлар эканлиги тўғрисидаги тушунчалар баҳсли бўлмаса да, уларни нодавлат ташкилоти, дея эътироф этиш анча ноаниқ. Бу ҳолат муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми ва қандай ташкилотлар муассасалар эканлигини аниқлашда ҳам анчайин қийинчилик туғдиради. Бу ўринда хорижий давлатларнинг муассасалар тўғрисидаги фуқаролик қонунчилигини таҳлил қилиш муаммони анчагина ойдинлашишига олиб келади. Масалан, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг [9] 120-моддасига назар ташлайдиган бўлсак, муассасалар бошқарув, ижтимоий-маданий ва тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида Россия Федерацияси, Россия Федерацияси субъектлари, муниципал органлар, фуқаро ва юридик шахслар томонидан ташкил қилиниши ва улар нотижорат юридик шахс эканлигини тушунишимиз мумкин. Озарбайжон Республикаси Фуқаролик кодексининг [10] 54-моддасида эса муассасалар бошқарув, ижтимоий-маданий ва тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида фақат юридик шахслар томонидан ташкил этиладиган ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган ташкилот эканлиги белгиланган. Ушбу давлатлар қонунчилигида муассасалар турлича ҳуқуқий мақомга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида муассасалар давлат ва хусусий шаклларга ажратилмаган бўлсада, юридик адабиётларда муассасаларни давлат муассасалари ва хусусий муассасалар тарзида талқин қилинишини кўришимиз мумкин. Бу ҳақда академик Ҳ.Раҳмонкулов “муассаса” тушунчаси у мулкнинг қайси шаклига асосан ташкил этилганидан қатъи назар, бир хил маънода, қонунчиликда, агар муассаса хусусий мулкка асосланган бўлса, у фақат “муассаса”, давлат мулкига асосланганда эса, “давлат муассасаси” атамалари билан ифодаланишини таъкидлайди [11, 150]. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, муассасалар борасидаги тушунчалар фуқаролик қонун ҳужжатларида аниқ ва батафсил ифодаланмас экан, муассасалар тўғрисидаги қонун нормаларидаги мавжуд бир-бирига номувофиқ қоидалар турли англашилмовчиликларни келтириб чиқараверади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил “01” июль 257-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Давлат олий таълим муассасининг намунавий уставида” ҳам олий таълим муассасининг тушунчаси ифодаланмаган. Бироқ мазкур Намунавий уставнинг 2-бандида “тегишли ОТМ (олий таълим муассасаси) давлат олий таълим муассасаси ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча (ёки фақат асосий) таълим Дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-педагогик ва илмий-методик, шунингдек бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади” – деб белгиланган, ҳолос.

Юқорида таъкидланганидек, ОТМ юридик шахс ҳисобланади ва юридик шахс сифатида ўзининг ҳуқуқий белгиларига эга бўлиши лозим. Хусусан, Намунавий низомнинг 4-бандида белгиланишича, ОТМ юридик шахс ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Юридик шахс тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддаси 1-қисмида назарда тутилган бўлиб, унга биноан ўз мулкда, хўжалик юретишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, олий таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақоми аниқлаштириб олиш ва муассаса борасидаги тушунчаларнинг қонунларимизда бирхиллаштирилиши, бу нафақат олий таълим каби муассасаларнинг, балки, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларнинг ҳам фуқаролик ҳуқуқида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллашига имкон беради. Шунингдек, олий таълим муассасаларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокини ва бошқа субъектлар билан алоқаларда ҳуқуқларини мустаҳкамлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Набиуллин Т.Р. Особенности развития вуза как субъекта предпринимательской деятельности <https://cyberleninka.ru/journal> 2013 г. стр. 387.
2. www.ziyouz.com кутубхонаси “О” харфининг Энциклопедияси 118-б.
3. Краснобрыжий А. В. Доходная деятельность высших образовательных учреждений // Молодой ученый. — 2015. — №5. — С. 280-283. <https://moluch.ru>.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I-жилд. - Тошкент: “Vektor-Press” нашриёти, 2010. – 212-б.
5. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: I қисм. Дарслик. -Тошкент: ТДЮИ, 2006. - 131-б.
6. www.ziyouz.com кутубхонаси. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадалиев таҳрири остида.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги 1999 йил 14 апрель қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. - 1999. - № 5. - 115-м; 2004. – №5. - 90-м.
8. Гражданский кодекс Российской Федерации. Части первая и вторая. – М.; «Новая Волна», 1996. – 1450.
9. Гражданский кодекс Азербайджанской Республики //Азербайджанский юридический портал [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.lex.justice.md. свободный. - Загл. с экрана. - Яз. Рус
10. Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари: Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2008. - 150 б.

Резюме. Мақалада жоқары билимлендириў мәкемеси түсиниги юридикалық шахс сыпатында қаралып, мәкеме сөзиниң этимологиясы берилген. Сондай-ақ, жоқары билимлендириў мәкемелериниң юридикалық шахс сыпатындағы белгилери, сырт ел пуқаралық ызымшылығында мәкемелерге берилген тәриплер ҳәм миллий ызымшылығымызда мәкемелерге тийисли түсиниклер үйренилген.

Резюме. В статье проанализированно понятие вуза как юридического лица, дано этимологическое происхождение слова “учреждение”. А также изучены признаки вуза как юридического лица, и тарифы на учреждение в Законе гражданского права зарубежных государств и понятия, касающиеся учреждений в национальном законодательстве.

Summary. This article discusses the etymological and legal analysis of the notion of higher education institutions as a legal entity. And as well as marks of high education institutions as legal entities issued to institution of jurisdictions in foreign countries. And also high definitions and concepts related to institutions in our national law.

Таяныш сөзлер: жоқары билимлендириў, мәмлекетлик емес, исибилерменлик емес шөлкемлер, юридикалық шахслар.

Ключевые слова: высшее образование, учреждение, негосударственные и некоммерческие организации, юридическое лицо.

Key words: higher education, institution, non-governmental non-commercial organizations legal entity.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ЕЧИМИДАН МАНФААТДОРЛИГИ: ТОЛЕРАНТЛИК, МУРОСА, ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Қабулов Қ.П

Урганч давлат университети

Умуман, фалсафа фанининг ҳамма соҳаларида, хусусан ижтимоий фалсафада жамият борлигини, ижтимоий ҳодисалар мавжудлиги ва ривожланиш қонуниятларини “*муносабат*” *категорияси контекстида қараш*, асосий тамойил ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, “толерантлик” тушунчасининг мазмунини ҳам ижтимоий муносабат (табиатдаги “толерантликни” табиий танланиш) шакли сифатида қараш керак.

“Толерантлик” тушунчаси мазмуни (лотинча *tolerantia* – сабрлилик, тоқатлилик деган маънода ишлатилиб, том маънода фақат жамиятга хос), тор маънода – ўзга ҳаёт тарзига, нуқтаи назарларга, ғояларга, дунёқарашларга, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларга ва эътиқодларга нисбатан бағрикенглик билан муносабатни англатади [1, 89].

Фалсафий адабиётларда кенг маънода, толерантлик: а) бошқа миллат, элат, ирқ (умуман, этнодемографик ижтимоий борлиқ субъектларининг ментал хусусиятларига), одамлар турмуш тарзи, ҳуқуқи, урф-одати, ҳиссиёти, фикри, ғояси, эътиқодига (эмоционал-психологик ва мафкуравий позициясига) чидамлилик ва тоқат билан (табиий ҳодиса сифатида) ёндашувни; б) айрим индивидуал мақсад ва манфаатларга мос бўлмаган ҳодисаларга бағрикенглик ёки “*ижобий конформистик*”) муносабатда бўлиш ва баҳолашни; в) шахс ва жамиятнинг, муайян салбий ҳодисаларга нисбатан (маънавий-ахлоқий нормалар, қонуний меъёрлар доирасида) кечиримли бўлиш ҳислати ва фазилат-тини ифодаловчи фалсафий тушунча сифатида фойдаланилади. [2,278] БМТ томонидан қабул қилинган “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”да, унинг нисбатан умумий ва мукаммал таърифи берилган. Унга кўра, “Бағрикенглик бу – хилма-хилликдаги уйғунликдир” [3].

Толерантлик ҳодисасининг тарихий илдизлари, ретроспектив асослари жамият тараққиётининг дастлабки босқичларида: меҳнат тақсимоли, мулккий тенгсизлик, кишини киши томонидан эксплуатация қилиниши, ҳудудий ва этник зиддиятлар кескинлашуви даврига тўғри келади. Бундай шароитда, инсониятнинг яшаб қолиш табиий инстинкти толерантлик ҳодисасига умумин-соний эҳтиёжни, тарихий заруриятни келтириб чиқарган ва инсон маънавий ҳаётининг таркибий қисмига айланган.

Инсоният тарихида мутафаккир-файласуфлар толерантлик ҳодисаси билан боғлиқ маънавий-маданият кадриятларининг функционал аҳамиятини ижтимоий борлиқ, кишилиқ жамияти барқарор тараққиётини таъминлашда энг инсонпарвар омили эканлигини асослаб бердилар. Зеро, толерантлик–ижтимоий муносабатларни ташкиллаштириш ва бошқаришда маънавий-ахлоқий кадриятларнинг гуманистик моҳиятини, қолаверса жамиятнинг демократик характерини белгилайдиган мезонга айланган.

Инсон фазилатлари таркибида, унинг мавжудлиги ва ривожланишини таъминлайдиган объектив шарт-шароитлар билан субъектив омиллар бирлиги – толерантлик томонларининг (объекти ва субъекти) манфаатлари уйғунлигида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, манфаатлар умумийлиги, толерантликнинг мотиви ва ҳаракатлантирувчи механизмини ташкил қилади.

Халқаро ҳамжамиятнинг этник муносабатларида: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, конфессионал зиддиятлар глобаллашуви олдини олиш, салбий оқибатларини бартараф қилишнинг толерантлик тамойилига асосланиши, миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш заруриятидан келиб чиқади. Бунинг иккита муҳим шарт бор, яъни: *биринчиси* – ўзини-ўзи сақлаб қолиш ва ривожланишга интиладиган онгли индивидларнинг ижтимоий муносабатлари тизимидан ташкил топган жамият бўлиши; *иккинчиси* – инсониятнинг ҳаёт тарзини ташкиллаштиришга мутасадди институционал тизими ва уларнинг интегратив фаолияти зарур.

Бу шартларнинг ўзаро тақозоланган (корреляцион) бирлиги толерантлик тамойилини амалга ошириш самарадорлигини таъминлайди, унинг олий, мангу маънавий кадрият мақомини мустаҳкамлайди. Чунки толерантлик, барча соҳа ва даражалардаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар барқарор ривожланишида миллий

ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш омилигина бўлиб қолмай, конкрет инсон, жамият ривожланишининг умуминсоний мақсадларига, замонавий цивилизация талабига мувофиқ мезони ҳисобланади.

Мустақил республикамизда олиб борилаётган давлат ички ва ташқи сиёсати замида, барча ижтимоий-сиёсий муносабат субъектлари тенг ҳуқуқлилигини, кишиларнинг шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш, моддий фаровонлигини, маънавий камолотини таъминлаш, умуминсоний манфаатларга ҳурмат билан ёндашишда толерантлик тамойилига асосланиш вазифаси ётади. Зеро, Президент Шавкат Мирзиёев таклифи билан 2017 йилни: *“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”* деб аталишида чуқур маъно-мазмун бор.

Толерантлик тамойилининг миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш функцияси самарадорлиги, унга мазмунан ёндош ва тамойил мақомига эга бўлган: *“Ўзаро мурося”, “халқаро ҳамкорлик”, “ижтимоий шерикчилик”* каби ҳодисалар билан интегратив алоқаларига боғлиқдир. Зеро, бу тушунчалар мазмуни мустақилликка эришган халқларнинг: этнодемографик таркиби, иқтисодий аҳволи, сиёсий позицияси, ижтимоий мавқеи, конфессионал мансублигидан қатъи назар миллий ўзлигини англаши, жамият аъзолари ўртасидаги бирлик, боғлиқлик, алоқадорликни (мақсад ва манфаатлар умумийлигини) ифодалайди.

21. Снесарев Г.П. К вопросу о происхождении праздника суннат-той в его среднеазиатском варианте // Занятия и быт народов Средней Азии. – Л.; «Наука», 1971.
22. Толеубаев А.Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов. – Алма-ата: «Гылым», 1991.
23. Хамидов Х, Шаниязов Ж., Термингеайлангандинийдәстүрлер, үрп-әдетлер // Вестник ККО АН РУ. 2000. №1.
24. Фишштейн Л.А. О некоторых обычаях и поверьях, связанных с рождением и воспитанием ребенка у узбеков Южного Хорезма // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. – М.; «Наука», 1978.
25. Фрезер Дж. Дж. Золотая ветвь. – М.; «Политиздат», 1980.
26. Шәлекенов У.Х. Казахи низовьев Амударьи. – Ташкент, «Фан», 1966.
27. Ягодин В.Н., Ходжайов Т.К. Некрополь древнего Миздахкана. – Ташкент: «Фан», 1970.
28. Полевые материалы автора № 11. Экспедиция в город Ходжейли, март 2014 г. (информант - Аўезова Пердегул. 1955 г.р.).
29. Полевые материалы автора № 13. Экспедиция в город Ходжейли, март 2014 г. (информант-Файзуллаева Айша. 1955 г.р.).
30. Полевые материалы автора № 14. Экспедиция в город Ходжейли, март 2014 г. (информант-Аллаўадинова Клара. 1941 г.р.).
31. Полевые материалы автора № 43. Экспедиция в город Ходжейли, июль, 2014 г. (информант-Тилеўбаева Бийбажар. 1940 г.р.).
32. Полевые материалы автора №57. Экспедиция в город Ходжейли, август 2014 г. (информант – Матназарова Кутлыбийке. 1944 г.р.).
33. Полевые материалы автора № 60. Экспедиция в город Ходжейли, август 2014 г. (информант – Жаксымов Хамидулла. 1927 г.р.).

Резюме. Мақала Хожели қаласында жасаушы миллетлердің шаңарақта өткерилетуғын дәстүрлерге арналған. Көрсетіп өтілген этнографиялық мағлұматларда ислам хәм ислам динине тийисли болмаған диний исенимлер келтирилген.

Резюме. Мақола Хўжайли шаҳрида яшовчи миллатларнинг оилада ўтқариладиган маросимларга бағишланган. Кўрсатиб ўтилган этнографик маълумотларда ислам ва ноисламий диний тасаввурлар қайд этилган.

Резюме. Статья посвящена семейным обрядам, бытующим среди населения города Ходжейли. В приведенных этнографических материалах анализируются религиозные верования и представления как исламские, так и неисламские.

Summary. The article is devoted to family ceremonies conducted among the population of the city of Khojeyli. The ethnographic materials cited analyze religious beliefs and beliefs, both Islamic and non-Islamic.

Таяныш сөзлер: диний исеним, шаңарақ маресимлери, жергиликли халықтың дәстүрлери.

Таянч сўзлар: диний эътиқод, оила маросимлари, маҳалий аҳоли маросимлари.

Ключевые слова: религиозные верования, семейная обрядность, традиции коренного населения.

Key words: religious beliefs, family rituals, traditions of the indigenous population.

ЦИВИЛИЗАЦИЯ КАТЕГОРИЯСЫНА СОЦИАЛҢЫҚ-ФИЛОСОФИЯЛЫҚ АНАЛИЗ

Баймурзаев А.

Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Бүгинги күн социаллық философиясында цивилизациялық изертлеў усылының жетискенликлери хаққында көп сөз етилмекте, бирақ бул теорияның мазмун хәм мәніси хаққында еlege шекем бир тоқтамға келинбеген. Бир топар илимпазлар цивилизациялық изертлеў усылын формациялық изертлеў усылының адамзат жәмийеттиң бир сызыклы раўажланыў картинасына карама-қарсы хәр түрли регионлардағы локал цивилизациялардың өзине тәнлигин үстин қойыўға бағдарланған теория сыпатында түсиндиреди.[1] Екинши бир топар илимпазлар көз-қарасынан цивилизациялық изертлеў усылы жәмийет раўажланыўын мәдениетлық тийкарда анализлеўи теориясыпатында қарайды. Айырым илимпазлар болса, Батыста кең тарқалған

технократиялық бағдарлардың тәсирінде жәмийеттің рауажаланыуын техника хәм технологиялардағы өзгерістер тәсири жәрдемінде түсіндіріуіші тәлімат көринисінде сүүретлеуіге урынады.[2] Изертлеушілер арасында цивилизациялық усылды алдыңғы формациялық усылға альтернатива сыпатында емес, ал оны да өз ишине қамтуышы жәмийет рауажаланыуының өлшеми сыпатында адам еркинлигин алып қарайтуғын, хәр түрлі регионлардың өзине тәнлиги хәм олардың өз-ара байланысын есапқа алыуышы тәлімат сыпатында түсіндіреді [3, 24]. Бизлердің пикиримизше соңғы көз-қарас цивилизациялық изертлеу усылының жәмийет рауажаланыуын анализлеуіші теория сыпатында мазмұнын толығырақ сәулендиреді. Деген менен цивилизациялық изертлеу усылының мәніси бойынша бирден-бир қатаң келісімге келінбеген. Бул болса оның жәмийетті үйрениуіші пәнлерге методология сыпатында қолланылыуына кесент етип келмекте. Өз гезегінде буннан тек социаллық философия емес, соның менен бирге басқа социал-гуманитар пәнлер зыян көрмекте. Себеби системаға келтирилген қатаң методология илимий изертлеулердің бирлигин тәмийнлеуіге, олардың өз-ара билим алмасыуы, өз-ара толықтырыуына жәрдем береді. Тилекке қарсы елимизде цивилизациялық изертлеу усылының мазмұнын жарытыуға қаратылған изертлеулер жүдә аз.

Бизлердің пикиримизше цивилизациялық изертлеу усылының жәмийет рауажаланыуын анализлеуіші теория сыпатында бекемлениуіне кесент етип атырған жағдайлардың бири – цивилизация категориясының түсіниліуіне толық анықлық киритилмегенлиги. Бул түсиникке берілген анықлама цивилизациялық изертлеу усылы тәрәпинен жәмийет рауажаланыуына берилетуғын түсіндірменің улыуға бағдарын белгилеп береді.

Цивилизация түсинигінің келип шығыуына тоқталатуғын болсақ, бул терминнің бириншилерден қолланылыуын маркиз Мирабоның «Адамлардың дослары хәм жайласуы хакқында трактат» шығармасында ушыратамыз [3,28]. Бул жаңа терминнің өзегі ретінде Европада XVIесирден берли пайдаланылып келінген *civilizer*– сауатлы қылуы, ағартуы, қалалы қылуы феили пайдаланылады. Соңынан бул термин ағартушылық идеологиясының бағдарын сәулендиріуіші терминлердің бирине айналады. Бул термин менен ағартушылар өзлери жасап атырған «цивилизациялық» деп есапланған жәмийетті, өзлери хабардар болған басқа «жабайы» халықларға қарсы қояды. Демек дәслепки мәнісінде цивилизация «жабайылықтан» парыкланыуышы жәмийетлик дүзим мәнісин аңлатады.

XIX әсирге келип цивилизация категориясының түсіниліуінде бираз өзгеріске ушырайды. Енди ол «жабайылыққа» қарсы қойылмай, ал «рухый мәдениетке» қарсы қойыла баслайды. Бундай көз-қарастың басланыуын биз Вильгельм Гумбольдт пикирлерінде көриуимізге болады.[3,31] Оянуы дәуиринен баслап мәдениет – дәретиушілік, активлиқ, рухыйлық пенен байланыстырлған болса, оған қарама қарсы пассивлиқ пенен байланыссы мәдениетті сүүретлеу үшін XIXәсирдің ақырларына келип Германияда, соңынан басқа Европа елдерінде «цивилизация» түсинигі қолланыла баслады. Цивилизация түсинигінің бундай қаралуын биз Н.Я. Данилевскийдің «Россия хәм Европа» мийнетінде көриуиміз мүмкин.[4] Бул шығармада Батыс европа «өлип хәм ширіп баратырған материаллық цивилизация» сыпатында сүүретленеді, ал Россия өзінде «мәдениетті», рухты алып жүріуіші ел сыпатында көрсетиледі. Данилевскийдің көз-қарастың цивилизациялық изертлеу усылының жәмийет рауажаланыуын мәдениетлік өлшемде түсіндіріуіші тәлімат сыпатында түсіниліуіне тәсир етті.

Мәдениет хәм цивилизация түсиниклерінің кескин қарама-қарсы қойылыуын биз О. Шпенглер көз-қарастарында көриуиміз мүмкин. Ол өзінің белгилі «Европаның сөниуі» шығармасында адамзат тарийхында өмир сүріуіші жети түрлі мәдениеттар хакқында сөз етеді [5]. Оның пикиринше бул мәдениеттар бир-бирине байланыссыз, бир-бирине тәсир етпейді, сонлықтан бир мәдениет ишінде туып басқа мәдениеттарға баха беріуиміз қәте. Бирақ мәдениеттар арасындағы ұқсаслық олардың тәғдірінде көрнеді. Яғный хәр бир мәдениет хәр қандай организм сыяқлы туылыуы, жаслық, сөниу хәм өлиу сыяқлы басқышларды басып өтеді. Шпенглер өзі жасап атырған дәуірді Европа мәдениетінің соңғы - сөниу басқышы деп атайды. Мәдениеттің сөниу басқышының белгилері сыпатында рухқа салыстырғанда материаллықтың үстин келиуі, дәретиушіліктің пәсейіуі, мәдениеттің массалыққа айланыуы көрсетиледі. Усы мәдениеттің сөниу басқышын ол «цивилизация» - деп атайды. О.Шпенглердің бул мийнети жәмийетлик ойға үлкен тәсирин көрсетті, неокантшылар тәрәпинен мәдениет хакқында пәнлер менен тәбият хакқындағы пәнлерді қарама-қарсы қойуы, тәбиятты түсиніудің өзі мәдениетлік бахалықтарға байланыссы екенлиги хакқындағы ойларының рауажаланыуына жәрдем берді. Бирақ О.Шпенглер тәрәпинен ислеп шығылған тәлімат цивилизация терминінің унамсыз мәністе түсіниліуіне де тәсирин көрсетті. Ол тәрәпинен қолланылған цивилизация хәм мәдениет терминлері жәмийет рауажаланыуының бир пүтин процесс екенлигин бийкарлауға алып келеді. Хәр бир мәдениеттің, цивилизацияның өзине тәнлиги үстин қойыуды келтирип шығарады.

О. Шпенглер сыяқлы мәдениеттардың, цивилизациялардың өзине тәнлигин үстин қойыу бағдарында А.Тойнби көз-қарастары да қалыпкескен. Бирақ Шпенглер мәдениеттар, соның ишінде цивилизациялар тек ғана тәғдірлері ұқсас болып, олар бир бирине байланысы жоқ деп көрсеткен болса, Тойнби мәдениеттар бир-бирине тәсир ететуғынлығын, олардың байланыстарының бир пүтин жыйнағы адамзат тарийхының мазмұнын қурайтуғынлығын айтады.[6] А. Тойнби адамзат тарийхында өмир сүрген 21 цивилизацияны ажыратып көрсетеді хәм олардың бир-бирине тәсир етип «әкелик» - «балалық» байланыстарын көрсетеді. Онда Шпенглер сыяқлы мәдениет пенен цивилизацияны қарама-қарсы қойыу жоғалады. Тойнби цивилизация түсинигінің дәслепки XVIIIәсир ағартушылары тәрәпинен қолланылыуына жақын мәністе қолланады. Оның пикиринше цивилизация термини менен примитив жәмийеттерден парыкланатуғын, «шақырық»ларға өзінің шөлкемлесиуін жетилистиріу менен «жууап» қайтара алатуғын жәмийетлик бирліктерді белгилеуиміз

мүмкін. А.Тойнби көз-қарасларында цивилизация хәм мәдениет түсиниклери бир-бирине жақын мәниде қолланылады. А.Тойнбидің көз-қараслары да цивилизациялық изертлеу ұсылының раўажланыуына өзинің үлкен тәсирин көрсетті. Оның кең көлемлі «Тарихты үйреніу» (AStudyofHistory) атлы мийнети тәсиринде цивилизациялық ұсыл жәмийет раўажланыуында локал цивилизациялардың өзіне тәнликлерин үстин қойыушы тәлиймат ретинде түсинилиуін келтирип шығарды.

Хәзирги күнде түрлі әдебиятларда цивилизация түсинигине түрліше анықтамаларды ушыратыуымыз мүмкін. Айрымлары оны мәдениет түсиниги менен барабар қолланса, айрымлар регионлардағы қәлиплескен жәмийетлердің сыпатласы ретинде қолланады, сондай-ақ, тиккелей сөзлик мәнисте мәмлекетлик, пухаралық мәнисинде қолланылуларды да көриуимиз мүмкін.

Бурынғы Аўқамда цивилизациялық ұсыл бойынша изертлеулердің баслаушыларының бири болған М.А. Барг төмендеги анықтаманы ұсынады: «тарихый билиудің категориясы сыпатында алып қаралғанда “цивилизация”: бул, бир тәрептен өмирдің тәбийий тийкарлары менен, екінши тәрептен оның объектив тарихый шәрт-шараятлары менен белгиленетуғын, индивидлердің турмыс образында, олардың тәбият пенен, өзи сыяқлыыр менен қатнасында көринетуғын адам субъективлигиниң раўажланыу дәрежеси»[3, 35]. Оның пикиринше бул анықлама арқалы итибар жәмийеттің объектив шәрт-шараятларынан, усы шәрт-шараятларды дөретиушисине қаратылған. Ол бул анықлама арқалы цивилизация түсинигиниң формация түсинигине салыстырғанда кеңірек көлемді өз ишине алатуғынлығы көрсетип өтеди. Бирақ, бизің пикиримизше бул анықлама цивилизация түсинигиниң формация категориясынан кең қамраулылығын емес, ал формация категориясы сыяқлы жәмийет раўажланыуының бир аспектін – формациядан парықлы түрде, жәмийетлик раўажланыуда субъективликтиң көриниуін сәулендиреди. Бул арқалы М.А. Барг тәрепинен ұсынылған анықлама мәдениет категориясының мазмунына жақын келип қалады. Егер мәдениетті адамның биологиялық емес искерлик ұсылы сыпатында түсинетуғын болсақ. Мәдениет арқалы, яғный адамның биологиялық емес қәсийетлериниң көринип барыуы арқалы жәмийет раўажланыуының дәрежесине баха беріуимиз мүмкін.

Бизің елимизде де цивилизация категориясы мазмуны бойынша толық тоқтамға келинбеген. Философиялық энциклопедиялық сөзликте цивилизация түсинигине төмендегеше анықлама бериледи: «1) кең мәниде – саналы жанзатлардың өмир сүриуиниң қар қандай формасы; 2)мәдениет түсинигиниң синоними; 3)мәдениеттің уақыт хәм кеңісликте шегараланған тарихый типі; 4) жабайылық хәм жауызлықтан кейинги жәмийетлик раўажланыу типі.»[7, 298] Сөзликтеги мақала мазмунына келсек социаллық философиялық ой тарихында цивилизация бойынша көз-қарасларды санап өтиу менен ғана шекленгенлигин көриуимиз мүмкін.

Жоқарыда көрсетип өткениміздей, категорияның мазмунының толық түсинилмеуі оны қатаң илимий түсиник сыпатында, қала берсе методологиялық әхмийетке ийе категория сыпатында қолланыуын қыйынластырады. Бизің пикиримизше цивилизациялық изертлеу ұсылы жәмийет раўажланыуын анализлеуши ұсыл сыпатында қаралуы үшін цивилизация категориясының формация, мәдениет, конкрет жәмийетлик бирлесиклер сыяқлы, оған мазмуны жағынан жақын түсиниклерден парықланыушы, ең әхмийетлиси бул категорияларды да өзінде қамтыушы хәм бул арқалы жәмийет раўажланыуын біраз кеңірек анализлеуге мүмкиншилик беретуғын мазмун көрсетилиуі тийис. Бул талапқа бизің пикиримизше төмендеги анықлама сәйкес келеди: Цивилизация – бул, жәмийеттің социаллық шөлкемлесиу типі. Бул анықламаның үстинлик тәрепи жәмийет раўажланыуының тийкарғы мәниси көрсетилген. Социаллық шөлкемлесиу адамлардың тәбиятлық бирлесигиниң орнына келеди хәм бул арқалы жәмийеттің де, адамның да мазмуны жетилисип барыуын тәмиінлейди. Социаллық шөлкемлесиудің объектив шәрт-шараятлары сыпатында материаллық байлықларды өндириу ұсылы алып қаралса (формация түсиниги арқалы жәмийет раўажланыуына усы шәрт-шараятлардың тәсири көрсетилип өтиледі), ал жәмийеттің раўажланыуының өлшеми сыпатында адамның өзинің тийкарғы мазмунын ашыуына имканияттың жаратылуы алып қаралады (мәдениет категориясы арқалы тийкарынан инсан искерлигиниң усы тәрепи, яғный инсан субъективлигиниң көринип барыуы нәзерге алынады). Егер жәмийет раўажланыуын ұсындай кеңірек мәнисте алып қарайтуғын болсақ адамды жәмийет раўажланыуының хәм мақсети, хәм ұсылы сыпатында қарау мүмкиншилиги кеңейеди. Себеби формация түсиниги арқалы адам өндирис қатнасықларының жемси сыпатында қарау мүмкиншилигин берген болса да, бул теория адамның усы өндирилсик қатнасықларды өзгертиуі, оны жетилистириу механизмлерин түсиниуде эззилік ететуғын еди. Адам искерлигиниң бул тәрепи мәдениетта өз көринисин табады. Цивилизация түсиниги болса жәмийет раўажланыудағы бул еки тәрепти бирлестиріп жәмийеттің улыума раўажланыу бағдарын көрсетиуге хызмет етеди.

Цивилизация түсинигиниң локал жәийетлик бирлесиклер менен байланысына келетуғын болсақ. Әдебиятларда локал цивилизациялар деп аталатуғын жәмийетлик бирлесиклер өзлериниң регоналық өзгешеликлері тәсиринде өзіне тән өндирилсик тийкарда хәм оған байланыссы мәдениетлық дәстүрлер бойынша раўажланып барады. Цивилизация термини бул жәмийетлер арасындағы улыұмалықты, оның социаллық мазмунын сәулендиреди. Бунда бир регионның үлгиси өлшем етип алынбайды. Жәмийетлик раўажланыуы процессине нәзер таслайтуғын болсақ бундай улыұмалықтың, локал цивилизациялар арасында байланыслардың артып барыуын көрсек болады.

Жуұмақластырып айтатуғын болсақ цивилизациялық изертлеу ұсылы жәмийет раўажланыуын анализлеудеги шекленгенликлерди сапластыруға жәрдем беретуғын жәмийет раўажланыуын біраз кеңірек анализлеу имканиятын беріуши тәлиймат есапланады. Оның қурамындағы орайлық категория болған цивилизация категориясының анализи бул изертлеу ұсылы өзинен алдыңғы теориялардағы рационалық

дәнешелерди өзине қамтыўшы ҳәм жәмийет раўажланыўын полпарадигмаллық тийкарда анализлеўши усыл екенлигин көрсетеди.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Формации или цивилизации? (Материалы "круглого стола")// Вопросы философии. 1989. № 10. С. 36-37.
2. Крапивенский С.Э. Цивилизационный подход в концепции человека и проблема гуманизации общественных отношений изучение философской антропологии. -Волгоград. 1997.
3. Барг М.А. О категории "цивилизация" //Новая и новейшая история. 1990. №5
4. Данилевский Н. Я. Россия и Европа. –М., 2011.
5. Шпенглер О. Закат Европы. –М., 1998.
6. Тойнби А. Постигание истории. –М., 1990.
7. Фалсафа. Энциклопедик луғат. –Тошкент, 2010.

Резюме. Мақалада жәмийеттиң раўажланыўын үйрениўдиң цивилизациялық изертлеў усылының орайлық категориясына берилген анықламалар критикалық анализленген. Цивилизация жәмийеттиң социаллық шөлкемлесиў типі сыпатында алып қаралғанда жәмийетлик раўажланыўдағы көп түрлилик ҳәм олардың өз-ара байланысы туўры түсинилиўи мүмкинлиги жуўмақ етип көрсетилген..

Резюме. Мақалада жамият ривожланишини ўрганувчи цивилизациялик ғндашувнинг марказий категориясига берилган таърифлар танкидий тахлил қилинган. Цивилизация жамиятнинг ижтимоий ташкилланиш типі сифатида қаралиши жамият ривожланишидаги хилма-хиллик ва уларнинг ўз-ара алоқаси тўғри тушинилишига имконият беради деган хулоса келинган.

Резюме. В статье критически анализируются определения центральной категории цивилизационного подхода к изучению развития общества. Сделан вывод, что рассмотрение цивилизации как социальный тип организации общества позволяет правильно понять разнообразие и взаимосвязь производственных и культурных отношений в развитии общества.

Summary. The article critically analyzes the definitions of the central category of the civilizational approach to studying the development of society. It is concluded that the consideration of civilization as a social type of organization of society will allow properly understood diversity and interconnection in the development of society.

Таяныш сөзлер: цивилизация, формация, мәденият, жәмийет, жәмийет раўажланыўы, социаллық.

Таянчсўзлар: цивилизация, формация, маданият, жамият, жамият ривожланиши, ижтимоийлик.

Ключевые слова: цивилизация, формация, культура, общество, развитие общества, социальный.

Key words: civilization, formation, culture, society, social development, social.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Худойбердиев А.А.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдаги ҳозирги кунда олиб бораётган самарали ишлари натижасида республикамызда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда, бу эса ўз навбатида мамлакатимизда демократик ислохотларни давом эттириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга имкон яратади. Ҳукуки муҳофаза қилувчи органларни жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги барча ҳаракатлари аввалом бор Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари асосида бўлишини таъминлаш лозим. Республикамызда ҳар йили ўтказиладиган ўртача 16 мингдан зиёд оммавий тадбир даврида ички ишлар органлари ходимлари (730 минг кишилар куни ҳисобида) жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда иштирок этадилар. Агар биз бу оммавий тадбирларда 50 млн.дан ортиқ фуқароларни иштирок этишини инобатга олсак, ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳукукий, ташкилий ва амалий тадбирларни фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдаги масъулияти ҳамда мураккаб томонларини яққол англашимиз мумкин. Ҳозирги кунда Ички ишлар вазирлиги ҳукукий асосини бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлар ташкил этиб, уларда ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташкил этилди ва ушбу қарорнинг 2-банди билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги Низом ва унинг марказий аппарати структураси тасдиқланди. Ушбу қарор билан Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифаси этиб–фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш белгиланди. Мазкур қарор Мустақил республикамыз Ички ишлар вазирлиги ҳукукий мақомини белгиловчи биринчи норматив–ҳукукий ҳужжат сифатида эътироф этилади. Лекин Ички ишлар вазирлиги вазифа ва функцияларини амалга ошириш учун етарли эмас эди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 4 январдаги “Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битимни ва протоколни ратификация қилиш ҳақида”ги 481–сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилунгунга қадар унинг ҳудудида собиқ СССР қонунларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунларига зид келмайдиган қисмлари қўлланилади.

Ҳозирги кунда Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган ва 2017 йил 16-март кунидан қучга кирди[1]. Демократик давлат қурилишининг асосий

принципларидан бири бўлган кўп партиялик сиёсий, давлат бошқарув тизимига ўтилиши, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун билан берилган виждон эркинлиги ҳуқуқидан айрим ички ва ташқи реакция экстремистик кучлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Дастлаб Наманганда, сўнгра Фарғонада, кейинчалик эса Тошкент вилоятининг Бўқа ва Паркент туманларида рўй берган воқеалар, 1999 йил 16 февралдаги Тошкент шаҳридаги террористик кўпуровчилик ҳаракатлари ички ишлар органлари ходимларининг жиддий синовдан ўтказди. Бунда эскича иш олиб бораётган ички ишлар органлари фаолиятида ва маъмурий-ҳуқуқий асосларида айрим муаммолар мавжудлиги намоён бўлиб қолди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида “хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш”[2] белгилаб қўйилган.

Ички ишлар вазирлиги тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг вазифалари ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармони ва 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу Фармон асосида Ички Ишлар Вазирлиги тизимларида ислохотлар бошланди. Янгидан ташкил этилган ички ишлар органлари хизматларини асосий вазифаси этиб, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш белгиланди. Қабул қилинган Фармон ва қарорлар асосида қисқа муддат ичида Ички ишлар органлар томонидан жамоат хавфсизлигини ошириш борасида сезиларли ишлар олиб борилди ҳамда уларни фаолиятини мукаммаллаштиришга эришилди. Президентимизнинг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2940-сон Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тўғрисида низом тасдиқланди, ушбу низом бўйича қуйдагилар белгиланди:

- Бош бошқарма аҳоли гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари бўйича ички ишлар органлари бўлинмалари, вазирлик ва органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташкилий-услубий таъминлашни амалга оширади.

- жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни, шу жумладан оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва ўзга турдаги ваколатхоналари, бошқа объектлар ҳамда юкларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўриқланишини ташкил қилиш, шунингдек муомалада бўлиши чекланган предметлар ва моддаларни сотиб олиш, ташиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

- жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чоғида, аҳоли гавжум бўладиган жойларда ҳамда фавқулодда вазиятлар юзга келганда ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни ушлаш чораларини кўриш бўйича ички ишлар органлари фаолиятини таъминлаш;

- оммавий тадбирлар ўтказиш объектларида ва аҳоли гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, айрим дипломатик объектлар, ўта хавфли ва махсус юкларни қўриқлаш бўйича шартномавий-ҳуқуқий асосда хизматлар кўрсатиш;

- муҳандислик-техник воситалардан, шунингдек ички ишлар органларининг саф ҳамда тезкор бўлинмалари куч ва воситаларидан фойдаланган ҳолда оммавий тадбирлар ўтказиш объектларига, аҳоли гавжум бўладиган ва фавқулодда ҳолатлар юзга келган жойларга бориш йўлларида тўсилишини ташкил этиш ва уларни ўраб олиш чегараларини ҳосил қилиш;

- оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чоғида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ички ишлар органлари ҳамда бошқа вазирлик ва органларнинг фаолиятини назорат қилиш ва ташкилий-услубий таъминлаш;

- аҳоли гавжум бўладиган жойларда, оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш ҳамда хорижий давлатларнинг расмий делегациялари ташрифи чоғида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этиладиган ички ишлар органлари бўлинмаларининг, вазирлик ва органларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

- оммавий тадбирлар ўтказиш объектлари ва аҳоли гавжум бўладиган жойларда, шунингдек фавқулодда вазиятлар юзга келганда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳамда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини қўриқлашнинг замонавий усуллари, воситалари ва тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш[3];

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармонига мувофиқ шаҳар (туман, транспорт) ички ишлар бўлимларининг ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари бош бухгалтерлари, катта инспекторлари, катта муҳандислари, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни назорат қилиш бўлинмалари (гуруҳлари) катта инспекторлари, паспорт бўлинмалари бошликлари ва доимий равишда оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда фаолият олиб борувчи жамоат тартибини сақлаш гуруҳлари катта инспекторлари лавозимлари офицерлар таркиби томонидан эгалланиши[4] белгиланди ва оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, шунингдек аҳоли гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини назорат қилиш, вазирлик ва органларнинг бу борадаги фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш ҳамда мувофиқлаштириш қаттиқ

қилиб белгилаб берилди. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги қарори билан ички ишлар органларида сержантлар лавозимлари кўпайтирилиб, вазирлик Академиясида сержантлар тайёрлаш олий курслари ҳамда жойларда бевосита Ички ишлар вазирлигига бўйсунувчи сержантларни қайта тайёргарлик бўйича мактаблар ташкил этилди. Бугунги кунда эса Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилда 3919-сонли қарори бўйича малака ошириш институти ташкил қилинди. Ички ишлар вазирлиги тизимида хизмат қилиш шарафли ва масъулиятли вазифа эканлиги республикаимиз раҳбарияти томонидан доимо эътироф этилиб келинган. Ушбу касб ходимларини янада улуғлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Республикаимизда юксак мақсад-муддаоларга эришиш учун истиқлол йилларида қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўлган ички ишлар органлари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқий макomini белгилловчи мустақиллик йилларининг дастлабки кунларидан бошлаб, шу кунга қадар чиқарилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиб чиқишга ҳаракат қилинди. Ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг маъмурий-огоҳлантириш чораларини ва маъмурий чеклаш чораларини қўллаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо тайинлаш ҳақидаги қарорларни бажариш ҳақидаги оғзаки ва ёзма кўрсатмалар асида бошқарувга доир аниқ ҳужжатлардир. Жамоат тартибини сақлаш субъектлари бошқарувнинг аниқ масалаларига доир маъмурий ҳуқуқий ваколатларини амалга оширишлари чоғида ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишини, бу муносабатларда ҳар иккала томон ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишини таъкидлаб ўтиш лозим. Чунончи, ички ишлар органлари бажариши мажбурий бўлган фармоиш бериш талаб қўйиш ва жазо тайинлаш тўғрисида қарор ҳуқуқини амалга оширар экан айни вақтда ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилишга, республика Конституциясининг шахсни ҳурмат қилиш, фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш тўғрисидаги талабларини бажаришга қатъий амал қилишга мажбурдир. Фуқаролар эса Конституциясида белгилаб қўйилган бурчлари ва мажбуриятларини, шунингдек, ички ишлар органи ходимларининг қонуний талаблари ва фармойишларни бажаришдан ташқари ўз шаъни ва қадр қимматини шунингдек, бошқа қонуний манфаатларини химоя қилиш ҳуқуқига эгадир. Жамоат тартибини маъмурий муҳофаза қилиш субъектлари таъсир ўтказишнинг маъмурий ҳуқуқий шаклларида ташқари ташкилий шаклларида ҳам кенг фойдаланадилар. Таъсир ўтказишнинг ташкилий шакллари маъмурий ҳуқуқий шаклларида фарқли равишда одамларга бевосита эмас, балки, билвосита таъсир қилади, улардан муайян ҳаракатларни содир этишга ёки бундай ҳаракатлардан тийилиб туришга истак уйғотади, жамоат тартибини сақлаш учун қулай шароит яратади.

Оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш вазифалари бевосита ички ишлар органларига юклатилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу вазифа ва функцияларини бажаришда ички ишлар органлари ходимлари томонидан маъмурий ҳуқуқий мажбурлов чоралари қўлланилади. Россиялик олим Ю.М.Козловнинг кўрсатиб ўтишича [5, 160], “маъмурий мажбурлов асосий мақсад эмас, балки давлат мажбурловининг бир кўриниши бўлиб, ундан ҳуқуқий тартиботни химоя қилиш ва таъминлашнинг охириги воситаси сифатида фойдаланилади”. Маъмурий мажбурлов чораларидан ҳуқуқбузарликларни огоҳлантириш ва чеклаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқишни, шунингдек, тегишли равишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланилади. Кенг маънода маъмурий мажбурлаш—маъмурий ҳуқуқий нормаларда ифодаланган ҳуқ—атвор қоидаларининг ижро этилишини таъминлайди. Маъмурий мажбурлов, одатда суддан ташқари қўлланиладиган чоралар бўлиб, ички ишлар органлари томонидан уларнинг кундалик фаолияти жараёнида қўлланилади.

Маъмурий мажбурлов, Х.Р.Алимовнинг фикрича, — “Инсонларнинг онгига ва ҳуқ атворига руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш услуги бўлиб, давлат бошқаруви соҳасида айбдор шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортиш, маъмурий ҳуқуқбузарликларни огоҳлантириш ва чеклаш мақсадида қўлланилади” [6,193]. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган ҳудудлардаги мавжуд бўлган барча коммунал хизмат кўрсатиш, электр қуввати ва қонализация тармоқларининг иш ҳолатини ҳамда уларнинг хавфсизлигини ички ишлар органларини махсус хизматлари, кинолог, сапёр, ёнғин хавфсизлиги ходимлари ҳамда фавқулотда вазиятлар вазирлиги ходимлари билан ҳамкорликда текшириб чиқиш тадбирлари. Ушбу тадбирларни ўтказишни ҳуқуқий асоси сифатида ҳозирги кунда фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг оммавий тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги қарорларини кўрсатишимиз мумкин. Ушбу тадбирларни ўтказишни ҳуқуқий асоси ҳозирги кундаги маъмурий қонунчилигимизда тўлиқ мустаҳкамланмаган. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган ҳудудларда жойлашган корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар яшайдиган биноларда террористик—қўпоровчилик ҳаракатларни олдини олиш мақсадида подвал ва чердакларни текшириб чиқиш ҳамда уларни ёптириш тадбирлари. Бу тадбирлар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ асосини топмаган бўлсада, ички ишлар органлари ходимлари томонидан мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Айрим ҳолларда хавфсизлик нуқтаи назардан фуқаролардан яшаш уйлари ойналарини очиш, болконларига чиқиш ҳам ман этилади. Жисмоний ва юридик шахсларни ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини поймол бўлишини олдини олиш мақсадида ички ишлар органларининг ҳаракатларини ҳуқуқий тартибга солиш лозим бўлади.

Оммавий тадбир даврида ички ишлар органлари томонидан маъмурий йўл билан ушлаб туриладиган шахсларни аксарияти тадбир ўтказиладиган жойларда ташкил этиладиган махсус жойларда, хоналарда ёки штаб қошида ташкил этилган суриштирув гуруҳларида ушлаб турилади ҳуқуқбузарлар билан дастлабки тегишли суриштирув ишлари ўтказилгандан таянч пунктларига ёки ички ишлар органларига олиб борилади. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 284-моддасида ҳуқуқбузарларни фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи биносига, милиция таянч пункти ва ички ишлар органларига олиб борилиши белгиланган. Лекин оммавий

тадбирлар даврида жамоат тартибини бузган ҳуқуқбузарларни ички ишлар органларида ташкил этилган алоҳида жойларда ушлаб туриш белгиланмаган.

Юқорида қайд этилган муаммоли ҳолатларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 284-моддасига тегишли қўшимча киритиш тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонун лойиҳаси бўйича таклиф киритиш лозим бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни. <http://lex.uz/acts/3027843>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.016.ЎРҚ-407-сон
3. «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 май (ПҚ-2940) қарори. <http://www.lex.uz/docs/3202965>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.
5. Ю.М.Козлов. Административное право. –М.; «Юрист», 2003, 160–164 бетлар.
6. Административное право Республики Узбекистан \ Алимов Х.Р., Соловев Л.И. и др. –Т.; “Адолат” 1999. 193–195 бет.

Резюме. Мақалада массалық илажларды өткеріуде ички ислер органлары жәмәәт тартибин тәмийнлеў бойынша ҳәрәкетлери ҳуқықый тәрәптен анализленген.

Резюме. Мақолада оммавий тадбирларни ўтказишда ички ишлар органлари жамоат тартибини таъминлаш бўйича ҳаракатлари ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Резюме. В статье проанализированы правовые аспекты действий органов внутренних дел по обеспечению охраны общественного порядка при проведении массовых мероприятий.

Summary. The article analyzes the legal aspects of the actions of the internal Affairs bodies to ensure the protection of public order during mass events.

Таяныш сөзлөр: массалық илажлар, жәмәәт кәўипсизлигин тәмийнлеў, административ мәжбүрлеў.

Таянч сўзлар: оммавий тадбир, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, маъмурий мажбурлов.

Ключевые слова: массовое мероприятие, обеспечение общественной безопасности, административное принуждение.

Key words: events, public safety, administrative enforcement, warning.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК АНЪАНАСИНING НЕГИЗЛАРИ: СОЦИОЛОГИК ЭКСКУРС

Амонов А. А.

Республика Маънавият ва маърифат маркази

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари бориши қатъий белгилаб берилди.[1] Бу бежиз эмас, зеро кўпмиллатли халқимиз онгида “Ўзбекистон – ягона Ватан” деган ғоя асосида ҳақиқий ватандошлик туйғусини шакллантириш бу борадаги ишларнинг муҳим йўналишига айланган. Бош қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (4, 8, 18, 21, 31, 57, 73, 74, 115 моддаларида) ва қатор қонунларимизда турли миллатга мансуб аҳолининг маънавий-маданий ривожланиши учун тенг шароит ва имкониятлар яратиш масаласи мустаҳкамлаб қўйилди.

Қаерда миллатлараро тотувлик ғоясининг қадри, аҳамияти англаб етилмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келиб, тинчлик ва барқарорликка таҳдидлар юзага келади. Бугунги кунда жаҳоннинг айрим минтақаларида содир бўлаётган миллий низолар шундан далолат бериб турибди. Мисол учун, Шарқий Африканинг нисбатан кичик давлати Руандада 1994 йилда юз берган этник асосдаги қонли тўқнашувнинг атиги беш ҳафтаси давомида 500 000 бегуноҳ кишининг қирилиб кетганлиги бунинг рад этиб бўлмайдиган далилидир [2,31].

Миллатлараро тотувлик ғоясини амалга оширишга ғов бўладиган энг хатарли тўсиқ – тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай иллат, зарарли ғоя тузоғига тушиб қолган жамият табиий равишда ҳалокатга юз тутаяди. Бунга узок ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биргина фашизм ғояси XX асрда инсоният бошига аввалги барча асрлардагидан кўра кўпроқ кулфат, офат-балолар ёғдириб, охир-оқибатда ўзи ҳам ҳалокатга учради. Лекин ҳанузгача фашизм, большевизм, шовинизм, ирқчилик ғояларини тирилтириб, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ғоясига қарши “салиб юриши” уюштиришга уринаётган кучлар борлиги барчамизни хушёр тортириши лозим.

Фақат миллатлараро тотувлик ғоясига таяниб, умумий мақсадлар йўлида ҳамжиҳат бўлиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигидек олижаноб мақсадларга эришиш мумкин. Миллатлараро тотувлик эса миллатлараро муносабатларнинг тенгҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамкорликка асосланган ўзига хос сифатий ҳолатидир.

Ҳар бир ўзбекистонлик фуқаронинг миллатлараро тотувлик, дўстлик қоидаларига содиқ бўлиши, бошқа миллат, халқ вакиллари билан ёнма-ён истиқомат қилиб, бир-бирининг кўнгилини ола билишига, улар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиши – миллатлараро мулоқат маданиятининг юксак даражасидир. Бунинг учун мамлакатимизда

хар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва расм-русумларини тиклаш, тарихий ватан билан алоқа ва муносабатларни боғлашга, миллий ҳис-туйғуларнинг намоён бўлишига кенг йўл очилган.

Ўзбекистонда кўп миллатли давлатнинг қарор топиши узоқ давом этган тарихий жараёнлар натижасидир. Тарихий маълумотларга қараганда, бундан 100 йил аввал ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 70 га яқин миллат истиқомат қилган. 1926 йилда юртимиз ҳудудида 91 та миллат ва элат вакили яшаган бўлса, 1959 йилда уларнинг сони 113 тага, 1979 йилда 123 тага, 1989 йилда эса 130тага етган эди. Ҳозирги вақтга келиб юртимизда 130дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқдалар [3, 35].

Ўзбекистон полиэтник давлатлар каторига киради. Асрлар давомида бу ерда ўзбеклар билан ёнма-ён тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар ва бошқа кўпгина халқларнинг вакиллари аҳил ва иноқ яшаб келишган. Шунини айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг кўпмиллатлилигига халқимизнинг очиққўнчилиги ва меҳмондўстлиги ҳам сабаб бўлган.


Минтакадан ўтган Буюк Ипак йўли иктисодий, маданий ва маънавий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилган. Бугун Буюк Ипак йўлининг тарихий аҳамиятини чуқур англаган ҳолда турли халқаро ҳамжиҳатликдаги ҳаракатлар ғояси ва ташаббуслари йўлга қўйилмоқда. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Бизнингча, «Бир макон, бир йўл» концепцияси мамлакатларимизнинг ўзаро кенг ҳамкорлигининг янада самарали механизмларига асосланган, янги халқаро ҳамкорлик моделидир. Икки ярим минг йил муқаддам буюк Хитой файласуфи ва мутафаккири Лао Цзи “Дунёда ҳамма нарса ўсади, гуллайди ва ўз илдизларига қайтади”, деб айтган экан. Бу диалектик ҳақиқат нақадар тўғри эканини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди”, [4.403-404] дейди.

Бу борада масаланинг демографик жиҳати ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони 2017 йил 1 январ ҳолатида 32,1 миллион кишини ташкил этиб, 1991 йилга нисбатан 11,5 миллион кишига яъни 55,9 фоизга ўсди [5]. Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сони тўғрисидаги статистик маълумотнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, республика аҳолиси 1926 йилда – 4,6 миллион киши, 1939 йилда – 6,3 миллион киши, 1959 йилда – 8,1 миллион киши, 1970 йилда – 11,8 миллион киши, 1979 йилда – 15,4 миллион киши, 1989 йилда эса 19,8 миллион кишини ташкил этган [6]. Бу ўзгаришлар табиий равишда республика аҳолисининг миллий таркибида ҳам кузатилган. 1991 йилда республика аҳолиси таркибида ўзбеклар сонининг жами аҳоли сонига улуши – 72,8 фоиз, қорақалпоқлар – 2,1 фоиз, руслар – 7,7 фоиз, тожиклар – 4,8 фоиз, қозоқлар – 4,1 фоиз, татарлар – 2,0 фоиз, украинлар – 0,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилнинг 1 январ ҳолатига келиб ўзбеклар улуши – 83,8 фоиз, қорақалпоқлар – 2,2 фоиз, руслар – 2,3 фоизни, тожиклар – 4,8 фоизни, қозоқлар – 2,5 фоизни, татарлар – 0,6 фоизни, украинлар – 0,2 фоизни ташкил этган [7].

Ўзбекистон раҳбарияти аҳолининг кўпмиллатлилигини ҳисобга олиб, мустиқилликнинг илк йилларидан бошлаб миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. Давлатимиз миллий сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан: Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади; миллатидан қатъий назар фуқароларнинг қонун олдида тенглиги; давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида этник ўзига хосликларни ҳисобга олиш; миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик; ижтимоий ва сиёсий ҳаётда барча миллат ва элат вакиллариининг ҳар томонлама иштирокини таъминлаш; Республикада ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қиладиган партиялар ва жамоат бирлашмалари тузилиши ҳамда уларнинг фаолияти тақиқланган.


Юқорида келтирилган миллий сиёсатимиз тамойиллари аҳамиятини Республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан “Ўзбекистон – умумий уйимиз” ва “Миллий ўзликни англаш” мавзуларида ўтказиб келинаётган социологик сўровлар натижалари ҳам тасдиқлайди.

“Сиз, умумий уйимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги Ўзбекистон мустиқиллигининг энг қимматли бойлиги эканлигига қўшиласизми?”, деган саволга респондентларнинг жавоблари куйидагича жавоб беришган. [8]



Ушбу тенденция ҳудудий кесимда мамлакатнинг барча минтақаларида қайд қилингани билан эътиборлидир.

Ўзбекистонда миллатлараро ва фуқаролар тотувлигининг асослари тўғрисида респондентлар куйидаги фикрларни билдиришган. [8]



Бунда мамлакатимизда ташкил этилган миллий марказларнинг роли катта бўлмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 1 тадан араб, болгар, бошқирд, грек, грузин, дунган, литва, хитой, крим-татар ва қорақалпоқ; 2 та белорус, 3 тадан бухоро яҳудийлари ва уйғур; 4 тадан арман, немис, поляк, турк; 5 тадан татар ва қозоқ; 10 тадан тожик; 20 та рус; 27 та корейс-жами 27 миллат ва элат вакиллари томонидан тузилган 141 та миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда[9,72].

Соҳага қаратилган катта эътиборга яна бир мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг ташкил этилганини ҳам келтириш мумкин. Бироқ, энг муҳим омиллардан бири маънавий омил эканлигини қайд қилиш жоиз. Яъни миллий маданий марказ фаолларидан 100га яқин киши юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган. Шу жумладан, 32 киши “Дўстлик” ордени билан, 2 киши “Меҳнат шухрати” ордени билан, 13 киши “Шухрат” медали билан мукофотланган. 7 кишига фахрий унвонлар, 17 кишига Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари берилган. Мукофотланганлар орасида 24 миллат вакиллари бор. Бугунги кунда Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Борисовна Пак Хоразм вилояти корейс миллий маданий маркази бошқаруви аъзосидир. Республика рус маркази раиси Светлана Ивановна Герасимова эса сенатор, Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси. Бу каби ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий тенглик жараёнлар халқнинг ҳамжиҳатлик ва тотувликда яшашга бўлган хоҳиш истаклари ва қизиқишларини орттиришига сабаб бўлмоқда. Мамлакатимизда миллатлараро тотувлиkning ривожланишида миллий ғоямиз, халқимизнинг ҳуқуқий маданияти ошаётгани муҳим омил бўлмоқда. Социологик тадқиқотларда бу тенденция яққол намоён бўлмоқда. Зеро респондентларнинг мутлақ кўпчилиги - 89%и Ўзбекистон байроғини кўришганда ва давлат гимнини эшитишганда “ғурур” туйғусини ҳис қилишади. Ўзбекистонда яшовчи деярли барча миллатлари соғлом, бунёдкор миллий ғурур туйғусини ҳис қиладилар: ўзбеклар (89,4%), Марказий Осиё миллатларининг бошқа вакиллари (91,6%), славянлар (81,9%) ва бошқа миллатлар (64%) [8].

Ўзбекистонда барча миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Зеро, миллатнинг истикболи бошқа халқлар ва мамлакатларнинг тараққиёти, бутун жаҳондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқдир. Халқимизнинг “Кўшнинг тинч – сен тинч” деган мақолида ана шу ҳақиқат назарда тутилган. Бутун дунёда, биринчи навбатда, кўшни мамлакатларда ёнма-ён яшаётган этнослар орасида тинчлик, осойишталик, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, тенг ҳуқуқли муносабат бўлмаса, улар ўзининг порлоқ истикболини таъминлай олмайди.

Ўзбекистон ёшларини миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш, барча миллатлар вакиллари ривожланиши учун кенг имкониятларни яратиш, турли миллатлар, элатлар вакиллари бирлаштириш, уларнинг мақсадларини амалга оширувчи миллий ғоямизнинг рўёби мамлакатда барқарор, соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни яратмоқда. Бундай муҳит миллатлараро муносабатларда муаммо туғилишига асло йўл қўймайди ва умуммиллий ғоямизни ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Миллий мафкурамизнинг тамойилларидан бири миллатлараро тотувлик, деб белгиланганлиги ҳам бу йўлда бизнинг ўз йўлимиз борлигини тасдиқлайди. Чунки миллий мафкуранинг мазмун-моҳиятига кўра, қуйидаги бир қатор жиҳатлари бор. Зеро “Ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда” [10,296-298] Ушбу дастурий фикрлардан келиб чиқиб, миллий ғоя нафақат Ўзбекистон халқига, балки барча миллатларга хизмат қилади, маънавий-маданий, ғоявий жиҳатларда уларни яқинлаштиради, ривожлантиради; Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар манфаатини ҳимоялайди ва уларнинг равақига хизмат қилади; таълим муассасалари, ўқув жиҳозлари, миллий дарсликлар, ҳамда бадиий санъат намуналарини вужудга келтиришда кенг имкониятлар яратади;

Миллатлараро тотувлик ғояси нафақат турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, балки бутун дунёда тинчлик ва тараққиётнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

С.И.Влахов ва С.П.Флорин реалияни таржима қилишда 2 асосий масалани келтириб ўтади, булар таржима қилинаётган тилда реалиянинг эквиваленти бўлмаслиги ва реалиянинг миллий ҳамда тарихий жиҳатларини етказиб бериш масалалари. Муаллифлар реалияни етказиб беришнинг 2 турини белгилаб беради: транскрипция ва таржима. Транскрипция – бу дастабки сўзнинг таржима қилинаётган тилнинг фонетик қоидалари бўйича эшитилиши. Маъносига қараб бу усул ташқаридан келган сўзларни ўзлаштиришга ўхшайди. Транскрипция одатда фирма, компания, босмахона, марка ва яна бошқа атамаларни таржималаганда қўлланилади. Транскрипцияга ўхшаш усул – транслитерация – ташқаридан келган сўзнинг товуш тизимини таржима қилинаётган тилда айтилиши. Бу усулларнинг камчилиги таржимада етарли даражада тушунарли бўлмаган ва одатда қўлланмайдиган сўзларнинг пайдо бўлиши ҳисобланади. Лекин, бунга қарамасдан, транскрипция ва транслитерация кўпчилик вазиятларда дастабки тилнинг эквивалентсиз лексик бирлигини етказиб беришнинг ёлғиз усули саналади. Калкалаш – дастабки матннинг лексик бирликларини таржима қилинаётган тилнинг лексик бирликларига мос келувчи мураккаб компонентларига ўзгартириш йўли билан таржима қилиш саналади. Калкалашнинг асосида таржима қилинаётган тилда янги сўзнинг ёки турғун сўз бирикмаларининг пайдо бўлиши ётади. Бундай янги тил бирлиги дастабки тилнинг лексик бирлигини нусхалайди. Ярим калка – четдан келган сўзларни ўз ҳолича олиш ва дастабки тилнинг гап бўлақларини ёки сўз бирикмаларини сўзма-сўз таржималаш йўли билан ясаш. Ўзлаштириш – бу реалиянинг таржима қилинаётган тилга мослашиши, яъни унга, чет тили асосида таржима қилинаётган тилга мос кўриниш бериш. Семантик неологизм – эквивалентсиз лексик бирликларни етказиб бериш учун таржималаш жараёнида ясалувчи янги сўз ёки сўз бирикмалари ҳисобланади. Калкага қиёслаганда у дастабки тилнинг реалияси билан этимологик жиҳатдан боғланмайди.

Шунингдек, бадиий таржимада асл матнни тўла қамраб олиш қийин ва фақат чет тилини билиш ҳам етарли эмас. Таржимон сўзларни туғри интерпретациялаш, тил хусусиятларини сезиш, бадиий образни етказиб бериш қобилиятига эга бўлиши керак. Масалан: инглиз тилидан қорақалпоқ тилига бадиий таржима қилганда, инглиз тилидаги миллий колоритни қорақалпоқ тилида ифодадай олиш керак. Бундан ташқари, бадиий матнни таржима қилувчи, ёзувчилар каби бой фантазияга, ўз ғояларини туғри етказиб беришга ҳамда ҳар томонлама ҳаётий тажрибага эга бўлишлари керак. Шунинг учун ҳам, айрим таржимонлар таржиманинг иккинчи тил ва ушбу тилнинг менталитети билан ўхшашлигини аҳамиятли деб ҳисобласа, бошқалари таржимада миллий колоритнинг асл маъносини қолдириш туғри деб ҳисоблайдилар. Натижада, кўз-қарашлардан бадиий таржимада бир-бирини алмаштириб турувчи икки хил таржима яъни – эркин ва сўзма-сўз таржима юзага келади. Матннинг бадиий таржимаси таржимоннинг маҳоратини кўрсатишни талаб қилади.

Айтилган фикрларнинг ҳаммаси бир-бирига бирқанча зид қарашларни юзага келтиради. Бир тилдан иккинчи тилга таржима қилинган ишнинг ҳар хил вариантларини топиш мумкинми? – деган савол туғилади. Бунинг учун, шундай тажриба ўтказамиз, қорақалпоқ тилидаги матн парчасини инглиз тилига, сўнгра инглиз тилидан қорақалпоқ тилига таржима қилинг ва таржима матнини асл матн билан қанчалик даражада ўхшаш эканлигини солиштиринг.

Хулоса қилиб айтганда, таржима давомида реалия сўзларни қолдириб кетиш ёки нотўғри етказиб бериш шу сўзларнинг маъносини тўлиқ очиб бера олмайди ва натижада чет тили ўқувчилари уларнинг коннотатив жиҳатларини, маъноларини тушуна олмайди. Реалия сўзларини таржима қилиш – бу ҳам санъат, у таржимондан миллий ва маданий билимни етарли даражада талаб қилади. Таржима орқали инсоният бадиий асарнинг маънавий бойлигини тўла англашга ҳаракат қилди. Таржимонлар эса, турли маданиятлар ўртасидаги кўприк вазифасини бажариб, халқлар орасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар.

АДАБИЁТЛАР

1. Muminov O. Тил ва таржима масалалари//илмий мақолалар тўплами. –Нукус, 2016. 196 б.
2. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. - М.,: «Высшая школа», 1986. -384 с.
3. Федоров А. В. Основы общей теории перевода. - М., 2002. - 416 с.
4. Бархударов Л. С. Язык и перевод. -М., 1975. -240 с.
5. Рецкер Я. И. Теория перевода и переводческая практика. -М., 2004. -240 с.
6. Нелюбин Л. Л. Толковый переводоведческий словарь. -М., 2003. -320 с.
7. Тер-Минасова С. Г. Язык и межкультурная коммуникация. Издательство МГУ. – 2008.
8. Buranov J.B, Muminov O. Practical Course in English Lexicology. -Т. “Ukituvchi” 1990. p. 54.

Резюме. Мақолада бадиий матнларни таржима қилиш жараёнида учрайдиган реалиялар ҳақида сўз юритилган. Тажриба шунини кўрсатадики, реалия сўзларни таржима қилиш таржимондан шу халқнинг миллий ва маданий тарихини, тилини етук билишини талаб қилади.

Резюме. В статье рассматривается проблема перевода реалий в художественных текстах. Как показывает опыт, перевод слов-реалий требует от переводчика хорошего знания национальной и культурной истории и языка данного народа.

Summary. The article deals with the problem of translating realia in artistic texts. As experience shows, translation of words-realities requires the translator to have a good knowledge of the national and cultural history and language of the given people.

Таянч сўзлар: реалия, транскрипция, транслитерация, калкалаш, ярим калка, ўзлаштириш, эквивалентсиз лексика.

Ключевые слова: реалия, транскрипция, транслитерация, калька, полукалька, освоение, безэквивалентная лексика.

Key words: reality, transcription, transliteration, calque half-calque, adaptation, non-equivalent vocabulary.

“ШАҲРИЁР” ДОСТОНИ СЮЖЕТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЭПИК ТАЛҚИНЛАРИ

Жўраев М.

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Маълумки, XVII асрнинг охири – XVIII асрнинг бошларидан эътиборан халқимиз орасида кенг тарқалган ва катта шуҳрат қозонган анъанавий дostonлардан айримларининг ёзувга олиниши натижасида дostonларнинг китобий нусхалари ёки халқ қиссалари тарзидаги намуналари юзага кела бошлаган. Бу эса бахши-шоирлар репертуаридаги кўпгина машҳур дostonларнинг қиссахонлар ижроси орқали ҳам оmmалашувига сабаб бўлган. Ана шу адабий-фольклорий жараён давомида муайян оғзаки вариантнинг китобат қилиниши ва бадиий ишлов берилиши натижасида қисса-дoston ҳолига келтирилган асарлардан бири Дорропохнинг уч хотини ва ўғай оналарининг душманлиги оқибатида кенжа ойимдан тугилган фарзандларнинг бошига тушган саргузаштлар, эпик қаҳрамоннинг асотирий мавжудотларга қарши кураши ҳамда ғаройиб ўлкалар бўйлаб сафари тасвирланган “Шаҳриёр” дostonидир. Ўзбек бахшилари репертуарида “Шаҳриёр” номли дoston мавжуд бўлганлиги маълум эмас, бу асарнинг оғзаки версияси асосан қорақалпоқ фольклорида сақланган. Аммо ушбу дoston асосида ўзбек тилида яратилган халқ китоблари, яъни қиссалар халқимиз орасида “Шаҳриёр”, “Шаҳриёри олам”, “Гулчехра ва Шаҳриёр ҳикояси”, “Дурапшо” каби номлар билан кенг шуҳрат қозонган. Хусусан, Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқшунослик илмий маркази қўлёзмалар фондида 5353/V-инвентарь рақами остида рўйхатга олинган “Гулчехра ва Шаҳриёр ҳикояси” қиссаси ана шундай асарлардан биридир. “Шаҳриёр” дostonининг хонқалик қиссахон-халфа Сўна Эшматова бисотида сақланаётган қўлёзма нусхаси XX аср бошларида кўчирилган бўлиб, фольклоршунос олим, проф. С.Рўзимбоев томонидан аниқланган. Бу нусха матни С.Р.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова ва С.С.Рўзимбоев тарафидан араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувидан жорий алифбога табдил қилиниб, 2005 йилда “Ошиқнома”

тўпламининг 2-жилдида чоп этилган. [1, 273-312]. Бу асарнинг халқимиз орасида “Шаҳриёри олам” номли қисса тарзида оммалашган яна бир намунаси эса профессор Ҳ.Абдуллаев томонидан 2006 йилда сўзбоши билан алоҳида китоб ҳолида нашр эттирилди. [2,74]. Бинобарин, Хоразм халқлари орасида машҳур бўлган “Шаҳриёр” достониға мазмунан жуда яқин эртаклар ўзбек, туркман, қорақалпоқ фольклорида ҳам мавжуд.

Ўзбек фольклоршунослигида “Шаҳриёр” достони ва унинг қўлэмаларини илмий ўрганиш борасида муайян ишлар амалға оширилган. Хусусан, профессор С.Рўзимбоевнинг “Шаҳриёр” достонининг ўзбекча қўлэзма нусхалари, [3, 76-78]. “халқ орасида “Шаҳриёри олам” номи билан кенг тарқалган қисса вариантининг наشري [4,95-97]. ҳақидаги мақолалари чоп этилган. Ўзбек-қорақалпоқ фольклор алоқалари масаласини эпик аъналар мисолида ўрганган профессор Ҳ.Абдуллаев Қиронхон-Шаҳриёр ҳақидаги эпик асарлар сюжетининг тарихий илдизлари, қорақалпоқ фольклоридаги “Шарияр” эпоси ҳамда Хоразм воҳасида кенг оммалашган “Шаҳриёр” (“Дурапшо”), “Қорақўз ойим” достонларининг қиёсий-типологик хусусиятлари, [5, 81-102]. шунингдек, “Шаҳриёри олам” қиссасининг бадииятини [6, 3-6]. атрофлича тадқиқ этган. Ёш тилшунос олим С.С.Рўзимбоев эса Хоразм воҳаси қиссахон-халқлари орасида кенг тарқалган “Маликаи Завриё” достони билан бир қаторда “Шаҳриёр” достонининг Сўна халфа Эшматова бисотида сақланаётган қўлэзма нусхасининг лисоний хусусиятларини тадқиқ этган. [7, 25]. Шунингдек, ўзбек фольклоридаги эртак тип сюжетли халқ достонларининг ўзига хос хусусиятлари ва бадииятини ўрганиш жараёнида тадқиқотчи Г.М.Эгамбердиева ҳам “Шаҳриёр” достонини қиёсий таҳлилға тортган. [8, 51-56].

Тадқиқ этилаётган эпик сюжет асосида яратилган эпоснинг Хоразм воҳасида яшовчи бахшилар ижросида қайд этилган оғзаки варианты “Қорақўз ойим” достони бўлиб, унинг ягона намунаси Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманидаги Бешта қишлоғида истиқомат қилган Матназар бахши Жаббор ўғлидан 1961 йилда фольклор тўловчи Н.Сабуров томонидан ёзиб олинган. Бу достон 1967 йилда М.Муродов ҳамда Н.Сабуровлар томонидан чоп этилган. [9, 3-42]. 2018 йилда “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жылдигининг 13-жилдида “Қорақўз ойим” достонининг тўла матни илмий изоҳлар ва луғат билан нашр қилинди. [10].

Матназар бахши Жаббор ўғли достон ижрочилиги таълимини таниқли қорақалпоқ жирови Қурбонбой Тожибой ўғлидан ўрганганлиги, унинг устозлари эса, ўз навбатида, Нурота достончилик мактабига мансуб ўзбек бахшилари билан яқин ижодий алоқада бўлганликлари туфайли “Қорақўз ойим” достони ижросида бир томондан, қорақалпоқ эпоси “Шарияр”нинг таъсири сезилиб турса, иккинчидан ижро услубида Нурота эпик аънасининг изларини ҳам қўриш мумкин. Хоразм бахшилари одатда бирор достонни айтишдан аввал Махтумқули, Мулланафас шеърлари билан айтиладиган бирорта қўшиқни ижро этишган бўлса, Матназар Жаббор ўғли ўзининг “Қорақўз ойим” достонини шарқий достончилик аъналаридида “Нима айтай” номи билан машҳур бўлган аънавий терма йўлидаги қўшиқ билан бошлайди:

Бу достон ўзининг бир қатор хусусиятларига кўра бошқа вариантлардан фарқланувчи белгиларға эга. “Соҳибқирон”, “Ойпарча”, “Чорёр”, “Қиронхон” достонларида подшо дуч келган уч қиз чўпон ёки подачининг фарзанди бўлса, “Қорақўз ойим” ҳамда “Шаҳриёр” достонларида Дарапшонинг қизлари сифатида тасвирланади. Бошқа вариантларда туғилган эгизакларни кучукваччалар билан алмаштирадиган мастон кампирни кундошлар ёллаши тасвирлангани ҳолда ушбу эпик сюжетнинг Матназар Жаббор ўғли талқинидаги намунасида “етти осмонни еб, ерга тушиб, ернинг ҳам неча парчасини еган, ҳамма яхшилар ундан куйган мастон” билан Қорақўз ойимнинг ўзи учрашади. Бахши ана шу учрашувни “бахтнинг тарсаки шаппот уриши”ға менгзайди. Болаларни ташлаб келган бадқирдор кишининг исми “Қорақўз ойим”да Тангриқул бўлиб, у саккиз йилдан буён кундошлар хизматини қилиб юради. У болаларни чўлга олиб бориб ташламоқчи бўлганида Тангриқулға янтоқзор, дарё ва тоғ тилға кириб, бу ишни қилмасликни айтадилар. Ўсимлик, сув ва тоғ культу билан боғлиқ бу мотив ҳам достоннинг бошқа вариантларида кўзға ташланмайди.

“Қорақўз ойим” достонидаги болаларға исм қўйиш мотивининг ифодаси бошқа вариантларға ўхшамайди. Ушбу сюжетнинг кўпгина эпик талқинларида чўлдаги ғаройиб боғда пишган олмаларни ҳадя этиш учун подшонинг ҳузурига келган бобонинг илтимосига кура болаларға подшонинг ўзи (яъни уларнинг отаси) исм қўяди. Матназар Жаббор ўғли талқинида эса, Шохсуворбой болаларига нима деб исм қўйишни билмай, халқни йиғиб маслаҳат қилиб турганида, бир “маҳал қарасалар, қирқ қаландар келаётган эканлар, улар тўғри тўйға келиб, ҳар қайсиси болани бир ўпиб, дедилар: “Бу болалар Шордан (яъни “Шор” деб аталадиган жойдан – М.Ж.) топилди, шунинг учун ўғилнинг оти Шориёр, қизнинг оти Сафарёр бўлсин, илоҳи омин!” – деб яна келган йўллариға кетдилар. Бой севиниб, уларни қайтариб келаман деб уларнинг изидан борса, улар кўздан ғойиб бўлдилар”.

Достоннинг характерли жиҳатларидан бири унда мифологик тасаввурлар билан алоқадор қадимий мотив ва образлар кўп учрашидир. Ақасини излаб йўлга чиққан Сафарёرنинг оқ ва қора аждарларнинг олишувига гувоҳ бўлиши ҳамда аждарнинг қизға эврилиши мотивининг замини ҳам ана шундай қўҳна асотирий инончларға бориб тақалади. “Қорақўз ойим” достонида тасвирланишича, “Сафарёр ақасининг қийимларини кийиб, қиличини белиға боғлаб, йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. Бир дарёнинг ёқасиға борди. Дарёнинг бир томони қатға кир эди. Бир оз вақт ўтар-ўтмас бир қора аждар қирдан чиқиб, бир оқ аждар сувдан чиқиб бир-бири билан олишиб кетди. Қора аждар оқ аждарни охири кўп азобларға дуч этди-да, изидан қува бошлади. Шу вақт оқ аждарға қизнинг раҳми келиб, қора аждарнинг изидан бориб, бор қучи билан бир қилич солди. Қора аждар бир оздан кейин ўлди. Шунда оқ аждар қизнинг қаршисига келиб, бир силқиниб гўзал қиз суратига кирди”. Бу лавҳада халқимизнинг илонсифат афсонавий мавжудот – аждар тўғрисидаги ғоят қадимий мифларидан бири ўз ақсини топган. Аждаҳонинг қизға эврилиши тўғрисидаги бундай тасаввурлар туркий

халқлар мифологиясининг муштарак талқинларидан бири ҳисобланади. Хусусан, чуваш, бошқирд ва татар фольклорида қайд этилган мифларда айтилишича, “юкха”/“юхо” гўзал аёл кўринишига кира оладиган аждар бўлиб, асосан, сувлик жойларда, кўл, дарё, қудук ёнида одамга дахл қилар эмиш. [11,56].

Юқорида Матназар Жаббор ўғли ижро этган “Қорақўз ойм” достонида қорақалпоқ эпик анъаналари, айниқса, “Шарияр” эпосининг таъсири яққол сезилиб туришини қайд этган эдик. Бинобарин, достоннинг хоразмлик халфалар орасида кенг тарқалган китобий намунаси “Шаҳриёр”, “Шаҳриёри олам”, “Дурапшо”, “Маликаи Гулчехра ва Шаҳриёр хикояси” деб аталган. Халфалар халқ қиссаси сифатида машҳур бўлган ушбу достоннинг қўлёзма нусхаларини ширали овозда ўқиб эшиттириш ёки унинг муайян шеърий парчаларини қуйлаб бериш орқали оммалаштирганлар.

“Шаҳриёр” достонида шеърий қисмининг бадий жихатдан пишиқлиги, теранлиги ва таъсирчан маъно касб этувчи сўзларнинг маҳорат билан қўлланилганлигига боғлиқдир. Шу боис, Анжум парининг онаси билан учрашиши лавҳасида унинг ўз волидасига қараб айтган “Қаъбам онам, кўришали” деб бошланадиган муржаати, жигарғушаларидан айрилиб бағри хун бўлган Гулчехранинг эса узоқ йиллик изтироблардан сўнг фарзандлари дийдорига мушарраф бўлганидан мамнунлик ҳисси жўш уриб турган “Фарзандларим юзин кўрдим” каби шеърий парчалар ўта таъсирчанлиги ва жозибадорлиги билан достонда тасвирланган воқеликнинг эмоционал-эстетик кучини янада оширишга хизмат қилган.

Бу достон бошдан-оёқ мифологик образлар ва асотирий тасаввурлар билан бевосита боғлиқ бўлган эпик мотивларга бойлиги билан ажралиб туради. Аждодларимизнинг от култи билан алоқадор қадимий ишонч-эътиқодларини ўзида мужассамлаштирган афсонавий тулпор Аспи жаҳонгир образининг эпосда ўрни алоҳида.

Достонда халқ эртаклари учун хос бўлган яна бир муҳим сюжет элементи – муайян шарт ёки таъқиққа амал қилмаслик оқибатида янги саргузаштлар учун замин юзага келиши ҳолати кузатилади. Достон қаҳрамони Шаҳриёр булбулигўё кушни қўлга киритиш пайтида белига тугилган камардаги ёзувни ўқимаганлиги, яъни табуни бузганлиги туфайли тошга айланиб қолади. Шу аснода Анжум парининг ўз акасини халос этиш мақсадида сафарга чиқиши билан боғлиқ воқеалар баёни учун йўл очилади. Бу эса достоннинг яратилиши ҳамда халқ қиссаси сифатида қайта ишланиши жараёнида сеҳрли эртакларнинг таъсири кучли бўлганлигидан далолат беради.

Достоннинг характерли жихатларидан бири ундаги мифология кўпқатламли бўлиб, ҳатто тарихий илдишлари “Авесто” асотириларига бориб тақаладиган образ ва мотивлар ҳам мавжуд. Шулардан бири Заҳҳок образидир. Ғаройиб булбулигўёни излаб бориб, сеҳрли ёзувни ўқимагани учун тошга айланиб қолган акасини излаб сафарга отланган Анжум пари йўлда бораётиб, оқ ва қора тоғларнинг уришаётганини кўриб қолади. Бироздан кейин оқ тоғнинг энгилаётганига кўриб, унга раҳми келганидан қора тоққа қараб камонидан ўқ узади ва уни бўлак-бўлак қилиб юборади. Шу пайт ҳалиги тоғлар бири оқ, иккинчиси қора илонга айланадию, қора илон ўша заҳоти жон беради. Оқ илон эса йигит каби усти бош қийган Анжум парини ўз макони – дуру жавоҳирлар билан безатилган қасрга олиб боради. Бу жойнинг хашаматини кўриб Анжум пари беҳуш бўлиб йиқилади. Кўзини очса, тепасида бир гўзал қиз билан оқ соқоли чол турган эмиш. Шунда ҳалиги чол: “Эй, ўғлим, хуш келибсан! Бу шаҳарга Жаҳоннома дерлар. Менинг отимни Заҳҳок дерлар. Бу қиз менинг қизим, оти Жайхун пари турур. Ҳалиги ўлдирганинг Саодат дев турур. Бу қизга ошиқ бўлиб, олмоқчи бўлди. Урушиб турган иккимиз эдик. Мен ожиз қолганда сен уни ўлдирдинг. Энди қизимни сенга берурман”, – дейди.

Ўзбек мифологияси талқинида, Заҳҳок икки елкасидан иккита илон ўсиб чиққан афсонавий ёвуз ҳукмдор бўлиб, бу асотирий образнинг тарихий асослари “Авесто”да тасвирланган уч бошли улкан аждар – Ажи-дахака тўғрисидаги мифларга бориб тақалади. Халқимиз орасида Заҳҳок номи билан боғлиқ турли афсоналар ҳам бор. Қарши шаҳри яқинидаги бир тепалик Қалъаи Заҳҳоки морон деб юритилади... Илонлар ўзининг миясини еб қўйишдан қўрққан Заҳҳок ҳар куни тонгда бир кишини қатл қилишга буйруқ бераверибди. Охири Қават исмли бир темирчи устанинг жасорати туфайли халқ бу золим подшодан қутулибди. Шундан буён у яшаган сарой харобалари Қалъаи Заҳҳоки морон, деб аталадиган бўлибди. [12,60-61].

Қадимги мифологияда ёвузлик тимсоли ўлароқ тасаввур қилинган бу асотирий образ “Шаҳриёр” достонида эпик қаҳрамонга сеҳрли-магик нарсаларни ҳаё этувчи, булбулигўёнинг маконига олиб борадиган ғаройиб от – Аспи Жаҳонгирни қўлга киритиш йўлини ўргатувчи эзгу ҳомий сифатида тасвирланган. У Анжум парининг мақсадидан воқиф бўлгач, унга булбулигўёни қандай қилиб топишни ўргатиб, соқолидан икки мўй юлиб беради. Бу мўйлар ҳосиятли бўлиб, қора мўйни Жайхун парига суркаса, у ўша заҳотиёқ қимматбаҳо тош – лаълга айланиб қолади. Агар оқ мўйни суркаса асл ҳолига қайтади. Заҳҳокнинг берган маслаҳатларига амал қилган Анжум пари ўз мақсадига эришади.

Бирор нарса ёки жонзотга теккизганда (ёки суркаганда) унинг шаклини ўзгартирадиган ғаройиб мўй, куш пати ўзбек халқ эртаклари ва достонларида магик хусусиятга эга бўлган сеҳрли ашёлардан бири сифатида қўлланилган анъанавий мифологик деталлардан бири бўлиб, эпик қаҳрамонга кўмаклашувчи ҳомий кучларга алоқадор мифологик тасаввурларни ўзида акс эттирганлиги билан характерланади. Анъанага кўра, ғайриоддий ҳомий томонидан туҳфа қилинган бундай мўй ёки патлар икки хил рангда бўлиб, оқ ва қора, деб талқин қилинади. Масалан, “Тўрўғлининг туғилиши” достонида ҳомий-персонаж қаҳрамонга икки дона пар бериб: “Парларнинг ҳосияти шуки, баданингга суртсанг гоҳи ёш бўласан, гоҳи қаритобланиб, ҳар хил одам бўлиб қоласан. Оқ парни баданингга суртсанг қора одам, қора парни суйкасанг қора соқол бўлиб қоласан”, – дейди. [13, 137]. Магик хусусиятга эга бўлган сеҳрли пар билан боғлиқ эпик мотивлар бу туркумга мансуб бошқа достонларда ҳам мавжуд. Хусусан, “Хушкелди” достонида эса Қалдирғоч мадон ўз юртига келган қари чол

Гўрўгли эканини билиб, ёқасидан тутиб, Хунхоршоҳнинг хузурига олиб боради. Хунхоршоҳ бу чолнинг Гўрўгли эканига ишонқирамаганида Қалдирғоч мастон шундай дейди: “Хў, Хунхор, бунинг иккита пари бор, қадимги хосиятли йўқ бўлиб кетган қушларнинг нусхаси. Оқ парни бетига суйкаса, шундай чол бўлади. Қора парни бетига суртса, йигит бўлади. Шундай қилиб, оқ парни юзига суйкаб, бобо бўлиб юрибди. Агар шундай қилмаса, буни ҳамма таний беради-да”. [14,300].

Кўринадики, “Гўрўгли” туркуми дostonларида қўлланилган оқ ва қора пат мифологемаси ўзининг эпик сюжетдаги вазифаси ва хусусиятларига кўра “Шахриёр” дostonида Захҳокнинг Анжум парига берган оқ ва қора мўйи билан муштарак жиҳатларга эга. Уларнинг бари эпик қаҳрамонга ўз кўринишини ўзгартириш имконини берувчи, унга магик хусусият бахш этувчи, бахт ва омад келтирувчи восита вазифасини бажаради. Ўзбек халқ сеҳрли эртақлари ва дostonларида қаҳрамоннинг бу гаройиб ашёга эга бўлиши лавҳаси ҳам турлича мотивлаштирилган бўлиб, эпик ҳомийларнинг эҳсони, афсонавий қуш томонидан попонларининг қутқарилиши эвазига берилган ҳадя ёки бевосита топиб олинган нарсаси сифатида талқин қилинади.

“Авесто” талқинида, Варағн қушнинг пати туфайли Фаридун уч бошли Захҳокни мағлуб қилган. Чунки бундай пат соҳибига ҳеч қандай ёвуз куч дахл қилолмайди. “Шахриёр” дostonида эпик қаҳрамонга ҳомий-персонаж Захҳок томонидан ҳадя этилган сеҳрли мўйлар ҳам Варағн қушнинг пати сингари магик хусусиятга эга. “Авесто”даги Фаридун сеҳрли патлар кўмагида аждаҳони маҳв этгани каби Анжум пари ҳам ўз мақсадига эришишда, яъни Аспи Жаҳонгир ҳамда булбулиғўни қўлга киритиб, тошга айланиб қолган акаси Шахриёрни халос қилишда ана шу мўйларнинг сеҳрли-магик хосиятидан фойдаланади.

Хулоса қилиб айтганда, “Қоракўз ойм” ва “Шахриёр” дostonларида қўлланилган мифик образ ва мифопэтик деталлар биринчидан, ушбу эпик асарларнинг юзага келишига асос бўлган сюжетнинг ғоят қадимийлигини билдирса, иккинчидан, халқимизнинг эртақчилик анъаналари, айниқса, сеҳрли-фантастик эртақларга сингиб кетган асотирий қатлам халқ эпосига кучли таъсир кўрсатганлигига ёрқин далил бўла олади.

АДАБИЁТЛАР

1. “Шахриёр” (дoston) // Ошиқнома / Хоразм дostonлари. Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова, С.С.Рўзимбоев. – Урганч, 2005.
2. «Шахриёр олам» (Хоразм халқ дostonи). Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Ҳ.Абдуллаев. – Тошкент, 2006.
3. Рўзимбоев С. “Шахриёр” дostonининг ўзбекча қўлёзма варианти ҳақида // Адабий мерос. – Тошкент, 1981. 2-сон; Яна ўша. Ўзбекские варианты дастана “Шахриёр” // Вестник Каракалпакского филиала АН Республики Узбекистан. – Нукус, 1983. – №2.
4. Рўзимбоев С. “Шахриёр олам” дostonининг нашри ҳақида // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2009. – 5-сон..
5. Абдуллаев Ҳ.Д. Ўзбекско-каракалпакские фольклорные связи. – Ташкент: «Фан», 1991.
6. Абдуллаев Ҳ. Эзгуликни қуйловчи дoston // Шахриёр олам (Хоразм халқ дostonи). – Тошкент, 2006.
7. қ.: Рўзимбоев С.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили (“Шахриёр” ва “Маликаи Завриё” дostonлари мисолида): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2000.
8. Эгамбердиева Г.М. Эртақ тип сюжетли Хоразм дostonлари поэтикаси: Филол. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 2005.
9. “Қоракўз ойм”. “Гулруҳ пари” / Ўзбек халқ дostonлари. Нашрга тайёрловчилар М.Муродов, Н.Сабуров. – Тошкент: «Фан», 1967.
10. Матназар Жаббор ўғли. Қоракўз ойм“ (дoston) // Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 13-жилд. Нашрга тайёрловчи: Маматқул Жўраев. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги НМИУ, 2018.
11. Ахметьянов Р.Г. Общая лексика духовной культуры народов Среднего Поволжья. –М.; «Наука», 1981.
12. Ипак йўли афсоналари / Жой номлари билан боғлиқ афсона ва ривоятлар (Тўплаб, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев. – Тошкент, «Фан», 1993.
13. “Гўрўглининг туғилиши” / дostonлар. ЎХИ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967.
14. Эргаш Жуманбулбул ўғли. “Далли”. “Хуш келди” /дostonлар. ЎХИ. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

Резюме: Мақолада халқ арасида кең тарқалган «Шәрияр» дэстанының өзгешеликлери хэм мифологиялык тийкарлары, бул сюжеттиң Хорезмлик бахсылар эпикалык репертуарында көрсетилген ауыз еки вариантының көркемчилиги ҳаққында сөз етилиди.

Резюме: Мақолада халқ орасида кенг тарқалган «Шахриёр» дostonининг ўзига хос хусусиятлари ва мифологик асослари, мазкур сюжетнинг хоразмлик бахшилар эпик репертуарида қайд этилган оғзаки вариантнинг бадиияти хусусида сўз юритилади.

Резюме: В статье речь идет о своеобразии и мифологических основах сюжетной структуры дастана «Шахриёр», а также дан сопоставительный анализ данного сюжета с сюжетом устного варианта дастана, имеющее место в репертуарах хорезмских бахши-сказителей.

Summary: The article studies the history of the development of the Tashkent police school and the initial stage of its activities, as well as during the Second World War. Based on the actual state and government documents, the author carried out a thorough analysis of activities to protect state and public order.

Таяныш сөзлөр: эпик сюжет, романтикалык эпос, мотив, мифологиялык сүүретлеў, фольклорлык байланыслар.

Таянч сўзлар: эпик сюжет, романтик эпос, мотив, мифологик ифода, фольклорлик алоқалар.

Ключевые слова: эпический сюжет, романтический эпос, мотив, мифологическое изображение, фольклорные связи.

Key words: epic plot, romantic epic, motive, mythological image, folkloric connections.

O'ZBEK VA QORAQALPOQ TILLARIDA TURLI OBYEKT ASOSIDA SHAKLLANGAN FRAZEOLIGIZMLAR KOMPARATIVISTIKASI

Abdullayev Sh.D.

Qoraqalpoq davlat universiteti

Ma'lumki, frazeologizmlar badiiy asar qimmatini oshirishda muhim o'rin tutadi. Yozuvchi va shoirlar frazeologik birliklarni o'z asarlarida qahramon xarakteri va holatlarini ochishda ishlatadilar. Voqea-hodisalarni tasvirlashda o'quvchiga estetik zavq berishda ulardan mohirona foydalanadilar. Har bir yozuvchining frazeologizmlarni qo'llashdan maqsadi bo'ladi. Iboralarning boshqa tillarda ifodalashda ikkala til vositalari, til xususiyatlari, ekvivalent yoki muqobil variantlaridan foydalaniladi. Frazeologizmlar xalq madaniyati, urf-odat va an'analari, turmush tarzini o'zida aks ettiradi. Chunki har qanday frazeologizm o'sha xalqning turmush sharoiti, udumlari bilan bevosita bog'liq bo'ladi. Frazeologizmlarning kelib chiqish omillari ham har bir xalqning o'ziga xosdir. Masalan, ruslarda o'z holicha qiynalmoq, ezilmoq ma'nosini anglatuvchi *вариться в собственном соку* iborasi ishlatiladi [1, 30]. O'zbeklarda esa u o'z yog'iga o'zi qovurilmoq variantiga ega.

Ushbu ibora qoraqalpoq tilida *o'zini jaqqan otina o'zi jiliniw* shaklida uchraydi. Demak, har bir tilning o'ziga xos iboralar manbai mavjud. Ko'rinish turibdiki, uchala tildagi ibora shaklan farq qilsa ham, mazmunan bir-biriga juda yaqin. Ruslar iborasi asosida «сок» (sharbat), o'zbeklarda «yog'», qoraqalpoqlarda esa «ot» so'zlari qo'llangan. Qoraqalpoq tilida bu iboraning yana *obal-sawabi o'zine, o'z jugin o'zi koteriw* sinonimlari ham mavjud.

O'xshashlik qarindosh yoki o'zaro yaqin tillar orasida kuchli bo'ladi. Shu jihatdan olib qaraganimizda, o'zbek va qoraqalpoq tillaridagi iboralar va ularning variantlari, variantlar tarkibidagi komponentlarga e'tibor berish lozim.

Qoraqalpoq tilida *dunyadan qaytgan* iborasi obrazlilik, ta'sirchanlikni oshirish maqsadida ishlatilib, o'lmoq, vafot etmoq ma'nosini anglatadi. Masalan, «*Bunnan soñ kóp uzamay biyshara ğarri menen kempir dunyadan qaytqan*» (Qaraqalpoqnoma).

O'zbek tilida bu frazeologizmining *ko'z yummoq, ko'zi yumildi, dunyodan ko'z yummoq, dunyodan ketmoq, dunyodan o'tmoq, olamdan o'tmoq* kabi variantlari *o'lmoq, qazo qilmoq* ma'nolarida qo'llaniladi. Matnda bu frazeologizmlarning variant va sinonimlarini biri o'rnida ikkinchisini ishlatish kutilgan natijani beradi. O'zbek tilida qoraqalpoqcha frazeologizmining quyidagicha ekvivalenti mavjud: «*Oradan sal o'tmay, bechora chol-kampir ham bu dunyodan ko'z yumibdi...*» (Qaraqalpoqnoma).

Dunyodan ko'z yumibdi frazeologizmi qoraqalpoqcha *dunyadan qaytgan* iborasi anglatgan ma'noni to'la ifodalagan. Iboralar ikkala tilda ikki obyekt asosiga qurilgan bo'lsa-da, semantik umumiylikka ega.

Qoraqalpoq tilida qarab turishiga qaramasdan, sezdirmasdan bir ish qilmoq ma'nosida *kózin alip* frazeologizmi qo'llaniladi: «*Amanliq qizdín kózin alip, Mamanga im qagıp «gáp ayt, amanbisañ ayt» degen isharat bildirdi*» (Mamanbiy ápsanasí). O'zbek tilida *kózin alip* frazeologizmining *ko'z* so'zi asosida shakllangan *ko'zini shamg'alat qilib* varianti mavjud. Ibra kuzatib turganiga qaramay sezdirman holda, bildirmay, chap berib ma'nolarini bildiradi. Qiyoslash shuni ko'rsatadiki, bu frazeologizm shaklan farqlansa-da, mazmunan bir xillikka ega. Masalan: «*Omonliq qizning ko'zini shamg'alat qilib, Mamanga: «Bir narsa de, tiling bormi», deb ishora qildi*» (Mamanbiy afsonasi). Demak, o'zbek tilida ham, qoraqalpoq tilida ham sezdirmasdan bir ish qilmoq ma'nosini ifodalovchi, asosi *ko'z* so'zi bilan bog'liq bo'lgan obrazli til birligi hisoblangan frazeologizm qo'llanadi. Kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, bu ikki frazeologizm bir-birining ma'nosini to'la aks ettiradigan variantdosh iboralar hisoblanadi.

Aynan bir xil ma'noni ifodalaydigan frazeologizmlar, shuningdek, ba'zi maqollarning shakli aynan muvofiq kelsada, birikmaning asosini tashkil etuvchi so'zlar boshqacha bo'ladi yoki asos (obyekt) mos tushadi. Lekin ular shaklan tafovut qilishi mumkin. Bunday frazeologizmlarning ichki semantikasi bir xil yoki bir-biriga yaqin bo'ladi. Demak, ularni birining o'rnida ikkinchisini qo'llash yoki tarjimada berish mumkinchiligi tug'iladi. Chunki bunday frazeologizmlar bir-birining o'rnini to'la bosa oladigan muqobil variantlardir.

Qoraqalpoqcha frazeologizmlarning o'zbekcha muqobil variantlari ko'plab uchraydi. Masalan, *awzi jehil* frazeologizmining qo'llanishini kuzatamiz: «*Awzi jehilleri xandi sirtin sókti de, bazilari miynette xaliq qatori, izzette qul qatori ekenin aytisip, óz-ara giyne qilisti*» (Mamanbiy ápsanasí).

Awzi jehil frazeologizmi sir saqlay olmaydigan, hamma narsani aytib qo'yadigan ma'nosida qo'llanganligi matn mazmunidan ham seziladi. Ushbu qoraqalpoqcha iboraning o'zbekcha varianti mavjud bo'lib, uning ma'nosini to'la ifodalaydi: «*Og'zi bo'shroqlari xonni orqasidan rosa so'kishdi, ba'zilar mehnatda xalq qatori, izzatda qul qatori ekanliklarini aytib, o'zaro ginaxonlik qilishdi*» (Mamanbiy afsonasi).

Ma'lumki, o'zbek tilida *og'zi bo'sh* frazeologizmi eshitgan bilgan narsasini birovga aytib qo'yadigan, sir saqlay olmaydigan ma'nosida ishlatiladi. Sh.Rahmatullayevning frazeologik lug'atida ham *og'zi bo'sh* shaklida berilgan bo'lib, ko'rgan-bilganini sir saqlay olmaydigan, birovga aytib qo'yadigan tarzida izohlangan [2]. O'zbekcha muqobilida ham qoraqalpoqcha frazemadagi g'oya, mazmun to'la ifodasini topgan. Demak, o'zbek va qoraqalpoq tillarida *awzi jehil* – *og'zi bo'sh* frazeologizmlari bir xil semantik mazmun kasb etadi.

Yana qoraqalpoq tilida *awiz* so'zi bilan bog'liq *awzinan sarisi ketpegen* somatik iborasi yosh, tajribasi yo'q, g'o'r ma'nolarida ishlatiladi. Masalan: «*Ele awzinan sarisi ketpegen palapan! Ákesi ushin jani ashimasa perzent boldima?*» (Mamanbiy ápsanasí). Ko'rinish turibdiki, frazemadan matn mazmunining ta'sirchanligini oshirish, emotsional-ekspressiv bo'yoqdor qilib tasvirlash maqsadida foydalanilgan. Qoraqalpoq tilida iboraning *sarisi awzinan ketpegen* varianti ham mavjud bo'lib, yaxlit semantik uyaga mansubdir.

Awzinan sarisi ketpegen iborasining *ona suti og'zidan ketmagan* o'zbekcha muqobili ham hali yosh, tajribasiz ma'nosida ishlatiladi. Misolga murojaat qilamiz: «*Hali ona suti og'zidan ketmagan go'dak-ku! Otasi uchun yuragi*

achishmasa, farzand bo'ldimi?» (Mamanbiy afsonasi). Demak ikkala tilda ham hali yosh, tajribasiz bo'lmog' ma'nosida o'ziga xos obrazli til birligi, varianti mavjud bo'lib, ular asar g'oyasini, mazmunini ta'sirchan qilib tasvirlash imkonini beradi.

Inson tana a'zolari nomlaridan tarkib topgan frazeologizmlar o'zbek va qoraqalpoq tillarida ancha miqdorni tashkil etadi. Qoraqalpolarda *jurek* so'zi bilan bog'liq *juregi qabig'ingan shiga jazlap* frazeologik birikmasi - qattiq qo'rqib ketmog' ma'nosida ishlatiladi. Masalan: *«Tañ namazina daret aliwga shiqqan payitta darwazağa taqalip qalğan kóp attini kórip, juregi qabinan shiga jazlap, mis qumani qolınan túsip ketti»* (Baxitsizlar). Bu frazeologizmning o'zbekcha yuragi yorildi, yuragi chiqib ketdi, yuragi shuv etib ketdi yoki yuragi qinidan chiqayozdi kabi ekvivalenti mavjud bo'lib, ular ma'nolari qoraqalpoqcha ibora ma'nosini to'la ifodalay oladi. Qoraqalpoqcha iborani o'zbekchada yuragi yorilmoq o'xshashi bilan ifodalash mumkin: *«Bomdod namoziga tahorat olgani tashqariga chiqqanida darvozaga yaqinlashib qolgan talay otligni ko'rib, yuragi yorilay dedi, mis qumg'on qo'ldan tushib ketdi»* (Baxitsizlar). Kuzatiladiki, qoraqalpoqchadagi ibora anglatgan ma'no o'zbekcha variantida ham to'la aks ettiriladi.

Qoraqalpolqlar o'z tilida yana inson tana a'zosi bilan bog'liq *qol jabatugin* frazeologizmini ishlatadi. Frazeologizm yordamga muhtojligini bilib ko'mak berishga tayyor ma'nosini anglatadi. Iboraning ma'nosini yanada oydinlashtirish uchun misolga murojaat qilamiz: *«- Ulli Muxammed Raxim xanniñ bizge qol jabatuginina kewlim qappasa, usi islerdin basina bararmedim?»* (Baxitsizlar). Matndan seziladiki, ibora Muhammad Rahimxonning muhtojlikni ko'rib yordam berishga tayyorligi ma'nosida ekanligini tushunamiz. *Qol jabatugin* frazeologizmining o'zbek tilida yordam qo'lini cho'zmoq muqobili mavjud. O'zbek tilida bu ibora frazeologik lug'atlarda qoraqalpoqcha muqobili ifodalagan ma'noga yaqin tarzda izohlangan. Jumladan, o'zbek tilining frazeologik lug'atida yordam qo'lini cho'zmoq [2, 88] deb berilib, muhtojligini ko'rib, ko'maklashishga tayyor ekanini bildirmoq deb tushuntirilgan. Iboraning variantlari sifatida *madad qo'lini uzatmoq; yordam qo'li uzatilsa* keltirilgan. Misol keltiramiz: *«- Ulug' Muhammad Raxim xonning bizga yordam qo'lini cho'zishiga ko'zim yetmaganida shu ishlarga bosh qo'shgan bo'larmidim?»* (Baxitsizlar). O'zbekchada ham iboradan anglashilgan ma'no to'la va yorqin aks etgan. Demak, ikkala tilda ham yordam berish, ko'maklashish ma'nolarida obyekt *qo'l* so'ziga asoslangan frazeologizmlar bir semantik uyaga mansub hisoblanadi.

Qoraqalpoq tilida *yni keliw* frazeologizmi biror ishni bajaradigan vaqtning qulay kelishi, o'rni kelgan payt ma'nolarini anglatadi: *«- Mende sağan sóz aytiw ishteyi joq, yni kelip tur, sóylep qal»* (Baxitsizlar). Undan asarda emotsional-ekspressivlikni oshirish uchun foydalanilgan. Bu iboraning o'zbekcha mavridini topmoq varianti qo'llaniladi: *«-Menda sen bilan gaplashish ishtiyoqi yo'q, mavridini topding, gapirib qol»* (Baxitsizlar). *Mavrid* – asli arabcha so'z bo'lib, biror ishning amalga oshishi yoki oshirilishi uchun qulay vaqt, payt, fursat ma'nolarini anglatadi [3, 518]. Masalan: *Shu mavridda. Mavridi kelganda*. Demak, matnda *mavridini topmoq* iborasi qulay fursat, qulay payt topish ma'nosi bilan qoraqalpoqcha frazeologizm ma'nosi bir-biriga yaqin.

Awizi ala boliw iborasi qoraqalpoq tilida kelisholmaslik, o'zaro chiqisha olmaslik kabi ma'nolarni ifodalovchi turg'un so'z birikmasi hisoblanadi. Ammo yozuvchi bu iborani xuddi shu shaklida qo'llamasdan, uning variantini ishlatgan holat kuzatiladi: *«Bul xaliqtin azlig'i, onin ustine kop uriwga bolingen ala-awizliginin sebebinen jiygan-tergenlerin kushliler basip ala bergen»* (Qaraqalpaqnoma). Ko'rinadiki, frazeologizm shakliy o'zgarishga uchragan. Ammo bu frazeologizmning semantikasiga ta'sir etmagan. Yozuvchi frazeologizmga ijodiy yondashib, shu shaklda ishlatgan. Fe'l ibora sifat ibora shaklini olgan: *awizi ala boliw* – *ala awiz*. Bu frazeologik birikma qoraqalpoq tili lugatlarida *ala-awizlilik* tarzida berilgan [4, 69]. U qarama-qarshilik, bir-biriga ishonmaslik, totuv bo'lmaslik ma'nosida izohlangan: *«Bir awizliq har maqsetti boldirar, Ala-awizliq orta jolda qaldirar»* (Maqol). Iboraning salbiy mazmunda ishlatilishi *ala* so'zi bilan bog'liq.

Awizi ala (boliw) frazeologizmining o'zbek tilida *ola qaramoq* varianti mavjud bo'lib, u ikkita ma'noga ega: 1) (Erkak ayolga) jinsiy talabni qondirish istagi bilan munosabatda bo'lmog'; 2) yoqtirmaslik, dushmanlik tuyg'usi bilan munosabatda bo'lmog' [2]. Ko'rinadiki, iboraning ikkinchi ma'nosi qoraqalpoqchaga yaqin. Shu boisdan bu iboralar shaklan farq qilsada, mazmuni bir-biriga yaqin frazeologik birliklar hisoblanadi. O'zbek tilining izohli lug'atida *ola qaramoq* iborasiga 1) ko'zlarini olaytirib, o'qrayib qaramoq; 2) yomon niyat, yomon ko'z bilan qaramoq, ko'z olaytirmoq; 3) dushmanlik bilan qaramoq, bir tekisda, baravar ko'rmaslik [5, 110] tarzida izohlar berilgan. Qoraqalpoqcha matnda qo'llangan *ala awizligi* iborasining anglatgan ma'nosiga o'zbekcha *ola qaramoq* variantining uchinchi ma'nosi to'g'ri keladi. Masalan, *«Bu xalqning ozligi, nochorligi, ustiga ustak, ko'p urug'larga bo'linganligi sabab, bir urug'ining boshqasiga ola qaraganligi tufayli yiqqan-terganlarini kuchlilar bosib olaverganlar»* (Qoraqalpoqnoma). Ko'rinadiki, *ola qaramoq* frazeologizmi matnda *ola qaraganligi* tarzida morfologik o'zgartirish bilan qo'llangan. Iboraning qaramoq komponentidagi *-moq* infinitiv fe'l shakli *-gan* sifatdash qo'shimchasi bilan almashtirilib, morfologik variant shaklida berilgan. Demak, yuqoridagi fikrlarga asoslanib, *awizi ala boliw* va *ola qaramoq* frazeologizmlarini muqobil frazeologizmlar sirasiga kiritish mumkin.

Isi nasirga shabiw iborasini badiiy asarlarda ko'p uchratish mumkin. Quyidagi matnda uning boshqa varianti qo'llangan: *«... sózdi bolip Aleksey Ivanovich Butalov, - isin nasirga shaptiratugin boldi-aw! (O.Bekbaulov)*. Ikkala variant ham bir xil ma'no ifodalaydi. Yana bir misol keltiramiz: *«Islerimnin izi nasirga shappasa dep qorqaman» deydi basliq jilamsirap»* (Qaraqalpaqnoma). Frazeologizm matnda leksik o'zgartirish orqali qo'llangan bo'lib, tarkibidagi *is* so'zi *iz* so'zi bilan almashtirilgan. Ammo ma'nolari orasidagi bog'liqlik saqlangan.

Ko'rinadiki, frazeologizm matnda inkor ma'nosida ishlatilgan. O'zbek tilida *isi nasirga shabiw* frazeologizmi ma'nosida *chuv* *chiqdi* iborasi ishlatiladi. U noto'g'ri, nomaqbul ekani ma'lum vaqt o'tgach ma'lum bo'ldi ma'nosiga ega. Qoraqalpoqcha iborani o'zbek tilida quyidagicha berish mumkin: *«Bir kunmas, bir kun ishlarimning chuv* *chiqmasa deb qo'rqaman... deydi yig'lamsirab»* (Qoraqalpoqnoma). O'zbek tilining izohli lug'atida *chuv* *chiqmoq*

iborasi siri ochilmoq; yolg'oni fosh bo'lmoq [6, 513] deb keltirilgan. Ammo ikkala matnda ham ibora bo'lishsiz shaklda ishlatilgan.

Yana bir frazeologizmga e'tibor beramiz: *"Degen menen jaslardi sínaw májlisine shekem awizi bir siyaqli bolip júrgen biylerdiñ Maman saylangannan keyin toyga qaramay ketgenine hayran"* (Mamanbiy ápsanasi).

Awizi bir boliv iborasi qoraqalpoq tilida totuv, o'zaro do'stligi mustahkam, kelishib ish qilmoq kabi ma'nolarni anglatadi. Uning *awiz birshilik* varianti ham bor. O'zbek tilida bu frazeologizmning *bir yoqadan bosh chiqarmoq* muqobili ishlatiladi. Masalan: *"Unday desa, yoshlar yig'inigacha bir yoqadan bosh chiqarib turgan biylar Maman saylanganidan nega to'yga qolmay ketib qolishdiyin?"* (Mamanbiy afsonasi). Bu ibora ham qoraqalpoq tilidagidek hamjihat bo'lmoq, yakdil bo'lmoq, birgalashib ish yuritmoq ma'nolarini bildiradi. O'zbek tilida uning *bir jon-bir tan bo'lmoq* sinonimi ham bor.

Qoraqalpoq tilida somatik iboralar ichida *og'iz so'zi* bilan bog'liq *awiz(lar)in iyiskew* frazeologik birikmasi bor. U qandaydir yo'l bilan fikr-o'y, niyatini bilishga intilmoq ma'nosida qo'llanadi: *"Basqashalaw jol menen-aq bas biylerdiñ awizlarin iyiskegen jon"* (Baxtsizlar).

O'zbek tilida uning *og'iz* obyektiga asoslangan ekvivalenti qo'llanilmaydi. Lekin uning ma'nosini to'la qoplaydigan *qo'yniga qo'l solmoq* varianti mavjud. Masalan: *"Bosh biylarning qo'yniga qo'l solib ko'rish mumkin"* (Baxtsizlar). Bu ibora lug'atlarda fikr-niyatini bilishga harakat qilmoq ma'nosida izohlanadi. Ikki tilda ham ibora obrazli vosita sifatida ishlatiladi. Demak, tarjimada ulardan foydalanish mumkin.

Quyida ishi gumanli gim etiw frazeologik birikmasi ta'sirchanlikni, hissiy-bo'yodkorlikni oshirish maqsadida obrazli til vositasi sifatida qo'llanilgan: *"Shayirdiñ Gúliybağa shigargan qosigina eligip tinlagan qaziwshilar Xojanazardiñ hareketine heshteñe demese de, Ernazar alakozdiñ ishi gumanli gim etip, ga ulina, ga Gúliybağa qaradi, biraq ekewiniñ júzinen de óziniñ kewlindegidey sezikleniw izin ańgarmadi"* (Tusiniksizler). *Ishi gumanli gim etip* frazeologizmi anglatgan ma'noni matn mazmunidan kelib chiqib, shunday izohlash mumkin: biron narsadan hadiksirash, kechinmalarning zo'ridan bezovta bo'lmoq. Ushbu iborani o'zbek tilida quyidagi muqobili bilan ifodalash mkumkin: *"Shoirning Gulzeboga to'qigan qo'shig'ini sel bo'lib eshitib o'tirgan qazuvchilar Xo'janazarning bu ishiga e'tibor berishmagan bo'lsa ham Ernazar olako'zning yuragini shubha kemira boshladi. U bir o'g'liga, bir Gulzeboga qaradi, biroq ikkalalarining ham chehralaridan o'zining gumonini tasdiqlaydigan nishona topmadi"* (Gumrohlar). Yuragini shubha kemirmoq frazeologizmi matnda kechinmalarning zo'ridan bezovta bo'lmoq, hayajon aralash hadiksirash ma'nolarini anglatib kelgan. Ko'rinadiki, frazeologizmlar ikki tilda shaklan farq qilsa-da, mazmunan muvofiq keladi. Demak, qoraqalpoqcha *ishi gumanli gim etip* va o'zbekcha *yuragini shubha kemirib* frazeologizmlari o'zaro muqobil bo'la oladi.

ADABIYOTLAR

1. Джумамуратов Т. Русско-каракалпакский фразеологический словарь для школьников. – Нукус, 1985.
2. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. –Тошкент, 1992.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. –Тошкент, 2006.
4. Каракалпак тилининг түсіндірме сөзлігі. I том. -Некис: «Қаракалпакстан», 1982.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учінчи жилд. –Тошкент, 2007.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тўртінчи жилд. –Тошкент, 2008.

Rezyume. Maqalada ózbek hám qaraqalpaq tillerindegi belgili bir topargá tiyisli frazeologizmler salistirmalı türde úyrenilip, olardıñ qalıplesiw tiykarları, sonnan, ob'ekti hár qiyli bolğan frazeologizmlerdiñ semantikalıq ózgeshelikleri, sonday-aq, bunday frazeologizmlerdiñ awdarmada beriliwi máseleleri úyrenilgen.

Резюме. Статья посвящена сравнительному изучению фразеологизмов определенной группы узбекских и каракалпакских языков и основ их формирования, в частности семантических особенностей фразеологизмов на основе различных объектов, а также интерпретации таких фразеологизмов.

Summary. The article is devoted to a comparative study of the phraseological units of a certain group of Uzbek and Karakalpak languages and the foundations of their formation, in particular, the semantic features of phraseological units based on various objects, as well as the interpretation of such phraseological units.

Tayanch so'zlar: qiyosiy tilshunoslik, frazeologizm, tarjimon mahorati, frazeologizmlar semantikasi, o'xshashlik, muqobil.

Ключевые слова: сравнительная грамматика, фразеологизм, семантика фразеологизмов, сходство, эквивалент.

Key words: comparative grammar, phraseological, phraseological, semantics, similarity, equivalent

О ВЗАИМОСВЯЗИ ЯЗЫКА И ОБРАЗА МЫШЛЕНИЯ

Кубейсинова Д. Т., Менлимурадова Э.А.

Каракалпакский государственный университет

Язык и мышление тесно связаны друг с другом. Мышление невозможно выразить без языка. Язык является средством выражения мысли. Язык и образ мышления имеют двоякую взаимосвязь. С одной стороны, мы видим мир под углом зрения, подсказанным нашим языком, и принимаем концептуализацию мира, лингвокультуры, то есть язык формирует наш образ мышления. С другой стороны, в языке отражены черты действительности, релевантные для носителей лингвокультуры, иерархия ценностей, образ мышления, эмоциональный склад, а, следовательно, язык является уникальным не субъективным, не спекулятивным источником информации о характерных особенностях народа.

Приведем пример, анализ русской лексики позволяет выявить целый ряд мотивов, устойчиво повторяющихся в значении многих русских лексических единиц и фразеологизмов, которые представляются специфичными именно для русского видения мира и русской культуры. Сюда относятся, например, следующие представления: а) «в жизни всегда может случиться нечто непредвиденное» (*если что, в случае чего, вдруг*), но при этом «все-то все равно не предусмотреть» (*авось*); б) «чтобы сделать что-то, бывает необходимо предварительно мобилизовать внутренние ресурсы, а это не всегда легко» (*неохота, собираться/собраться, выбраться*), но зато «человек, которому удалось мобилизовать внутренние ресурсы, может сделать очень многое» (*заодно*); в) «человеку нужно много места, чтобы чувствовать себя спокойно и хорошо» (*простор, даль, ширь, приволье, раздолье*), но «необжитое пространство может приводить к душевному дискомфорту» (*неприкаянный, маяться, не находить себе места*); г) «хорошо, когда человек бескорыстен и даже нерасчетлив» (*мелочность, широта, размах*).

Что касается без эквивалентной лексики («христосоваться», «пошлость») мы имеем следующие показатели культуроспецифичности слова: - отсутствие его эквивалентов в других языках или разработанность семантического поля, не характерная для других языков; - частотность употребления («родина» - 172 словоупотребления на 1 млн., «homeland» - принцип «ключевого слова» - общеупотребительного, обладающего высокой частотностью, находящегося, как правило, в центре фразеологического семейства, часто встречающегося корня в наречиях, популярных песнях; синонимы: возможно, их лексическое значение аналогично грамматическому значению конструкций. Например: судьба – безличная конструкция. Иллюстрация с ключевыми концептами американской лингвокультуры: challenge, privacy, efficiency, не имеющими прямых аналогов в русском языке, показывает взаимосвязь языка и образа мышления.

«Challenge – задача, проблема, трудность, испытание, вызов – одно из ключевых для формирования и понимания американского национального характера; оно выражает готовность рисковать, чтобы испытать себя, дух авантюризма, стремление к соперничеству». Не укладывается в русскую концептосферу эвфемистическое употребление слова challenged – нетрудоспособный, инвалид. Оно означает готовность бороться с трудностями, бросить судьбе вызов и победить.

